

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш Кўмитаси**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси**

**Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий
маркази**

**МИЛЛИЙ ГОЯ:
ТАРФИБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА АТАМАЛАР
ЛУГАТИ**



**«Akademiya» нашриёти
Тошкент — 2007**

нур

66.3(5У)92


Миллий гоя: тарғибот технологиялари ва атамалар лугати.

«Akademiya» нашриёти, Тошкент, 2007 й.— 352-б.

Миллий гоя мустақиллик йилларида шаклланган, ўзига хос фалсафий асоси, илмий-назарий ва тарихий илдизларига эга бўлган яхлит таълимотдир. Президент Ислом Каримов томонидан яратилган ушбу назария мамлакатимиз тараққиётининг объектив зарурати, жамиятимиз ривожининг қонуний ҳосиласи сифатида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этаёттан халқимизнинг мақсад-муддаолари ва орзу-интилишларини ифодалайди.

Ушбу назариянинг асосий маңбалари, тушунча ва тамойилларининг мазмун-моҳиятига бағишиланган мазкур китобдан тарғибот технологиялари ва атамалар лугати ўрин олган.

Мазкур тўплам миллий гоя масалалари билан шуғулланадиган мутахассислар, ўқитувчилар, талабалар, изланувчи ва тадқиқотчилар ҳамда ушбу соҳа билан кизиқувчиларга мўлжалланган.



10 33370
341

ISBN 978-9943-300-07

© «Akademiya» нашриёти, Тошкент, 2007 й.

I

қисм

ТАРФИБОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

КИРИШ

Кишилик жамияти пайдо бўлибдики, инсон кундалик фаолиятида ривожланиб, такомиллашиб борадиган муайян эътиқодни ифодаловчи гояларга таяниб иш кўради. Одатда бу эътиқод муайян ижтимоий таълимотлар воситасида ифодаланади. Шу маънода, ижтимоий таълимот билан ўзаро боғлиқ бўлмаган бирор кишилик жамиятини топишнинг имкони йўқ. Зеро, кишилар асрлар давомида қарор топган маънавий тажриба, дунёқараш негизида шаклланган маълум мафкурага таяниб, ҳаёт кечириб келишмоқда.

Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси ҳақида гап борар экан, биз ниҳоятда кенг қамровли, мураккаб, серкирра, инсоният тариҳида аниқ ва мукаммал ифодаси, тутал намунаси ҳали ҳануз яратилмаган тушунчаларни ўзимизча тасаввур қилишимиз керак, деб ўйлайман. Бу тушунчалар Ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаронлиги каби юксак гояларнинг маъно-мазмунини теран англабетишига хизмат қиласиди. Бу мафкура ҳалқни — ҳалқ, миллатни — миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ор-номуси, ишонч-эътиқодини ифодалайдиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган гоялар тизимиdir»¹.

Миллий ғоя миллатнинг ягоналиги, яхлитлиги ва бирлигини таъминлайди, барча фуқароларни ягона байроқ остида жиспаштиради, Ватаннинг келажаги порлоқ бўлишига ишонтиради ва оммани истиқболга ишонч билан караб яшашга ундаиди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда миллий гояларни омма онгига сингдиришнинг самарали йўли “миллий истиқлол ғояси” фанини узлуксиз таълим тизимида ўқитиш эканлиги маълум бўлди. Қуйида мазкур фанни ўқитиш жараёнини технологиялаштириш масаласининг назарий ва амалий жиҳатлари хусусида сўз боради.

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 2001, 221-222-бетлар.

«Миллий истиқлол гояси» фанинг ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти

«Миллий истиқлол гояси» фанини ўқитиши талаб даражасида бўлиши учун унинг бошқа ўқув фанларидан (масалан, «Маънавият асослари», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Ватан тарихи», «Сиёсатшунослик» ва б.) фарқини, ўзига хос хусусиятларини назардан қочирмаслик лозим. Бунда шахснинг индивидуаллиги, унинг турмуш тарзи, тили, маънавий даражаси ҳамда умуминсоний қадрияларга нисбатан ёндашиши, ниҳоятда, мухим ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, фуқароларда миллий истиқлол гояси тамойилларини ўзлаштириш силлиқ кечеётган жараён эмас. Бу ҳол таълимнинг турли босқичларида ҳисобга олиниши керак, яъни педагог ҳодимлар миллий истиқлол гоясининг моҳияти, мазмуни ва аҳамиятини чуқур англашлари, уни ўқитишининг замонавий технологияларини тўла ўзлаштирган бўлишлари зарур.

“Миллий истиқлол гояси” фанини ўқитища эришилган дастлабки тажрибаларни ҳисобга олиб, бу борада энг зарур умумий жиҳатлар ҳақида тўхталиш лозим.

Биринчидан, умумназарий жиҳатдан ёндашилганда барча тараққий этган этносларда миллий гоя феномени умумий қадрият сифатида намоён бўлган, бирлаштирувчи, уюштирувчи вазифаларни бажарган. «Америка гояси», «рус гояси», «олмон гояси», «япон гояси» ва ҳоказолар ўша ҳалқлар тарихида қандай роль ўйнаганлигини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Иккинчидан, жаҳон ҳалқлари тафаккури гояшунослигига эришилган тажрибаларни ижодий ўзлаштириш учун миллий тафаккурда шаклланган билимларга таяниш керак. Чунки миллий истиқлол гояси истиқлолни ҳимоя қилиши, мустаҳкамлаши ва ривожлантириши ҳамда мамлакат шаъни, шуҳратини ҳалқаро ҳамжамиятда муносиб ўринга кўтариш, щунингдек, фуқароларни бирлаштириб, эзгу мақсад сари бошлаб бориши лозим бўлган назариядир.

Учинчидан, бунда Президент И.А.Каримов асарларига таяниш ва уларни ўрганиш жараёнида илгари сурилган гоялар мамлакат олдида турган асосий вазифаларни ҳал этишда дастуруламал бўлишини назарда тутиш лозим. Маълумки, И.А.Каримов асарлари нафақат ижтимоий жараёнларнинг ўзбек м-

дели тўғрисидаги гояларни, балки халқаро муносабатлар, минтақавий хавфсизлик масалаларини ҳам ёритгани боис, уларда илгари сурилган қоидалар халқаро жамоатчилик томонидан эътибор билан кутиб олинмоқда.

Тўртинчидан, кутилган натижага эришиш учун мамлакатимиизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислоҳотларга таяниш ва уларнинг натижаларидан зарур даражада фойдаланиш мақсаддага мувофиқдир.

Бешинчидан, ўзбек халқининг қадимий ёзма ва оғзаки адабиёти намуналари (асотирлар, эртаклар, достонлар)дан фойдаланиб, истиқлол гоясининг тарихий негизларини ўрганиш ва асрраб-авайлаш, шунингдек, улуғ ўтмишдошларимиз ҳаётидан ўrnak олишта арзийдиган мисоллардан фойдаланиш лозим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, тарихий ҳақиқатни ўрганиш жараёнида бир томонлама нотўғри тасаввур ҳосил бўлишидан сақланиш лозим. Маълумки, кейинги бир неча асрлар давомида юртимиз худудида юз берган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий инқирозлар натижасида IX-XII асрларда ҳамда буюк Амир Темур бобомиз ва темурийлар даврида юксак тараққиёт босқичларига кўтарилган маданият, илм-фан ривожи таназзули юз берди. Миллий маънавиятимиз аввалига ақидапарастлик, хурофотчилик, кейинроқ эса мустамлакачилик қурбонига айланди. Узоқ йиллар мобайнида ўтмишимииз сохта мафкуравий мезонлар асосида ўрганилди.

Шу боис, мазкур ҳолатни мушоҳада этишда «ўта илмий ёндашиш» ёки ҳаддан ортиқ формал мантиққа зўр бериш керак эмас. Бу ҳар бир ўқитувчи, мураббий, маърузачи ва амалий машғулот олиб борувчидан ҳаётни чукур билиш, ютуқ ва камчиликларни теран англаш ва таҳлил этишни талаб қиласди.

Маълумки, педагогикада ўқитишни бир қолипга солиб кўймаслик доим уқтириб келинади. Чунки бу онг ва тафаккур ривожига салбий таъсир кўрсатади. Ҳолбуки, ёшларда фикр ва қарашлар хилма-хиллигига эришиш ўқитишдан кўзлаган асосий мақсадлардан биридир. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, ёшларда эркин ва мустақил фикрлашни шакллантиришда инсонпарварлик, адолатпарварлик гоялари руҳи билан сугорилган маънавий тамойилларга таяниш лозим. Бу гоялар жамият ривожланишининг асосий омили эканлигини ёшлар онгига сингдиришга эришиш зарур. Бузғунчи, вайронкор гоялар таъ-

сири қучайиши эса барча даврларда ҳам ҳалокатли оқибатларга олиб келганинги алоҳида таъкидлаш лозимдир.

Мустақиллик буюк неъмат эканлигини ёшлар англаб этиши, миллий ғоя уларнинг эзгу эътиқодига айланиши учун ўтган вақт давомида эришилган ютуқлар ҳаётий мисолларда кўрсатилиши ўта муҳимдир. Айни пайтда, мавжуд муаммоларни ҳам атрофлича таҳлил этиш лозим. Чунки бунинг сабабларини билиш ва уларни ҳал этиш учун тўғри ҳамда зарур хулосалар чиқариш мамлакат келажагига ишонч билан қараш туйғусини шакллантиради.

Ўқитиш самарадорлигига эришишнинг асосий масалалари

Миллий истиқбол гоясининг мазмун-моҳияти, тушунча ва тамойилларини ўрганишга киришишда, доимо шуни на- зарда тутиш жоизки, ҳар қандай ғоя сийқалаштирилса салбий натижаларга олиб келиши, оқибатда қадрсизланиши тарихда кўп марта исботланган. Шунинг учун миллий истиқбол гоясининг ҳаётбахш жиҳатларини, ҳалқни бирлаштирадиган тарихий ривожланишининг қонуний ҳосиласи эканлигини талабаларга меъёрий тарзда тушунтириш муҳимдир.

Ўқитиш жараёнида ва машғулотлардан ташқари тадбирларда мамлакатимиз мустақиллиги даври тарихидан, бундан ташқари, бевосита кундалик ҳаётдан, замондошларимизнинг яратувчилик фаолиятидан, қўлга киритаётган ютуқларидан мисоллар келтириш билан ёшларни фанга қизиқишини таъминлашга эришиш мумкин. Бунда оммавий ахборот воситалари хабарлари, жойлардаги уруш ва меҳнат фахрийлари, таникли шахслар билан учрашувлар ҳамда ўқитишнинг янги технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

«Миллий истиқбол гояси» фанини ўқитиш бўйича тўплangan тажрибалар шундан далолат бермоқдаки, илгари собиқ иттифоқ даврида амалда бўлган мафкуравий тамойиллар, машғулотлар олиб бориш усулидан энди бутунлай воз кечиши даркор. Демак, замонавий тафаккур методологияси, илгор педагогик усуллардан фойдаланиш зарур. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Ҳар бир фуқарони ягона Ватан баҳтсаодати учун доимий масъулият сезиб яшашига чорлаш асосий вазифалардандир».

Демак, ғоя аниқ мақсадга хизмат қилиши ҳамда унинг пайдо бўлган жойи ва вақти, ташувчиларининг мақсад-мудда-

олари нималардан иборат эканлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Энг асосийси бу ғояларнинг яратувчаликка, бунёдкорликка ундаши ёки вайронкор эканлигини аниқ билиб олиш зарур.

Ҳозирги даврда вайронкор ғояларга барча соҳалардан истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Миллий истиқлол ғояларини ўзлаштириш ҳеч вақт тазиик остида бўлмаслиги жоиз. Миллий истиқлол ғояси умуминсоний қадриятлар асосида яратилмоқда. Шундай экан, ёшларда мустақил ва тўғри фикрлашни шакллантириш ҳал этилиши лозим бўлган биринчи галдаги асосий вазифа ҳисобланади.

Таълимда тазиикни рад этишдан иккинчи бир масала келиб чиқади. Бу профессор-ўқитувчиларнинг талабалар билан ҳамкорлигини таъминлаш ва такомиллаштириш, улар томонидан бериладиган ҳар қандай «нозик» саволга ҳам хушмуомалалик билан жавоб бериш лозимлигидир. Шунингдек, мулоқотда ҳар икки томонда ҳам фикрларни эркин баён қилиш имконияти мавжуд бўлиши керак.

Президентимиз И.А.Каримов 2000 йил 6 апрелда миллий истиқлол мафкураси концепциясининг асосий тамойилларини яратиш масаласига бағишлиб илмий ва ижодий жамоатчилик вакиллари билан ўтказилган учрашувда сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Бинобарин, мана шу ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлида аниқ мэрраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-кувват манбаи, илмий асос - бу миллий ғоя, миллий мафкурадир Миллий ғоя олдига кўйиладиган талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, аввало, унинг икки суюнган тоғи-таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур. Биринчи навбатда, миллий мафкурамиз халқимизнинг тарихий мероси, азалий анъаналяри, удумлари, тили, дини, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимиз, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланган ҳолда замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган тарзда Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ манфаатлари ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоги даркор»¹.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 2000, 463-466-бетлар.

“Миллий истиқлол ғояси” фанини ўқитиши бўйича қатор китоблар нашр этилди. Республикамиз Президенти улардан биринчисига “Сўз боши” ёзиг берган эдилар. Унда қўйилган масалаларнинг асосий жиҳатлари ва уларни ҳал этиши йўллари белгиланганди. Хўш, Президентимиз И.А.Каримов кўрсатмалари қандай бажарилди? Мазкур соҳада муайян ишлар қилинган бўлса-да, қаноатланарли, деб бўлмайди. Бу, биринчи навбатда, дарслик ва қўлланмаларга тегишилидир. Чунки мазкур фан таълимга жорий қилингандан кейин ўқитиши жараёнини кузатиш, таҳлил қилиш, уни илгор шакл ва усувлар билан бойитиб, мунтазам такомиллаштириб бориш лозим эди.

Маълумки, Президент И.А.Каримовнинг юқорида тилга олинган “Сўз боши”сида «кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намоёндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мағкуруни такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онги ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур», деб кўрсатилади. Бундан келиб чиқиб, таълимнинг барча жараёнларида, албатта, ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда, хусусан, VII-IX синфлар, лицей ва коллежлар ҳамда олий таълимда фаннинг номланишидан тортиб мазмун, мундарижасига танқидий қараб чиқиш лозим бўлади.

Шу ўринда Президент И. А.Каримовнинг маънавий-маърифий соҳа ходимлари ҳам миллий истиқлол ғоясининг фаол тарғиботчилари бўлишга даъват этганига эътиборни қаратмоқ керак. Демак, миллий истиқлол ғояси тарғиботида тегишли тарзда барча ўқув фанлари ўқитувчиларидан фойдаланиш лозим.

Миллий истиқлол ғоясининг эътиқодга айланишида falсафа ҳамда умумгуманитар фанларнинг ўрни

Фалсафа ва умумгуманитар соҳа билимлари восита-сида нафакат ўзбек ва хорижий давлат ҳалқларининг асрлар мобайнида тўплаган маънавий бойликлари, балки умуминсоний қадриятлар ҳамда инсоният тамаддуни эришган ютуқ-

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 2001, 224-бет.

лар ҳам ўзлаштирилади. Шунинг учун бу соҳага оид билимларни ахолининг барча қатламларини маърифатли қилиш, биринчи навбатда, ёш авлодни тарбиялаш вазифасини адо этишга йўналтириш зарур.

Фалсафа ва умумгуманитар фанларнинг муҳим вазифаларидан бири республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни, халқ турмушида рўй берадиган ўзгаришларни кенг, теран таҳлил этиш йўли билан ёшларнинг руҳий-маънавий оламида гоявий бўшлиқ юзага келишига йўл қўймаслиkdir. Бу фанлар ёшларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйгуларини шакллантириши ҳамда уларни маънавий баркамол, мустаҳкам иродали ва соғлом фикрловчи кишилар бўлиб камол топишига хизмат қилиши даркор.

Маълумки, ҳар қандай гоя инсонларнинг муайян манфаати ва мақсади асосида юзага келади. Айни пайтда, гоянинг мазмун-моҳияти шаклланиши ва ривожланишида фалсафа асосий ўрин тутади. Яъни, шахс, ижтимоий гуруҳ ёки тоифаларнинг гоялари жамият мафкурасига айланиши учун у, албатта, илмий-назарий ва методологик жиҳатдан асосланиши зарур. Бу вазифани айнан фалсафа бажаради. Гоя ва мафкурани фалсафий асослаш деганда, инсон, гуруҳ, жамият ёки миллат мақсад-муддаоларини руёбга чиқариш йўлидаги фаолиятни ижтимоий тараққиёт қонуниятларига мос ёки зид келиши кўрсатиб берилиши тушунилади. Бинобарин, гоя ва мафкура фалсафий асослансагина, жамиятдаги кишиларни, турли ижтимоий-сиёсий гуруҳ ва тоифаларни бирлаштириб, улар фаолиятини ҳаракатга келтирувчи кучга айланиши мумкин. Шунинг учун гоя ва мафкурани фалсафадан ажратиб бўлмайди.

Фалсафа фанида миллий истиқбол гоясинииг турли жиҳатларини дунёкараш ва методологиянинг долзарб муаммолари таҳлили орқали баён этиш мумкин. Бунёдкор гоялар, одатда қалби пок, иродаси мустаҳкам, халқнинг муаммоларини тушуниб етадиган, унинг орзу-умид ва мақсадларини ифодалаган кишилар томонидан давр чақириғига жавоб тарикасида илгари сурилади.

Гносеология нуктаи назаридан гоя инсоннинг ўзини англаш ва ҳодисалар дунёсини билиш моҳиятларининг ичига кириб боришини англатади.

Мафкуранинг фалсафий таҳлили шундан далолат берадики, икки хил, яъни фаолиятдаги гоя сифатида узокка

мўлжалланган мақсад ва вазифалар тарзида («Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз») ҳамда муайян ижтимоий гурухлар манфаатларини ҳимоя қилишининг назарий асоси сифатида қаралади.

Дарҳақиқат, миллий истиқлол ғояси дунёни ҳис этиш, дунёни англаш, дунёни тушуниш, ҳайратланиш даражалирида ҳам қараб чиқилиши мумкин. Миллий тиллар аҳамияти тўғрисида гапирганда ҳам истиқлол ғояси масалаларининг маълум жиҳатлари қамраб олинади.

Фалсафанинг бошқа муаммоларга бағишланган қисмларида ҳам миллий истиқлол ғоясининг кўпгина қирралари очилади. Жумладан, фаннинг замонавий ютуқларидан фойдаланиб, истиқлол ғоясининг миллий тамойиллари кўрсатилиши мумкин.

Шунингдек, миллий фалсафа масалалари қараб чиқилганда, дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг ўрни, мамлакатимизда барпо этилаётган жамиятнинг ўзига хос жиҳатлари, ривожланишнинг ўзбек модели моҳияти ва бошқа қатор масалалар ёритилади.

Ватан тарихини ўрганиш талабалар онги ва қалбига миллий истиқлол ғояларини сингдиришнинг ўрни ва аҳамияти каттадир. Ўқитиладиган ҳар бир мавзу миллий истиқлол ғояси билан бевосита боғлиқдир. Кириш қисмидаёқ маълум бўладики, мустамлакачилик даврида ҳалқимиз тарихи сохталаштирилган, бегона ғоялар асосида ёритилган, коммунистик мафкуранинг ташвиқотчисига айлантирилган эди. Эндиғи вазифа Ватанимиз тарихини ҳалқимиз манфаати, миллий истиқлол ғояси қоида ва тамойилларидан келиб чиқсан ҳолда ўргатишни ташкил этиш лозим.

Ўзбекистон тарихи фанида Президент И. А. Каримовнинг «тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу ҳалқ хотираси эканини назарда тутишимиз керак! Хотирасиз баркамол инсон бўлмагани сингари, ўз тарихини билмаган ҳалқнинг келажаги ҳам бўлмайди». «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Тарих сабоқлари инсонни хушёrlикка ўргатади, иродасини мус-таҳкамлайди», деган назарий қараашлари талабаларга сингдирилади.

Мустакиллик даврига қадар яратилган тарихий асарлар, ўкув қўлланмаларида «Ўзбек ҳалқи Улуғ Октябрь инқилоби галабаси натижасида илк бор ўзининг миллий давлатчилигини кўриш имконига эга бўлди» деган сохта гаплар ёзилган. Прези-

дент Ислом Каримов бу ўта жиддий масалага эътибор каратиб, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» асарида шундай деб ёзади: «Ўзбекистонда давлатчилик бўлмаган деб, оркаваротдан ташвиқот юритаётган, керак бўлса, шу фикрни онгимизни сингдирмоқчи бўлаётган, халқаро жамоатчиликни шунга ишонтиришга уринаётган кучлар ҳали бор. Бундай ғаламисларнинг орасида қандай қилиб бўлса ҳам бизни яна собиқ СССРга қайтариш ниятида юрганлар йўқ дейсизми? Ўзбек тарихчиларининг бугунги кундаги асосий вазифаси мана шу даъвонинг пуч эканлигини исботлаш давлатчилигимизнинг илмий нуқтаи назардан асосланган тарихини ёритишдир»¹.

Халқимизнинг ўзлигини англаши, авлод-аждоди кимлиги, насл-насабини билишида совет тарихнавислиги ўзбек халқи тарихини XVI асрда Ўрта Осиёни босиб олган Дашиби Қўйчоқ хонлари тарихи билан боғлаб ёритиш ва ўша замонда ўзбек номи пайдо бўлган деб кўрсатишнинг хатолиги бугун барчага сир эмас. Шундай экан, туркий тилли халқларга мансуб бўлган ўзбек халқининг авлод-аждодлари қадим замонлардаёқ Ўрта Осиё жудудида яшаганлитини, ўзбек халқи бир неча минг йиллик тарихга эга эканлигини унутмаслик лозим. Бу ўринда Президент Ислом Каримовнинг «Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томирларигача назар ташлаймиз» деган сўзларининг маъно-мазмунини талабаларга тушунтириш зарур.

IX-XII асрларда Ўрта Осиё халқлари ҳаётида юз берган Уйғониш даври, фан ва маданият равнақи тўғрисида гапирилганда, аждодларимиз орасидау етишиб чиққан ал-Хоразмий, И мом ал-Бухорий, ал-Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний, Маҳмуд Кошқарий, Аҳмад Яссавий ва бошқа алломаларнинг илмий-маънавий меросини тушунтириш, ёшларда илм-фанга интилиш ҳиссиятларини шакллантириш зарур. Зеро аждодларимиз яратган буюк илмий-маънавий мерос ёшлар учун ибрат мактабидир.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилганидек, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан халқаро майдонда Соҳибқирон Амир Темур ўзининг муносиб ўрнини топди, унинг

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Т., «Ўзбекистон», 1999,139-бет.

тариҳий хизмати қайта тан олинди. Амир Темур ўғитлари ёшларимизни миллий ўзликни англашга, унинг номи ва мероси билан фахрланишга, буюк ўзбек анъаналарининг муносиб давомчилари қилиб тарбиялашга хизмат қиласиди.

Туркистоннинг ҳонликларга бўлиниб кетиш сабаб ва оқибатлари ҳақида тўхтаданда, унинг XVII-XIX асрлар тариҳи мисолида одамларнинг уруғчилик, маҳаллийчилик белгилари орқали бўлиниб кетиши, улар ўртасидаги ўзаро келишмовчилик, низо, урушлар бутун мамлакат, ҳалқнинг парчаланишига, заифлашишига олиб келгани кўрсатилади.

Ўзбекистонда қарийб 130 йил давом этган мустамлакачилик даврига доир мавзуларда ҳалқимизнинг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиши Ватан ҳурлиги учун олиб борилган кураш мисолида талабаларда авлодларни қадрлаш ҳисси шакллантирилалди. Ўзбекистонга бегона ғоя кириб келгани, шовинистик сиёsat юритилгани, аҳолига «большевизм»ғоясини сингдириш борасидаги уринишлар ва уларнинг хунук оқибатлари тушунтирилалди.

XIX асрнинг охири XX аср бошларида Туркистонда бошланган маърифатчилик ҳаракати миллий истиқлоннинг тариҳий-маънавий илдизлари ҳисобланади. Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган маънавий-маърифий юксалиш у билан ўзаро ҳамоҳанглиги ёритилади.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги кўлга киритилишининг амалда тикланишини ёритишида миллий мустақиллик ҳалқимизнинг асрий орзузи эканлиги, ниҳоят, XXI аср бўсағасида шу муқаддас орзу рӯёбга чиққанлиги, жаҳон харитасида яна бир мустақил давлат - Ўзбекистон Республикаси ташкил топганлиги тушунтирилиб, уларда миллий ифтихор, миллий фуур ғоялари шакллантирилалди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган демократик ислоҳотлар, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, миллий ва диний қадриятларимизнинг ҳамда бой маънавий меросимизнинг тикланишига доир тариҳий ютуқларимиз аҳолининг барча қатламларида фуур, ифтихор ҳиссини шакллантиради, уларни «элим деб, юртим деб» ёниб яшашга даъват этади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, ҳалқаро муаммоларни бартараф этиш борасида саъй-ҳаракатлари, хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкор-

ликнинг йўлга қўйилиши ва миллий ривожланиш масалала-рига багишлиланган мавзуларда ҳам ёшлар онгига миллий ис-тиқлол гоялари сингдирилади.

Ўзбек тили ва адабиёти бўйича миллий истиқлол гоясини талабаларга сингдиришда миллий гоя тарихидан маърузалар ўтиш вактида миллий мафкуранинг тарихий-маънавий илдизларининг юзага келиши жараёнинг эътибор бериш лозим. Бунда қомусий сиймолар фаолияти ва меросида акс этган миллий истиқлол гояси билан боғлиқ ҳодисаларни алоҳида таъкидлаш зурур. Масалан, Алишер Навоий ижодини бунёдкорлик гоялари асосида тушунтириши мумкин. Ушбу йўналишда XX аср бошларида вужудга келган жадидчилик ҳаракати ва унинг намоёндалари томонидан миллий истиқлол масаласининг кун тартибига қўйилиши ҳамда уни амалга оширишнинг дастур-йўналишлари ишлаб чиқилганлигига аҳамият каратиш лозим. Ўтган асрнинг 20-30 йилларида шўролар томонидан миллий истиқлол тарафдорлари бўлган жадидчилик ва бошқа тараққийпарвар кучларнинг қатағон қилингани ҳамда унинг хунук оқибатлари ҳақида маълумот берилиши керак.

Миллий туйғуни ҳалқقا сингдирмай туриб, миллий истиқлол гоясини англатиб бўлмайди. Шундай экан, миллий туйғуни шакллантиришда адабиёт ва санъатнинг имкониятларидан кенг фойдаланишни асло унутмаслик зарур.

Миллий истиқлол гоясини давлат тили ҳамда тил истиқлолисиз амалга ошириш мураккаблигини ҳисобга олиб, давлат тилида иш юритиш мамлакат аҳолисининг миллатидан қатъи назар, ҳар бир кишининг кундалик фаолиятига айланиси лозим.

Тил истиқлоли йиллар давомида тилимизга ўрнашиб қолган чет сўзларни ислоҳ қилиш, миллий тилдан онгли равишда истифода қилиш муаммолари ҳам миллий истиқлол ҳодисаси билан муайян боғлиқликда ўрганилиши лозим.

Таълим рус тилида олиб бориладиган ўқув муассасаларида ўзбек тили ва адабиётини кўпроқ қиёсий таҳлил қилиш лозим. Рус тили ва адабиёти мутахассисларини миллий гоя ва истиқлол мафкураси бўйича малакаларини ошириш ва қайта тайёрлаш ўзига хос муаммоларни келтириб чиқаради. Бу жараёнда турли миллат ва ҳалқларнинг миллий фуури ва ифтихори туйғуларини ҳурмат қилган ҳолда иш юритиш керак.

Бунда турли миллатларнинг тили ва адабиёти, уларнинг миллат тараққиётидаги ўрни ҳамда роли кўрсатилган ҳолда

миллий истиқлол гоясига мос келадиган адабий материаллар таҳлили орқали уларга гоя ва мағкурани сингдириш зарур.

Миллий истиқлол гояси бўйича кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш юзасидан қуидаги мавзулар тавсия қилинади:

1. Миллий истиқлол гоясининг тарихий-маънавий илдизлари («Адабиёт назарияси ва ўзбек мумтоз адабиёти» мисолида);

2. Янги ўзбек адабиёти манбалари орқали миллий истиқлол гоясини сингдириш («Янги ўзбек адабиёти муаммолари» фани бўйича XX аср бошидаги жадидчилик ва жадид адабиёти муаммоларини ёритиш мисолида);

3. Истиқлол даврида яратилган шеърий, насрый ва драматик асарлар мисолида миллий туйғуни шакллантириш ва истиқлол гояларини сингдиришга хизмат қилиши мақсадида «Истиқлол даври ўзбек адабиёти» мавзуидан маҳсус курс ўтилишини таъминлаш;

4. «Давлат тили ва миллий тил истиқлоли» мавзууда («Ўзбек тилшунослиги ва тил тарихи» курсидан) маҳсус маъруза тайёрлаш.

Ижтимоий-иктисодий фанларниң гоявий салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш зарурати

«Миллий истиқлол гояси» фани масалаларини талabalарга тушунтиришда кишилар хаётини тўла ўрганадиган ижтимоий имкониятларидан фойдаланиш лозим.

Маънавият асослари ўқув предметида инсон ички дунёси таркибиға кирувчи унсурлар — субъективлик ва идеаллик, инсониятнинг ўз-ўзини англаш шакли, ижтимоий тажрибанинг ички ўзлаштирилиши, инсон ижодийлиги мазмунни, менталитети моҳияти — булар алоҳида олинган миллатга тегишли гоялардан бошқа нарса эмас. Шунинг учун бу фаннинг қарийб барча мавзулари миллий истиқлол гояси асосида талabalар онгига сингдирилиши мумкин.

Сиёсатшунослик фани орқали миллий гоя масалаларини мазкур предметнинг баҳс мавзулари доирасини аниқлашдан тортиб, унинг барча аниқ мавзуларини қамраб олади. Предметга қараб чиқиладиган сиёсий-хуқуқий, сиёсий-маданий, давлатчилик жиҳатлари, ички ва ташқи сиёсат масалаларида миллат, унинг гоявий қиёфаси ҳақида гап боради.

Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти ўқув предметида мамлакатимизда бозор муносаба-

батларига асосланган иқтисодиёт яратиш ва умуминсоний қадриятларни ифодалайдиган кучли, ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамияти қуриш босқичма-босқич амалга оширилаётганини ўрганилади. Кўринадики, бу предмет мавзулари ҳам миллий истиқлол гояларини ёритишида қўшимча имконият яратади.

Миллий истиқлол гояси тушунча ва тамойилларини чукуррок ўзлаштиришни иқтисодиёт назарияси фанида ҳам ўрганиш ҳамда таҳлил этиш зарур. Бунда, айниқса, ҳозирги замон иқтисодий тафаккурини шакллантириш масалаларига эътибор бериш лозим. Чунки, иқтисодиётимизда содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, шу билан бирга, мавжуд муайян қи-йинчилликлар бўйича ёндашувларни мустақил аниқлашлари, амалий фаолиятга тайёр бўлишлари учун мулоҳаза юритиш миллий иқтисодий ривожланишнинг турли концепцияларини баҳолай олишлари лозим.

Мамлакатимизнинг ўзига хос ривожланиш йўли - ўзбек моделинин иқтисодий жиҳатдан тушунтириш орқали миллий гояни сингдириш имконияти, айниқса, иқтисодиёт назариясида бекиёсдир. «Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз, -дейди Юртбошимиз, - республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятлари, анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётимиз бирёклама, бесўнақай ривожланишига барҳам беришга асосланади».

Ўзбек моделини тушунтириш пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиёти, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш экани кўрсатилиб, иқтисодиётни ислоҳ этишининг тан олинган беш тамойили зарур даражада тавсифланади.

Миллий истиқлол гояси фанини ўқитишида педагогика фани талабалар фаолиятини интерфаол усуслар асосида ташкил этишда муайян имкониятларга эга. Бундай усусларга «ақлий ҳужум», «ажурли арра», «танқидий фикрлаш», «мунозара» кабиларни киритиш мумкин. Улар ёрдамида мустақил фикрлашга, тадрижийликка, ўз мавқеини мустаҳкамлашга ва ўзгалар фикрини ҳурматлашга ўргатиш мумкин. Атрофимиизда рўй берадиган воқеаларнинг Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги масалалари билан ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинади.

Истиқлол ғоясини ўзлаштириш мониторинги мезонлари

«Миллий истиқлол ғояси» фани таълим предмети сифатида унинг натижаларини аниқлашнинг алоҳида механизми ишлаб чиқилмаган. Уни ўқитишнинг мониторинги ижтимоий фанларнинг амалдаги назорат тизими билан ифодаланиб келинмоқда.


Биринчидан, ушбу предметнинг ўзига хослиги, даставал, унинг амалий йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Масаланинг ана жиҳатини назарда тутиб, Президент И.А. Каримов шундай деб таъкидлайди: «Мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қати назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан баҳт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш-миллий истиқлол мағкурасининг бош мақсадидир»¹. Кўринадики, бу мақсадга эришиш учун мўлжалланган вазифалар ечими амалиётта чиқиши билан яқун топади. Шунга кўра, тегишли назорат услубларини ишлаб чиқиши талаб этилади.

Миллий истиқлол ғоясининг кишилар фикр-ўйи ва фаолияти асосига айланишига эришиш учун, аввало, ғоя назариясининг ўзи пухта ўзлаштирилмоғи лозим. Бу миллий ғояга бўлган ишонч, эътиқод ҳисобланади.

Иккинчидан, миллий ғояни ўзлаштириш мониторинги жараёнида миллий-маданий меросни билиш даражасини ҳам аниқлаш зарур. Бунда ўзлаштирилган билимлар бевосита ўтмиш ёдгорликларига ҳурмат ва уларни асраб-авайлаш, сақлаб қолишдан иборатдир.

Учинчидан, мамлакат ва унинг ҳалқи тарихини лозим даражада билиш, миллий ғояни асослаш учун бошқа соҳалар маълумотларидан фойдалана олиш ҳамда ғояни сохталашибди ҳар қандай уринишларга қарши муросасиз бўлишdir.

Тўртинчидан, ҳалқ урф-одатлари, анъаналарини чуқур ўрганиш давлат сиёсатининг таркибий қисмига айланганини ҳисобга олиб, ўзини оқлаган барча ҳолатларда ундан ижобий фойдаланишини тақозо этади. Чунки бу «бутун ҳалқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўли-



шига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол то-пишига, ёш авлод юрагидан жой олишига шароит» яратади.

Бешинчидан, тилга эътибор, ҳурмат ва уни чуқур ўзлаштириш орқали миллий гояни билиш даражаси намоён бўлади.

Олтинчидан, ўзбек халқи ўтмишда, айниқса, араб ва туркий сулолалар даврида тутган ўрнини билиш ҳамда диний қадриятларнинг миллий-гоявийлик руҳи билан бевосита боғлиқлигидан кўз юмиб бўлмайди. Демак, бу ҳодисаларга нисбатан холисона муносабат, бағрикенглик қарор топиши лозим. «Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, - дейди И. Каримов, - аввало, Оллоҳ ва унинг расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуг алломаларимиз, улуг имомларимизни тасаввур қиласиз. Мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб, вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Фиждувоний, Замаҳшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улув номлар билан боғлаймиз... Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланаб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди»¹.

Шунингдек, маънавиятнинг бошқа соҳалари, масалан, санъатнинг турли жанрларини замонавий ва миллий талаблар уйғуналигига ўрганиш орқали ҳам миллий истиқлол гоясини кишилар фаолиятини йўналтирувчи омилга айлантириш имкониятлари мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, халқнинг ишонч ва эътиқоди, олий неъматимиз бўлган мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш, асраб-авайлаш омили миллий истиқлол гоясининг асосий аҳамиятини оширмоқда. У миллатларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш, халқларни бирлаштириб турувчи, қолаверса, миллий фуур, ор-номус, қадр-қиммат туйғуларини англаш, қадрлаш, тараққиёт сари жадал интилаётган мамлакатимиз дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига хизмат этадиган омил эканини таъкидлаш лозим.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. -Т., “Ўзбекистон”, 1999, 352-бет.

Олий таълим тизимида ўқитиш технологияси: мазмун-моҳияти, тузилмаси ва таснифи

«Ўқитиш технологияси» атамасининг пайдо бўлиши та-
садиф эмас. Мустақиллик шарофати или барча соҳаларда туб
ислоҳотлар амалга оширилди: мамлакатимизни иқтисодий ри-
вожлантиришнинг ўзбек модели яратилди; кадрлар тайёр-
лашнинг миллий дастури ишлаб чиқилди ва босқичма-босқич
амалга оширилмоқда. Бундай шароитда инсон фаолиятининг
назарий ва амалий қирралари ҳам узлуксиз янгиланиб тури-
ши табиийдир. Педагогик фаолият ҳам алоҳида ва мураккаб
мехнат тури сифатида бундан мустасно эмас. Педагоглар ўз
фаолиятларида кафолатланган натижаларни қўлга киритиш-
га уринмоқдалар.

Табиийки, собиқ шўро таълим тизими маълум стерео-
типларни ишлаб чиқишига йўналтирилган бўлиб, жамиятнинг
янги талаблари учун анъанавий шакл ва методларни қайта
куриш, шу тарзда ёшларнинг мустақил фикрлашига замин
яратишга қодир эмас эди.

Бугун давр ўзгарди, айниқса, замонавий мутахассис та-
лаблар давлат таълим стандартлари доирасида кучайтирил-
ди: мустақил билимларни тўлдириш ва янгилаш кўнимаси,
изланиш олиб бориш, янги ечимлар топиш, ижодкор шахс
бўлиш, мустақил фикр юритиш кабилар шахс сифатлари
таркибиға кириб улгурди.

Бундан ўқитиш жараёнига тегишли қатор ҳолатлар ке-
либ чиқади, чунончи, мустақил таълим салоҳияти кучайди,
якка тартибда ўқитишга эҳтиёж сезиляпти, унинг методоло-
гик аҳамияти ошмокда, ижодий тафаккурни шакллантириш-
га жиддий эътибор қаратилмоқда. Хўш, таълимда изоҳли-
тасвири ёндашув — анъанавий ўқитиш технологик ёнда-
шувга ўз ўрнини бўшатиб бераётгани, яъни ўқитиш жараё-
нини технологиялаштириш XXI асрда устуворлик касб эта-
ётганининг боиси нимада?

Биринчидан, анъанавий ўқитиш ёзма ва оғзаки сўзларга
таяниб иш кўради ҳамда «ахборотли ўқитиш» сифатида тав-
сифланади. Бунда ўқитувчи нафақат талаба-ёшларнинг ўқув-
билиш фаолиятини бошқарувчисига, балки нуфузли билим-
лар манбаига айланиб қолаётганлиги хавфли ҳолатdir.

Иккинчидан, ахборотлар хажмининг кўпайиб бориши, улардан фойдаланиш учун вақтнинг чеклангани ҳамда уларни саралаш ва тизимлаштиришнинг бирмунча мураккаблиги ҳам янгича ёндашувларни тақозо этади.

Учинчидан, саноат ва бошқа технологияларнинг аудиторияга узлуксиз кириб келиши ва жонли ўкув объектларига айланиши ўқитувчининг анъанавий методика доирасидан чиқиб кетишига ва табиий равишда, технологик ёндашувларни кўллашга эҳтиёжни туғдирмокда.

Шундай қилиб, Кадрлар тайёрлаш миљлий дастурида илк бор мамлакатимиз таълим тизимида технологиялаштириш муаммоси давлатнинг муҳим буюртмаси сифатида эътироф этилди: ўкув-тарбия жараёни янги ўкув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланди.

Бугун «ўқитиши технологияси» тушунчаси билан бир қаторда, илмий-методик ва оммабоп адабиётларда “педагогик технология”, “таълимий технология”, “тарбия технологияси” ҳатто “ривожлантириш технологияси” атамалари кенг қўлланилмоқдаки, ҳозиргача улар ўртасидаги фарқли жиҳатлар аниқлангани йўқ.

Технологиялардан таълим соҳасида фойдаланиш муаммолари бўйича адабиётларни ўрганиш шундан далолат беради, мамлакатимизда XX асрнинг сўнгги ўн ийлilikларида, айниқса, мустақиллик йилларида кўплаб катта ишлар (монографиялар, докторлик ва номзодлик диссертациялари, дарслик, ўкув қўлланмалари) амалга оширилди, чунончи, биринчидан, педагог-олимлар муаммога янги тадқиқот предмети сифатида қарашмоқда, бошқа томондан эса, педагогик технологияга оид ягона илмий концепцияни яратишга бўлган уринишлар натижаси дейиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, замонавий ёндашувлар 5-10 йил олдинги қарашлардан тубдан фарқланади.

Йиллар давомида «технология» тушунчасининг ўзи мазмун жиҳатдан ўзгарди: замонавий ёндашувлар учун бирмунча аниқ қарашлар пайдо бўлди. Мисол учун, педагог-тадқиқотчиларнинг кўғчилиги бу тушунчани тарбия ва ривожлантириш соҳасида ишлатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини таъкидлашади. Гап шундаки, педагогик фаолият олдиндан таш-хисли мақсадни ўрнатиш ва унга эришиш йўлларини аниқлаб олишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, вазият

ўқитиши жараёни билан охиригача аниқланган: ўқитиши учун ташхисли мақсадни аниқлаш мүмкін. Бунинг учун талабани касбий фаолиятта тайёрлаш учун зарур ҳисобланувчи талаб этилган ўқув материали ҳажми хизмат қиласи. Бундай мақсадга эришиш якуний назорат ёрдамида кузатилади. Демак, ўқитиши жараёни технологик асосда ташкил этилиши мүмкін.

Тарбия учун бу фикрни қўллаб-қуватлаш амримаҳол.

Биринчидан, бу ҳолат учун ташхисли мақсадни ўрнатиш мүмкін эмас. Инсон мураккаб тизим ҳисобланиб, қатор психологияк, психофизиологияк ва алоҳида шахс сифатларига эга. Уларни тавсифий равишда ёритиш ҳам, зарур даражада шакллантириш мүмкін бўлган педагогик жараёнларни тузишни ҳам педагогика фанининг бугунги ривожланиш дараҷаси билан амалга ошириб булмайди.

Иккинчидан, ҳар қандай технология ўрнатилган мақсадларга кафолатли эришишни қўзда тутади, бироқ, афсуски, шу кунга қадар педагогикада инсоннинг тарбияланганлик, унда шаклланган маълум шахс сифатлари, қадриятли йўналишлар ва бошқа тарбия натижалари мезонлари бир қолипда аниқланмаган. Бундай мезонларнинг йўқлиги эса кафолатланган педагогик жараёнлар натижаларига эришиш имкониятлари ҳақида фикр билдиришга имкон бермайди. Субъектив эксперт баҳолардан фойдаланиш эса белгиланган муаммони олиб ташлашга йўл қўймайди.

Учинчидан, олий ўқув юртларида замонавий тарбия концепциясига биноан ҳозирги вақтда гап талabalарда маълум шахс сифатларини шакллантириш ҳақида эмас, балки уларнинг ўз-ўзини такомиллаштириши учун энг мақбул шароит яратиш ҳақида бориши керак. Бундай ҳолда тарбия жараёнини технологиялаштириш ҳақида гапириш ҳам мақсадга муовфик эмас. Боз устига, таълим ўзида ўқитиши ва тарбиялашни жамулжам этган соҳа сифатида қаралаётган бўлса, “таълимий технология” ёки “таълим технологияси” атамаларини ишлатиши хато эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мүмкін.

Ўқитиши жараёнини технологиялаштиришга оид тадқиқотлар кўлами аста-секин камайиб, тадқиқот майдони эса торайиб бормоқда. Бу, хусусан, олимларнинг яқдил фикрга келиш борасидаги ҳаракатлари оқибатида юзага келмоқда.

Турли йўналишларда ўтказилган дастлабки тадқиқотлар на-
тижаларидағи бирмунча умумий фикрдан “четланиш” рўй
бераётир. Айрим муаллифлар (А.Ф.Талызина, Т. Сакамато,
Дж. Хартли) бу тушунчани очиб беришда ишчи вариант си-
фатида аник ва батафсил ёндашувлардан фойдалана бош-
лашди. Бироқ, таъкидлаш жоизки, унга қўйилаётган мазмун
хилма-хиллиги барibir сезиларли бўлиб қолмоқда. Бундан
хулоса қилиш мумкин: “Ўқитиш технологияси” таърифи за-
монавий педагогикада ҳанузгача шаклланмаган.

Шу билан бирга, “технология” тушунчаси XX асрнинг
иккинчи ярмидан бошлаб жамоатчилик онгига мустаҳкам
ўрнашди ҳамда илмий ва амалий тафаккурнинг ўзига хос
йўналиши бўлиб қолди.

Унинг регулятив таъсири шундаки, у тадқиқотчи ва ама-
лиётчиларни инсоний фаолиятнинг барча жабҳаларига, жум-
ладан, таълим соҳасига ҳам ундаиди:

-жараённинг натижавийлигини асослашга рўбарў келиши;

-фан ва тажрибаларнинг сўнгти ютуқларидан талаб қилин-
ган натижаларни олишни кафолатлаш учун сафарбар қилиш;

-фаолиятни интенсив, яъни юқори илмий асосда қуриш
(аксинча, куч, вақт ва ресурсларни бекорга сарфлашга олиб
келадиган экстенсив асосда эмас);

-фаолиятни мумкин бўлган тузатиш муолажалари сони-
ни камайтириш мақсадида башоратлаш ва лойиҳалашга асо-
сий эътибор қаратиш;

-янги информацион воситалардан фойдаланиш, эскирган
амалларни автоматлаштириш.

Бошқача айтганда, технологияланувчанлик инсон фао-
лиятининг етакчи тавсифи бўлиб қолди, у таълимий жараён-
нинг самарадорлигини, мақбуллигини, юқори илмийлигини
янги сифат даражасига кўтаришни англатади.

Технология — замонавий илмий-амалий тафаккур усули,
деган хулосага келиш мумкин. У фаолиятни тубдан такомил-
лаштиришга, унинг натижавийлигини, тезкорлигини, техни-
кавий қуролланганлигини оширишга оид амалий тадқиқотлар
йўналишини акс эттиради. Технология — предметли соҳанинг
объектив қонунларини юқори ўлчовда акс эттирадиган ва шу
боисдан муайян шароит учун натижаларнинг ўрнатилган мақ-
садларга мос келишини таъминлайдиган фаолиятдир.

Шу нүктай назардан “ўқитиши технологияси” тушунчаси-ни таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз. Буни қуйидаги саволлар асосида амалга оширамиз: ўқитиши технологиясининг дидактик моҳияти нимадан иборат? Ўқув жараённинг технологияла-нувчанлиги деганда нимани тушуниш керак? Ўқитиши технологиясининг мазмуни ва тузилмаси қандай?

Педагог-тадқиқотчиларнинг “ўқитиши технологияси” тоифаси моҳиятини асослашга уринишларни дастлаб “технология” тушунчаси аҳамиятини аниқлашдан бошлиш табиий ҳолдир, чунки биринчиси иккинчисининг ҳисобланади.

Техник фанларда “технология” тушунчасининг моҳияти қуйидагиларни: биринчидан, тайёр маҳсулот олиш учун ишлов бериш жараённи; иккинчидан, бу жараённинг зарурий ўзгартирувчи босқичларни амалга ошириш учун нима қилиш кераклигини аниқловчи меъёрий томонларини қамраб олади.

Шундай қилиб, “технология” деганда инсоннинг аниқ, мураккаб жараённи кетма-кетли ўзаро боғлиқ муолажа ва амаллар тизимиға тақсимлаш йўли билан кафолатли натижага эришиш мақсадида амалга ошириладиган усуллар тушунилади. Бунда муолажа сифатида жамулжам ҳаракатлар қабул қилинади, у ёрдамида баш жараён (ёки унинг алоҳида босқичи) ба-жарилади, амал эса бу муолажа доирасидаги масалаларнинг бевосита амалий ечими, яъни муайян жараённинг бир жинсли мантиқий ажралмас қисми ҳисобланади.

Технология (жараён сифатида) учта қоида билан тавсифланади:

- жараённи ўзаро боғлиқ босқичларга тақсимлаш;
- изланаётган натижага (белгиланган мақсад) эришишга қаратилган ҳаракатларни изчил ва босқичма-босқич бажариш;

- қўйилган мақсадга мос натижага эришишнинг зарурий шарти ҳисобланган технологик муолажа ва амалларни бажаришнинг алоҳида аҳамият касб этиши.

Ҳозирги вактда жаҳон миқёсида ишлаб чиқарилган ва фойдаланиладиган технологияларни икки турга бўлиш мумкин: саноат ва ижтимоий технологиялар. Шу билан бирга, бу бўлиниш шартли эмас, балки қатъийдир. Саноат технологиясига табиий хом ашёга (нефть, газ ва х.к) ишлов бериш ёки

улардан тайёр маҳсулот (металл прокат, алоҳида деталь ва узеллар ва ҳ.к) олиш технологиялари киради.

Ижтимоий технологияда бошлангич ва якуний натижга сифатида инсон, ўзgartиришта тортилган асосий кўрсаткич эса унинг бир ёки бир нечта хусусиятлари (сифатлари) ҳисобланади.

Ижтимоий технологиялар ҳар қандай шароитга мослаша олади: улар технологик жараённи ташкил этадиган алоҳида ёндашув ва амаллардаги камчиликларни тузатишга мослаштирилади. Ижтимоий технологияларнинг ўзига хослиги шундаки, улар учун тескари алоқа муҳим ҳисобланиб, ҳатто тузатиш босқичида ҳам технологик жараённинг алоҳида унсурларини такрорлашни ташкил этишига имкон беради. Ва, ниҳоят, ижтимоий технологиялар ташкил этилишига кўра, бир-мунча мураккабдир. Шундай қилиб, агар саноат технологиялари ўзида аник сараланган табиий жараёнлар занжирини мужассамлаштиурса, ижтимоий технологиялар – турли хил ва турлича кетма-кетликда ва ўлчов даражасида фойдаланадиган, яхлит мақсадга зришишга йўналтирилган маҳсус ташкил этилган мажмуадир.

“Ўқитиш технологияси” тушунчаси илк бор 1970 йилда ЮНЕСКО конференциясида янгради. Шу ташкилот томонидан нашр қилинган «Яшаш учун ўқиш» номли маърузада юқоридаги атама таълимий жараённи модернизациялашда ҳаракатлантирувчи куч сифатида аниқланди. “Кандай ўқиш керак?” номли маърузада эса биринчи марта унга таъриф берилди. Унда ўқитиш технологияси информацион инқилоб натижасида пайдо бўлган ва дидактикада фойдаланадиган инсон ўртасида алоқа (мулоқот) усул ва воситалари йиғиндиси сифатида тавсифланади.

Ўзбекистонлик педагоглар Н. Сайидаҳмедов, У. Толипов, У. Нишоналиев, А. Очилов, Н. Азизхўжаевалар ўқитиш технологияси муаммолари билан шуғулланиб, бу соҳага муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. В.П.Беспалько, М.В.Кларин, Н.В.Кузьмина, В.А.Сластенин, Т. Шопаваленько, А.Монахов, Д. Блок, Б.Блум, Т. Гилберт, Р.Майдтир каби Россиялик чет эллик тадқиқотчилар хизматини ҳам эътироф этиш зарур. Албатта, олим ва мутахассисларнинг қарашлари бир-бирига мос келмаслиги табиийдир. Баъзилари ўқитиш технологиясини педагогика фани сифатида қарайди, бошқалар эса фан ва

амалиёт ўртасидаги оралиқ ҳолатни эгаллайди, деб ҳисоблашади. Учинчи гурух вакиллари эса ўқитиш жараёнини лойиҳалаш билан боғлашади. Бинобарин, бу ёндашувларнинг барчаси муайян даражада чеклангани боис ҳар бири маълум соҳадагина кўлланиши мумкин.

Турли илмий ва ўқув-методик манбаларда ўқитиш технологияси дидактик мақсадга эришишни ҳисобга оладиган ўқув жараёнини жорий этиш билан боғлиқлиги қайд этилади. Бунда белгиланган мақсадга эришишни кафолатлайдиган усуллар ва ўқув жараёнини технологиялаштиришнинг асосий мөҳияти акс этган. Шундай қилиб, ўқитишга технологик ёндашув берилган дастлабки кўрсатмалар (ижтимоий буюртма, таълимга оид мўлжал ва мақсадлар мазмуни) асосида дидактик мақсадга эришиш учун ўқув жараёнини лойиҳалаштиришни тақозо этади.

Ўқув жараёнига технологик ёндашиш мөҳиятини ёритиш имконини берадиган муҳим омил сифатида педагогик талабларга мос ўқитиш воситаларини қўллашни эътироф этиш мумкин. Дарҳақиқат, “технология” тушунчаси замирида муайян техник воситалардан (станоклар, қолиллар, автоматик чизиклар) фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни ифода этади. Ишлаб чиқариш воситаларидаги ҳар қандай ўзгариш кўрсаткич ва технологияларнинг ўзгаришига олиб келади .

Шундай қилиб, ишлаб чиқариш воситалари технологида етакчи ўрин тутади. Агар шу хулоса педагогик атамалар тилига угирилса, унда ҳар қандай ўқитиш технологиясида дидактик функцияларни жорий этишда асосий эътибор ўқитиш воситалари қўлланишига қаратилмоғи лозим. Аммо бу жараённи мутлақлаштириш ҳам ярамайди.

Ўқитиш воситаларининг юксак унумдорлигини таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланиш вазифаси мутлақо янги ўқитиш модели, таълим жараёнининг ўзига хос маданиятини вужудга келтиради. Бироқ ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай воситаси ҳам юқори унумдорликни таъминлай олмагани учун улардан янги технологияларни яратишда фойдаланиб бўлмайди.

Замонавий педагогикада ўқитиш технологиясининг асосий тавсифи сифатида унинг тизимлилиги, илмийлиги, қайта тикланувчанлиги, кўшилувчанлиги, самарадорлиги, сифат ва

мотивлашганлиги, алгоритмлилиги, ахборотлилиги, нусха олиш имконияти, янги шароитга кўчириш мумкинлиги каби жиҳатларига эътибор қаратилади.

Тавсифнинг бундай хилма-хиллиги ўқитиш технологиясининг моҳиятини ифодаловчи умумий хусусиятини аниқлашни талаб этади. Фикримизча, ўқитиш технологияси илмий асосланган дидактик жараён лойихасини амалга оширувчи ва юқори даражадаги самарадорлик, ишончлилик ва кафолатта эга натижаларга молик педагогик фаолиятдир.

Ўқитувчининг бу борадаги фаолияти мезонлари кўйида гиларда намоён бўлади:

- мақсаднинг аниқлиги ва уни ташхис этиш мумкинлиги;
- ўрганилаётган мавзуга оид назарий ва амалий масалалар ва уни ечиш усулининг тизимли тарзда тақдим этилиши;
- мавзуларнинг кетма-кетлиги, мантиқийлиги, босқич-ма-босқич баён этилиши;
- ўкув жараёнининг ҳар бир босқичида иштирокчиларнинг ўзаро ҳаракат усуулларининг кўрсатилиши;
- ўқитувчининг энг самарали ўқитиш воситаларидан фойдаланиши;
- ўқитувчи ва талабалар фаолиятининг мотивацион таъминланиши, бу жараёнда уларнинг шахсий-касбий функцияларининг намоён бўлиши (эркин танлаш, креативлик, баҳслашув ва ҳоказо);

Замонавий олий таълим стратегияси нафақат мавжуд бўлган ижтимоий технологияларга хизмат кўрсатишга қодир, балки меъёрий фаолият чегарасидан чиқиб кетишга, инновацион жараёнларни амалга ошира оладиган мутахассис шахсини ва ўз-ўзини ривожлантиришни ташкил этади. Бу стратегия шахсий ривожланувчан ва кашибий йўналтирилган ўқитиш технологиялари устуворлигида олий мактаб ўкув жараёни мазмуни ва шаклларининг жиддий йўналишларида амалга оширилади.

Унинг самарадорлик меъёри қуидаги саволларга боғлиқ:

- а) бу технологияларда инсон ўзининг хилма-хил субъективлиги билан гавдалантирилалаяпти?
- б) унинг тавсифий, мантиқий ва психологик хусусиятлари қандай ҳисобга олинайпти?
- в) уларни ривожлантириш ёки юксалтириш истиқболлари қандай?

Булардан олий мактабда ўқитиши технологиясига қўйилган талаблар келиб чикади: таълим олувчининг шахсий сифатларини ҳисобга олиш, мақбуллик, дидактик тамоилиларга зид келмаслик, талабанинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга йўналтирилганлик.

Шундай қилиб, ўқитиши технологиясини ишлаб чиқиш асосида таълим олувчиларнинг самарали ўқув фаолиятини ва ўқитувчининг бошқарув фаолиятларини лойиҳалаштириш ётади.

Бундай лойиҳалаштириш мантиғи тўртинчи бобда батафсил ёритилади.

Юкорида баён қилинганларни умумлаштириб ўқитиши технологияси можияти нимадан иборат эканлигини аниқлаймиз.

Биринчидан, педагогик амалиётда такрор ишлаб чиқариш имкониятини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш;

иккинчидан, ўрнатилган дидактик мақсадга эришиши сифатини объектив назорат қилиш имкониятларини мақсадга мувофиқлилиги;

учинчидан, ўқитиши технологиясининг тузимлилиги ва мазмунан яхлитлилиги, яъни унинг компонентларидан бирини бошқаларга тегмасдан узгартиришни амалга оширишга йўл қўйиб бўлмаслиги;

туртинчидан, энг мақбул методлар, шакл ва воситаларни ўқитиши технологиясининг барча элементлари тамоман қатъий ва конуниятли боғланишларидан келиб чиқсан ҳолда танланishi;

бешинчидан, ўқитиши жараёнини ўз вақтида ва тезда тузатишга имкон берадиган тезкор тескари алоқанинг мавжудлиги. Бундан хулоса қилиш мумкин: ўқитиши технологияси ўзида яхлит дидактик тизимни қамраб олиб, педагогик масалаларни бирмунча самарали ва кафолатли сифат билан еча олади. Технологиянинг тузилмали ташкил этувчиларига дидактик тизим сифатида ўқитиши мақсади, вазифа ва мазмуни, педагогик ўзаро ҳаракат воситаларининг ўқитиши воситалари (ўқитиши методлари)ни, ўқув жараёнининг ташкил этилишини (ўқитиши шаклларини), талаба ва ўқитувчини, шунингдек уларнинг ҳамкорлигидаги фаолият натижаларини киритиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу тизим 1-расмда ўз аксини топган.



1-расм. Ўқитиши технологияси тузилмаси

Ўқитиши технологияси (жараён сифатида) – педагогик муолажалар, амал ва усуллар кетма-кетлиги (қатъий тартиб шарт эмас) бўлиб, яхлит дидактик тизимни ташкил этади, у педагогик амалиётта жорий этилиши билан кафолатли ўкув мақсадига эришилди ва талаба шахсининг тўлиқ ривожланишига имкон яратади. Технологияни ташкил этадиган муолажалар, амал ва усулларни муайян педагогик натижага эришиш йўлини батафсил ёритадиган алгоритм сифатида талқин қилиш ярамайди. Уларга яхлит тарзда таълим субъектларининг берилган мақсадларга ҳаракатланишини таъминловчи таянч дидактик воситалар сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, ўқитиши технологияси деганда, дидактик масалалар ечимиға йўналтирилган ёки олдиндан лойиҳаланган педагогик жараённи амалиётга режали ва изчил тадбиқ этадиган педагогнинг кетма-кетли ўзаро боғлик ҳаракатлари тизими тушунилади. Таъкидлаш жоизки, ўқитиши технологияси нафакат дидактик жараённинг ўзи сифатида, балки уни педагог фаолиятнинг лойиҳалаш натижаси сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Ўқитиши технологияси (натижа сифатида) – дидактик жараённинг илмий лойиҳаси (модели) бўлиб, фаолият давомида педагогик ҳаракатлар муваффақиятини таъминлайди.

Умумий тарзда ўқитиши технологиясининг асосий белги ва вазифаларини ифодалайди. Бирмунча сезиларли белгила-

рига ташхисли мақсадлилик ва натижавийлик, тежамкорлик, алгоритмлилик, лойиҳаланувчанлилик, бошқарувчанлилик ва визуалликни киритиш мумкин. Уларнинг қисқача мазмунига тўхталамиз.

Ташхисли мақсадлилик ва натижавийлик мақсадларига қатъий эришиш ўқув жараёни самарадорлигини таъминлайди. Айтиш жоизки, мақсадни ташхисли тарзда ўрнатиш мумкин, агар қуидаги шартларга амал қилинса: башоратланаётган ўқитиш натижаларига аниқ эришилганлиги, уни бошқа ҳар қандай ўқув унсурларидан хатосиз аниқлаш мумкинлиги; педагогик «инструмент», усул, уни ажратиш учун мезонларнинг борлиги; ўлчаш натижаларига таянадиган баҳолаш шкаласининг мавжудлиги.

Тежамкорлик ўқув вакти заҳирасини, ўқитувчи меҳнатини мақбуллаштиришни таъминловчи технология сифати ва шу асосда режалаштирилган дидактик натижага эришишни ифодалайди.

Навбатдаги белгилар гуруҳи алгоритмлилик, лойиҳала-нувчанлилик, бошқарувчанлилик педагогик амалиётда ўқитиш технологияларини қайта ишлаб чиқиш (ложиҳалаш) фоялари-нинг турли жиҳатларини акс эттиради.

Тузатувчанлилик белгиси аниқ мақсадга изчил йўналтирилган доимий тезкор тескари алоқаларни таъминлайди. Шу маънода ташхисланувчан мақсадга мувофиқлилик, натижавийлик ва тузатувчанлик ўзаро боғланишда бўлиб, бир-бирини тўлдиради.

Визуаллилик белгиси ўқитиш технологияси доирасида аудиовизуал, электрон-ҳисоблаш каби информацион технологияларини қўллаш, шунингдек, турли дидактик материаллар ва янги кўргазмали қўлланмаларни конструкциялаш ҳамда фойдаланиш масалаларига дахлдорлик қиласи.

Ўқитиш технологияси учта асосий функцияни амалга оширади: тавсифловчи, изоҳловчи ва лойиҳаловчи.

Тавсифловчи функция ўқув жараёнини амалий жиҳатдан амалга оширишнинг аҳамиятли жаҳатларини очиб беради. Зарур воситалар турлича бўлсада, бу жараёнга ҳар хил соҳа мутахассислар бир хилда тавсиф бериши лозим.

Изоҳловчи функция ўқитишнинг турли компонентлари (мисол учун, турли методлар) самарасини аниқлашти-

риш ва унинг энг мақбул уйғулашувини белгилаш имконини беради.

Лойихаловчи функция ўқув жараёнини барча даражаларда, жумладан, педагогик тадбиқ сатҳида ифодалашда рўёбга чиқади. Шундай қилиб, педагогик тизим мақбуллиги унинг амалиётда такрорланувчанлигидир. Чунки замонавий педагогикада ўқитиш технологияси тушунчасини ягона изоҳлашда ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган, унинг таснифи ҳам мавжуд эмас. Шунга қарамасдан айrim муаллифлар бу масалага ўз ёндашувларини билдиришмоқда. Ҳусусан, А.Я.Савельев томонидан таклиф этилган тасниф бирмунча дикқатга сазовордир. Унга кўра, мавжуд технологияларни таснифлаштириш қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилади:

- харакатларнинг йўналганилиги бўйича (махсус ривожлантирувчи ва касбга йўналтирилган ва ҳ.к.)
- ўқитишнинг мақсадли бўлиши (билимлар олиш, кўнико ва малака ҳосил қилиш, касбий шахс сифатларини шакллантириш ва ҳ.к.)
- предметли муҳит бўйича (гуманитар ва ижтимоий, иқтисодий, табиий, илмий, техник махсус фанлар)
- қўлланилаётган техник воситалар бўйича (аудиовизуал, информацион, телекоммуникацион ва ҳ.к.)
- ўқув жараёнини ташҳис этиш бўйича (индивидуал, жамоали, аралашма.)

С.А.Смирнов томонидан таклиф этилган ўқитиш технологиялари таснифи ҳам қизиқиши уйғотади. У фойдаланилаётган ўқитиш воситалари ва таълим мазмунини амалга ошириш даражаларига боғлиқ таснифни келтиради. Муаллиф ўқув машғулоти даражаси, ўқув предмети даражаси ва барча ўқитиш даражаси (барча предметлар бўйича ва бутун ўқув или давомида) жамлаб, ўқитиш технологияларини уч даражага ажратади.

- машғулот ёки машғулотнинг тугалланган цикли технологияси;
- предмет технологияси;
- тўлиқ ўқитиш технологияси.

Г.С.Селевконинг ўқитиш технологиялари таснифи бирмунча мураккаб, қизиқарли ва айни вақтда, ҳаммага ҳам тушунарли:

- қўллаш даражаси бўйича: умумпедагогик (умумдидақтик) хусусий предметли ва локал (модулли);
- ўзлаштиришнинг илмий концепциялари бўйича (ассоциатив рефлекторли, бихевиристик, гештальтнологиялар, ривожлантирувчи ва бошқалар);
- шахс тузилмасига йўналганлиги бўйича: ахборотли (билим кўникмаси, малакани шакллантириш); амалли (ақлий ҳаракат усусларини шакллантириш); хиссий-бадиий ва ҳиссий-ахлоқий (эстетик ва ахлоқий муносабатларни шакллантириш); ўз-ўзини ривожлантириш технологияси (шахснинг ўз-ўзини бошқарини механизмини шакллантириш);
- эвристик (ижодий қобилияtlарни ривожлантириш) ва амалий (ҳаракатли-амалий соҳаларни шакллантириш);
- ташкилий шакллар бўйича дарсли ва мулоқотли, академик ва клубли, индивидуал ва гурӯҳли жамоавий ўқитиш усули ҳамда табақалаштирилган таълим;
- устувор (устунликка эга) метод бўйича: дорматик (номахсул) изоҳли-тасвирили, эвристик, ўйинли, муаммоли (изланувчи), дастурли таълим, ривожлантирувчи таълим, информацион (компьютерли) ва ижодкор.
- мавжуд анъанавий ўқитиш тизимини янгилаш (модернизация) йўналиши бўйича инсонлараро муносабатларни тақомиллаштириш ва демократизациялаш асосида таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосида; бошқарув самарадорлиги ва ташкил этилиши асосида; ўқув материалини методик ва дидактик жиҳатдан қайта конструкциялаш асосида; муқобилли, табиатанмонанд, муаллифлик мактабларининг яхлит технологиялари;
- таълим олувчилар тоифаси бўйича жадаллаштирувчи таълим, ўрнини тўлдирувчи, оммавий технология, қийин ўзлаштирувчилар билан ишлаш технологияси, иқтидорлилар билан ишлаш технологияси.

Олий ўқув юртлари дидактик назарияларга таянилган, бирмунча кенг қўлланилаётган технологиялар таснифи ҳам мавжуд. Мисол учун, Д.В. Чернилевский ушбу мезонлар асосида муаммоли, модулли, ривожлантирувчи, табақалаштирилган, контекстли ва ўйинли ўқитиш технологияларини ажратиб кўрсатади.

Е.Н. Шиянов ва И.Б. Котовалар мос равишада билим, кўник-

ма ва малакаларни узатиш (трансформация), муаммоли, дастурли, турли даражали, модулли ўқитиш технологияларини келтириб ўтади.

П.И.Образцов тадқиқотларида қуйидаги технологиялар қайд этилади: ассоциатив-рефлекторли таълим, ақлий ҳаралларни босқичли шакллантириш, муаммоли, ривожлантирувчи, контекстли ва модулли таълим.

Хуллас, мазкур таснифлар таркибига кирган баъзи технологиялар тақрорланади, айниқса, муаммоли ва дастурли таълим технологиялари бирмунча кенг тарқалган. Аслида дастурли таълим XX асрнинг 60-йилларида собик СССРда тадқиқот обьекти бўлиб ҳисобланиб, унга кенг ўрин берилган. Унинг мазмуни эса дастурлашнинг анъанавий тушунча, мазмунлари доирасидан чиқиб кетган, баъзи олимларнинг изоҳлари эса дидактик тизимга кирган.

Шундай қилиб, ўқитиш технологияларининг тарихан ривожланишида икки йўналиш кўзга ташланади:

1. Ўқув-тарбия жараёнини замонавий техник воситалар, шу жумладан, компьютерлар асосида лойиҳалаштириш.

2. Ўқув-тарбия жараёнини таҳлил ва ташкил этишга иммий ёндашув.

Агар биринчи йўналишга ўтган асрнинг 20-йилларида радио, телевидение, электрон ҳисоблаш машиналарининг ривожланиши асос солган бўлса, иккинчиси XX асрнинг 70-80 йилларида англиялик ва американлик дидактлар томонидан таклиф этилиб, у техник воситаларсиз (ёки улардан қисман фойдаланилган ҳолда) таълимда салмоқли натижага эришиш мумкинлигини исботлаган.

Миллий истиқлол ғояси фанини педагогик технология асосида ўқитиш концепцияси

Мамлакатимизда мафкуравий мақсадларнинг тубдан янгилиниши, миллий истиқлол ғоясининг омма онгига узлуксиз сингдириб борилиши педагогик тафаккурни хам ўзгартирумокда. Мафкуравий жараёнлар педагогик воқеаликни акс эттирадиган таълими фаолият лойиҳаларини асослайдиган фан соҳасини қамраб олади. Янги педагогик билимлар кўлами Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида кенгайиб бормокда, тадқи-

кот йўналишлари эркин шахсни шакл-лантириш муаммолари ечимини топишга қаратилмоқда. Бу эса таълим-тарбия тизимида янгича методологик ёндашувларни юзага келтирмоқда.

Айниқса, ижтимоий-гуманитар фанларнинг баркамол инсонни тарбиялашдаги мавқеи миллий мафкура доирасида яна-да юксалиб, унинг олий мактабларда ўқитилиши, мазмунан янгиланишига қўйилган талаблар ҳам ошиб бормоқда. Шу боисдан 2002-2003 ўқув йилида Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд ва Фарғона Давлат университетларида «Ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш» мавzuидаги маҳсус семинарларда етакчи олимлар тегишли фан соҳалари бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Семинарда асосий эътибор ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишида таълим мазмунини жамиятимиз ва дунё саҳнасида рўй берадиган объектив жараёнлар, мафкуравий муаммолар, ҳодиса ва воқеалар билан тўлдиришга қаратилди. Одатда, дидактика ўқитиши назарияси сифатида икки умумлашган саволга жавоб беради: «Нимани ўқитиши керак? (мазмун)» ва «Қандай ўқитиши керак? (технология)». Назаримизда, мазкур семинарларда иккинчи савол жавобсиз қолди, у тўлақонли ечимини топмади.

Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари амалиётида “изоҳли-тасвирили ёндашув” — анъанавий методика ҳали-ҳануз устуворлик касб этмоқда, асосий ўқув вақтини эгалламоқда. Бу ерда маъруза — ўқитишининг асосий услуби сифатида сақланиб қолаяпти ёки 80 дақиқа (танаффусиз) давомида ўқитувчи мавжуд билимларни бериш билан овора. У талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти ташкилотчиси бўлиши билан бир қаторда, билим манбаига айланиб қолаётганлигини кузатиш мумкин.

Олимлар олий мактаб ўқитиши тизимида маъruzанинг ўрнини алоҳида эътироф этиб, унинг камчиликларини ҳам кўрсатишимоқда:

- маъруза талабани ўзгалар фикрини суст қабул қилишга ўргатиб қўяди, мустақил фикрлашини бўғади;
- маъруза мустақил шуғулланишига мойилликни пасайтиради;

- маъруза дарсликлар йўқ ёки кам бўлган ҳоллардагина керак;
- маъруза давомида баъзи талабалар мулоҳаза юритишга улгуришади, бироқ аксарияти матнни механик тарзда ёзib боради;
- аудиторияни бошқариш мураккаблашади, тескари алоқанинг йўқлиги ўқитувчига ўз фаолиятини кузатишга имкон бермайди.

Бундан ташқари, маърузани узлуксиз ўқиш учун ўқитувчи руҳий куч сарфлайди, натижада руҳий зўриқиши юз беради. Энг асосийси, ўқитишининг анъанавий шаклида эркин шахсни шакллантириш жараёни суст кечади, мустақил фикрлайдиган ва эркин фаолият юритадиган мутахассисларни тайёрлаш қийинлашади.

Изоҳли-тасвирили ёндашувдан фарқли ўлароқ, технолотик ёндашув таълим тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида амалиётта тезроқ тадбиқ этилмоғи зарур. Колаверса, Президент И.А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи чакириқ ўн тўрттинчи сессиясида қилган маърузасида «Замонавий педагогик ва ахборот технологияларини ўз вактида ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлашни алоҳида назорат остига олиш зарур», деган кўрсатмасини унутмаслик, ҳар бир фан ўқитувчиси янги технологияларни лойихалашга ижодий ёндашиши лозим.


Педагогик технология мавзулари бўйича олдиндан лойихаланиб, ўқитиши жараёнига кўчирилса, якуний натижани (талабанинг ўқув материалини камида 55 % ўзлаштиришини) кафолатлаши мумкин. Шу билан биргаликда ҳар қандай педагогик технология асосини илмий жиҳатдан қурилган дидактик жараён ташкил этади. Уни ажратилган ўқув вақти доирасида мувафаққиятли амалга ошириш олий ўқув юрити ўқитувчининг педагогик маҳорати даражасини белгилаб беради.

2-расмда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишини илмий асосда ташкил этиш ва бошқаришга асосланган, ўқитувчи ҳамда талабанинг тутган мавқеини ойдинлаштирадиган педагогик технология тузилмасининг умумий шакли келтирилган.

Асосий канал (1) орқали ўрганилаётган мавзу бўйича ўқув элементларининг рўйхати мазмуни маълум вақт оралиғида

талабаларга етказилади. Бу жараёnda янги билимларни қабул қилиш, тушулаш, ўзлаштириш амалга оширилади.

Талабадан тескари алоқа (3) воситаси орқали тегишли ахборотлар ўқитувчига етиб боради, яъни ўқитиш жараёни натижалари тўғрисида маълумот олинади. Бугун қўлланилаётган рейтинг тизими айнан шу вазифани бажариши лозим. Ўқитувчидаги талабаларнинг ўзлаштириш даражаси тўғрисида аниқ маълумот бўлсагина, у ўқув-билиш фаолиятини самарали бошқариши, тегишли ахборотнинг мазмунига зарурый тузатишлар киритиши мумкин. Шу ўринда бир зиддиятли ҳолатга эътибор қаратмоқчимиз: профессор-ўқитувчилар тортишувларга сабаб бўлаётган ҳолатни аниқлаштириб олий керак. Талабалар билимини қайси услугуб ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш керак? Ёзма ёки оғзаки сўров маъқулми, ё тест-рейтинг маъқулми? Бироқ ўқитувчи эътиборидан рейтингдан кўзланган асосий мақсад — натижалар асосида ўз фаолиятини коррекциялаш (тузатиб бориш) зарурати четда қолиб кетяпти. Ўқитувчи нима учун бир хил шароитда талаба А. ўқув материалларини яхши ўзлаштиряпти, талаба В. эса суст ўзлаштираяпти, деган саволга жавоб топиши керак. Ана



2-расм. Педагогик технология тузилмаси

шундагина у ўз фаолиятини ўзгартириши, яъни асосий ўқув материаллари сифатида узатилаётган ахборотлар мазмунининг мақбул ҳажмини режалаштириши мумкин. Шу мақсад учун 2-канал ишга тушади. Фаннинг аниқ мавзуси бўйича белгиланган (тактик мақсад) ва бутун фан юзасидан талабалар эгаллаши лозим бўлган билим ҳамда кўникмалар тизими (стратегик мақсад) олдиндан белгиланиб, дарс давомида унга таянилади. Фақат ўқитиши жараёни натижалари олдиндан белгилансагина, педагогик технологиянинг асосий тамоили — якуний натижанинг кафолатланишини таъминлаш мумкин.

Ўқув вақтнинг асосий қисми талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш жараёнига сарф бўлиши керак. Талабалар муайян мавзуга тегишли бўлган ўқув матнини тўлиқ ўрганиш учун «қўшимча ахборотлар манбаи»га мурожаат қилишади. Бу манбани ўқитувчи ўз фани бўйича яратиши лозим. Шундагина унинг педагогик маҳоратини ижобий баҳолаш мумкин. У китоб (дарслик, қўлланма, ишланма, маъруза матни, монография, журнал, газета мақолалари в.б.), ўқитишнинг техник воситалари ва компьютер, интернетдан иборат бўлиб, талабаларнинг мустақил ишлашига, ўзини назорат қилишига имконият туғдиради. Бу умумий ўқув вақтнинг 70 %ни ташкил этиши мумкин, қолган 30 % ўқитувчи ихтиёрида бўлади. Ана шу вақтни ўқитувчи мавзу бўйича ўқув элементларининг сони ва мураккаблик даражасига қараб тақсимлайди.

Шундай қилиб, мазкур технологик жараён тузилмаси са-марадорлигини ошириш учун:

- 1) талабаларга етказилаётган илк ўқув ахборотларининг тўлиқ мазмунини аниқлаш;
 - 2) талабаларнинг билиш фаолиятини самарали бошқаришни режалаштириш ва амалга ошириш;
 - 3)»ўз-ўзини ўқитиши» асосида талабанинг ўқув материалини ўзлаштириш имкониятларидан кенг фойдаланиш;
 - 4)талабаларнинг ўзлаштириш даражасини назорат қилишини ташкил этиш зарур.
- Энди бевосита фан мавзулари бўйича ўқитиши технологияларини лойиҳалаш қонунлари хусусида тўхталамиз.

Ўқув фани мавзуси бўйича мақсадни белгилаш қонуни

Кузатишлардан маълум бўлишича, бугун олий ўқув юртлари ўқитувчилари фан мавзулари бўйича ўқув мақсадларини қўйидагича белгилашмоқда:

1. Мақсадни ўрганилаётган мавзу мазмуни орқали белгилаш. Мисол учун, «Марказий Осиё минтақасидаги мағкуравий жараёнларни ўрганиш» ёки «Педагогик тадқиқот методларини ўрганиш» ва ҳоказо. Мақсадни бундай белгилаш бизга нима беради? У факат дарсда ўрганиш керак бўлган мавзуни беради, холос. Бунда ўқув жараёнини қуриш учун бирор бир конструктив ечим етишмайди. Шу боис мақсаднинг бу тарзда қўйишни педагогик технология тарафдорлари ижобий эмас, деб ҳисоблашди.

2. Мақсадни ўқитувчи фаолияти орқали белгилаш. Мисол учун, «Талабаларни интерфаол услублар билан таништириш» ёки «Дикқатни бошқаришни тренинг ёрдамида кўрсатиши» ва ҳоказо. Мақсаднинг ўқитувчи томонидан бундай қўйилиши шахсий фаолиятга қаратилган, бироқ у ўз хатти-харакатидан келиб чиқаётган ўқитишининг реал натижалари, рўй бериши мумкин бўлган ҳолатлар билан солишишимай белгилайди.

3. Мақсадни талабанинг ўқув фаолияти орқали белгилаш. Мисол учун, «Хўжаликдаги мавжуд иқтисодий тангликни ечиш» ёки «Педагогик тизимни лойиҳалаш бўйича машқ қилиш» ва ҳоказо. Бир қарашда ўқув мақсадини бундай ифодалаш дарсни лойиҳалаш ва ўтказишга бирмунча аниқлик киритади. Бироқ бу ерда ҳам ўқитишидан қутилаётган мақсад, унинг натижалари эътибордан четда қолиб кетаяпти.

Педагогик технология тарафдорларининг фикрича, ўқитиши мақсадини ўқитувчи ёки талаба фаолияти, предмет мазмуни орқали белгилаш қутилаётган натижка тўғрисида тўлиқ тасаввур бермайди. Мазкур ҳолатда ўқув мақсадлари талаба ҳаракатларида акс этган ва кафолатланиши зарур бўлган ўқув натижалари орқали белгиланмаяпти. Бундай ҳолат педагогик технологияга зид эканлигини таъкидлаш жоиз.

Агар таълимий учлик: «мақсад - жараён (восита) - натижажа» да ўзбекистонлик ва россиялик олимлар асосий эътиборни ўқитиши жараёни муаммоларига қаратишган бўлса, гарб

педагоглари занжирнинг икки четдаги ҳалқаларини чуқуррок тадқик этишган. Шу боис америкалик психолог ва педагоглар (Б.Блум, В.Герлах, Б.Скиннер ва б.) томонидан «ўқув мақсадлари таксономияси» концепциясига ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб асос солинган бўлса-да, у бугунгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Фан мавзулари бўйича ўқув мақсадларини аниқ белгилаш педагогик технологияни лойиҳалашнинг дастлабки шарти ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этиш учун ўқитувчи асосий эътиборни янги мавзу бўйича ўқув элементлари рўйхатини тузишга қаратиши лозим. Ўқув элементи деганда, ўрганиш мақсадида танланган фаннинг барча объектлари тушунилади. Рўйхатга киритилган ўқув элементлари бошқа ижтимоий тажриба унсурларидан (олдин ўрганилган мавзудаги тушунча, ҳодиса, жараёнлардан) ажралиб туриши лозим. Мисол учун, «Миллый истиқлол мафқурасининг асосий ғоялари» («Миллый истиқлол ғояси» фани) мавзуси бўйича 7 та ўқув элементи алоҳида ажратилиб кўрсатилган: 1. Ватан равнақи. 2. Юрт тинчлиги. 3. Ҳалқ фаровонлиги. 4. Комил инсон. 5. Ижтимоий ҳамкорлик. 6. Миллатлараро тотувлик. 7. Динлараро бағрикенглик. Булар мавзу бўйича белгиланган умумий мақсад ва мазмунни ифодалайди. Унда ўқитувчи белгиланган умумий мақсадни — микромақсадларга айлантириши керак бўлади. Мисол учун, «Комил инсон» элементини ўрганишда қўйидаги микромақсадларни белгилаб олиш мумкин: комил инсон ғоясининг миллый ва умумбашарий моҳияти; тасаввуф илмида «комил инсон» тушунчasi; ўрта аср алломалари ижодида баркамол шахсни ифодалаш; Президент И.А.Каримов асарларида комил инсон талқини; Миллый дастурда баркамол шахс тарбияси; янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлод тарбияси ва б.

Мавзу мақсадини аниқ ўрнатиш борасидаги кейинги вазифа — ўқув элементлари бўйича талабаларнинг бошлангич билим даражаларини тегишли педагогик воситалар (тест, ёзма, оғзаки сўров, компьютерли назорат) ёрдамида аниқлаш ва баҳолаш. Бу вазифани бажариш зарур, акс ҳолда ўқитувчи машғулот давомида «Американи қашф этиши» мумкин. Бошқача айтганда, ўқитувчи қайси ўқув элементларини талабалар бирмунча чуқур ўрганаётгани тўғрисида ахборот олади ва ўз фаолиятини олинган натижаларга мос равишда ўзгартиради.

Ўқув фани мавзуси бўйича ўқув ахборотларини сараплаш қонуни

Мавзу мақсадини белгилашда иштирок этган ўқув элементлари бу босқичда ҳам иштирок этади, бироқ улар энди рўйхат кўринишидан матн кўринишига ўтади. Мазмунни сараплашда ўқитувчи, асосан, икки ҳолатни, яъни ўқув материалыни баён қилишнинг илмий тили ёки фан ривожининг абстракция погоналарини инобатга олиши шарт.

Ҳар бир ижтимоий фан муайян ривожланиш тарихига эга, у олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида ривожланади. Фан объектларидан ўқув элементлари ажратиб олиб, ўқув дастури тузилади. Шубҳасиз, ўқув элементлари (ЎЭ) фан объектларидан (ФО) кичик бўлади, яъни ЎЭ<ФО.

1. Олимлар фан ривожининг қуидаги «абстракция погоналарини» эътироф этади, ўқитувчи ЎЭни ривожлантиришда уларга таяниб иш кўриши лозим.

Биринчи абстракция погонасида (феноменологик) нарса ва ҳодисаларнинг баёнини тавсифлаш чекланган, объектларнинг муайян тартибли рўйхати келтирилган бўлади, унинг сифат ва хусусиятлари қайд этилади. ЎЭ оддий, одатдаги тилда тушунтириллади. Мисол учун, ўқитувчи «комил инсон» тушунчасини ҳазрат Навоий қараашлари орқали етказади.

Иккинчи абстракция погонасида (аналитик-синтетик) фанга оид тушунча ва атамалар, қонуниятлар ЎЭнинг асосий таркибини ташкил этади. ЎЭ фан тилида баён қилинади. Мисол учун, «комил инсон» тушунчасини ёритишда ўқитувчи алломалар, олимлар ва Президент И.А.Каримов қараашларини таҳлил қиласиди ва умумлаштириб ягона хулоса чиқаради.

Учинчи абстракция погонасида (башоратловчи) фанга оид маълум ҳодисалар, назариялар тушунтириллади, қонун ва хусусиятлар аналитик тасаввур қилинади. Ҳодиса ва жараёнларнинг амалга ошиш вақти ва сонини олдиндан айтиб бериш имконияти мавжуд. Ривожланган фан тили вужудга келиб, ЎЭ баёни фанлараро боғланишлар асосида олиб борилади. Мисол учун, «комил инсон» тушунчаси психология, фалсафа, педагогика, социология фанлари соҳасида эришилган ютуқлар асосида таҳлил қилиниб, соғлом авлоднинг мамлакат равнақидаги ўрни ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириллади.

Тўртинги абстракция поғонаси (аксиоматик) нарса ва ҳодисаларни тушунтириш ўқув материалининг кенг қамровилиги, ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб бориш билан тавсифланади. Фаннинг предметлараро тили мавжуд бўлиб, у ёрдамида илмий билишнинг амалий йўналишлари қайтадан асосланади. Мисол учун, ўқитувчи «комил инсон» тушунчаси моҳияти, уни шакллантириш босқичлари, комиллик мезонлари, баркамол шахсни тарбиялаш методлари, шакллари ва бошқа қирраларини илмий ўрганади ва талабаларга тушунтиради. Бу ўқув элементи бўйича фандаги энг сўнгги ютуқлардан фойдаланган ҳолда маъруза матнининг илмийлигини таъминлайди.

Шундай қилиб, ўқитувчи маъруза матнини тўрт даражада ёритиши, яъни таълим мазмунини белгилантан ЎЭ ёрдамида ифодалаши мумкин экан. Бироқ ўқув материалининг мураккаблашуви талабаларнинг ўзлаштириш даражасига қанчалик мос келади? Бу саволга жавоб топилгандагина, белгилантан таълим мақсадига эришиш мумкин.

2. Талабаларнинг ўзлаштириш даражаси. Ўз навбатида талабалар ЎЭни қайси даражада ўзлаштириши, топшириқни қандай бажариши керак? Бу саволга психологларнинг фаолият назарияси жавоб беради. Ахборотлардан фойдаланиш характеристига қараб, фаолиятнинг икки кўринишини фарқлаш мумкин: номаҳсул ва маҳсулдор.

Талабанинг ўқув материалини ўзлаштириш даражаси номаҳсул фаолиятда танишув ва алгоритмик, маҳсулдор фаолиятда эса эвристик (қисман изланувчан) ва ижодий даражада бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, гуруҳдаги талабалар ўз иқтидори ва қобилиятига кўра тўрт даражага бўлинади. Хўш, танишув даражаси фаолият кўрсатадиган талабага аксиоматик поғонада сараланган ўқув материалини тавсия этиб бўладими? Йўқ, албатта! Унга факат феноменологик поғонага тўғри келадиган ўқув материалини бериш керак. Худди шу жараёнда табакалаштирилган таълимни жорий этиш зарурати туғилади. Гурухни ўзлаштириш даражасига мос равишда кичик гуруҳларга ажратиш ва уларга алоҳида ўқув ахборотларини тавсия этиш лозим (қаранг: «Кичик гуруҳда ишлаш («Маърифат», 2002 й. 30 октябрь).»

Дидактик жараённи қуриш ва ўқув вакти давомида уни амалга ошириш қонуви

Фан мавзулари бўйича дидактик масалаларни (мақсад, мазмун, талабанинг ўзлаштириши) аниқ белгилаш асосида дидактик жараён — технологияларни амалиётта тадбиқ этиш мумкин.

Дидактик жараён ўзаро боғлиқ бўлган уч компонент — мотивация, талабанинг ўқув-билиш фаолияти ва уни бошқаришдан иборат.

Мотивацион босқичда ўқитувчи талабалар диккатини турли услублар ёрдамида мавзуни ўрганишга жалб этади, уларда ички талаб, эҳтиёжни туғдиради. Бундай метод сирасига машгулот бошланишида муаммоли вазиятларни таклиф этиш, тарихий материаллардан фойдаланиш, муайян мавзуга оид кинокадрлар кўрсатишни киритиш мумкин. Улар талабаларда қизиқиш мотивларини вужудга келтириб мавзуни иштиёқ билан ўрганишга ундаиди.

Ўқув фаолияти давомида талаба билимларни ўзлаштиради, кўнишка ва малака эгаллади. Тадқиқотлар шуну кўрсатадики, ҳар бир ўқув фаолияти умумий лойиха бўйича курилади ва ўзида мўлжалли, бажарувчи, назорат қилувчи ва тузатувчи ҳаракатларни мужассамлаштиради. Бу ҳаракатларни талаба ўқитувчи ёки дарслек ёрдамида турли даражада ва турлича таълим назариясига таянган ҳолда бажариши мумкин. Ўқитувчи ҳар бир талабанинг хатти-ҳаракатларини кузатиши ва фарқлай олиши лозим. Ўқув ҳаракатларининг ҳар бири ЎЭни ўзлаштиришнинг маълум босқичида намоён бўлади. Мисол учун, мўлжалли ҳаракат бажарилиши ва ўқув топшириқларини ўзлаштириш қўйидагича боради: а) топширикни фаол қабул қилиш; б) топширикни тушуниб этиш; з) топширикни бажариш кетма-кетлигини, ўрганиш методикасини эгаллаш; г) мустақил равишда ўқув топшириқларини ўрганиш.

Бажарувчи ҳаракатлар ҳам ўзлаштиришнинг турли босқичларида бўлиши мумкин: а) асосий ўқув ҳаракатларининг бажарилиши (тахлил, ўзлаштириш, таққослаш, моделлаштириш); б) алоҳида ҳаракатларнинг айрим ЎЭ бўйича бажарилиши; в) масаланинг ечимиға қаратилган ва йирик блокларга қўшилган ҳолда амалга ошадиган қатор ўқув ҳаракатларини бажа-

риш; г) бу блокларни англаш даражасида (кўникма ёки «автоматик» (малака даражасида) амалга оширилиши.

Кейинги босқич назорат қилувчи ҳаракат мавзуси бўйича ЎЭни ўзлаштириш даражаси бўлиб, талабанинг ўз-ўзини назорат қилиши эвазига амалга оширилади ва мавжуд андоза билан солиштирилади. Агар ўзлаштириш даражаси (55 % дан) паст бўлса, муайян ҳаракат давомида йўл қўйилган хатолар ўкув фаолиятининг тузатувчи босқичида аникланади. Унга мос қўшимча дидактик жараён ташкил этилади.

Ўкув фаолиятининг муҳим кўрсаткичи қуидаги натижалардир: объектив — ечимнинг тўғрилиги, натижагача бўлган ҳаракат ва қадамлар сони, вақт сарфи; субъектив — талаба учун ишнинг муҳимлилиги; якундан субъектнинг қаноатланиши, куч сарфи ва б.

Дидактик жараённинг сўнгги таркибий қисми — ўқувбилиш фаолиятини бошқариш ҳисобланади. Циклик турдаги бошқариш тизими асосан дидактик жараён учун мос келади. Чунки зарурий ўқув ахборотлари ўқитувчидан талabalарга алоқа ёрдамида тўғри узатилади. Асосий ҳаракатни бажарганилиги ҳақидаги маълумот тескари алоқа ёрдамида талабадан ўқитувчига узатиш имконияти мавжуд бўлади. Бошқаришнинг муҳим жиҳати шундаки, талаба томонидан ўқув фаолияти бажарилса, бошқариш алгоритмини ўқитувчи ҳам, талаба ҳам бажариши мумкин. Бунда ўқув топширикларининг тўғри жавоблари — эталонлари талabalарга берилади. Шунда улар ўз фаолиятларини текшириш ва ҳаракатларини тузатиш имконига эга бўлади.

Шундай қилиб, дидактик жараённи қуриш қонуниятларини қисқача баён қилдик. Хўш, ўқув вақти дидактик жараён босқичларида қандай таҳсимланади? Ўқув вақтининг мотивацион ва бошқариш босқичи учун сарф бўлади. Асосий ўқув вақти (70%) талабанинг ўз устида ишлаши, яъни асосий ўқув фаолиятига ажратилади.

“Миллий истиқлол гояси” фанини ўқитишда дидактик жараён лойиҳасининг интерфаол усуллари

“Миллий истиқлол гояси” фанини ўқитишда дидактик жараён босқичларини муайян кетма-кетликда қуриш талабаларнинг билиш фаолиятини мавзу бўйича белгиланган мақсадга мос ҳолда танланган ўқитиши усуллари ёрдамида ташкил этиш демакдир. Ўқитиши методлари ўз моҳияти ва мазмунига кўра, маълум педагогик назарияга асосланган ҳамда муайян таснифга эга бўлади. Унинг самарадорлиги ҳақида фикр юритилганда ўқитиши жараёнини изга солиб, уни мақсадли йўналтира оладиган, ўқитувчи ва талабанинг ўзаро фаолиятини таъминлаш асосида мактаб (касб-хунар коллежи, олий ўқув юртлари) олдига кўйилаётган мақсадга нечоғли зришилаётганини кўзда тутиш керак. Шу билан бирга, ўқитиши методлари бевосита таълим амалиёти билан алоқадор концепциядир. Ўқитиши методи педагог онгида дастлаб фаолиятнинг умумлашган лойиҳаси тарзида мавжуд бўлади. Бу лойиҳа амалиётга ўқитувчи ва талаба фаолиятининг ўзаро туташуви жараёнида, ўқитиши ва ўқишининг аниқ харакатлар, амаллар ёки усуллар мажмуаси сифатида жорий этилади. Методнинг бошқа намоён бўлиш шакллари йўқ, чунки умумий ҳолда ўқитиши методи фаолиятнинг дидактик моделини ўзида ифода этади.

Педагогик нашрларда ўқитиши методларини фаол ва пассив гурухларга ажратиш мавжуд. Агар ҳар бир метод белгиланган муайян мақсадни ечишда ўз ўрнида ишлатилса, шубҳасиз, фаолдир. Педагогик технологиялар ҳам талабалар фаоллигининг юқори даражасини таъминлаш асосида олдиндан белгиланган мақсадга зришишга қаратилади. Шу боисдан бу қисмда педагогик амалиёт учун нотаниш бўлган чет зл дидактикасига оид методлар ҳақида фикр юритилади.

Американинг “Street law” (“Кўча қонуни”) дастури бугунги кунда кўплаб давлатлари томонидан “асир”га олинган ва таълим жараёнига ўрнашиб қолаяпти. Бунга сабаб дастурдан ўрин олган юзлаб ўқитиши методларининг фаоллиги, жозибалиги ва таъсирчанлигидир. Улар ёрдамида талабалар ўз

фикрларини эркин ифодалаш, ахборотларни танқидий қабул қилиш, жамоада ишлаш, ўз мавкеини мустаҳкамлаш, фикрларини ҳимоя қилиш, ҳақ-хуқуқларини англаб етиш каби имкониятларга тезда эга бўлади. Ўқитувчи эса дидактик жараёнда бу методлардан оқилона фойдаланмоғи, мавзу бўйича ўқув элементларининг мураккаблиги ва вақт муддатига қараб ўзлаштиримоғи лозим. Кўйида “Street law” дастуридаги баъзи методлар билан танишасиз.

Кластер (ахборотни ёйиш) усули

Бу усулнинг асосий вазифаси ўрганилаётган объект – талабалар фаолиятини педагогик воқеликни қисмларга ажратган ҳолда ўзлаштиришга йўналтиради, унда кўп вариантилик асосида тушунча ҳамда ҳодисаларнинг ўзаро ички ва ташки боғланишларини аниқлаш кўникмаларини шакллантиради, мавзу бўйича фикр-мулоҳазаларни эркинлаштиришга ёрдам беради.

Мавзу бўйича кластерларни тузиш ўқув мақсадига қараб босқичма-босқич ҳаракатланишни тақозо этади, охир-оқибатда якуний натижа – янги билимларни ўзлаштириш фикрлар хилма-хиллигини яхлитлаш асосида кўлга киритилади.

Кластер усулидан фойдаланиш учун талабаларни кичик гуруҳларга (3-5 та) ажратиш талаб этилади. Ҳар бир гурухда мавзуга оид алоҳида ўқув элементлари танланади. Бунинг учун аудиторияда дарслик, ўқув кўлланмалари, маъруза матнлари ва бошқа ахборот манбалари бўлиши лозим. Ўқитувчи алоҳида ўқув элементларини ўзлаштириши учун 15-20 дақика вақт ажратади .

Кластер тузиш босқичлари:

1. Аудитория ёзув тахтасига кичик гуруҳлар сонига қараб ватман (чизмачилик қофози) осилади ва «калит» сўзлар ўқитувчи (айрим ҳолларда талабалар) томонидан ёзилади.

2. Мавзу бўйича ўқув элементларига тегишли фикрлар (конун, факт, тезис, ҳодиса, жараён, натижа) аниқ феъл билан ифодаланган ҳолда қофозга ёзилади.

3. Асосий тушунча ва ғоялар ўртасидаги алоқадорлик чизмада кўрсатилади.

4. Кичик гурухлардаги барча талабалар (3-5 та) ўз вариантиларини қоғозга ёзишади.

5. Фикрлар «шажара»си умумлаштирилади ва якуний хулосалар қайд этилади.

6. Ўқитувчи талабалар фаолиятини назорат қиласи ва объектив баҳолайди.

Мисол учун Б.Блумнинг «Ўқув мақсади таксономияси» мавзуи бўйича кластер тузиш кетма-кетлигини келтирамиз:

1.Блум таксономияси аниқланган ўқув фаолияти соҳалари (ЎЭ № 1):

- когнитивли (билиш) соҳаси;
- аффектив (ҳаяжонли-қадриятли) соҳаси;
- психомоторли соҳаси.

2. Блум таксономиясини тузишда таяниладиган тамойиллар (ЎЭ № 2):

- амалий; психологик; мантикий; объективлик.

3. Когнитив соҳа бўйича ўқув мақсадлари таксономияси (ЎЭ № 3):

- билиш; англаш; қўллаш; таҳлиллаш; синтезлаш; баҳолаш.

Бу мисолда учта “калит” сўз келтирилди, улар, ўз наебатида, тегишли ўқув элементларини қамраб олиши талабалар томонидан аниқланади. Ҳар бир ўқув элементига оид тушунчалар мазмунан кетма-кетлик сақланган ҳолда ватман қоғозга ёзилади ва фикрлар «ёйилмаси» чизмаси яратилади.

Синквейн (ахборотни йигиш) усули

Методни қўллаш жараёнида талабалардаги таркоқ ахборотли жараёнлар аста-секин босқичма-босқич йўналтирилган ахборотли жараёнга айлантириб борилади. Яъни, ўрганилмаган билимлар мавзууни ўрганиш давомида ўрганилади, муайян объектив воқелик тўғрисида яқдил фикрга келинади. Бунинг учун талабаларда беш имконият мавжуд бўлади. Яъни синквейн беш қатордан иборат ўзига хос “оқ шеър” (кофиясиз) бўлиб, ўрганилаётган мавзуга оид тушунчалар (ходиса, жараён, воқеа) қатъиян кетма-кетликда ёзил чиқилади. Синквейн орқали талабалар ўз фикрларини тўплаш, уларни их-

чам ифодалаш, турли мулоҳазаларни синтезлаш ва мавзуу бўйича тўғри хулосаларни такомиллаштиришга ўрганишади.

Синквейн тузиш тартиби:

1. Биринчи қаторда мавзуга оид бош ғоя (таянч тушунча) бир сўз (от) билан қайд этилади.

2. Иккинчи қаторда бош ғоя икки сифат билан ифодала-нади.

3. Учинчи қаторда мавзуга оид тушунчалар (жараёнлар) учта сўз билан баён қилинади.

4. Тўртинчи қаторда мавзуга оид фикр (назария, факт)-лар тўртта сўздан иборат бўлиши лозим.

5. Сўнгги қаторга мавзуу моҳиятини ойдинлаштириладиган (ёки маъно жиҳатидан яқин бўлган) битта сўз ёзилади.

Бу кетма-кетликни қуийдаги чизиқлар ёрдамида лойиҳа-лаш мумкин.

1. _____ топшириқ
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____ натижা

Одатда, синквейн мавзуу бўйича бирор муаммоли вазиятни ечиш ёки алоҳида ўқув элементларини мукаммаллаштиришда талаба тафаккурини чархлаш учун тузилади. Агар биринчи қатордаги мавзуу сўз турқуми — от орқали ифодаланса, иккинчи қаторда топшириқнинг муҳим хоссаларини белгиловчи бир жуфт сифатни талабалар ўйлаши, кўп вариантли жавоблардан энг мақбулини олиши лозим бўлади. Кейинги қаторларга ёзиладиган жавоб сўзлар ҳам талабанинг тезкор фикрлаши натижасида топилиб, кўзланган мақсад — якуний натижага эришилади.

“Ақлий ҳужум” усули

Дарс жараёнида «ақлий ҳужум»дан мақсадли фойдаланиш ижодий, андозасиз тафаккурлашни ривожлантириш манбай ҳисобланади. “Ақлий ҳужум”ни уюштириши содда бўлиб,

ундан таълим мазмунини ўзгартириш жараёнида, ишлаб чиқариш муаммолари ечимини топишда ҳам фойдаланиш мумкин. Дастрраб гурух йигилиб, улар олдига муаммо қўйилади. Бу муаммо ечими тўғрисида иштирокчилар ўз фикрларини билдиришиади. Бу босқичда ҳеч кимнинг ўзгалар гоясига «хужум» қилиши ёки баҳолашига ҳаққи йўқ Демак, “ақлий ҳужум”да қисқа вақтда ўнлаб гояларнинг юзага чиқиш имкониятлари мавжуд бўлади. Аслида, гоялар сони мақсад эмас, улар муаммо ечими учунгина асос бўлади. Бу метод шартларидан бири қатнашувчиларнинг ҳар бири ташки таъсирсиз фаол иштирокчи бўлиши керак.

Шундай қилиб, “ақлий ҳужум” қоидаларини қуидагича белгилаш мумкин:

- олға сурилган гоялар баҳоланмайди ва танқид остига қилинмайди;
- иш сифатга эмас, сонга қаратилади, гоялар қанча кўп бўлса шунча яхши;
- исталган гояни мумкин қадар мукамаллаштириш ва ривожлантириш мумкин;
- муаммо ечимидан гоялар ҳам қўллаб-қувватланади;
- барча гояларнинг асосий мавзулари (фаразлари) ёзиб олинади;
- “хужум” вақти аниқланади ва унга риоя қилиниши шарт;
- саволларга қисқача (асосланмаган) жавоблар бериш кўзда тутилади.

Вазифаси. “Ақлий ҳужум” қийин вазиятдан кутулиш чораларини топишга, муаммони чегарасини кенгайтиришга, фикр-лар хилма-хиллигига эришишга ва тафаккур доирасини кенгайтиришга имкон беради. Энг асосийси, муаммони ечиш жараёнида ижодий ҳамкорлик кучайиб, гурух (аудитория) янада жипслашади.

Объекти. Қўлланиш мақсадига кўра, бу метод универсал ҳисобланиб, тадқиқотчиликда (янги муаммони ечишга имкон яратади), ўқитиш жараёнида (ўқув материалларини тезкор ўзлаштиришга қаратилади), фикрни мустаҳкамлашда (ўз-ўзини бошқариш асосида фаол фикрлашни шакллантиради) аскотади.

Қўлланиш усули “Ақлий ҳужум” иштирокчилари муаммо

бўйича мулоҳаза-таклифларни билдиришлари мумкин. Айтилган фикрлар ёзib олинади. Метод самараси фикрлар хилма-хиллиги билан тавсифланади ва улар танқид қилинмайди, қайтадан ифодаланмайди. «Ақлий ҳужум» тутагач, энг яхши таклифлар бирлаштириб, муаммони ечиш учун зарурлари танланади.

Изоҳ, Хурматли китобхон, сиз америкача “ақлий ҳужум” методи билан қисман танишдингиз (сиз, эҳтимол, олдиндан танишдирсиз). Айтмоқчи бўлган фикримиз хусусида: **бу метод муаллифлари бизнинг аждодларимиздир**. Ҳали Америка қашф этилмаган даврда ўз ақл машъяласи билан дунёни ёритган қомусий олимларимизни (Аҳмад ал Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний) ёки етти иқлимин забт эттан шоху султонларимизни оласизми, улар ўз муаммоларини ечишда ана шу методдан кент фойдаланишган. Бобокалонларимиз бу методни “кенташ”, “машварат”, “маслаҳат” деб аташган. Мисол учун, Соҳибқирон Амир Темур салтанат олдида турган муаммоларни ечишда машварат чақириб барча сарой аҳлининг, вазиру уламоларнинг, фарзандларининг фикрларини ва у асосда ягона ҳукм чиқарган. Бу ҳолатлар ҳарбий юриш олдидан чақирилган машваратларда кўпроқ намоён бўлади. “Агар (ғаним устига) лашкар тортмокчи бўлсан, уруш-ярашдан ўртага сўз ташлаб, амирларимнинг бу икковидан қай бирита мойиллигини билишга интилардим. Агар ярашдан сўз очсалар, бунинг фойдасини уруш зиёнига солиштириб кўрадим, агар урунга мойил бўлсалар, унинг наф ва фойдасини яраш зиёнига тақослаб кўрадим, қайси бири фойдалироқ бўлса, шуни ихтиёр қиласдирдим”. Бугун ана шулар ҳакида ўйга толиб, “Фарб Шарқдан ўрганганд” лигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласдирдим.

“Ажурли appa” усули

“Ажурли appa” методи тузилиш жиҳатидан қўйидагиларни ўз ичига олади:

1. Топшириқни бўлиш: топшириқ ва матнли материаллар бир нечта асосий қисмларга (мавзуларга) бўлинади.

2. Бирламчи гуруҳлар: гуруҳ аъзолари мавзуни олгач, эксперт ҳисобланади.

3. Эксперт гуруҳлари: мавзуга оид ўқув топшириқлари бўлган талабалар уни муҳокама қилиш, бажариш учун эксперт гуруҳига бирлашади.

4. Бирламчи гуруҳлар: талабалар ўз бирламчи гуруҳларига қайтадилар ва эксперт гуруҳларда ўргангандарини ўқитишади.

Изоҳ, "Ажурли арпа" усулига аниқлик киритиш учун баъзи тавсияларни ёритиш лозим.

1. Ўқитиши жараёнига бундай ёндашилганда уларнинг ҳамкорликда ишлашига ва қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотни ўзлаштиришларига имкон туғилади.

2. Дарсда муайян фаолиятни бажариш учун талабаларга бошланғич ахборотни узатиш зарурати туғилса, унинг ўрнини боса оладиган бошқа материалдан фойдаланиш мумкин.

3. Ўқитувчи мураккаб мавзу бўйича талабаларнинг ҳар бирига мўлжалланган ахборотли алоҳида пакет тайёрлайди. Унда дарсликдан, газета, журнал мақолаларидан тайёрланган материаллар бўлиши керак.

4. Ҳар бир талаба 2 гурух таркибида иштирок этади: дастлаб "ўз уйи" (бирламчи) гуруҳига, кейин эса "эксперт" гуруҳига бирлашиб, ўқув элементларини мустақил ўрганишади. Эксперт гуруҳини ташкил этиш учун ахборотли пакетларда мавзууга оид материаллар бир хил рангдаги қоғозларга ёки рангли қалам билан қоғознинг бурчагига ёзилгани маъқул.

5. Ҳар бир гуруҳда 3 тадан 5 тагача талаба (талабалар сонига қараб) бўлиши мумкин. Ҳар бир талаба "ўз уйи"дагиларни ва қайта учрашиш жойини аниқлаб олиши керак.

6. Ўқитувчи талабаларни "рангли" топшириклар асосида гуруҳга бирлашишини таклиф этади, улар алоҳида мавзулар бўйича экспертга айланади. Мисол учун, "қизил"ларни аудитория хонаси охирида, "кўқ"ларни эса мактаб йўлакчасида учрашиши белгиланади. Ҳар бир эксперт гуруҳда 3 тадан кам талаба бўлмаслиги керак.

7. Гуруҳларга ахборотли пакет тарқатилади. Ҳар қайси гуруҳ турли материаллар тўпламини олишлари ва уларни ўқиши, мухокама қилиши, айнан шу ахборотлар бўйича экспертга айланиши лозим. Улар "эксперт" бўлиши учун талабаларда вақт етарли бўлиши керак. Агар материаллар мураккаб ва ҳажман катта бўлса, эҳтимол, тўлиқ бир дарс соати талаб қилинади.

8. Талабаларга қуидаги топшириклар берилади:

- пакетдаги материалларни кунт билан ўрганинг ва мухокама қилинг;
- билмаганингизни бир-бирингиздан сўранг ва ҳар бирингиз уни тушунганингизга ишонч ҳосил қилинг;

- "ўз уйингиз" гурухини ўқитиш зарурлигини хисобга олиб материалнинг мухим ўқув элементларига эътибор қаратинг.

9. Талабалардан "ўз уй"ларига қайтишларини сўранг. Ҳар бири "ўз уйи"- гуруҳига ахборот беради. Шаксиз, "уй" гуруҳида эксперт гуруҳларидан биттадан талаба бўлиши шарт. Талаба ўрганиб келган материалларни ўз гуруҳи талабаларига ўргатишни олиши лозим. Бу жараён ўқув материалининг ўзлаштириш зарурлигига қараб яна бир соат давом этиши мумкин.

10. Талабалар бир-бирларидан ахборотни ўрганиб бўлишгач, ўқитувчи ўзи режалаштирган фаолият турини ўтказиши мумкин.

"Мунозара" усули

Бу метод ёрдамида талабаларга маълум мавзу бўйича ахборот етказилади, мунозара учун танланган мавзуни талабалар "штурм" қиласидилар, натижада, унга оид маълумотни атрофлича ўрганилади.

Мунозарани ўтказиш методикаси

1. Мунозара олиб борувчи - бошловчи (ўқитувчи, журналист, бошлиқ ва ҳоказо) мавзуни танлаб, иштирокчиларни таклиф этади.

2. Бошловчи иштирокчиларга "акслий ҳужум" топшириғи қоидаларини тушунтиради:

- "ҳужум"дан мақсад - муаммо ечимиға оид вариантларни қўпроқ таклиф этиш;

- ўз билимингизни умумлаштириб, эътиборни муаммо ечимиға қаратиб, фикрлар билдиринг. Билдирилган ғоялар умумий фикрга зид бўлса-да, ҳеч бири рад этилмайди;

- бошқа иштирокчилар ғояларини ҳам қўллаб-қувватланг;
- таклиф этилганларни баҳолаш билан кейинроқ шуғулланасиз.

3. Бошловчи котиб тайинлайди ва у айтилган барча ғояларни ёзиб боради. Мухокама вақтида сўзга чиқувчилар аниқлашиб, мунозарада барча иштирокчилар қатнашади, ўз фикрларини ифодалаш имкони берилади. Агар бирор киши томонидан уни ўтказиши қоидалари бузилса, бошловчи уни ҳоли-

сона ҳал қиласи. Биринчи босқич янги ғоялар пайдо бўлгунча давом этаверади.

4. Бошловчи иштирокчиларнинг танқидий тафаккури “чархланиши” учун қисқача танаффус эълон қиласи. Кейин иккинчи босқич бошланади. Иштирокчилар гурухларга бўлиниб, биринчи босқичда билдирилган ғоялар мустаҳкамланади. Ғоялар гуруҳ бўйича бирлаштирилиб, улар таҳлил қилинади, натижада ўртага қўйилган муаммонинг ечимига оид бўлган фикрларгина ажратиб олинади.

Бошловчи мунозараға яқун ясади.

Изоҳ. Америкача мунозара методи турли шаклларда ташкил этилиши эътироф этилган. Бизнинг амалиётда энг кўп тарқалган тури – “тлемунозара” хисобланади, журналист Куддус Аъзамнинг талабалар билан тлемумлокоти ана шу методнинг ўзгинасиидир.

Телешоу усулидаги мунозара афзалликлари: бу шаклда ташкил этиш бир вақтнинг ўзида гурухда маъруза ва мунозара методларини қўллаш имкониятини беради. 3-5 кишидан иборат бўлган гуруҳ танланган мавзу бўйича бошқа қатнашчи (томошабин)лар иштирокида мунозара ўтказади. Томонабинлар мухокамада ўз фикрларини айтиб ёки савол билан иштирок этишади.

Телешоу шаклидаги мунозарада мавзу бўйича турли фикрларни аниқ ифодалашга имконият туғилади. Албатта, бунда қатнашчилар пухта тайёргарлик кўришлари ёки шу соҳа билимдонлари бўлишлари билан асосий мавзудан четга чиқиб кетмасликлари керак.

Телешоуда хар бир иштирокчи ўз фикрини тўлиқ баён қилиши учун унга имконият бериш лозим (3-5 мин). Бошловчи мунозарани кузатиб боради, агар белгиланган мавзудан четга чиқини ҳоллари бўлса, мунозараға аралашиши мумкин.

“Ўз ўрнингни топ” усули

Агар аудиторияда муайян мавзу бўйича тортишувлар вужудга келса, мазкур метод ёрдамида муаммо ечими аниқланади. Ўндан асосан дарснинг кириш қисмида фойдаланишади. Ўтилаётган мавзу турли ёндашувлар мавжудлиги айтилади. Бу бир томондан. Иккинчидан, талабалар фикрини баён қилиши, ўзgartиришга имкон туғилади. Нихоят, дарс сўнггида ўқитувчи мавзуни ўзлаштириш даражасини баҳолайди.

1. Аудиториянинг қарама-қарши бурчакларига иккита плакат осилади. Уларнинг бирига “розиман”, бошқасига “рози эмасман”, деган сўзлар ёзилади. Плакатларда баъзан мавзуга оид саволлар бўйича қарама-қарши фикрлар ҳам ёзилиши мумкин. Масалан: “анжир гуллайди ва мева тугади” ёки “анжир гулламасдан мева тугади”.

2. Дарсни ташкил этиш қоидалари муҳокама қилинади.

3. Талабаларга ўрганилаётган муаммо юзасидан ўз фикрларига мос келадиган плакат ёнига бориш таклиф этилади.

4. Талабалардан ўз қарашларини асослаш сўралади. Бу пайтда бир гурухдан иккинчи гурухга ўтиш рухсат этилади ва шу тариқа талабаларининг ҳаммаси жалб этилади.

5. Муаммо бўйича фикрлар билдирилгач, талабалар ичida мунозара давомида ўз нуқтаи назарини ўзгартиришлари ёки бошқа гурухга ўтишлари мумкин. Бундай ҳолларда бунигъ сабабини асослашлари керак.

6. Иштирокчилардан оппонентлари ичida муаммо юзасидан энг ишончли фикр айтган талабаларни аниқланади.

«Кичик гурухларда ишлаш»

Кичик гурухларда ишлаш талабанинг фаоллигини оширади, ҳар бири учун мунозараада катнашиш хуқукини бераади, бир-биридан ўрганиш имкони туғилади, бошқалар фикрини қадрлашга ўргатади.

Қўллаш усули

1. Фаолиятни танлаш. Мавзуга оид муаммо шундай танланадики, натижада талабалар уни ўрганиш (бажариш) учун ижодий фаолият қўрсатишлари зарур бўлади ва вазифалар белгилаб олинади.

2. Зарурий асос яратиш. Талабалар кичик гурухда катнашишлари учун танланган фаолият бўйича етарли билим, кўнигмага эга бўлишлари керак.

3. Гурухни шакллантириш. Одатда, ҳар бир гурухда 3-5 талаба бўлади (баъзан, кам ёки кўп бўлиши мумкин). Агар гурухда ишлаш маълум ёзма хужжат тайёрлашни талаб этса, 2-3 кишилик гурух тузилгани маъқул. Гурух таркиби масала-

нинг муҳимлиги, аудиториядаги талабалар сони, уларнинг бирбири билан ўзаро ҳаракатига боғлик ҳолда ўзгаради. Энг яхшиси, “гетроген” гуруҳ ташкил этишдир. (жинси, ўзлаштириш даражаси ва бошқа белгилар асосида). Гуруҳда ишлаш талабалар ўртасида вазифаларни аниқ тақсимлашга асосланади. (Мисол учун, бир талаба мунозарани бошқаради, иккинчиси ёзиб боради, учинчиси спикер (сардор) ролини ўтайди ва ҳоказо). Аудиторияни гуруҳларга ажратиш, таклиф ёки ҳисоб бўйича амалга оширилади.

4. Аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш. Талабаларга фаолиятни бажариш учун ихчам тарзда аниқ тушунтириш берилади. Ўқитувчи гуруҳларнинг ишлаш тезлиги турлича бўлишини инобатга олган ҳолда вақт чегарасини айтади. Гуруҳлар керакли материал ва ахборот билан таъминланади. Талабалар иш бошлашлари учун вазифаларини тушуниб етганлиги текширилади.

5. Кўллаб қувватлаш ва йўналтириш. Ўқитувчи гуруҳлар тўғри ишлаётганлигини қайд этади, уларга зарурат туғилса ёрдам беради, гуруҳларга тазийк ўтказилмайди.

6. Муҳокама қилиш ва баҳолаш. Гуруҳларда иш якунлангач, унинг натижалари бўйича ахборот берилади. Бунинг учун ҳар бир гуруҳ ўз сардорини белгилайди. Зарурат туғилса, фаолият натижалари бўйича фикрларни ўқитувчи ёзиб боради. Муҳими, гуруҳ ечимининг асосланишини аниқлаштириб олишдир. Агар вақт етарли бўлса, муайян фикрни асослашда гуруҳлар бир-бирига савол беришлари мумкин, унинг натижалари ўқитувчи томонидан баҳоланади. Бунда фаолиятни тўғри ва аниқ бажариш, вақт сарфи асосий мезон ҳисобланади.

«Меню» усули

Якка тартибда ёки кичик гуруҳлар билан ишлашни хоҳлаган ўқитувчига “Меню” методидан фойдаланиш тавсия этилади. Бунда кичик гуруҳ (талаба)га аниқ топшириқ берилади. Мисол учун, “Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари”. Ўқитувчи ҳар бир гуруҳ учун алоҳида топшириқ тайёрлайди:

- I. Конституциявий ҳуқуқлар.
- I. Маъмурий ҳуқуқ асослари.

II. Фуқаролик ҳуқуқлари асослари.

IV. Мехнат ҳуқуқлари асослари.

V. Экологик ҳуқуқ асослари.

Хар бир гурұх топшириқ олади ва 3 минут давомида мұхокама қилишади, сүнгра гурұх вакили үқитувчи столига келиб, тайёр "Меню"ни олиб қайтади. Бу узун қирқілған қоғоз - "тиллар" бўлиб, уларда хилма-хил ҳуқуқ асослари баён қилинган. Гурұх вакили «тиллар»дан бирини танлаб олади ва ўз гурұхига қайтади. Бошқа талаба ҳам шу ишни бажаради ва зарурий материаллар йиғилгунча бу ҳолат давом этади. 10 минут давомида топшириқ мұхокама қилинади ва расмий-лаштирилади. Бу методда жавоблар оғзаки бўлиши мумкин. Бошқа гурұх вакиллари саволлар беришади, үқитувчи эса гурұх ишларини, сардор фаолиятини баҳолаб боради.

"Кичик гурұхларда босма материаллар билан ишлаш" усули

Кичик гурұхларда ишлашнинг яна бир методи - нашр қилинган материаллар билан ишлаш ҳисобланади. Талабаларнинг зарурий ахборотни излашлари, назарий билимларни мустақамлашлари ҳамда назарий материалларни чукур англашлари учун бу методдан фойдаланиш яхши самара беради. Аудитория 4-5 кишидан иборат кичик гурұхларга бўлинади. Гурұх бир хил ёки турли мавзудаги топшириқ ҳамда газета, журнал, фотоальбом ва бюллетенлар олишади.

Зарур материаллар: А-І форматли оқ қоғоз, қайчи, елим.

Топшириклар:

а) газеталардан инсон ҳуқуқлари тұғрисида маълумотлар топиб, қуйидаги тартибда жойлаштириң:

- 1) фуқаролик ҳуқуқлари;
- 2) сиёсий ҳуқуқлар;
- 3) иқтисодий ҳуқуқлар;
- 4) ижтимоий ҳуқуқлар;
- 5) маданий ҳуқуқлар.

б) инсон ҳуқуқларини жорий этиш шаклларини айтинг.

Унинг 4 тури мавжуд:

- риоя қилиш;

- бажариш;
- фойдаланиш;
- қўллаш.

Ҳар бир гурух (улар 4 та) топшириқ олади, газетадан керакли материалларни топади, мақола, суратларни қирқиб олади ва плакатга елимлайди, зарурий матнни шарҳлайди. Ҳар бир гурухнинг сардори иш якуни тўғрисида ҳисобот берадилар. Бошқа гурух талабалари савол беришади ва ишни баҳолашади.

Ҳисоботдан олдин талабалардан барча материаллар йиғиб олинади, улар газета ўқишига берилиб кетиб, сардор фикрларига қулоқ солмасликлари мумкин. Талабалардан эҳтиёт бўлиб ишлаш талаб этилади, ортиқча қофоз қирқиши, елимлаш, аудиторияни ифлослантиришга йўл қўйилмайди.

“Дебатлар” усули

“Дебатлар” асосида дарсни ташкил этишдан асосий мақсад муаммо ечимини топишда талаба ўз ёндашувининг тўғрилигига ўзгаларни ишонтиришдир. Ўз фикрини аник ва лўнда баён этиш, бунинг учун тўғри далил ва хулоса топиш кўнимасини шакллантиришда “дебатлар” самарали метод ҳисобланади.

Методик тавсиялар:

“Дебатлар” мавзууни резолюция шаклида ифодалаши керак. Маълумки, резолюция ҳар доим мавжуд ҳолатни ўзгартиришни талаб этиади. Мисол учун, “Қабул қилинган: АҚШ Олий суди олий жазонинг ноконституциявийилилигини тан олди”.

Машғулотта маҳаллий мутахассислардан (олим, врач, муҳандис, ижтимоий арбоб ва бошқа) бири таклиф этилади.

Дебатда талабалар икки гурухга ажратилади: резолюцини кўллаб-куватловчилар ва уларга қарши чиқувчилар. Гурух сардори регламентта риоя қилиш кузатувчи – ёрдамчи тайинлайди.

“Конструктив аргументлар” 3-5 ҳолатга асосланган; мантиқий ифодаланган ва далилий материаллар билан мустаҳкамланган аргументлар тайёрлаш учун талабаларга етарлича вакт берилади. Уларга муаммонинг моҳиятини англаш ва ўз

фикрларини мустаҳкамлаш учун мантиқий аргументлар тай-
ёрлашда ўқитувчи ёрдам бериши керак. Шу билан бирга,
талабалар қарши томон билдиражак фикрларни тахмин қилиш-
лари ва олдиндан уни инкор этишга ҳам тайёргарлик кўриш-
лари лозим.

Талабаларни шундай далил-исбот топиш қўнимасига
ўргатиш керакки, билдирилган фикрни қарши томоннинг
муҳокама қилишига ўрин қолмасин. Шундагина талабалар
тengдошлиарининг қарашларини хурмат қилишга ёки ўз били-
ми аудиториядошининг билими олдида кам эканлигини тан
олишга ўрганади, энг асосийси, уларда эркин фикр юритиш
кўнималари шаклланади.

“Дебатлар”ни ўтказиш тартиби

1. Ўқитувчи ва дебат иштирокчилари аудиториядан жой
олишади. Қулай бўлиши учун резолюцияни қўллаб-қувват-
ловчилар ўқитувчининг ўнг томонига, қаршилар эса чап то-
монига жойлашади.

2. Ўқитувчи муҳокама мавзуини ва резолюция вариант-
ларини баён қиласи, сўзга чиқувчилар учун вақт белгилайди.

3. Ўқитувчи дастлаб резолюцияни қўллаб-қувватлайди-
гандарга сўз беради, ундан конструктив аргументларни баён
қилишни сўрайди. У ўз фикрини етарлича далиллар ёрдами-
да асослаб беради. Иложи бўлса, сўзга чиқувчилар тартибини
ҳар бир гуруҳ аъзолари учун олдиндан белгилаш керак. Ўқитув-
чининг ёрдамчиси сўзга чиқувчи учун ажратилган вақт туга-
ганлигини эслатиб туради.

4. Ўқитувчи биринчи гурухнинг иккинчи талабасига сўз
беради, сўнгра иккинчи гурухнинг иккинчи рақамли талабаси
ўз фикрларини резолюция бўйича баён қиласи.

Шу ҳолат барча дебат иштирокчилари навбатма-навбат
чиқиш қилгунларига қадар давом этади.

5. Кейинги босқичда ҳар бир иштирокчига қарши томон-
нинг далилларини инкор этиш ва улар танқидига жавоб бе-
риш жараёни давом этади.

6. Мунозара давомида янги далилларни келтириш мум-
кин эмас. Бахсни ҳар доим резолюцияга қарши томон вакил-
лари бошлашади.

7. Талабалар бу босқичда резолюцияга нисбатан маълум мавқени эгаллашни баён қилишади. Ўқитувчи бу сабабларни аудитория доскасига ёзиши мумкин. Талабалар бу сабабларга тегишли жавоб беришлари ҳам мумкин.

8. Дебат дарс сўнггида талабалар қарши томон қабул қилган резолюциянинг жорий этилиши натижасини баҳолаши керак. Шунингдек, ҳар икки томондан ўртага ташланган қарашларни ҳаётга тадбиқ этиш жамият учун фойдали ёки зарарли эканлиги ҳам муҳокама қилиниши мумкин.

“Танқидий фикрлаш” усули

Вазифаси. Демократик жамиятда ҳар бир фуқаро ўз муаммосини оқилона ечиш қобилиятига эга бўлиши керак. Шу боисдан, талабаларни баҳс-тортишув орқали масаланинг ечи мини топишга кўпроқ жалб этиш лозим.

Саволларни ечишда талабаларда тинглаш, мулокот олиб бориш, турли фикрларни таққослаш, ўзгалар фикрига бефарқ қарамаслик каби одатлар шакллана боради, масалани ечиш ва хукм чиқариш, аналитик фикрлаш қобилияти ривожланади, мунозара юритиш, ечимларни тўғри топиш малакалари ўзлаштирилади.

Ўтказиш усули. Мунозарали саволларни таҳлил қилиш ва холисона фикр юритиш кўникмаларини ривожлантириш учун методлар мавжуд. Мавжуд воқеаликни танқидий фикрлаш асосида баҳолаш қўйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Талабанинг ўз фикрини эркин ифодалаши.

Талабага айтилган муаммо бўйича ўз ўрнини аниқлаб олиши учун имкон берилади. Масалан, Тошкентда 16 февраль воқеалари нима учун содир бўлганлиги тўғрисида. Талабадан жавоб олиш учун қатор саволлар билан мурожаат қилиш мумкин: Сенинг фикринг қандай? Бу ҳақда сен қандай фикрдасан? ва бошқа.

2. Ўз фикрини ойдинлаштириш.

Талабанинг фикрини янада аниқлаштириш мақсадида унга кўшимча тарзда қўйидаги саволлар берилади: Бу билан нима демоқчисан? Ўз фикрингни тушунтира оласанми? Бу нима дегани?

3. Талабалар фикрларини асосланғанligини текшириш.

Бунда қуидаги саволлар берилishi мумкин: Нима учун сен айнан шундай деб ўйлайсан? Сенинг мавқеингни тасдиқловчи қандай асослар бор? Нима учун сенда шундай фикр туғилди? Ўз фикрингни қандай исботлайсан?

4. Ўзгалар фикрини ўрганиш.

Инсон ўз фикрининг ожизлигини ҳар доим ҳам тан ола-вермайди. Шунингдек, сұхбатдошининг фикрига ҳурмат-әхтиром билан ҳам қарайвермайди. Бу ҳолатни күпроқ ўсмирларда күзатиш мумкин. Баъзан муаммолар ечимини топишида ўзгалар фикрини тинглаш кўнимаси жуда асқотади. Бу кўнимани талабаларда шакллантириш учун қуидаги саволлар билан мурожаат қилинг: Ўз фикрингизга муқобил бўлган ҳолатни айта оласизми? Бу ҳақда бошқалар нима дейди? Танқидга учрашингиз мумкини?

5. Ўз ва ўзгалар фикрини таҳлил этиш.

Талаба ўз фикри билан ўзгалар фикрини ўзаро таққослаш, илмий асосланған ҳолатни аниқлаш учун фикрлар қара-ма-қаршилигини таҳлил этиши керак. Шунда қуидаги саволлар асқотиши мумкин: ўз фикринг қандай? Карши томоннинг далил-исботи нима учун тўғри ёки нотўғри? Қандай фикрлар сени қаноатлантиради?

Таҳлил қилинаётган муаммо бўйича турли фикрларнинг мантикий натижаларини ўрганиш учун саволлар: Агар сизнинг ғоянгиз қабул қилинса, нима рўй бериши мумкин? У жамиятга қандай таъсир кўрсатади? Фойда берадими?

6. Муаммо натижасини қабул қилиш.

Бу “танқидий фикрлаш” усулининг сўнгги босқичи ҳисобланиб, талабалар фикрлари қайтадан баҳоланади ва мутаношиблик аниқланади. Бунинг учун: Кайси натижа энг қулай ва ишончли? Кимнинг чиқиши мақсадга мувофиқ бўлди? Сиз баҳсга қандай нуқта қўйган бўлардингиз? каби саволлар асқотиши мумкин.

Изоҳ. Бу усул, асосан, ҳуқукий билимларни ўзлаштиришда қўл келишини таъқидлаш жоиз. Ҳуқукий таълим ёшларни жамиятда, жамоа ҳамда оиласда ўз ўрнини топиши учун кўмаклашади, воқеаларга танқидий кўз билан қараш ва уни объективиз баҳолаш имконини беради.

Масалан, “Давлат ва ҳукуқ асослари” фани қатор қарама-каршилик ва тафовутларни ўрганади. Аслида қонунлар тафовутларни ечиш учун хизмат қилади. Ҳукуқни ўрганиш талабаларга жамиятда рўй бераётган тафовутли саволлар ечимини топишга ундайди.

“STEERT LAW” дастуридан жой олган яна бошқа бир қатор усулларни (медиация, казусларни ўрганиш, визуалли материаллар билан ишлаш, хаёлий саёҳат, дунё суди ва бошқа) таҳлил қилиш мумкин.

Хўш, бу усуллардан дидактик жараённинг қайси босқичида фойдаланиш керак? Шубҳасиз, мавжудлик алгоритмida (МА) - талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш, ўз устида мустақил ишлаш, шунингдек, якка тартибда кичик гуруҳларда фойдаланилади. Уларни танлаш мезонлари эса ўқитувчига маълум: мавзудан кўзланган мақсад, мазмунга мослашиш, талаба ва ўқитувчининг имкониятлари, вақт ўлчови, мавжуд ўқув-моддий база ва бошқалар. Энг асосийси, якуний натижани таъминлайдиган ва кафолатлайдиган педагогик мезон яратилиши лозим.

“Миллий истиқлол гояси” фани мавзуларини технологиялаштиришида интерфаол усуллардан фойдаланиш мезонлари

Ўқитувчи талабалар билан «миллий истиқлол гояси» фани янги мавзуини ўрганишга киришар экан, савол туғилади: қайси ўқитиш усули танланади, қандай дидактик материаллардан фойдаланиш мумкин, ўқув машқларини қайси усуллар билан самарали ечиш мумкин? Ҳар бир машғулотнинг педагогик натижасига эришиш учун ўқитувчи ўз интеллектуал салоҳиятини намоён этиши, илфор педагогик тажрибадан фойдаланиши лозим.

Умумий ҳолда усулнинг танланиши таълим-тарбиянинг дидактик мақсади билан аниқланади. Баъзан ўқитувчи ва талабалар ўртасида фаолият турлари алмашиниб туради. Табиийки, бу фаолият турларига мос ҳолда ўқитиш усуллари ҳам ўзаро мувофиқлаштирилади.

Ўқитувчининг янги мавзуга тайёргарлик кўришида методик усулларни танлаш — унинг ўзаро алмашинувини (чоғишиши) вакт ва дидактик мақсад бўйича мувозанатлаштириш демакдир. Пировард натижада, талабаларнинг ақлий ва амалий фаоллигининг юқори даражасини таъминлашга шароит яратилади. Тўғри қўлланилган усуллар объектив воқеликка оид билимларни чуқурлаштиради ва машғулотнинг илмий-назарий даражасини оширади. Бу методлар маълум даражада билим доираси ва касбий қизиқиши ривожлантиришга, амалий фаолиятни фаоллаштиришга олиб келади.

Усулларни таълим жараёнининг ўзаро боғлиқ зиддиятларини ечиш усуллари сифатида талқин қиласар эканмиз, буни тизимлаштиришнинг предметли асоси ва мантиқини сезамиз. Педагог ўқув жараёнини режалаштиришда усулларнинг энг мақбул жамламасидан материалнинг ўзига хослигини, талабаларнинг тайёргарлигини, вакт омили ва фаннинг умумий таълимий-тарбиявий мақсадини инобатга олган ҳолда фойдаланиши зарур.

Ўқитиш фаолияти давомида бир нечта усуллар ўзлаштирилади, у педагог ва талабаларнинг муайян ўзаро ҳаракат-

лари турли томондан тавсифлаган ҳолда бир-бири билан сингишиб кетади. Бундай пайтда фақат, айтайлик, оғзаки, ёки дедуктив метод қўлланилади, дейиш мумкин. Аслида бу муайян методни қўллаш ўқитишининг ҳозирги босқичи учун устун бўлган дидактик вазифаларни ечади, деган фикрни англатади. Масалан, мавзу мазмунининг вазифаси ўқув фаолияти кўникмаларини шакллантириш, мустақилликни ривожлантириш бўлса, унда, биринчи галда, бошқа методлар ёрдамида жорий этиладиган эвристик (изланувчан) методни қўллаймиз. Бошқа вазиятда, кўрсатмали тасаввурларни кўришга оид қабуллашни ривожлантириш ёки ўқув фаолиятини фаоллаштириш вазифаси ечилаётган бўлса, кўрсатмали методлар биринчи ўринда бўлади.

Ўқитиши усулларини қўллаш тўғрисидаги диалектик тасаввур қатор методларни, шу жумладан, чет эл дидактикасига оид интерфаол методларни ҳам яхлит таснифини ўзлаштириш имконини беради, ўқитиши методларини сунъий чеклашга ёки уларнинг ҳар бирини айрим ҳолда қарашга йўл қўймайди.

Бундай ёндашувни ифодалашда мантикий қоида - ягона асос бўйича таснифлаш зарурати бузилмайди, чунки бу бир вақтнинг ўзида муайян воқелик учун қатор таснифларнинг мавжуд бўлиш имкониятларини йўққа чиқармайди, аксинча, бирмунча яхлит тасниф элементлари сифатида интерфаол методларни ҳам ўзида бирлаштиради.

Педагогнинг интерфаол усуллари хилма-хил ва ҳар бир талаба билан ўзаро мулоқоти қўп қиррали бўлиши танланган методларнинг шунчалик ижобий бўлишини таъминлайди. Педагог фаолияти бир методни танлаш билан чегараланмайди, у интерфаол методларни ўзида акс эттирувчи тизимдан ҳам фойдаланиши мумкин.

Тадқиқотимизда интерфаол усулларни тизимлаш асосида талабаларни мустақил фикрлашга ўргатиш гояси ётади. Ўқитиши самараси интерфаол усуллар яхлитлиги даражасига боғлиқлиги ҳақида истаганча гапириш мумкин. Интерфаол усул ўқитишининг муайян актини қанчалик тавсифласа, у ўқитиши самарасини шунчалик қўп таъминлайди. Мисол учун, педагог асосий усул сифатида “мунозара”ни танлайди, «муноза-

ра» давомида талабаларнинг фикрлаш қобилиятини ўстириш учун "ақлий ҳужум"дан фойдаланади, бу эса кутилган самара беради.

Ўқитиш усулларини тавсифлашга оид ёндашувларни ихчамлаштириш ўқув фаолияти тузилмасида рационализм¹ қайталашига олиб келиши мумкин, ҳолбуки. билиш назариясида ҳис-ҳаяжон ва ақл-идрокка асосланиш бирлигини таъминлаш зарурати алоҳида таъкидланади. Шу боисдан, ўқитиш методларини тасвирлашга яхлит, кўп томонлама ёндашиш – бу нафақат методик ёки амалий муаммо, шу билан бирга, ечими ўқитиш жараёнига тизимли ёндашувни тадбиқ этиш билан боғлиқ бўлган муҳим методологик ҳаракат ҳисобланади.


Шундай қилиб, "Миллий истиқлол ғояси" фани учун интерфаол ўқитиш усулларини танлашни такомиллаштиришнинг биринчи муҳим шарти – уларни тизимлашнинг ўқув жараёнини режалаштириш муолажалари амалиётида қўллаш билан боғлиқликни аниқлаштирадиган яхлит ёндашувини тавсифладик.

Интерфаол ўқитиш методлари танлашнинг яна бир муҳим шарти уларни энг мақбул чоғиштириш мезонларини ҳисобга олишни тақозо этади.

Педагогикада анъанавий усулларни танлаш мезонлари юксак даражада ишлаб чиқилган. Биз уларни назарий таҳлил қилиш асосида, шунингдек, 60 дан ортиқ олий ўқув юрти ўқитувчилари билан ўтказилган сўров натижаларига таянган ҳолда "Миллий истиқлол ғояси" фанини ўқитишда интерфаол усулларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиб қуидаги мезонларни алоҳида кўрсатамиш:

1. Интерфаол усулларни танлаш мезони унинг таълимтарбия, ривожлантириш масалаларини ечишга юқори йўналганлигида акс этади. Бу мезон турли усулларнинг доирадаги вазифаларни ечиш имкониятларини баҳолаш йўли билан жорий этилади, чунки ижтимоий тажриба элементларини ўзлаштиришда унинг имкониятлари турличадир.

Ўз тажрибамизга таянган ҳолда интерфаол усулларнинг ўқув-тарбиявий масалаларни ечишдаги қиёсий имконияти 1-жадвалда келтирилади.



№	Интерфаол ўқитиш методлари	Шакллантириш			Ривожлантариш				Билишга кишикини
		Назарий билимларни	Фактик билимларни	Ақлий, меҳнат кўнгилмаларни	Абстракт тафаккурни	Кўргазмали-тимсолли тафаккурни	Тафаккур мустакиллитетини	Нуткини	
1	Ақлий хужум	+	+	-	+	-	+	+	-
2	Ажурли appa	+	+	+	+	+	+	+!	+
3	Мунозара	+	+	-	+	-	+	+	+
4	Ўз ўрнингни топ	-	+!	-	+	+	+!	-	-
5	Дебат	+	+	+	+!	+	+	+!	+
6	Меню	+	+	+	+	+	+	-	+
7	Танқидий фикрлаш	+!	+	+!	+!	-	+	+	+!
8	Кичик гурухларда ишлаш	+	+	+!	-	+	+	+	+
9	Кластер	+	+	+!	+	+!	+	-	+
10	Синквейн	+!	+	+	+	+	+!	-	+

Изоҳ: +!—масалани бирмунча мувафакқиятли ечади;
+ — масалани асосан ечади; + — масалани бирмунча заиф
ечади; — масалани еча олмайди.

Кўриниб турибдики, интерфаол усулларнинг барчаси талабаларда фикрлаш мустақиллигини таъминлайди, ўқитишида бир қолиплик ва андозаликни йўқотади, ўқув материалларини эгаллашда назарий билимлар ролини оширади.

2. Интерфаол усулларни танлашнинг навбатдаги мезони унинг таълим мазмуни хусусиятига мос келишидир. У метод мазмунининг ҳаракатланиш шакли (Гегель) сифатида ҳам аниқланади. Шу боисдан бу мезоннинг ҳисобга олиниши шарт. Бир усул ёрдамида мавзу мазмуни тўлиқ очиб берилса, бошқаси уни тўлдиришга имкон тутдиради, учинчиси эса бу мазмун учун фойдасиз бўлиши ҳам мумкин.

Биз асосий интерфаол усуллар хусусида тўхталдик, бироқ уларни амалга ошириш шакллари жорий этиш воситалари каби турлича бўлиши мумкин. Масалан, “ақлий ҳужум”, “танқидий фикрлаш”, “ажурли appa”, “менюлар” оғзаки сўз, дарс-лик ўқиш, кино ёки телевидение, бошقا тасвирий воситалар орқали амалга оширилса, “кластер”, “синквейн”, “ўз ўрнинг-ни топ” каби усуллар ўқитувчининг фаолият усулларини такрорлашни тақозо этади.

3. Интерфаол усулларни танлашнинг навбатдаги мезони унинг талабалар ўқув имкониятларига тўлиқ мос келишидир, яъни самарали ўқув фаолияти учун ички ва ташқи шартшароитлар бирлигини таъминлашдир.

Кузатишлардан маълумки, реал ўқув имкониятини ўрганишда қуйидаги шартларни аниқлаш керак: талабаларнинг мустақил фаолиятга тайёргарлиги (ўқув ишларини режалаштириш, машфулот мақсади ва вазифаларини тўлиқ белгилаб олиш кўникмаси, ўз-ўзини назорат қилиш, тескари алоқа ўрнатиш ва қўшимча дидактик жараён қуриш); талабаларнинг ижодий фаолиятга тайёргарлиги (фикрлаш мустақиллиги, ўқув материалидаги асосийояни англаш кўникмаси, топшириқ шартларини белгилаш ва уни ечиш методларини мустақил топиш кўникмаси); ўқишига муносабати ва бошқалар.

Аудитория тайёргарлигининг юқори даражаси интерфаол усуллар савиясининг оширилишини талаб этади. Аудиторияга тайёргарлиги паст даражада бўлган талабалар билан бошқача ўқитиши методи кўлланилади, бунда маъруза, ту-

шунтириш, кўрсатмалилик усулларининг ўрни ва ахамияти ошади.

4. Интерфаол ўқитиш усулларидан фойдаланишда педагогнинг шахсий имкониятлари мос келиши лозим. Бу мезон педагогнинг ўқитиш усуллари назарияси ва амалиёти, ўқитиш жараёнининг қонуниятлари, билиш назариялари (ақлий хараткларни босқичма-босқич шакллантириш, бихевиоризм, геншталт назария ва бошқалар), таълим мазмуни назарияси ва бошқа мавжуд қонунлар билан қуролланган дарражаси ҳисобга олинади. Маълумки, дарснинг дидактик мақсадига турли метод, унинг ўзаро бирликувидан ижобий фойдаланиш эвазига эришиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, усуллар компенсаторлик (бири йўл қўйган камчиликни бошқаси тутади) имкониятига эга. Бу жараённи уюштириш, вақт ва куч сарфини тежаш, талабаларда мустақил фикрлашни ривожлантириш, интерфаол усуллардан фойдаланиш кун тартибига қўйилмоқда.

5. Интерфаол усулларни танлаш мезонларидан яна бири – унинг ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари билан мос келишидир. Дарвоқе, ўқитишнинг ялпи (фронтал), гурухли ва индивидуал шакллари турлича усулларни талаб этади. Асосан, дебат методи икки талаба (ёки икки гурух) ўртасидаги баҳс ҳисобланса, “ақлий ҳужум”да гуруҳдаги барча талабалар иштироки зарур. Шу билан биргаликда, бу мезон мавзунинг мураккаблик дарражасига мос ҳолда шакл ва услубнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашга йўналтирилади.

6. Интерфаол усулларнинг педагогик технология тамойилларига мос келиши умумлаштирувчи мезон ҳисобланади. Маълумки, педагогик технология ҳам маълум қонуниятлар асосида лойиҳаланиб, ўқув жараёнини ташкил этишга асос яратади, якуний натижани талабанинг муайян мавзуни ўзлаштириши кўрсатади. Бу асослар педагогик технологиянинг ўзига хос жиҳатларини ифода этади ва методикадан фарқли томонларини кўрсатиб туради. Уларни педагогик технология тамойиллари деб аташ мумкин. Интерфаол усуллар ёрдамида педагогик технология асоси – дидактик жараённи қуришда ана шу тамойилларга таянилади..

Интерфаол методларни “Миллий истиқлол ғояси” фани учун танлаш ва муайян ўқитиш технологиясини мавзуу мақсадига мувофиқ тарзда лойиҳалаштириш, фикримизча, қуидаги босқичларни қамраб олади:

1. Ўрганилаётган ўқув материали мазмунини таҳлил қилиш. Таълим мазмунни элементи сифатида ўқув материалининг сифатли хусусияти аниқланади (билимлар, фаолиятни амалга ошириш усуллари – кўнумка ва мавжуд ижодиёт тажрибаси). Таълим мазмунининг ҳар бир элементи учун ўзлаштиришнинг маълум фаолият тури мос келади, бинобарин, ўқитиш методларининг муайян гурӯҳи ҳам танланади.

Ўқув ахборотнинг мантиқий тузилмаси характеристи (яхлит ёки қисман) ва психологик табиати (мантиқий-исботли, ҳаяжонли-тимсолли, аниқ-харакатли характеристи) белгилаб олинади.

Билув топшириқларининг мазмунли жамламасини ажратиш мақсадида материалнинг ички йўналишлари, томонлари, тафовутлари таҳлил қилинади.

2. Ўрганилаётган материалнинг талабалар учун янгилик ва билимларни эгаллашда мустақиллик даражасини вақт омили ҳамда вариантларнинг мазмунини таҳлиллаш асосида ажратилган билув натижаларини мақбуллаштириш масалаларини ҳисобга олиб аниқлаш.

3. Таълимнинг умумий мақсадидан келиб чиқиб ўқитишнинг муайян босқичидаги тарбиявий ва ривожлантирувчи масалаларни ечиш заруратини ҳисобга олган ҳолда ажратилган вариант (топшириқ)ларни таҳлиллаш ва баҳолаш.

4. Умумий масалаларни ечишда метод ва усулларни бирбирига кўшилиш кетма-кетлигини мувофиқлаштириш.

Шундай килиб, “Миллий истиқлол ғояси” фанини ўқитишида интерфаол усулларнинг саралаш мезонларидан яна бири – таълим олувчилар фаолиятини мураккаблаштириш ва мустақиллигини оширишdir.

“Миллий истиқлол гояси” фани мавзуларига оид таълим технологиялари

Бу қисмда фан мавзулари бўйича педагогик технология лойиҳалари ўрганилади. Шуни таъкидлаш жоизки, бунда «Миллий истиқлол гояси» фанининг барча мавзуларини педагогик технология “рельс”ига ўтказиш муаммоси эмас, балки унга технологиялар асосида ўқитиш муаммолари баён қилинади. Бошқача айтганда, муаллифлар фикрича, ўқитувчиларга “балиқ тутиб едириш” асосий мақсад эмас, аксинча «балиқ тутиш»ни ўргатишидир.

1-мавзу: «Миллий истиқлол гояси» фаннинг предмети, мақсади ва вазифалари

Дарснинг мақсади. Талабалар:

- миллий истиқлол гоясининг асосий мазмун-моҳиятини тушуниб оладилар;
- фаннинг предмети, обьекти, мақсад ва вазифалари ҳақида фикрлай оладилар;
- миллий истиқлол гоясининг асосий тушунча ва тамоилиларини ўзлаштирадилар;
- миллий истиқлол гоясининг бошқа гоялар билан фарқини ажратса оладилар;
- фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлайдилар.

Дарс шакли. Кичик гурӯҳларда ишлаш (6 кишилик 5 та гурӯх).

Ўқитиш методи. “Ажурли арра” (62- бетга қаранг.)

Дидактик воситалар. Ҳар бир гурӯх учун олдиндан тайёрланган бешта жилдҳат (пакет), унда дарслик, газета, журнал мақолаларидан иборат материаллар мавжуд.

Дарснинг бориши.

Топширикларни бўлиш

1-топширик. “Миллий истиқлол гоясини ўрганиш нима учун керак? Фаннинг предмети, обьекти, мақсади ва вазифалари нималардан иборат?”

Топшириқ матни оқ қоғозга ёзилади ва ўқув элементлари бўйича 5 бўлакка қирқилади:

1-ўқув элементи - “Ўзбекистон халқининг ўз миллий гояси негизларига таянган ҳолда ривожланиш зарурати”.

2-ўқув элементи - “Миллий истиқлол гояси” фанини ўрганиш зарурати.

3-ўқув элементи - “Миллий истиқлол гоясининг объекти ва предмети”.

4-ўқув элементи - “Миллий истиқлол гояси” фанининг асосий мақсади”.

5-ўқув элементи - “Миллий истиқлол гоясининг вазифалари”.

2-топшириқ. “Миллий истиқлол гоясининг асосий тушунча ва тамойиллари”.

Топшириқ матн қизил қоғозга ёзилади ва ўқув элементлари бўйича 5 бўлакка қирқилади:

1-ўқув элементи - “Мафкура”, “миллий истиқлол мафкураси” тушунчаларининг моҳияти.

2-ўқув элементи - “Гоя”, “миллий истиқлол гояси” тушунчаларининг моҳияти”.

3-ўқув элементи - “Миллий истиқлол гоясининг бош гояси”, “миллий истиқлол гоясининг асосий гоялари” тушунчаларининг моҳияти”.

4-ўқув элементи - “Миллий истиқлол гоясининг умумбашарий тушунчалари”.

5-ўқув элементи - “Миллий истиқлол гоясининг намоён бўлиш қонуниятлари”.

3-топшириқ. “Миллий истиқлол гоясининг негизлари ва асосий тамойиллари”.

Топшириқ матн кўк қоғозга ёзилади ва ўқув элементлари бўйича 5 бўлакка қирқилади:

1-ўқув элементи - “Миллий истиқлол гоясида инсонпарварлик тамойили”.

2-ўқув элементи - “Миллий гоянинг демократик тамойили”.

3-ўқув элементи - “Миллий истиқлол гоясининг умумбашарий тамойили”.

4-ўқув элементи - “Миллий қадриятларга содиклик тамоилии”.

5-ўқув элементи - “Миллий истиқлол ғояси тамойилларининг ўзаро муштараклиги”.

4-топширик, “Миллий истиқлол ғоясининг турли фикр, ғояларга муносабати”.

Топширик матни яшил қофозга ёзилади ва ўқув элементлари бўйича 5 та бўлакка қирқилади:

1-ўқув элементи - “Миллий истиқлол ғоясида фикр ва ғоялар хилма-хиллигининг эътироф этилиши”.

2-ўқув элементи – “Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғоясига асосланган ижтимоий-иктисодий ҳамда сиёсий-хуқуқий тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусият ва шартшароитлари”.

3-ўқув элементи - “Янгиланаётган жамият шароитида республика ижтимоий турмушининг сиёсий соҳаси”.

4-ўқув элементи - “Республика турмуш тарзининг ижтимоий ва маънавий соҳаси”.

5-ўқув элементи - “Мустакил ўзбек давлати — халқимизнинг тарихий ютуғи сифатида”.

5-топширик, “Миллий истиқлол ғояси фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги ва уни ўрганишнинг аҳамияти”.

Топширик матни сариқ қофозга ёзилади ва ўқув элементлари бўйича 5 бўлакка қирқилади:

1-ўқув элементи - “Миллий истиқлол ғоясининг коммунистик ғоядан тубдан фарқланиши”.

2-ўқув элементи - “Миллий истиқлол ғояси фанининг ижтимоий-иктисодий фанлар билан алоқадорлиги”.

3-ўқув элементи - “Миллий истиқлол ғояси фанининг табиий ва аниқ фанлар билан боғлиқлик жиҳатлари”.

4-ўқув элементи - “Миллий истиқлол ғоясининг алоҳида фан сифатида ўрганишнинг аҳамияти ва хусусияти” .

5-ўқув элементи - “Миллий истиқлол ғояси фанининг методологияси ва тадқиқот методлари”.

Пакетларни тайёрлаш

1-пакетга топшириқларнинг 1-ўкув элементлари жойлаштирилади, яъни: “Ўзбекистон халқининг ўз миллий ғояси негизларига таянган ҳолда ривожланиш сабаблари” (оқ қофоздаги матн); “Мафкура”, “миллий истиқлол мафқураси” тушунчаларининг моҳияти” (қизил қофоздаги матн); “Миллий истиқлол ғоясида инсонпарварлик тамойили” (кўк қофоздаги матн); “Миллий истиқлол ғоясида фикр ва ғоялар хилмалиггининг эътироф этилиши” (яшил қофоздаги матн); “Миллий истиқлол ғоясининг коммунистик ғоядан тубдан фарқланиши” (сарик қофоздаги матн).

2-пакетга топшириқларнинг 2-ўкув элементлари жойлаштирилади, яъни: “Миллий истиқлол ғояси” фанини ўрганиш сабаблари” (оқ қофоздаги матн); “Фоя”, “миллий истиқлол ғояси” тушунчаларининг моҳияти” (қизил қофоздаги матн); “Миллий ғоянинг демократик тамойили (кўк қофоздаги матн); Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғоясига асосланган ижтимоий-иктисодий ҳамда сиёсий-хуқуқий тараққиёт йўлиниң ўзига хос ҳусусият ва шарт-шароитлари (яшил қофоздаги матн); “Миллий истиқлол ғояси” фанининг ижтимоий-иктисодий фанлар билан алоқадорлиги” (сарик қофоздаги матн).

3-пакетга топшириқларнинг 3-ўкув элементлари жойлаштирилади, яъни: “Миллий истиқлол ғоясининг обьекти ва предмети (оқ қофоздаги матн); «Миллий истиқлол ғоясининг бош ғояси», «Миллий истиқлол ғоясининг асосий ғоялари» тушунчаларининг моҳияти» (қизил қофоздаги матн); “Миллий истиқлол ғоясининг умумбашарий тамойили” (кўк қофоздаги матн); “Янгиланаётган жамият шароитида республика ижтимоий турмушининг сиёсий соҳаси” (яшил қофоздаги матн); “Миллий истиқлол ғояси” фанининг табиий ва аниқ фанлар билан борлиқлик жиҳатлари” (сарик қофоздаги матн).

4-пакетга топшириқларнинг 4-ўкув элементлари жойлаштирилади, яъни: “Миллий истиқлол ғояси” фанининг асосий мақсади” (оқ қофоздаги матн); “Миллий истиқлол ғоясининг умумбашарий тушунчалари” (қизил қофоздаги матн); “Миллий қадриятларга содиқлик тамойили” (кўк қофоздаги матн); “Республика турмуш тарзининг ижтимоий ва маънавий соҳаси”

(яшил қофоздаги матн); “Миллий истиқлол ғоясининг алоҳида фан сифатида ўрганишнинг аҳамияти ва хусусияти” (сарик қофоздаги матн).

5-пакетга топшириқларнинг 5-ўқув элементлари жойлаштирилади, яъни: “Миллий истиқлол ғоясининг вазифалари” (оқ қофоздаги матн); “Миллий истиқлол ғоясининг намоён бўлиш қонуниятлари” (қизил қофоздаги матн); “Миллий истиқлол ғояси тамойилларининг ўзаро муштараклиги” (кўк қофоздаги матн); “Мустақил ўзбек давлати - халқимизнинг тарихий ютуғи сифатида” (яшил қофоздаги матн); “Миллий истиқлол ғояси” фанининг методологияси ва тадқиқот методлари” (сарик қофоздаги матн).

Бирламчи гурухларда ишлаш

Гурухларга ахборотли пакетлар тарқатилади. Ҳар қайси иштирокчи пакетдаги ўқув элементларидан бирини олиб ўрганиди, қўшимча манбалар асосида билимини бойитади, муҳокама қиласиди. У “эксперт” бўлиши учун етарлича вақт ажратилади.

Эксперт гурухларида ишлаш

Талабалар «рангли» топшириқлар асосида гурухга бўлиниди ва алоҳида ўқув топшириғи бўйича экспертга айланади. Мисол учун, «оқлар» аудитория охирида, «қизиллар» ўқитувчи столи ёнида учрашишади. Шу тарика эксперт гурухидаги ўқув топшириқлари талабалар томонидан тўлалигича ўзлаштирилади: матнни қунт билан ўрганишади, бир-бирларидан сўраб, муҳокама қилишади. Алоҳида топшириққа оид ўқув мавзуларини ҳар бири тушуниб олгач, унинг ҳар бир ўқув элементига эътибор қаратишади.

Бирламчи гурухларда ишлаш

Талабалар “уй”ларига қайтишади. Ҳар бири “уйи”- гурухига ахборот беради. Шаксиз, “уй” гурухидаги эксперт гурухлардан биттадан талаба бўлиши шарт. Талаба ўрганиб келган

ўқув топширигини ўз гуруҳи талабаларига ўргатиши лозим. Бу жараён топшириқларнинг мураккаблиги ва ўзлаштирилишининг қийинлигига қараб, бир соат давом этиши мумкин.

Гурухлар фаолиятини баҳолаш

Ўқитувчи ҳар бир ўқув топшириги бўйича тест саволларини тузиши ва тегишли гуруҳга тавсия этиши мумкин. Бу эксперт гурухлари фаолиятини баҳолашга имкон беради. Машғулот охирида мавзуу бўйича ўқитувчи назорат (ёзма, тест) ўтказади. У натижалар асосида баъзи ўқув топшириқлари (ўқув элементлари)ни талабаларга чуқурроқ тушунтириши ёхуд дидактик жараённинг тузатиш босқичини амалга ошириши мумкин.

2-мавзуу: Миллатларо тотувлик, миллий ва диний бағрикенглик

Олдиндан тайёргарлик. Талабаларга турли мавзудаги индивидуал топшириқлар берилади:

а) мавзуу бўйича адабиётлар билан ишлаш; б) “Миллий истиқлол ғояси” фани дастури таҳлили асосида асосий ғояларни, концептуал тушунчалар (“миллатларо тотувлик”, “диний бағрикенглик”, “миллий-диний бағрикенглик”, “дунёвийлик” ва бошқалар) доирасини, улар ривожланиш мантиқини ажратиб кўрсатиш; в) мавзуга оид вақтли матбуот нашрларида берилган ахборотлар таҳлили; г) талабалар ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, мафкуравий тушунчаларининг шаклланганлигини ташҳислаш;

д) талабаларни ташвишга соладиган муаммолар доирасини ажратиб кўрсатиш (“Туркистон” газетаси, “Тафаккур” журнали материаллари таҳлили асосида);

е) талабаларда миллатларо тотувлик, миллий ва диний бағрикенглик каби умумбашарий қадриятларни ривожлантириш.

Дарснинг бориши

Ўтказиши шакли – педагогик пресс-марказда ишлаш.

Бу марказда ҳар бир муаммо бўйича маълум ахборотга эга мутахассис – экспертлар йиғилишади. Ўқитувчи «миллатлар-

аро тотувлик», «миллий ва диний бағрикенглик» каби тушунчаларга таъриф беради. Хар бир эксперт мазкур тушунчалар мужассамлашган воқелик ҳақида гапиради. Масалан:

1-эксперт: “Миллий гоя ҳар бир миллат вакилининг истеъоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шартшароит яратади ҳамда уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади.”

2-эксперт: “Миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатликка раҳна солувчи иллат тажовузкор миллатчилик ва шовинизмдир. Бундай заарли гоялар таъсирига тушган жамият бекарорлик ҳолатига юз тутиши муқаррар.”

3-эксперт: “Ўзбекистон ҳудудида қадим-қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келади. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади.”

4-эксперт: “Мамлакатимизда 136 миллат, элат, халқ ва этник гуруҳ вакиллари яшайди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий-маданий урф-одатлари, анъаналари, тилига ва конституциявий ҳуқуқий тенглилкка эга. Ўзбекистонда 100 дан ортиқ миллий-маданий марказ фаолият кўрсатади, барча миллат вакилларига teng ҳуқуқли муносабат қонун билан мустаҳкамланган. Бугун мамлакатимизда 9 тилда ўқитиш, 20 тилда оммавий ахборот нашрлари фаолият кўрсатмоқда ва ҳ.к.”

Албатта, бу ахборотларни узатиш вақти чегараланганлиги учун «пресс-марказ ҳодимлари» (ўқитувчи йўлида учрайдиган тафовутлар, муаммолар, қийинчиликларнинг маълум доираси ҳақидаги ахборотга эга инсон сифатида) муаммоли вазиятга оид биттадан савол беришади. Мисол учун, “Миллий бағрикенглик нималарда намоён бўлади?”

Алоҳида ажратилган гуруҳ талabalari саволлар асосида мавзууга оид «муаммолар банки»ни шакллантиради. Саволларга назарий манбалар билан ишлаган талabalар жавоб берishi, баъзиларини ўқитувчи шарҳлаши ҳам мумкин. Муаммоларни бирмунча чуқур ўрганиш учун тегишли адабиётлар манбай тавсия этилади.

«Пресс-марказ» иш фаолияти давомида куйидаги ҳолатларга алоҳида тўхталади:

- миллатларо тотувлик, миллий ва диний бағрикенглик билимларини тизимли шакллантириш;
- миллатларо тотувлик ва ҳамжиҳатликка раҳна со-
лувчи зиддиятлар манбаларини ўрганиш;
- республикада фаолият кўрсатаётган диний ташкилот-
лар тўғрисида маълумот;
- диний бағрикенглик (толерантлик) ва динларо муро-
санинг зарурлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-мод-
даси шархи ва «миллий ва диний бағрикенглик» тушунчаси;
- республика Байналмилал маданият маркази фаолияти
хусусида.

«Пресс-марказ» ишини ривожлантириш мақсадида ҳужжатли фильм ёки унинг бирор қисмидан (“Водийни титратган тун” ва бошқа), ёшлар фаолиятини акс эттирувчи фотоҳужжатлардан ва видеокўрсатувлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3- мавзу: Миллий гоя ва ёшлар. Миллий гуурур ва ор-номус

Дарснинг мақсади (шакллантирилаётган ўқув элементларининг рўйхати):

1. Миллий гоя ва ёшлар фаолиятининг ўзаро боғлиқлиги.
2. Ёшларни миллий қадриятларга тўғри йўналтириш.
3. Ўзбекистон ёшларининг тафаккур тарзи.
4. Ёшлар маънавиятига таҳдидлар ва миллий гоя.
5. Миллий гуурур ва миллий ор-номус.
6. Ёшлар руҳиятида миллий гуурур ва миллий ифтихор фазилатларининг зарурлиги.

Дарс шакли:

“Кичик ижодий гурухлар”да ишлаш:

а) талабаларнинг ижодий гурухларини тузиш:

- ёшларнинг миллий гоя ва қадриятларга муносабати муаммоларини манбалар бўйича ўрганувчи ҳамда у асосда миллий гоя ва ёшлар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигини ёритувчи эксперталар;

- мутафаккирларимизнинг ижодий меросида миллий қадриятлар танлаш асосида ёшларнинг эркин фикрлаши ривожига, инсонпарварлик хислатининг тараққий этишига, келажакка ишонч билан қарашига ижтимоий-тарихий муҳитнинг таъсирини кўрсатиб берувчи иллюстраторлар;

- янгиланадиган жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мос равишда Ўзбекистон ёшларининг тафаккур тарзи, ўзаро ҳарачатини акс эттирувчи ҳолатларни танлаш вазифаси юклатилган кузатувчилар.

б) талабаларнинг жадвал билан иш олиб боришини ташкил этиш: “Миллий истиқлол гояси”, “Гоялар фалсафаси”, “Маънавият асослари” бўйича маълумотлар асосида куйидаги жадвални тузишади:

Ёшлар маънавиятига таҳдидлар ва миллий гоя

Мағкуравий таҳдид кўринишлари	Миллий гоя негизлари	“Миллий гоя” тушунчаси	Миллий ифтихор фазилатлари

Машгулотнинг бориши

«Ақлий ҳужум»

“Миллий гоя ва ёшлар” муаммосини тавсифлаш учун саволлар ўртага ташланади:

“Миллат тараққиётида ёшлар қатламиининг ўрни нималардан иборат?”

“Жамиятимиз миллий гоя орқали ёшларга қандай гоя ва фикрни таклиф этади?”

“Ёшларда миллий фурур ва ор-номус туйгуларини шакллантиришда миллий қадриятлар мазмуни ва шакллари қандай?”

«Мувозара»

1. Экспертлар грухи ёшлар республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этишини, шунингдек, уларнинг миллий гояни англаши, унинг ишонч ва эътиқодга айланиши, қан-

дай янги қадриятлар шакллантирилганилиги билан қанчалик боғлик бўлиши, ёшлар миллий ғоя билан қуролланган бўлса, жамият шунчалик тараққиётга эришиши, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларни жонли мисоллар билан тушунирадилар. Аудитория саволларига жавоб беради.

2. Иллюстраторлар умумбашарий қадриятлар, Шарқ фалсафаси, миллий анъаналар асосида тарбия мактабини бунёд этган мутафаккирлар (Абу Наср Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Низом-ул-мулк, Амир Темур, Алишер Навоий ва бошқалар) асарларининг тарихий-илмий манба ва маданий мерос эканлигини таҳлил қилишади. Кўшимча манба сифатида газета ва журналлардаги тарихий ҳамда замонавий мавзудаги материаллар, театр спектаклларидан фойдаланиш мумкин.

Асосий вазифа - ёшларга хосликни кўра билиш, тарихий даврлар ҳаётий тажрибалари қирраларини, мавжуд ижтимоий муносабатларнинг миллий тараққиётга таъсир кўрсатишни ҳис этишдир. Талабалар Ватанимизнинг иқлими, табиитини билишлари, ер ости ва ер усти бойлигимиз беҳисоблилитини, халқимизнинг меҳнаткаш ва ватанпарварлигини, кўхна диёrimiz бой меросга эгалигини мукаммал билиши шарт.

«Мафкуравий вазиятларни таҳлил этиш ва ечимини топиш»

Кузатувчилар томонидан таклиф этилган муаммоли вазиятлар таҳлил қилиниб, ечими топилади. Масалан, “Андижон воқеалари асосидаги мафкуравий таҳдидларни ҳамда ёшларнинг бу воқеага муносабатини ўрганиш” (Ўқитувчининг якуний шарҳи ҳам зарур).

«Ахборотлар йигиш ва рефератлар ёзиш»

Одатда, мавзунинг алоҳида ўқув элементлари рефератлар ёрдамида такомиллаштирилади, яъни “Миллий фуур”, “Миллий ор-номус”, “Миллий ифтихор” ва ҳ.к.

Ўқитувчи журнал, газета материалларини 2-3 кишидан иборат кичик групкаларга тарқатади. Талабалар 15-20 дақиқа ичida зарур материални топиб, ўз групхуда мухокама қили-

шади ва тегишли маълумотни ёзib олишади. Ўқитувчи ўкув топшириқларини тақсимлашда ҳар бир талабанинг иштироқини назорат қилиши зарур.

Мавзуни ўрганиш натижалари

Ҳар бир жамиятда ёшлар янги гоя ва концепцияларга нисбатан ўз муносабатини аниқ билдириши, аҳолининг бошқа қатламига нисбатан тез илғаб олиши, унинг ҳаёт ҳақиқатларига, реал борликқа, халқ турмушининг нечоғли мослигидан хулоса чиқариш кўникмасининг шаклланганлиги;

Миллат тараққиёти, маънавияти ва маданияти юксак билимли ёшларга боғлиқлиги, уларнинг янгиланаётган жамиятда нафакат эркин ҳаракат қилиши, балки уни ривожлантириши учун ягона миллий гоя асосида бирлашиши, озод ва обод Ватан куриш йўлидаги ҳаракатлар пойdevорининг шаклланганлиги;

Талабаларнинг миллий бирдамлиги етук ва мукаммал маънавий фазилат сифатида улар онгида тўла намоён бўлиши мамлакатимизнинг юксалишига, ижтимоий-иктисодий, маънавий-маданий ва сиёсий заминининг мустаҳкам бўлишига хизмат қилишни англаб етганлиги.

Алоҳида ўкув элементларини мустаҳкамлаш технологиялари

“Миллий истиқлол гояси” фани мавзуларининг ўкув элементларини мустаҳкамлашда интерфаол методлардан фойдаланишга асосан эътибор берилади.

Ўкув элементи: «Демократик ривожланишда миллий мустақиллик гояси». Буни ўрганишда «ручка стол ўртасида» методидан фойдаланиш мумкин. Гуруҳ мавзу элементини дарсликдан (қўшимча манбалардан) мустақил ўрганади. Ўқитувчи талабалар (5-10 та)ни думалоқ стол атрофига таклиф этади. Ҳар бир талаба ўз жавоб вариантини 2-5 сатрда ёзib, уни ёнида ўтирган талабага узатади ва ручкасини ўзига рўбарў қилиб столга қўяди. Агар талаба муаммога жавоб ёза олмаса, қофозни кейинги талабага узатади, ручкасини ўзида олиб қолади, яъни стол усти бўш қолади. Бу технологиянинг мухим шарти: жавоблар бир-бирини тақрорламаслиги лозим,

яъни қайтариқларга йўл қўйилмайди. 10-15 дақиқадан кейин жавоб вариантлари ўқитувчига топширилади. У ўқув элементига оид жавобларни ўқийди, талабалар қўшимча маълумотлар (фактлар, формулалар, далиллар)ни дафтарларига ёзиб олишади.

1. “Истиқлол”, “демократия” ва “таракқиёт” ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, миллий мустақиллик бўлмаса эркинлик ҳам, эркин ривожланиш ҳам бўлмайди.

2. Шахс эркинлиги миллат эркинлигидан айри эмас. Шу боис бугун кун тартибида икки долзарб вазифа мавжуд: Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуриш.

3. Демократия юксак маънавият эгаси бўлиш, жамият олдидаги масъулиятни ҳис қилишни талаб этади.

4. Демократия барча соҳаларда шахсий иқтидорлик ва рақобатбардошлиқ муҳитида ишлашни талаб этади.

5. Бунёдкор шахс эзгулик фоялари руҳида тарбияланган эркин шахсдир.

6. Эркин шахс:

- ўз фаолияти мақсад ва вазифаларини мустақил белтилади; ташқаридан тазиқ бўлмайди, ўз кучи ва имкониятини ишига солади;

- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўради ҳамда шу асосда фаолият юритади;

- қонун устуворлигини тан олади.

Ўқитувчи варианtlарни ўқиб, ҳар бирининг муҳокама қилинишига шароит яратади.

«Ручка стол устида» методининг афзаллиги:

- ўқитувчи гурухдаги ҳар бир талабанинг тайёргарлик даражасини кўриб-билиб туради;

- машғулотга мустақил тайёрланмаган талаба муҳокама давомида билимларни қисман ўзлаштириб олишига имкон яратилади;

- талабалар ўқув элементига оид жавобларни йкки шакл - ёзма ва оғзаки тарзда тажлил қилишади.

Ўқитувчи шу тариқа иккинчи гурухни атрофига таклиф қиласи ва кейинги ўқув элементини ўргатишга киришади.

Ўқув элементи: “Миллий фоя, демократия ва миллий дав-

латчилик". Буни ўрганишда ўқитувчи "аквариум" методидан кенг фойдаланиши мумкин. Гурухдан 3-4 талаба олиниб, аудитория ўртасидан жой оладилар, яъни, улар «аквариум балиқлари»га, қолган талабалар кузатувчиларга айланишади.

Ўқитувчи кичик гурӯҳ - «аквариум балиқлари»га «миллий давлатчилик» тушунчаси моҳиятини тушунтириб беришларини сўрайди. Талабалар мавзуни 10-15 дақиқа мухокама қилиб, жавоб топишлари керак. Кузатувчилар эса «балиқ»-лар жавобларини дафтарга ёзиб боришлари лозим.

Дастлаб «балиқлар» фикри эштилади. Масалан, «Демократия шароитида ҳам давлат ижтимоий-сиёсий институт сифатида сақланиб қолади ва унинг функциялари тўла амал қиласи. Давлатнинг обрў-эътибори, нуфузи баланд бўлиши жамият тараққиёти учун зарур. Кучли, адолатли жамият давлатсиз яшай олмайди. Негаки, давлат жамият барқарорлиги, миллат осойишталиги ва иқтисодий тараққиётнинг бош ислоҳотчисидир».

Фикрни кузатувчилар мухокама қилишиб, ўз вариатларини таклиф этишади. Масалан, «Демократия шароитида давлат ва унинг таркибий қисми бўлган ҳокимиётта муносабатнинг ўзгариши табиий. Чунки ҳокимиёт жамият назорати остида бўлади. Сайлаш ва сайланиш механизмининг ишлаб туриши, давлат раҳбарларининг ҳисобот бериб туришлари, сўз эркинлиги, жамоат ташкилотларининг фаоллиги давлатнинг мутлақ ғояларга берилишига йўл қўймайди. Шахс ва давлат манфаатлари уйғунлашиб боради».

Ёки: «Миллий ривожланиш омиллари: 1. Миллий истиқлол ғоясига асосланган бунёдкорлик ва фидоийлик, ватанпарварлик. 2. Миллий маънавий юксалиш ва илмий салоҳият, маданий даражанинг баландлиги. 3. Миллий яқдиллик, сиёсий барқарорлик. 4. Мустаҳкам миллий давлатчилик асосларининг мавжудлиги. 5. Миллий ўзликни англашнинг юксак даражада бўлиши».

Кузатувчилардан энг мақбул фикр муаллифи ўртадаги «балиқ»лардан ўз фикрини билдиrmаган талаба ўрнига ўтиб, кичик гурӯҳ манфаати учун фаолият юритади. Агар «балиқлар»нинг жавоблари қаноатланарли бўлмаса, қўшимча уч талаба давра ўртасига ўтиришади ва муаммо ечимини топиш-

га киришишади. Шундай қилиб, машғулот ўйин тарзида давом этиб, мавзунинг барча ўқув элементлари муҳокамага этилади.

Ўқув элементи: “Миллий ғоя, эркин фуқаро ва озод шахс”. Бу мавзуни ўқитишида таълим ўйин - «Энг асосийси»дан фойдаланилгани маъқул. Ўйиннинг асосий мақсади талабаларда ўқув материалининг бош ғояси кўнижмаларини шакл-лантиришдан иборат.

Жиҳозлар: совринлар ва мукофотлар.

Машғулотнинг бориши. Ўқув гурӯҳи 6-12 кишидан иборат кичик гурӯҳларга бўлинади.

Ҳар бир талабага ўқув матни берилади. Ўқитувчи иетод қоидаларини тушунтириб беради:

1. Дикқат. Ручка ёки қаламни тайёрланг. Ўқув матнини дикқат билан ўқинг (Ўқишади).

2. Сиз матн билан танишдингиз. Ушбу матнни бир сўз билан тавсифлаш керак. Масалан, “**Фоя**”. Кейин бу ўқув материалини бир жумла орқали тавсифлаш лозим. Масалан, “Миллий ғоя ҳар бир шахс ва бутун жамиятга тегишли ғоядир”. Сўнгги босқич матндаги яширин, алоҳидаликни топиш бўлиб, усиз ушбу матн ўзининг мантиқини йўқотади. Масалан, “Миллий ғоя негизида ватанпарварлик, миллатпарварлик туйгулари ётади. Демак, миллий ғоя ва миллий тараққиёт, юрт ривожи вобаста”.

Шундай қилиб, мусобақага тайёрланамиз. Сўз, ибора ва топилган «яширин»лар дафтарга ёзилади. Дикқат бошладик! (Ёзишга киришишади).

3. Ҳар бир талаба навбати билан ўз ёзганини ўқийди, қолганлар дикқат билан қулоқ солиб, ёзиб олишади, янги гапни тинглашади. Дастрлаб – сўзни ўқинг, марҳамат! (Ўз сўзларини ўқишади). Масалан, «**ғоя**», «**эркинлик**», «**шахс**» ва б.

4. Тўғри вариантни белгилаб оламиз (Муҳокама қилишиади ва мақбул вариантни белгиланади).

5. Энди марҳамат, сизнинг жумлангиз! (Жумлалар ўқилаади). “Бунёдкор шахс эзгулик ғоялари руҳида тарбияланган эркин шахсдир”.

“Эркин шахс ўз ҳақ-хуқуқларини биладиган ва бу учун курашадиган шахсдир”.

“Эркин шахс атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билдирадиган шахсдир”.

6. Энг мақбул варианти белгилаймиз (Мухокама қилинади ва мақбул вариант белгиланади).

7. Энди “яширин” жумлагага! («Яширин»ларни ўқишиади). Масалан, матнда “Миллий ғоя ва эркин шахс” муаммоси сингдирилган жумла.

8. Мусобақанинг бу қисмини яқунлаймиз (Энг яхши вариант муҳокама асосида танланади).

Келинг, голибларни табриклаймиз! (Табриклашади ва голиблар тақдирланади.) Раҳмат, ўйин тугади.

Яқунлаш тартиби.

Мақбул вариант ўйин иштирокчилари томонидан эксперти баҳолаш ёрдамида аниқланади.

Хулоса

“Миллий истиклол ғояси” фанини ўқитиш жараёнларини технологиялаштириш педагогика ва бошқа фан ютуқлари билан боғлиқ хусусий назарияга эга, у биринчи галда, ўқув жараёнини илмий асосда қуришга йўналтирилган бўлиб, ўқитишнинг ахборотли воситаларидан, дидактик материаллар ва фаол методлардан кенг фойдаланишга асосланган ўқитувчи ва талабаларнинг биргаликдаги фаолиятига замин яратади. Шу билан бир қаторда, таълим олувчиларда миллий ғуур ва миллий ифтихор ҳиссини шакллантиради, уларни ватанпарвар қилиб тарбиялайди, бўлажак мутахассисларда касбий шахс сифатларининг таркиб топишига, олий ўқув юртлари профессор- ўқитувчилари фаолиятини янги педагогик технологиялар билан қуроллантиришга, бир сўз билан айтганда, таълим жараёнининг такомиллашувига хизмат қиласди.

II қисм

**АТАМАЛАР
ЛУГАТИ**

АВАНГАРДИЗМ — XX аср бадиий маданиятидаги(санъат, мусика, меъморчилик, бадиий адабиёт ва ҳ.к.) илфор йўналиш. У мавжуд меъёр ва анъаналарни рад этиб, воқеликни янги шакл ва воситалар орқали ифода этишни тарғиб этади. Чунончи, бадиий тимсол яратишда мумтоз анаъаналарни инкор қилиб, янги ифода воситаларига ургу бериш А.нинг асосий хусусиятидир. А. модернизм билан узвий боғлиқ бўлиб, анархистик-субъективистик дунёқарашни ўзида акс эттиради. А. тамойилларини экспрессионизм, кубизм, футуризм, сюрреализм каби оқимлар қабул қилган.

АВЕСТО — зардуштийликнинг муқаддас китоблари тўплами. “Авесто” - Турон, Хуросон, Озарбойжон, Ироқ, Эрон, Кичик Осиё халқларининг милоддан олдинги даврдаги хаёти, диний қарашлари, олам ва одам тўғрисидаги тасаввур, урф-одат ва маънавий қадриятлари ҳақида маълумот берувчи асосий манба. А. Марказий Осиёда яратилган, милоддан аввалги XIII асрдан то милоднинг IV асригача бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ўзида акс эттирган бўлиб, у миллий ғояларни асрраб-авайлаш, халқни жиспслаштириш, уни маънавий юксакликка даъват этиш, одамлар ўртасида меҳроқибат туйгуларини мустаҳкамлаш ва миллий анъаналарни сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этган.

Зардўштийлик динининг асосий ақидаларини ўзида муҗассам этган бу муқаддас китобда ўша даврдаги устувор ғоялар, маъбуллар шаънига айтилган мадҳиялар, дуолар ҳам ўз ифодасини топган. Тарихчи А. Масъудийнинг ёзишича, подшо Доро ибн Доро хазинасида «Авесто»нинг 12 минг олтин тахтага, Балхийнинг «Форснома» китоби ва Абу Райҳон Беруний асаларида ёзилишича, 12 минг ошланган мол терисига тилло сувида ёзилган 32 китобдан иборат нусхаси бўлган. Македониялик Александр 334-329 йилларда Марказий Осиёни забт этган даврда оташхоналарни вайрон қилган. Шу даврда «Авесто»нинг бир қанча бўлаклари ҳам ёндириб юборилган. Айни замонда унинг тиббиёт, фалакиёт, фалсафа ва адабиётта доир бўлимлари юонон тилига таржима қилинган. Милоднинг I асрида Парфиядаги аршакийлар ҳукмдори Вологес томонидан «Авесто»нинг турли манбаларда сақланиб қолган ёзма

ва оғзаки намуналари қайта түпланган. Шунингдек, сосонийлар сулоласи ҳукмронлик қилған даврда зардўштлик динига бўлган қизиқиши кучайган. Ардашер (226-242) ва унинг ўғли Шопур (242-272) подшолиги даврида зардўштлик яна давлат динига айланган, «Авесто» алоҳида китоб ҳолида тикланган.

Шоҳ Ҳусрав Ануширвон (531-579) «Авесто»ни, ҳатто руҳонийлар ҳам тушуниши қийин бўлгани учун қадимги хоразм тилидан ўз замонасининг адабий тили ҳисобланган паҳлавий тилига ўғиртирган. Асосий матнга шарҳлар ёзилиб, изоҳлар ҳам берилган.

VII-VIII асрларда Ўрта Осиёning араблар томонидан истило қилиниши ва исломнинг кенг тарқалиши билан зардўштийлик ва унинг бош китоби «Авесто» тақиқланган. Шу сабабли унинг аксарият қисми йўқолиб кетган ва тўла матни ҳозирга қадар топилмаган. Бугунги кунда унинг «Яшт», «Видевдат», «Висперат», «Ясна», «Хордо Авесто» («Кичик Авесто») номли бўлакларигина сақланиб қолган бўлиб, улар олимлар томонидан ўрганилмоқда.

«Авесто»да хуқуқий, ахлоқий меъёрлар ўз ифодасини топган. Унга биноан, олам нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим, тана ва жон, яхшилик ва ёмонлик, эркинлик ва тобелик сингари ҳодисаларнинг азалий ва абадий курашидан иборат. Шунга кўра, ҳаётнинг кечиши табиатда (нур ва зулмат), борлиқда (ҳаёт ва ўлим), ижтимоий ҳаётда (яхшилик ва ёмонлик), нафосат оламида (гўзаллик ва хунуклик), динда (Ахура Мазда билан Ахриманнинг азалий ва абадий келишмаслиги) турли хил кучлар ўртасидаги кураш шакллари сифатида намоён бўлади.

Бу таълимотда эзгулик сари қадам қўйган одам уч асосий тамойил, яъни ниятнинг эзгулиги, сўз ва шартларнинг бутунлиги, амалларнинг инсонийлигига асослансанагина мақсадга етиши таъкидланади. Булар жамият ва инсон учун ўта муҳим бўлган қадриятлар ҳисобланган.

«Авесто» таълимотига кўра, олов – оламни нурафшон қилувчи, одамларни гуноҳлардан покловчи сеҳрли куч, ер ва сув - ризқ, ҳаёт манбаи. «Авесто»даги мадҳия, ривоят ва ҳикоятлар нафақат Турон ўлкасида, балки Эрон, Хиндистон ва Кичик Осиё, ҳатто Юнонистон худудида вужудга келган

афсона ва достонларнинг яратилишида ҳам катта аҳамиятга зга бўлган.

Қадимги аждодларимизнинг эзгу гоялари ва миллий давлатчилик анъаналари акс этган бу китоб факат мустақиллик йилларидағина ҳақиқий қадр-қиммат топди. Республикамиз ҳукумати ташаббуси билан ЮНЕСКОнинг 1999 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган 30-сессиясида «Авесто» яратилганинг 2700 йиллигини дунё миқёсида нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинди. Шунингдек, «Авесто»нинг инсон маданияти ривожидаги, ҳалқимиз ва миллий давлатчилигимиз тарихидаги улкан аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Авесто” китоби яратилганинг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида (2000 йил 29 март, 110-сонли) қарор қабул қилди.

АДОЛАТ (арабча – одиллик, тўғрилик) — 1)ахлоқ ва ҳуқуқнинг асосий категорияларидан бири; 2) қонун олдида барчанинг тенглиги ва қонуннинг барчага баробарлиги.

«Адолат» турлича талқин қилинадиган, хилма-хил тарзда намоён бўладиган тушунчадир. Баъзи бир ахлоқий-ҳуқуқий меъёрлар ҳам адолат мезони сифатида қаралади. Бу, ўз навбатида, адолат мезонларининг жамият ривожига, инсоният тараққиётига, муайян мамлакат қонун-қоидаларига мос ёки мос эмаслиги билан белгиланади.

Адолат жамиятнинг муайян шахсга муносабатида яққол намоён бўлади. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, қадр-қиммати адолат мезони ҳисобланади. Ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларида содир бўладиган барча воқеа ва ҳодисалар бу жараёнга бевосита ёки бавосита таъсир қиласи. Бу таъсир инсон эрки ва иродасини белгилайди, алоҳида шахс учун маънавий мезон вазифасини бажаради. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда демократик жамият куришга киришилди. Бу борада умуминсоний тамо-йилларнинг устуворлиги, жаҳон андозалари ва миллий қадриятларнинг уйғунлигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, биз адолатпарвар демократик давлат куришга интиляяпмиз. Адолатга интилиш ҳалқимиз руҳий дунёсига хос энг муҳим хусуси-

ятдир. Адолатпарварлик гояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимиға сингиб кетиши лозим. Ана шу гоя кучли давлатдан кучли жамият сари боришининг маънавий омилидир. У бугунги Ўзбекистон жамияти тараққиётининг барча соҳаларида ўз аксини топмоқда.

АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ФОЯЛАРИ — инсон табиати ва ижтимоий тузум моҳиятини белгиловчи ижобий кучга эга бўлган фоялардир. Адолат кўпроқ «одиллик» тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, моҳиятнан ижтимоий ҳаёт қонунларини тўғри баҳолаш, уларга холис ёндашишни англатади. Ҳақиқат эса ана шу асосда ҳукм ва хулоса чиқариш, ҳаёт ҳодисалари, кишиларнинг хатти-ҳаракати ва фаолиятига нисбатан юксак маънавий мезонлар нуқтаи назаридан қарашни ўзида ифодалайди. Адолат ва ҳақиқатга ҳуқуқ фалсафасининг категорияси, ахлоқшуносликка оид тушунча сифатида қараш ҳам мумкин. Одамлар асрлар мобайнида одил жамиятни орзу қилиб, ҳақиқат тантанаси учун курашиб келган. Адолат бузилган ерда шубҳа ва гумон, тушкунлик кайфияти ҳукм суради, у тантана қилган жамият эса ҳар томонлама юксалади.

Миллий истиқлол мафқураси умуминсоний фояларга таянади, барча тараққийпарвар ҳалқлар учун эзгу орзу бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек юксак фояларга хизмат қиласди. Айнан шундай жамиятда адолат ва ҳақиқат амалий қиммат касб этади.

АМОРАЛИЗМ (грекча. а – йўқ, инкор этиш ва лотинча “moralis” – ахлоқий) — ахлоқсизлик; ахлоқдан холи бўлишни англатади. А. хулқ-автор нормаларини инкор этади. А. – жамият хулқ-авторига нисбатан салбий муносабатда бўлиш, жамиятдаги ижтимоий ўзгаришларни менсимаслик, бошибошдоқлик ва тартибсизликларни келтириб чиқаришга уриниш каби файриинсоний фаолиятдир. Бундай салбий ҳаракатлар ижтимоий инқирозлар шароитида, жамиятнинг бир босқичдан иккинчи босқичига ўтиш шароитида айниқса ёркин намоён бўлади. А.нинг ривожланиб кетиши қуролли ҳаракатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. А.нинг ҳар қандай кўриниши жамиятдаги ижтимоий организмнинг ривожига,

унинг табиий йўнилишига тўсқинлик қилувчи ижтимоий-ахлоқий фаолият экан, унга қарши кескин кураш олиб бориш зарур. Чунки ҳар қандай иллат юқумли хусусиятга эга бўлганидек, аморализм ҳам ёшлар тафаккурига ва уларнинг амалий фаолиятига суқилиб киришга интилади. Шунингдек, у ёлғончилик, иккюзламачилик, виждонсизлик, сотқинлик, қабиҳлик ва жаҳолат кўринишларида намоён бўлиши мумкин.

А. салбий ҳодиса сифатида жамиятдаги ўтиш даври мураккабликларидан фойдаланиб қолишига интилиб, уларни байроқ қилиб, тафаккури ҳали заиф бўлган жамият аъзоларини ўз атрофига бирлаштиришга интилади. Натижада, жамиятда тартибсизлик ва хаоснинг кенг қулоч ёйилишига шароит туғилади, жамият аъзолари орасида ҳудудий-регионал ва миллий белгиларига ҳамда эътиқод даражаси ва конфессионал фарқларига қараб, бир-бирига нисбатан душманлик кайфиятининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шу жихатдан ҳам аморализм жамиятнинг нормал ривожига зид оқим экан, жамият аъзолари тафаккурида ва қундалик фаолиятида унга қарши кучли иммунитетни шакллантириш, бундай иллатга қарши курашиш инстиктини ривожлантириш лозим. Зеро жамиятда кечётган ҳар қандай ижтимоий-ахлоқий жараёнлар, биринчи навбатда, унинг аъзолари тафаккурида акс этади. Умумэътироф этилган, тан олинган ахлоқий меъёрларни, унинг турли халқлар ҳаётидаги ўзига хос миллий-ахлоқий негизларини, қадриятларини инкор этиш – аморализм фалсафасининг сиёсий-мағкуравий мақсадларга йўналганлигини кўрсатади. Бу унинг соғлом фалсафий жихатидир. Демак, А. ижтимоий-ахлоқий кўриниш сифатида асосан салбий хусусиятга эга экан, жамиятда бундай иллатнинг ёйилмаслигини таъминлаш соғлом тафаккурли ҳар бир жамият аъзоси олдида турган вазифалардан биридир.

АНАРХИЗМ (грекча anarhia – бебошлиқ, ҳокимијатсизлик) — ҳар қандай ҳокимијат ва давлатни инкор этиувчи, ҳар ким ўзига ўзи хўжайин, деган қарашни асос қилиб оловчичоялар асосида шаклланган ижтимоий-сиёсий оқим. У жамият тараққиёти умумий манфаатларини фуқароларнинг инди-

видуал, яъни ўзига хос манфаатларига қарама-карши қўйиш, умумий манфаатларни ҳисобга олиб, жамиятни бошқарувчи, бирлаштирувчи, тартибга солувчи давлат ҳокимиятини тан олмаслик гоясига таянади. Бу фоя бебошлик ва тартибсизликка олиб боради, тараққиёт йўлидан адаштиради. Шунинг учун у реакцион, яъни тизим бузувчи, вайронкор моҳиятга эга.

Анархизм гоялари К.Шмидт (1806-1856), Ж.Прудон (1809-1865), М.Бакунин (1814-1876), П.Кропоткин (1842-1921) кабилар қарашларида илгари сурилган бўлиб, индивидуализм, субъективизм, волюнтаризмни мутлақлаштиришга асосланади. Бу оқим давлатни бекор қилишни даъво қилиб, унинг жамият ҳаётини бошқариш, тартибга солиш ва йўналтиришдаги аҳамиятини инкор этади, аслида индувидуализмни мутлақлаштириб, бир томонлама талқин этиш шахс эрки ва мустақиллигини нотўғри тушунтиришга олиб келади.

Анархистик индувидуализм гоясининг хавфли томони шундаки, у кишиларни бошқаларнинг манфаатлари билан ҳисоблашмасликка, ижтимоий қадриятларни менсимасликка, факат ўз шахсий манфаатини ўйлаб яшашга чақиради. Бундай фоя доирасида бошқаларга муайян мақсадга эришиш учун восита сифатида қаралади. Бунга йўл қўймаслик учун жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқариш жараёнида гуманистик, демократик тамойилларга риоя этган ҳолда, соғлом индувидуализмга кенг йўл очиш, шахс манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғун тарзда ҳимоя қилиш, инсоннинг ўзига хослиги ва бетакрор фазилатлари эркин камол топиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш зарур.

Анархизм гоялари ўтган асрнинг 20-йилларигача Россияда, 30-йилларда Испанияда сезиларли таъсир кучига эга бўлган ҳамда коммунистик ва фашистик диктатураларга туртки берган бўлса, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг баъзи Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларида тарқалиб, диктаторлик тартибининг юзага келишида ўз таъсирини кўрсатди.

Анархизмнинг бузғунчи гоялари ҳозирда ҳам жаҳондаги турли сиёсий кучлар, гурӯҳ ва харакатлар (анаархо-синдикалистлар, анархо-террорчилар, анархо-коммунистлар, янги сўллар кабилар) учун озиқ бериб келмоқда. Улар қандай шаклда (тартибсизлик, зўравонлик ва шу кабилар тарзида)

бўлмасин, миллий ва умумбашарий қадриятларга ёт эканини чуқур англаган ҳолда, уларга қарши курашиш ҳар бир тараққийпарвар ва ҳурфикарли шахснинг фуқаролик бурчидир.

АТЕИЗМ (юонча а - инкор, theos - худо; худони инкор этиш) — динни, умуман, илоҳий кучларга эътиқод қилишни инкор этиш. Бизда у қадимдан дахрийлик, худосизлик каби атамалар билан юритилиб келинади.

Жамиятда худо, илоҳий кучларга ишонч пайдо бўла бошлаган даврлардаёқ, улар билан баробар ҳолда бундай ҳақиқатларга ишончсизлик ҳам шаклланган. Шу нуктаи назардан караганда, атеистик қарашлар ҳам теистик қарашлар каби тафаккур ривожида ўз ўрнига эга. Аммо баъзи ҳолларда улардан бирининг мутлақлаштирилиши иккинчисининг тарафдорлари га қарши курашга, давлат ва жамиятлар ҳаётида маънавий йўқотиш ва қабоҳатга олиб келган. Атеизм қадимда илк худосизлик тасаввурлари пайдо бўлган даврдан ҳозирги кунгача бир неча босқични босиб ўтган. Афсуски, кейинчалик дунёвийлик ҳам атеизм деб қараладиган бўлиб қолди, атеизм эса мутлақлаштирила бошланди. XX асрда большевиклар марксистик атеизм асосида диндан холи жамият барпо этишини мақсад қилиб қўйган, «коммунистик жамият қурилиши жараёнида диний ҳамда ўтмишнинг бошка сарқитларидан озод бўлган, атеистик дунёқараш билан қуролланган янги инсон шаклланажаги» ҳакидаги даъволар билан миллий анъаналарни йўқ қилишга уринган эди. Аммо жанговор «илмий атеизм»нинг бу гояси амалга ошмайдиган хомхаёл (утопия) бўлиб чиқди.

Демократик жиҳатдан ривожланган мамлакатларда бирон-бир фалсафага (айтайлик, неопозитивизм, экзистенциализм каби) асосланган дунёвий қарашлар ҳозир ҳам муайян даражада ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Ҳозирги даврда АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатлари ахолисининг таҳминан 6-8 фоизи бирон-бир динга эътиқод қилмайди. Ер юзида майда диний фирмалар ва диний экстремизм кўпайган бугунги кунда бундай қарашга ўзига муайян эътиқод сифатида қараш тенденцияси ҳам кўзга ташланмокда.

Кўпгина халқаро хужжатларда, хусусан, Инсон хуқуқлари декларациясида «Ҳар бир инсон фикр, виждон, дин ва

эътиқод эркинлиги ҳукуқига эгадир» деб ёзилган. Замонавий демократик жамиятларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам фуқаролар учун ҳақиқий виждан эркинлиги ҳуқуки, яъни ҳар қандай динни эркин таилаб олиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод килемаслик конституциявий асосда кафолатланган. Бизнинг мамлакатимизда бу борада «Дунёвийлик – даҳрийлик эмас» деган тамойилга амал қилинмоқда.

АФСОНА (форсча – ҳикоят ва ривоятлар) — ҳалқ оғзаки ижодининг энг қадимги жанрларидан бири. Уларда ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ турли қарааш ва ғоялар, воқеа ва ҳодисалар хаёлий тарзда ҳикоя қилинади. Афсоналар инсоннинг табиат ва жамият ҳодисаларини билиш, англашга бўлган қизиқиши, интилишлари натижаси бўлиб, ижтимоий ҳаёт ва маданият, дунёқарааш ва руҳий кечинмалар, урф-одат ва тарихий ҳодисаларни ўзида мужассамлаштирган.

Афсоналарни уч турга бўлиш мумкин: хаёлий воқеа-ҳодисалар асос бўлган афсоналар; шахслар ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий, шу жумладан, топонимик афсоналар; жангнома ти-пидаги қаҳрамонлик афсоналари.

Афсонавий қаҳрамонлар ҳалқнинг эзгу истакларини хаёлан рўёбга чиқарувчи бир воситадир. Шунинг учун ҳам улар ҳалқ идеали сифатида тасвирланади.

Миллатнинг гурури, ўзлигини шакллантиришда, уни эзгу ғоялар руҳида тарбиялашда нафақат афсонавий, эртакнамо идеаллар, балки аччиқ ҳақиқат никобига яширинган тарихий афсоналар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

АҚИДА (арабча – ишонч) — мутаассиб диндорлар учун мажбурий бўлган, улар шак келтирмасдан, муҳокама қилмасдан бажариш, эътиқод қилиш лозим, деб ҳисоблайдиган диний талаблар.

Ислом ақидаларининг асоси Куръон ва ҳадислардаги меъёр ва кўрсатмалар негизида ишлаб чиқилиб, тартибга солинган. Исломнинг суннийлик мазҳабида эътироф этиладиган ақидалар еттигадир: Аллохнинг ягоналигига, фариштагарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охиратга, так-

дирга ва инсоннинг қиёмат куни қайта тирилишига ишонишдан иборат.

Ислом VII асрда шаклланган бўлса-да, илоҳиёт илмидағи ақидавий таълимотларнинг яратилишида IX аср охири, X асрнинг биринчи ярми алоҳида аҳамият касб этди. Чунки бу даврда Калом илми тараққиётига улкан ҳисса кўшган мотуридия ва ашъария таълимотлари вужудга келган. Имом ал-Мотуридий Самарқандда туғилиб, яшаб, фаолият кўрсатган. Имом ал-Ашъарий Ироқда яшаб ўтган. Бир-биридан узоқда бўлган икки алломанинг илмий, маънавий меросида, асосан, бутун мусулмон оламига хос бўлган умумий қоидалар ўз аксини топган. Бу - аҳли сунна вал-жамоатнинг икки мактаби орасидаги ақидавий масалаларга оид фарқ бўлиб, уларнинг бири лафзий (ифодадаги), иккинчиси маънавий (мазмуний) тусга эга.

Ал-Мотуридий суннийликдаги тўртта асосий мазҳаб асосчиларининг асарларини ўрганиб, фикҳ ва қаломга оид «Таъвилот аҳлис-сунна» (ёки «Таъвилот ул-қуръон») номли рисола ёзган. Унда суннийлик ақидасига зид фикр ва қарашлар рад қилинган ҳамда Имом Абу Ҳанифанинг қарашлари ёқлаб чиқилган.

Ашъария таълимоти онгни, яъни ақлни диний анъана-чиликтан (наклдан) устун қўяди. У мусулмонларнинг ҳаётини шариат бошқаради, деб ҳисоблайди. Унинг таълимоти диний раҳбарларга, уларнинг фикрларига танқидий қарамасдан, кўр-кўронга бўйсуниб, итоат этишни инкор этади, ҳатто тақлид этувчиларни мўминлар эмас, деб ҳисоблайди.

Христианликда ақидалар худонинг муқаддас учликда на-моён бўлиши, Исонинг халоскорлик миссияси, унинг самога кўтарилиб кетиши, охиратда яна қайтиб тушиши ва бошқалар ҳақидаги 12 асосий унсурни ўз ичига олади.

Католиклик жаннат билан дўзах оралиғида аросат (араб-часи - аъроф, гуноҳи билан савоби тенг бўлиб қолганлар вактинчалик йиғиладиган жой) борлигини, муқаддас рухнинг факат отадан эмас, балки ўғилдан ҳам пайдо бўлгани ва Биби Марямнинг илоҳий тарэза ҳомиладор бўлгани, шунингдек, Исо пайғамбарнинг жисми осмонга кўтарилиб кетгани, Рим папасининг эътиқод ва ахлоқ борасида бегуноҳлиги ҳақидаги ақидани ёқлайди.

Протестантлик эса рухонийлик увонини бериш, муқаддас зайдун мойи суриш ва бошқа қоидаларни рад этиб, ҳар бир диндорнинг ўз эътиқоди билан гуноҳдан халос бўлиши ҳақидаги янги ақидани қабул қилган. Православлик черкови христианлик динига янги ақидалар киритишни рад этиб, илгариги қоидаларга амал қилиш йўлидан боради.

Ақидани факат диний тарзда тушуниш ҳам тўғри эмас. Уайрим дунёвий оқим ва таълимотларда ҳам муайян ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч, уни мутлақлаштириш маъносида ишлатилади.

АҚИДАПАРАСТЛИК — муайян шароитда, бирон-бир ғоя ёки тамойилга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни, бошқа шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўронада қўллашга уриниш.

Бу атама факат салбий маънода қўлланиб, муайян олим ёхуд оқим томонидан кашф этилган қонун ва қоидалар таъсир доирасини сунъий равишда кенгайтиришга уринишни англатади. Масалан, XVII-XVIII асрларда механика фани ривожланган. Механикада қўлга киритилган ютуқлар баъзи олимларда оламдаги барча ҳодисаларни ҳам механика фани ютуқлари асосида изоҳлаш мумкин, деган нотўғри хуносага олиб келган. Айримлари ҳатто одамни ҳам оддий бир механизм сифатида тавсифлай бошлаган. Кўриниб турибдики, у ёки бу ҳодиса, қоида, тамойилни мутлақлаштиришга асосланган ёндашувни ижтимоий ҳаётнинг истаган соҳасидан топиш мумкин.

Диний ақидапараастлик диндаги муайян ақида ёки қоидаларни, ўринли ёки ўринсизлигидан қатъи назар, кўр-кўrona қўллаш ва мутлақлаштиришга интилишдир. Ақидапараастлик барча динларда турли мазҳаб ва йўналишлар орасида кескинлик, низо ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлган.

Ақидапарааст гурухлар ҳақиқатни тушунтириш, ишонтириш каби усуллар орқали тарғиб этишни тан олмайди. Улар ўз ғоялари бидъатли, гайриинсоний бўлишига қарамасдан, бошқаларга нисбатан ўта жоҳил ва муросасиз муносабатда бўладилар. Ўзини шак-шубҳасиз ҳақ деб билиш, ҳақиқатни факат мен биламан, деган қарашга асосланган манманлик эса зўравонликни юзага келтиради. Яъни, ақидапараастлик эксл-

тремизмнинг пайдо бўлишига замин яратади. Экстремизм турли кўринишларда бўлиб, террорчиликни ҳам ўз ичига олади. Экстремистлар каерда фаолият кўрсатмасин, ўз давлатини барпо қилишга интилади. Бу мақсадга улар ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш ва зўравонлик орқали эришишни кўзлайди.

БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛИК (арабча “байналмилал”-миллатлараро) — жаҳондаги барча миллат ва эллатларнинг тенглиги, ҳамжиҳатлиги назарияси ва амалиёти. Инсоният тарихи турли миллатлар ва эллатлар орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий алоқалар ўрнатилиб, уларнинг тобора мустаҳкамланиб бориши жараёнидир. Бундай муносабатлар сиз ижтимоий тараққиёт амалга ошмайди. Бироқ, бу асосий тамойилга зид ўлароқ, ўзларининг хусусий манфаатларини кўзлаган баъзи давлатлар миллатлар ва элатларни бир-биридан ажратиб қўядилар, узоклаштирадилар. Ҳолбуки, дунёдаги барча миллат ва эллатларнинг асосий мақсади - тинчтотув яшаб, фаровон ҳаёт кечиришдир. Бундай асосий гояни амалга ошириш ниҳоятда қийин. Чунки ҳар бир миллат ва элат доим маълум ҳукмрон синфлар ва гуруҳларнинг манфаатларини акс эттирувчи мавжуд сиёсий тузум, назария ва мафкуранинг тазиикда бўлади.

Байналмилалчилик миллатчилик ва миллий биқиқлик хато ва камчиликларини очиб ташлаш жараёнида вужудга келди. Мустабид шўролар тузуми давридаги ҳукмрон назария ва мафкура байналмилалчиликни бир томонлама таърифлар, уни факат бутун дунё меҳнаткашларининг капитализмга қарши, социализм ва коммунизм учун курашда бирлиги тарзida талқин қилас, яъни байналмилалчиликка ишчилар синфий курашининг воситаларидан бири сифатида қарап эди. Ваҳоланки, байналмилалчилик умуминсоний воқеа бўлиб, давлатлар ўртасидаги чегаралар ва турли тўсиқлар меҳнаткашларга ҳам, бошқа ижтимоий гуруҳларга ҳам путур етказмаслиги кераклигини тавсифлайди. Ҳалқлар, миллатлар, эллатлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳар бир инсон, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ёки табақанинг манфаатларига монандлигига эришиш - умумбашарий вазифалардан биридир.

Бозор иқтисоди шароитида байналмилалчиликнинг мөхияти, мазмуни ва шакли тубдан ўзгаради. Чунки бозор иқтисоди миллатлар ва эллатлар ижтимоий гурухлар ва давлатлар муносабатлари инсон, миллат, эллат ва давлатнинг тадбиркорлиги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқара олишини, халқаро ҳуқуқ, демократия ва инсонпарварлик қоидаларига риоя қилишни биринчи ўринга қўяди. Демак, бозор иқтисоди шароитида синфий ва миллий имтиёзлар ёки камситишлар ўрнини тадбиркорлик, ташаббускорлик, гайрат-шижоат, ишчанлик, бозор қонунлари талабларини ҳар томонлама ўрганиш, янги техника, технология ҳамда фан ютуқларидан самарали фойдаланиш кабилар згаллайди.

Мустақил Ўзбекистон байналмилалчиликнинг эскича, бир ёклама синфий талқинидан воз кечиб, уни янгича талқин этиш ва шу асосда иш олиб бориш жараёнини бошдан кечирмоқда, ички ва ташки сиёсатини шу негиз асосида қурмоқда.

БАЙРАМЛАР — халқ ва жамоаларнинг ҳаётида мухим саналган, кенг нишонланадиган тантанали кунлар. Байрамлар маънавий кўтаринкилик ва бирдамлик билан бирга, шахсий, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигининг ифодаси ҳамdir. Ўзбекистонда нишонланадиган байрамларда миллий истиқбол ғоясининг асосий тушунча ва тамоиллари акс этмоқда. Мустақиллик куни (1 сентябрь), Конституция куни (8 декабрь) ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини, Ватан ҳимоячилари куни (14 январь) мардлик ва фидойилик фазилатларини тарбиялашга хизмат қиласди. Мамлакатимизда, шунингдек, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни (1 октябрь), Хотира ва қадрлаш куни (9 май), Қатағон қурбонларини ёд этиш куни (31 август) каби саналарнинг нишонланиши ҳам авлодлар ўртасидаги боғлиқлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-муҳабbat, инсоний эҳтиром ва қадр-қимматни мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Мустақиллик йилларида Рўза ва Қурбон ҳайити ҳам байрам сифатида қайта тикланди. Бу байрамлар одамларда имон-эътиқод, шукроналик фазилатларини камол топтиради, келажакка ишонч туйғуларини мустаҳкамлади. Наврўз байрами (21 март) ҳар йили юртимизда алоҳида тантана билан нишонланиб, юртдошларимиз қалбига яшариш, яратувчан-

лик, күтаринкилил руҳини олиб киради. Мамлакатимизда халқаро байрамлар - Янги йил (1 январь), Халқаро хотин-қизлар куни (8 март) ва Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунининг (1 июнь) нишонланиши умуминсоний қадриятларга садоқатимиз рамзидир.

БАРҚАРОЛИК (ИЖТИМОЙ) — 1) жамият ҳаёти-нинг осойишталиги; 2) ижтимоий тузум элементларининг уйғулиги; 3) жамиятдаги ижтимоий бирликлар (миллат, дин, қатлам ва б.) вакилларининг ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги.

Барқарорлик инсоният тарихида яратувчанлик, бунёдкорлик фаолиятлари учун асос бўлган. Қадимги замоннинг машҳур файласуфи Конфуций: «Фаровонлик – мақсад, ислоҳотлар – унга эришиш йўли, барқарорлик эса шарт-шароитdir», – деб бежиз айтмаган. Ана шу сабабдан ҳам жамият ҳаётида барқарорликка интилиб келинган, бекарорлик, бошбошдоқлик бўлмаслиги учун харакат қилинган.

Ижтимоий барқарорликни бир неча жиҳатдан талқин қилиш мумкин: жамиятдаги тинч-тотувлик ва уни мустахкамлаш учун шарт-шароитнинг мавжудлиги; ижтимоий қатламлар, кучлар ва сиёсий пар-тиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик вазияти; давлат, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасидаги ижтимоий келишув ҳолатининг муттасил давом этиши ва бошқалар.

Баъзи мутахассислар ҳақиқий ва сохта барқарорлик ҳолатининг мавжуд эканлигини эътироф қиласидилар. Масалан, Фарб олимлари Р.Дарендроф ва А.Козер ҳақиқий барқарорлик йўқ, ҳар қандай барқарорлик бекарорликнинг арафаси ёки муайян бекарорликдан кейинги ҳолати, жамиятнинг янги бекарорлик олдидан тин олиш давридир, деган фикрни илгари сурғанлар.

Бундан фарқли тарзда америкалик олим Т.Парсонс «ижтимоий тизимнинг барқарорлиги қоидалари»ни ишлаб чиқишига харакат қиласидилар. Унинг фикрича, ҳар қандай барқарор жамиятнинг ижтимоий тузилишини ташкил этадиган элементлар фаолияти ўзаро уйғун бўлиши шарт. Ана шу уйғунлик доимий барқарорлик омилидир. Бунда давлатнинг вазифаси жамиятнинг энг кичик бўғинлари: жамоалар, ташкилотлар, идо-

ралар орасидаги мутаносибликни сақлаш ва мустаҳкамлашдан иборат. Агар давлат ана шунинг уддасидан чиқа олса, у жамиятни барқарор ривожланишини таъминлайдиган бошқарувчи (регулятор) вазифасини адо этади. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг муайян ислоҳотларни амалга ошириши учун имкон яратади. Т.Парсонснинг бу қарашлари кўпгина Фарб мамлакатлари мутахассислари томонидан эътироф қилинган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ижтимоий барқарорликка эришиш ва уни мустаҳкамлашга катта эътибор берилди. Бугунги кунда мамлакатимизда мустаҳкам барқарорликка эришилди. Бу жамият тараққиётининг, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг асосий шартидир.

БЕШ ТАМОЙИЛ — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан асослаб берилган жамиятни ислоҳ этишнинг асосий устувор тамойиллари. Улар Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини, ўзбек моделининг асосини белгилайди.

Жаҳонда янги жамият асосларини барпо этишнинг таъёр андозаси йўқ. Ҳатто энг ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт тажрибасини ҳам кўр-кўронса қабул қилиб бўлмайди. Чунки бир давлат мисолида яхшигина самара берган тараққиёт модели бошқа мамлакатда етарлича натижа бермаслиги ёки аксинча, инқироз жараёнини баттар чуқурлаштириши мумкин.

Шу нақтаи назардан қараганда, иқтисодиётининг таркибий тузилиши, иқклим шароити, табиий ресурслари, ҳалқимиз менталитети, аҳоли таркиби ва ўсишига кўра дунёнинг бирон-бир мамлакатига асло ўхшамайдиган Ўзбекистон учун тараққиёт борасида ўзига хос йўл талаб қилинар эди. Тараққиётнинг ўзбек модели ана шундай талабларга жавоб берадиган, Ўзбекистон ҳалқи иродаси билан танлаб олинган, бозор муносабатларига ўтишда, ижтимоий ларзаларсиз, инқиlobий сакрашларсиз, ўзимизга хос, ўзимизга мос тадрижий йўлдан боришни тақозо этадиган моделдир.

Бу модельнинг асосий маъно-мазмунини жамиятни ислоҳ этишнинг машҳур беш тамойили белгилайди. Улар: иқтисо-

диётнинг сиёсат ва мафкурадан холилиги; давлат - бош ислохотчи; қонун устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсат юритиш; бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш.

Ўзбекистон бугун ана шу тамойиллар асосида бутун ишлаб чиқариш, тақсимот ва ижтимоий тизимини қайта қурмоқда. Бундай мураккаб ўтиш даврида давлатнинг бош ислохотчи экани, мухим ижтимоий-иктисодий ўзгаришларни амалга ошириш, мустаҳкам қонунчиликка асосланиши аҳамият касб этмоқда.

БИБЛИЯ (грекча – китоблар) — яхудийлик ва христианлик динидагиларнинг муқаддас китоблари тўплами. Библияning христианлик пайдо бўлмасдан олдин яратилган биринчи ва катта қисми Қадимги Аҳд (“аҳд” - Худонинг инсонлар билан маҳсус алоқаси) “Таврот” ва «Забур»ни ўз ичига олган. Библияning христианлик билан боғлиқ бўлган иккинчи қисми “Янги аҳд” - “Инжил” деб аталади. “Янги аҳд” - худонинг Исо воситачилигига одамлар билан янги аҳдлашуви демакдир. Қадимги аҳд ибрий ва арамий тилларида, Янги аҳд эса юнон (қадимги грек) тилида ёзилган. Христианлар «Қадимги аҳд» ва «Янги аҳд»ни бирдай муқаддас санасалар, яхудийлар фақат «қадимги аҳд» нигина муқаддас билади.

Христианлик ақидалари 27 бўлимдан иборат бўлган “Янги аҳд”, яъни “Инжил”да жамланган. “Инжил” (Евангелия) сўзи юнон тилида хушхабар деган маънони билдиради. Инжилда Исо Масихнинг туғилиши, ҳаёти, яратган мўъжизалари, таълимотлари, гуноҳкор одамларни қутқариш учун ўлиб, қайта тирилгани баён қилинади.

Инжил қўйидагиларни ўзида ифодалайди:

- 1) Исо Масихнинг ҳаёти ва таълимоти баён этилган Матфей, Марк, Лука ва Иоанн томонидан ёзилган тўртта китоб;
- 2) ҳаворийлар (Исонинг ўн икки шогирди) фаолияти – ҳаворийларнинг қилган амаллари, илк масиҳ жамоаларининг вужудга келиши ҳақида ҳикоялар;
- 3) христианликнинг асосий ақидалари баён қилинган 21 мактуб;
- 4) Исо Масихнинг бу оламга қайтиши, қиёмат, жаннат ва жаҳаннам тасвирланган Иоанн “Ваҳийномаси”.

Библия бугунги кунда ҳам христианларнинг асосий китоби сифатида улар учун ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ЎТИШ — 1) ижтимоий ривожланишнинг тадрижий ўзгаришлари; 2) жамият тараққиётининг бир давридан иккинчисига ўтиш шаклларидан бири; 3) жамият ҳаётининг турли соҳаларида ислоҳотлар олиб бориш усули. Босқичма-босқич ўтиш эскилик ўрнига янгиликларни узлуксиз, изчил шакллантириш ва янги сифатни юзага келтиришни англатади. У жамият ўзгаришининг инқилобий (революцион) усулидан фарқ килади. Тажриба шуни кўрсатадики, инқилобий ўтиш усули гўё зиддиятларни тез ва осон ҳал қилишига ёрдам беради. Аслида эса бу тараққиёт қонунларини етарлича ҳисобга олмаслик, зиддият ва қарама-қаршиликларни ҳал этиш ўрнига жамиятни боши берк кўчага кириб қолишига сабаб бўлади. Бундай вазиятларда содир бўлган ижтимоий портлаш ва сакраш эски, фойдасиз жиҳатлар билан бирга зарур ҳамда фойдали қадриятларни ҳам йўқотиб юборади. Инқилобий усул кўпроқ одамларни оломонга айлантириш, халқнинг турли қатламлари орасига низоҳ солиш орқали амалга ошади. XIX аср охири-XX аср бошларида жаҳон ва Европа мамлакатларининг кўпчилиги турли зиддиятлар оғушида қолган ўз тараққиёт йўлларини белгилаб олаётган эдилар. Ўша даврда Россияда инқилобий йўлдан борилгани ушбу усулга хос салбий жиҳатларни яққол намоён қилди.

БУДДА (санскритча - хотиржам, осойишта, олий ҳақиқатга эришган) — жаҳон динларидан бири - буддизмнинг асосчиси. Бу динга дахлдор бўлган манбаларда у бир неча бор қайта туғилиш ва яшаш жараёнида мутлақ ҳақиқатга этишган ва бошқаларга диний нажот йўлини кўрсатишига қодир бўлган барча худолар, рухлар ҳамда табиат кучлари устидан ҳукмрон буюк ва қудратли зот сифатида таърифланарди. Асли исми Сиддхартха Гаутама бўлган бу зот милоддан аввалги 624-544 йиллар орасида яшаб ўтган. Ривоятларга кўра, уни 16 ёшида уйлантирадилар. 29 ёшида Гаутама хотини ва яқиндагина туғилган ўғлини тарқ этиб, сайёр дарвешларга қўшилди. Олти йил давомида Ганга дарёси қирғокларида зоҳидлик

билан ҳаёт кечирган Гаутама 35 ёшида 4 ҳафта (ёки 7 ҳафта) давомида медитация (бутун онгини олий ҳақиқатга эришиш гоясига қаратиш) ҳолатига киради. Нихоят, у мақсадига эришади ва коинотнинг барча сир-асоридан воқиф бўлган Буддага айланади. Шундан сўнг 45 йил давомида қадимги хинд давлатлари Кошала ва Магадха бўйлаб ўз таълимотини тарғиб қиласди ва 80 ёшида вафот этади.

Ҳиндистон подшоси Ашока (милоддан аввалги 268-231 йиллар) амри билан тоштахтачаларга ўйиб ёздирилган матнларда Будда ҳақида баъзи маълумотлар учрайди. Улар бир неча аср давомида оғиздан-оғизга ўтиб келган ва, асосан, милоддан аввалги I асрда ёзиб олинган “Трипитака” номли муқаддас китоблар мажмуасида ўз аксини топган. Будда таълимотининг асосий мазмуни Банорасда килинган хутбада “тўрт олий ҳақиқат” шаклида баён этилган. Будданинг шогирдлари ер юзида биринчи роҳиблар жамоасини ташкил этганлар. Унга ҳозир ҳам эҳтиром кучли. 1956 йили Ҳиндистонда Будда вафотининг 2500 йиллиги билан боғлиқ тадбирлар ўтказилди.

БУДДИЗМ — уч жаҳон динининг (буддавийлик, христианлик, ислом) бири, милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталарида Ҳиндистонда пайдо бўлиб, сўнгра Марказий Осиё, Жануби-Шарқий Осиё ва Узок Шарқда ёйилган. У буддавийлик деган ном билан ҳам аталади. Бугунги кунда буддизм Шри-Ланка, Бирма, Таиланд, Лаос, Камбоджа, Вьетнам каби давлатларнинг асосий динидир. Буддизмда Тхеравада (оқсоқоллар йўли ёки қадимги анъаналарга содиклик) ва Махаяна (катта арава ёки янгича ёндашув) йўналишлари мавжуд. Махаяна жуда кўп секта ва мазҳабларга бўлинади.

Буддавийлик 2500 йилдан зиёд тарихни ўз ичига олади. Унга дастлаб брахманизм ва жайнизмнинг таъсири кучли бўлган. Император Ашока (милоддан аввалги III аср) даврида мустақил дин сифатида шаклланган. Буддавийлик Ҳиндистонда тўққиз аср устувор бўлиб, кейин инқирозга юз тутган ва пировардида бу ерда унинг ўрнини хиндуизм эгаллаган. Шри-Ланка ва Жануби-Шарқий Осиёнинг қуруқлик қисмида буддавийликнинг Тхеравада, Хитой, Корея, Япония ва Тибетда эса Махаяна каби йўналишлари илдиз отган. Ҳозирги

пайтда АҚШга кўплаб япон ва тибет роҳиблари ҳамда олимларининг кириб келиши натижасида мамлакат бўйлаб йирик буддавийлик жамоалари ташкил топди. Буддизмнинг бир неча халқаро ташкилотлари ҳам мавжуд.

Бошқа динлардан фарқли ўларок буддавийликда ҳеч бир ўзгармас нарса йўқ, ҳатто худо ҳам ўзгарувчан, деган гоя илгари сурилади. Фақат лаҳзалар силсиласи мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян даврда йўқолиб, кейингисига ўрин бўшатиб беради. Будда таълимотига кўра, инсон доимо азоб-уқубатга маҳкум ва бунга унинг ўзи сабаб бўлади. Чунки у, гарчанд бефойда бўлса-да, ўз ҳаёти ва фаровон турмушини сақлаб қолишга ҳаракат қиласди. Азоб-уқубатдан ҳалос бўлиш учун кўнгил хуш кўрган барча нарсалардан тийилиш даркор. Ёлғондан, ўғриликдан, бошқага зарар етказишдан, зинодан мунтазам равишда ўзни тийиб бориш ҳамда медитация (онгни олий ҳақиқатга етишишга қаратиш) “бодхи”, яъни хотиржамликка, охир-оқибатда нирванага (азоб-уқубатнинг тугашига) олиб келади.

Нирванага етишиш учун талаб қилинадиган ахлоқий баркамоллик бир эмас, бир неча ҳаётни тақозо этиши мумкин. Буддавийлик заминида уч нарса: Будда, Дхарма ва Сангхага эътиқод мавжуд. Будданинг ўзи – Сиддхартха Гаутама исмли тарихий шахс. Буддавийлик эса Дхарма-Гаутама қолдирган таълимотdir. Ушбу таълимотнинг энг қисқа баёни қуидаги “тўрт олий ҳақиқат”дан иборат: азоб-уқубат мавжуд; азоб-уқубатнинг сабаби (истак) мавжуд; азоб-уқубатнинг тугаши (нирвана) мавжуд; азоб-уқубатнинг тугашига олиб келувчи саккиз босқичли йўл мавжуд.

Сангха-Будда асос соглан ва ҳозиргача фаолият кўрсатиб келаётган роҳиблар жамоаси тор маънода “олий ҳақиқат”га етишган кўплаб авлиёлардир. Сангха жамоасига қабул этилган шахс қуидаги 10 фарзни адо этишга қасамёд қиласди: ҳеч ким ёки ҳеч нарсани ҳаётдан жудо қилмаслик; ёлғон сўзламаслик; ўғрилик қилмаслик; жинсий алоқа қилмаслик; маст этувчи ичимлик ичмаслик; пешиндан то эртаси кун сахаргача тановул қилмаслик; уч кийимдан бошқа ҳеч нарса билан танани безамаслик; оммавий кўнгилхушликларда иштирок этмаслик ва ҳатто томошабин сифатида ҳам қатнашмаслик; баланд ва юмшоқ ўринда ётмаслик; пул ишлатмаслик.

XX асрда бутун жаҳон бўйлаб дунёвий кишиларни будда-вийликка жалб этиш одат тусига кирди. Ҳатто Ҳиндистоннинг ўзида ҳам буддизм дунёвий шаклда қайта тикланмоқда. Японияда дунёвий кишилар “синсюко” (янги динлар) деб аталган оқимга (Россияда катта шов-шувга сабаб бўлган “Аум синрикё” шулардан бири) асос солмоқдалар. Америкадаги “янги буддизм” жамоалари, асосан, дунёвий кишилардан таркиб топган. Ўзбекистонда ҳам ҳозирги кунда битта буддавийлик жамоаси расмий равишда фаолият кўрсатмоқда.

БУНЁДКОР ФОЯ — 1)Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган тушунча; 2) жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи фоя.

Бунёдкор фоя таъсирида инсон эзгуликка етиш, миллатлар ва давлатлар эса озодлик ва мустақилликка эришиш учун интилади, адолат ва ҳақиқат тантанаси йўлида курашади, буюк тарихий ғалабаларни кўлга киритади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзида гуманизм талабларини акс эттирадиган, инсон камолотига, жамият ривожига, миллат тараққиётига, халқнинг ирода ва интилишларига хизмат қиласидиган, уни жисплаштириб, олий мақсадларга сафарбар этадиган фоялар бунёдкор фоялардир. Улар инсоннинг ички яратувчанлик моҳияти, ижодкорлик табиатидан келиб чиқади, одамларни комиллик ва фозиллик сари ундейди, имон-эътиқодини мустаҳкамлайди, ҳаётига ижобий мазмун бахш этади. “Бунёдкор фоя инсонни улуғлайди, унинг руҳига қанот бағишлийди. Соҳибқирон Амур Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод қилиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу фоялар асос бўлган” (Миллий истиқлол фояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., Ўзбекистон, 2000, 10-бет).

Илмий нуқтаи назардан қараганда, бунёдкор фоялар фояшуносликнинг маҳсус категорияси сифатида таҳлил ва тадқиқотларга муҳтоҷ. Бизда бу борада илмий тадқиқотлар олиб бориш эндиғина бошланмоқда. Ҳолбуки, мазкур тушунчанинг

тузилиши, уни ташкил этадиган унсурлар, уларнинг намоён бўлиши алоҳида тадқиқ этилиши лозим. Шу билан бирга, жамият тараққиётининг туб бурилиш даврларида, ўзгариш ва ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида бунёдкор гояларнинг яратувчанлик, халқни бирлаштириш ва эзгу мақсадлар томон сафарбар этиш хусусиятларидан ижобий фойдаланиш масалалари бенихоя катта аҳамият касб этади. Ватанин севиши, юрт тинчлигини асрар, халқ фаровонлиги йўлида курашиш - бунёдкор гояларнинг маъно-мазмунини белгилайди. Тарих ҳам, бугунги ҳаётимиз ҳам ўз ғаразли мақсадларига эришиш учун юксак гояларнинг жозиба кучидан фойдаланишга уринувчи ёвуз кучлар ҳамма вақт ҳамма замонларда мавжуд бўлишини кўрсатади. Қабиҳ ниятли кучларнинг асл ниятларини фош этишда бунёдкор гоялар асосидаги эътиқод ва дунёқарашнинг аҳамияти бекиёс.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси бунёдкор гоялар тизимидан иборат. Бу гоялар соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, жамиятда гоявий бўшлиққа йўл қўймаслик, янгича эътиқод ва дунёқараш эгаларини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК ШОВИНИЗМИ — бир давлатнинг бошқа бир давлат ёки давлатлар устидан сиёсий, мафкуравий, иқтисодий ва ҳарбий ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган назария ва амалиёт.

Хусусан, XIX аср охиридан бошлаб Россия империясининг ҳукмрон доиралари бошқа халқларга, жумладан, Ўрта Осиё халқларига нисбатан ана шундай сиёсат олиб борганлар. Буюк давлатчилик шовинизми сиёсати Австро-Венгрия империяси, Туркия султонлигига ҳам кучли бўлган. Иккинчи жаҳон урушида Германия фашизми бу сиёсатдан келиб чиқиб, немисларни “олий” ирқ, улар жаҳондаги барча халқлар устидан ҳукмрон бўлишлари керак, деб тарғиб қилишган. Урушдан кейинги даврларда ҳам бир қанча мамлакатлар буюк давлатчилик сиёсатини хилма-хил кўринишда олиб бормоқдалар.

Президент И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида; хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида буюк давлатчилик шовинизми ва

агрессив миллатчилик хавфсизлигимизга таҳдид солаётган муаммолардан бири эканлигини алоҳида таъқидлаган: “Ўтган мустакил ривожланиш йилларида давлатимизнинг суверенитети ва барқарорлигига таҳдид сақланиб қолмоқда. Бу таҳдид буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик руҳидаги шиорларда, билдирилаётган фикрларда, шарҳларда ва муайян хатти-ҳаракатларда намоён бўлмоқда”.

У гайриинсоний хусусиятга эга бўлиб, бошқа ҳалқларни қарам қилиш, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётда уларни камситишнинг ўзига хос шаклидир. Тарих иқтисодий имкониятлари заифлашган, ижтимоий тотувлик мустаҳкам бўлмаган, ички зиддиятлар кучайган, Ватан, миллат тақдиридан ўзининг шахсий ва тор гурухий манфаатларини устун қўядиган, ҳокимиятга даъвогарлик қилишда ўзаро келиша олмаётган сиёсий кучларнинг мавжуд муаммоларни ташки кучлар ёрдамида ҳал қилишга уриниши ҳамда маънавий-рухий парокандалик, эртанги кунга ишончсизлик кучайиши натижасида айрим мамлакатлар буюк давлатчилик шовинизми таъсирига тушиб қолишидан далолат беради.

Буюк давлатчилик шовинизми ҳамиша куч ишлатишга, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, маънавий мағкуравий тазиикқа, зўравонликка асослангани учун ҳам миллатлар ва давлатларо муносабатларда ишончсизлик ва душманлик кайфиятларининг чуқур илдиз отишига сабаб бўлади.

Унинг салбий оқибатлари факат шу билангина чегараланмайди. «Тарихий тажрибада қайта-қайта тасдиқланганидек, шовинизм авторитар тузумлар ўрнатилиши ва мустаҳкамланишини рағбатлан-тиради, шафқатсиз диктатурага олиб боради. Чунки бўйсундирилган ва қарам ҳалқларнигина эмас, балки бир қисми муқаррар равишда бундай сиёсий йўлга қарши чиқадиган, ўз ахолисини ҳам бошқача шароитда итоаткорликда сақлаб туриш мумкин бўлмайди». Охир-оқибатда давлатички зиддиятлар бўйронига дучор бўлиб, ҳалокатга юз тутади. Бир сўз билан айтганда, ўзгаларни қарам қилган ҳалқлар, давлатларнинг ўзлари ҳам ҳеч қачон озод ва эркин бўлолмайди. Бироқ бу тажрибадан дунёдаги айрим сиёсий доиралар ва кучлар ҳали ҳам етарли сабоқ чиқара олмаганини жаҳоннинг айрим худудларидаги воқеалар кўрсатиб турибди.

Шовинистик кучлар бугунги кунда, биринчидан, мамлакат аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазиик ўтказиш, иккинчидан, минтақа давлатлари ичидаги зиддиятларни юзага келтириш, учинчидан, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввурларни шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Бу йўлда улар хилма-хил усул ва воситалардан фойдаланмоқда.

Буюк давлатчилик шовинизми ҳам жаҳолатнинг бир кўриши. Унга қарши маърифат билан курашиш мумкин. Бунда, айниқса, халқаро ҳамжамият, жумладан, унинг тенг хуқуқли аъзоси бўлган ҳар бир давлат билан ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш яхши омил бўлиб хизмат қиласи. Ана шундагина минтақамиз ҳеч қачон цивилизациялар ўзаро тўқнашмайдиган, балки улар бир-бирига ижобий таъсир этиб, бир-бирини бойитадиган маконга айланади. Ўзбекистоннинг тинчлик-севар сиёсати ана шу мақсадга хизмат қиласи.

БЎЛИБ ТАШЛАБ, ҲУҚМРОНЛИК ҚИЛИШ — гаразли геосиёсий ва геостратегик мақсадларга эришишда қўлланадиган усул ва тамойиллардан бири.

Бу тамойилни амалга оширишнинг асосий йўли бирон-бир минтақа ёки мамлакат ичидаги ижтимоий парокандаликни келтириб чиқаришdir. Бунда, биринчидан, муайян шаклда мавжуд бўлган ижтимоий-иктисодий қийинчиликларни бўрттириб кўрсатиш орқали ахолининг мавжуд ҳолатдан норозилигини уйғотиш, иккинчидан, ўз ноғорасига ўйнайдиган мухолифатчи кучларни юзага келтириш йўли билан сиёсий бекарорликни келтириб чиқариш, учинчидан, «мамлакатда сўз, матбуот, сиёсий эркинликлар йўқ», қабилидаги тухматдан иборат мафкуравий тазиик ўтказиш усувлари қўлланади.

Ўзбекистон мисолида оладиган бўлсак, бундай ҳолат баъзи хорижий оммавий ахборот воситаларининг мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, хуқукий ислоҳотлар ҳақида нотўғри ахборот тарқатиши орқали жаҳон жамоатчилигида биз тўгримиизда ҳақиқатга зид тасаввурни шакллантириш йўлидаги хатти-ҳаракатларида яққол кўринади.

Муайян миңтақага нисбатан олинганда, бу тамойил ўша жойда гегемонликка талабгор бўлган давлат борлигини “асослаш”, таъбир жоиз бўлса, шундай давлат образини яратиш йўлидаги уринишларда намоён бўлади. Бундай образларнинг яратилиши ер юзининг турли нуқталарида ҳар хил қўринишдаги низоларни, давлатлараро муносабатларда эса тангликни юзага келтиради. Натижада мамлакатларнинг моддий-молиявий, маънавий-интеллектуал салоҳияти жамият тараққиётига хизмат қилиш ўрнига ана шу “образ” таъсирининг олдини олишга йўналтирилади. Шу тариқа, асосий мақсадга, яъни муайян давлатни яккалашга, уни заифлаштириб, кейин ўз “иттифокчи»сига айлантиришга эришилади.

«Бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қил» тамойилини амалга оширишнинг яна бир йўли – ҳалқаро майдонда муайян мамлакат ҳақида нотўғри, нохолис тасаввурларни шакллантиришdir.

Айни пайтда, бу йўлда диний омилдан, яъни гўёки эътиқод эркинлиги бузилаётгани тўғрисидаги соxта маълумотларни тарқатиш усулидан фойдаланишга уринишлар ҳам кузатилаётir. Буларнинг барчаси «мақсад воситани оқлайди» деган ақида фаразли геостратегик ғоялар ва манфаатларни рўёбга чиқаришнинг асосий қоидасига айлананаётганини кўrsатади.

ВАЙРОНКОР (БУЗФУНЧИ) ФОЯ — 1) бунёдкор ғояларга зид бўлган, ёвузлик ва жаҳолатга хизмат қиладиган ғоялар мажмууни ифодалайдиган тушунча; 2) инсон ва жамиятни тубанликка бошлайдиган, одамларни фаразли ният ва қабиҳ мақсадларга ундейдиган, ҳалқлар ва давлатларни таназзул ва ҳалокатта маҳкум этадиган ғоялардир. Ўзининг шахсий ёки тор ижтимоий манфаатини бошқалар хисобига қондириш, босқинчилик ва талончилик, тажовузкорлик ва манфаатпастлик ғоялари шулар жумласидандир. Улар инсонпарварлик тамойилига зид бўлган, бир миллатни бошқасидан устун қўядиган, олий ирқ даъвосида бошқа ҳалқларни қирғин қилишга чақирадиган, жамиятни тарафкашларга ажратиб, бўлиб ташлайдиган ғоялардир. Диний ақидапарастлик ва жангари ирқчилик (расизм), буюк давлатчилик шовинизми ва ашаддий (агрессив) миллатчилик, фашизм ва большевизм мафкуралари мана шундай вайронкор ғоялар тизимини ташкил этади.

Президент Ислом Каримовнинг қуийдаги фикрлари бу масаланинг таҳлилида алоҳида эътиборга молик: “Аслида, менинг назаримда, одамнинг қалбидаги иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳамиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-ийқит инстинктлари, яъни хатти-харакатларини қўзғатиб юбориш осонроқ” (Ислом Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000, 493-бет.) Бундай гоялар таъсирига берилимаслик, ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш масалалари Юртбошимизнинг “Миллий истиқлол мафкураси ҳалқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир” асарида чуқур илмий асослаб берилган.

Инсоният ягона оила эканини англаб, тинч-тотув ва фаровон яшаш тамойилига амал қила бошлагач, вайронкор гоялар Ер шарининг ҳамма ерида ҳам танқид ва тазиикқа учрамоқда. Ҳозирги пайтда жаҳон жамоатчилиги томонидан кескин қораланаётган диний ҳалқаро террорчилик ва мафкуравий хурружлар, экстремизм ва жаҳолатпастлик, ҳам бузгунчи гояларга асосланган.

Миллий истиқлол гояси вайронкор, бузгунчи гояларнинг ҳар қандай кўринишларини кескин рад этади. Уларга қарши бунёдкор гоялар воситасида курашишга чақиради. У ҳалқимиз, айниқса, ёшларнинг қалби ва онгига эзгу гояларни сингдиришишга, ёвуз гояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантиришга хизмат қиласди.

ВАТАН (арабча – она юрт) — кишиларнинг ўзи яшаб турган, авлод ва аждодлари туғилиб ўсган, миллати шаклланган жой, ижтимоий муҳит, мамлакат. Ватан бир-бирини тақозо этувчи (уй, маҳалла, шаҳар, қишлоқ, мамлакат каби) бир қатор ҳудудларни ўзида ифодалайдиган, ижтимоий муҳит ва инсон, унинг ҳаёти каби кўплаб маънавий тушунчаларни ўз ичига олади, авлодлар туғилиб ўсган ва камол топган жой, замин, ўлкани англатади.

Ватан остоидан бошланади, деб бежиз айтилмайди. Бирок киши улгайгани сайин унинг Ватан ҳақидаги тасаввури ҳам

кенгаяди. Аввал уй, сўнгра маҳалла, қишлоқ ёки шаҳар ҳамда бутун мамлакат Ватан экани аста-секин англаб олинади. Ватанга боғлиқлик, уни қадрлаш тарихий ривожланиш жараёнида пайдо бўлиб, муҳит ва давр таъсирида шаклланган ижтимоий-руҳий туйғудир.

Миллатлар ва элатлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларнинг ўсиши, авваллари факат бир элат ёки миллат учун Ватан бўлган ўлкани шу ўлкада яшаб турган барча халқлар учун Ватанга айлантиради. Ҳозирда юртимизда яшаётган юздан зиёд миллат ва элат вакилларининг Ўзбекистонни ўз Ватани деб билиши ҳам ана шундай жараёнлар натижасидир. Шу боисдан Ватан бу — бир замин, ўлкада яшаётган кишиларни миллати ёки динидан қатъи назар, бирлаштирувчи ижтимоий тушунчадир.

Халқ маданияти, анъаналари, урф-одатлари, миллий онг ҳам она юрт тушунчаси билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб, улар Ватандан ташқарида ривожланмайди. "Ватан" тушунчаси мустақиллик шароитида алоҳида аҳамият касб этди. Маълумки, истибдод йилларида ҳукмрон мафкура кишиларимизнинг онгидағи "Ватан" тушунчасини бузиб, унинг ўрнига мавҳум ва умумий тушунчани зўрлик билан сингдирмоқчи бўлди. «Ўзбекистон — Ватаним маним» дейиш у даврда миллатчилик, миллий чекланганлик деб баҳоланди. Ҳолбуки, Ватан — аниқ тушунча. У кўп ҳолларда муайян ҳудуд, мамлакат ёки давлатга ўз номини берган ва шу ерда яшайдиган миллат ёки халқ номи билан аталади. Масалан, Ўзбекистон, Арабистон, Россия ва ҳоказо.

Миллий истиқлол гояси барча юртдошларимиз қалбида Ўзбекистонни севиш, унинг фаровонлиги йўлида фаол меҳнат қилиш фазилатларини камол топтиришга хизмат қиласиди, «Ўзбекистон — ягона Ватан» туйғусини шакллантиради.

ВАТАНПАРВАРЛИК — Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган ижтимоий, маънавий-ахлоқий фазилат. Унинг мазмуни - Ватанга меҳр-муҳаббатли ва содик бўлишдан, юртнинг ўтмиши ва ҳозири учун фахрланишдан, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга интилишдан ибо-

рат. Ватанпарварлик ота-боболардан мерос қолган заминни севиш, халқ урф-одатларини, қадриятларини асраш ва ри-вожлантириш, ўз она Ватанини душманлардан, ёт ва бегонағоялардан ҳимоя қилиш, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямасликни назарда тутади.

Ватанпарварлик аниқ бир ҳаёттй мұхитда, ижтимоий заминда ва мавжуд маънавий-ажлоқий қадриятлар асосида шаклланади. Унинг тўла ва тўғри шаклланиши, юксак намуналарини кўрсатиши учун ҳам халқ ва Ватан мустақил бўлиши лозим. Ана шу сабабдан мустақилликни эъзозлашимиз, қадрига етишимиз, уни қадам-бақадам мустаҳкамлаб боришимиз зарур. Шу йўлдаги олижаноб фазилат ва эзгу интилишлар бугунги кунда ҳақиқий ватанпарварлик намунасидир.

Ватанпарварлик миллий истиқлол ғояларини тарғиб қилиш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик, тинчлик ва ахилликни мустаҳкамлаш учун курашишда ҳам намоён бўлади. Миллий истиқлол мағкурасининг бош ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишdir. Озод ва обод Ватанини ватанпарварлик ғоясисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай ғоя ва унинг асосида шаклланадиган соғлом мағкура ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиз отмайди ва ривожланмайди. У халқнинг миллий ватанпарварлик туйғусини ўзида акс эттирмаса, жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўла олмайди.

Ватанпарварликни камол топтириш кўпгина ижтимоий-иктисадий, маданий, мағкуравий, тарбиявий омиллар билан боғлиқ. Бу ниҳоятда катта меҳнат талаб қилувчи мураккаб вазифадир. Барча касбдаги зиёлилар, тарбиячиларнинг ҳозирги мухим вазифаларидан бири кишиларда, хусусан, ёшларда Ватанга садоқат, фидойилик каби фазилатларни камол топтиришdir.

Ватанпарварлик ғояларини ёшларимиз онгига сингдириш, авваламбор, оиласдан бошланади. Она Ватан, Ватанга муҳаббат, Ватан туйғуси каби илк тушунчалар ҳам, аввало, оила мұхитида шаклланади. Бу жараён боболар ўтити, ота ибрати, она меҳри орқали амалга ошади. Инсон ўзлигини англағани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсан юрга мұхаббат ҳам шу қадар ортади. Ватанпар-

варлик ғояларини ёшлар қалби ва онгига сингдиришда таълим ва тарбиянинг турли шакллари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ватанпарвар инсонгина ҳозирги кунда ўзларининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш мақсадида юрти-мизга ҳар хил йўллар билан кириб келаётган, мустақил дунё-қараши шаклланиб улгурмаган ёшларимизнинг қалби ва онгини қандайdir заарли ва бузғунчи ғоялар билан эгаллашга ҳаракат қилаётган ёвузларга қарши кураша олади ва ўз юртини ҳимоя қилади. Чунки республикамиз Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Мустақил ўзбек давлати – ҳалқимизнинг тарихий ютуғидир. Ўз давлати билан фахрланиш ва фуқароларнинг ватанпарварлиги жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг илфор марраларга чиқиб олишида ёрдам берган. Мамлакатимиз тупроғида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт».

ВАТАН РАВНАҚИ — миллий истиқлол мафкурасининг Ислом Каримов томонидан асослаб берилган ғояларидан бири. Президентимиз Ватан равнақи ғоясини илгари сурар экан, унинг мазмунини ҳар бир кишининг манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштирувчи, уни ҳалқ баҳт-саодати йўлида хизмат қилишга ундовчи бунёдкор ғоядир деб таърифлайди. Зеро, у миллий истиқлолнинг олий мақсади - Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг эл-юрт камоли билан боғлиқ орзу-умидларини амалга оширишни ифодалайди.

Ватан равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу ҳалқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади. Бу эса ватанпарварлик туйғусида намоён бўлади.

Ватан равнақи ғоясини амалга ошириш бевосита жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий ривожланишига боғлиқ. Бунда, биринчидан, ҳозирги ижтимоий баркарорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, жамиятни бошқаришда оммавий ташкилотларнинг (хусусан, маҳалланинг) мавқеини ошириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойиллари ниҳоятда муҳим. Иккинчидан, ҳаётда демократик

тамойилларнинг устуворлиги, муқобил партиялар, жамиятнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг ислоҳотчилик функцияси, аҳоли сиёсий онги ва маданиятини ошириш катта аҳамиятга эга. Учинчидан, бозор муносабатларига хос муқобил мулкчиликнинг шаклланиши, иқтисодиётнинг таркибий тизимидағи ўзгаришлар, кичик ва ўрта бизнес, ишбилармонлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кучайтириш бунда муҳим омил бўлиб хизмат қиласи. Тўртинчидан, тарихий меросимизнинг тикланиши, аҳоли интеллектуал салоҳиятини ошириш, фан ва илмий муассасалар, санъат ва адабиётни ривожлантириш, комил инсонни тарбиялаш бўйича миллий таълим дастурининг қабул қилиниши ва изчил амалга оширилиши, халқаро маданий алоқаларни кучайтириш ҳам Ватан равнақига хизмат қиласи. **Бешинчидан**, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигига эришиш, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш соҳасидаги тажрибалар, давлатимизнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиши — Ватан равнақини таъминлайдиган шарт-шароитлардир.

Ватан равнақи ғояси ҳар бир инсоннинг тақдирида ўз ифодасини топади, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун ҳаммага бирдек масъулият ва мажбурият юклайди. Уни англаш эса инсон камолотининг муҳим мезонидир. Бу ғоя “ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу жалқ манфаатлари билан уйғуллаштириб яшашга даъват этади”.¹

ВАТАНФУРУШЛИК — Ватанга нисбатан хоинлик тарзидаги хатти-харакатни характерлаш учун ишлатиладиган тушунча. Бундай ҳаракатлар сирасига қуидагиларни киритиш мумкин: мамлакат манфаатларига хиёнат қилиш, ўз шахсий манфаатларини кўзлаб иқтисодий, сиёсий ва бошқа жосуслик фаолияти билан шуғулланиш, душман томонига ўтиб ўз халқи, мамлакатига қарши кураш олиб бориш, қўпорувчилик ишлари билан машғул бўлиш ва ҳоказо.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т., Ўзбекистон, 2000, 51-52 бетлар.

Ватанфурушликнинг моҳиятини – ватансизлик, ватанидан бегоналашиш каби ҳодисалар билан солиштирганда яна-да аниқроқ англаш мумкин.

Ватандан бегоналашишнинг салбий хусусияти туғилиб ўсган юрт тақдирига лоқайдлик қайфиятининг пайдо бўлишидир. Бу асл Ватаннинг равнақи, юрт тинчлиги, авлодлар камолоти йўлидаги оммавий ҳаракатдан четта чикиш, ташкаридан бир томошабин сингари кузатувчига айланиб қолишидир. Бу асрлар давомида ота-боболари яшаб келган она заминдан, мамлакатдан йироқлашиш, уни тарқ этиш ва ўзга жойда яшаш тарзида намоён бўлади. Бегоналашиш баъзи кишилар ёки ижтимоий қатламларнинг ўзларига хос бўлган хусусиятларини, асрлардан асрларга ўтиб, сақланиб келган урф-одатларини унута бошлашларида ҳам кўринади. Бундайларда ўзга ҳалқ маданияти, урф-одатлари ҳамда турмуш тарзини қабул қилишга мойиллик кўпроқ сезилади.

Ана шу каби ҳолатлардан фарқли ўлароқ ватанфурушлик Ватанга хиёнатни ифодалайди. Ватанфурушлик хатти-харакатларининг заминида моддий, сиёсий ёки бошқа кўришишдаги тор, заарарли манфаатлар ётади.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, ватанфурушлар ҳамма вакт ўз юрти ва ҳалқининг нафратига дучор бўлган.

ВОЛЮНТАРИЗМ (лотинча «voluntare» - иродади) — 1) фалсафада иродани энг асосий тамойил деб қарайдиган идеалистик оқимлардан бири; 2) психологияда иродани инсон ҳаётининг асосий омили деб қарашиб; 3) сиёсатда – жамиятда инсон онгидан мустақил бўлган объектив қонуниятларни инкор этиш ва асосан, шахснинг субъектив иродаси тараққиётни белгилайди деб билиш.

Волюнтаризм жамиятда учрайдиган бошқа салбий ижтимоий қусурлардан ҳоли равишда, алоҳида ҳолда содир бўлмайди. Балки у ақидапарастлик, тоталитаризм, фашизм, шовинизм каби салбий жараёнлар билан узвий алоқадорликда намоён бўлади. Масалан, тоталитаризм шароити ҳалқаро талаб ва тамойиллар билан мутлақо ҳисоблашмасдан, давлатни волюнтаристик бошқариш учун шароит яратади. Бундай шароитда ҳалқни оломонга айлантириш, бунга рози бўлмаганларни жисмонан йўқотиш, террорчилик, қўрқитиш, зўрлаш

ёки банди қилиш йўлидан борилади. Собиқ Иттифокда Сталин, Германияда Гитлер, Италияда Муссолини, Испанияда Франко диктаторлик қилган даврлар бунга мисол бўла олади.

Волюнтаризм тоталитаризм шароитида жамиятдаги муаммоларни ҳал этишининг энг асосий усулларидан бири бўлиб қолади. Бундай шароитда жамиятнинг объектив қонуниятлари, иқтисодиёт ва сиёsatнинг зарурӣ жараёнлари ҳисобга олинмайди. Бутун жамият ҳокими бўлган якка шахс – император иродасига бўйсундирилган давлатлар – империяларда ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин.

Собиқ Иттифок даврида волюнтаризм билан боғлиқ назарий ва методологик масалалар ғайриилемий ва бир томонлама ёритилган эди. Натижада, унинг ҳақиқий назарий таҳлилига асосланган ва давлатни бошқаришда раҳбарнинг иродаси, тажрибаси ҳамда истиқболни кўра билиш қобилияти тўғрисида ҳалқчил китоблар яратилмаган, чукур илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Собиқ Иттифок тажрибаси волюнтаризм қандай мудҳиши оқибатларга олиб келиши мумкинligини яққол намоён қилди. Асосиз қабул қилинган қарорлар, бажарилмайдиган беш йиллик режалари, қўриқ ва бўз ерларнинг ҳисобсиз ўзлаштирилиши, бесамар хўжалик юритиш усули, пахта яккаҳокимлиги, Орол денгизининг қуриши каби нохуш оқибатлар волюнтаризмнинг аянчли оқибатлариdir.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ўтмиш сабоқларидан тегишли хулоса чиқариш, жамият тараққиёти қонуниятларини теран англаш асосида мавжуд ҳолатни тубдан ўзгартириш, ривожланишда тадрижий йўлдан боришга эътибор берилди. Бундай стратегик ёндошув яхши натижалар бермоқда.

ГЕГЕМОНИЗМ (юонча *gегемония* – раҳнамолик, ҳукмронлик, раҳбарлик) — муайян ижтимоий гуруҳ, катлам, миллат, давлатнинг бошқалар устидан ҳукмронлик қилишини асослашга қаратилган назария ва амалиёт.

Бирон-бир фоя ёки мафкура муайян ҳалқ, худуд ва жамият ҳаётида якка ҳукмрон бўлиб турса, гегемония тушунчасини фоя ва мафкура атамаларига нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Муайян фоя ёки мафкурага ишониш-ишонмаслик ҳар бир инсоннинг шахсий иши. Гегемонликка интигувчи фоя ва маф-

кура жамиятдаги вазиятдан фойдаланиб, куч ишлатиш, зўравонлик ёки бошқи бир ноконуний хатти-ҳаракат билан гегемон бўлиб олишга уриниши мумкин. Бундай уринишларни ўз вақтида пайқаб олиш ҳамма вақт ҳам осон бўлмаган. XX асрнинг 30-йилларида Германияда фашизм ҳукмрон мавқени эгаллаб, нафақат немис ҳалқи, балки дунёдаги миллионлаб кишиларнинг бошига чексиз кулфатлар келтиргани бунга мисол бўла олади. Коммунизм ғояси ҳам дунёдаги кўплаб ҳалқлар онгини заҳарлаб, ижтимоий тараққиётнинг секинлашувига сабаб бўлди.

Жамиятдаги барча куч ва ҳаракатлар, ҳамма қатламларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидлари, манфаатларини ўзида уй-фунлаштира олган, кўпчилик томонидан эътироф этилган мафкура умумий хусусиятга эга бўлади. Бундай шароитда фикрлар ранг-баранглиги, қарашлар хилма-хиллиги давом этади.

ГЕОПОЛИТИКА (грекча geo - ер, politika - давлатни бошқариш санъати) – ташқи сиёсатда бирон-бир давлат ёки минтақанинг географик ўрни, худудий жойлашиши, коммуникацион имкониятларини ҳисобга олиб юритиладиган фаолият.

Тарихда геополитика жамият тараққиётida географик шароитларнинг ўрнини юқори даражада мутлақлаштирувчи қараш тарзida намоён бўлди. «Ҳаётий маконнинг торлик қилаётгани», «табиий сарҳадларни кенгайтириш зарурати» сингари даъволар геополитикани экспансияни асословчи сиёсий концепция, деб баҳоланишига олиб келди.

Геополитика атамасини фанга швециялик сиёсатшунос олим Р.Челлен киритган. Бу атама I жаҳон уруши арафасида кенг қўлланила бошлади. Ўша даврда яшаган немис олими Ф.Ретцел давлатлар муайян жой ва худудда мавжуд бўлади, бу эса, ўз навбатида, уларни зарур худудларни эгаллашга мажбур қиласи, деб ҳисоблаган. Бундай қараш реакцион бўлиб, дунёни қайта бўлиб олиш учун курашга отланган Кайзер Германиясининг урушга шайланадиган сиёсатчилари учун ниҳоятда мақбул бўлган.

XX аср бошларидан геополитика мустақил фан ва сиёсат соҳаси, дея талқин этила бошланди. 1923-27 йилларда чоп этилган «Геополитика» журнали географик омилнинг давлат-

лар, халқларнинг мавжуд бўлишига таъсирини мутлақлаштириш йўлидан борди. Бундай қараш Германия, сўнгра Италияда ҳамда Япония давлати сиёсатининг асосий доктринасига айланди. Ўзга ҳудудларга нисбатан босқинчилик сиёсатининг устувор қўйилиши ўша пайтдаги мустамлакачилик сиёсатини оқлашга, миллий озодлик ҳаракатларини бостиришга қаратилган эди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин баъзи йирик давлатлар дунёдаги қатор мамлакатларни ўз манфаатлари доирасиға киритиб, уларда мустаҳкам ўрнашиш ва шу асосда ўзларининг таъсир доираларини кенгайтиришга интилдилар. Натижада, дунё сиёсий харитасида қарама-қарши икки кутб юзага келди. XX асрнинг 60-йилларига келиб геополитика икки қарама-қарши система, кўпроқ АҚШ ва собиқ Иттифоқ орасидаги курашни асослашга йўналтирилди. Совуқ уруш сиёсати геосиёсий йўллар ва усулларга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Бугунги дунёдаги геосиёсий жараёнлар, уларнинг минтақамиз ва мамлакатимизга таъсири масалаларининг мазмунмоҳияти, бу борада республикамиз амал киладиган тамойиллар Президент Ислом Каримов асарларида, айниқса, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида чукур таҳлил қилинган. Ҳозирги даврдаги мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига хос асосий геосиёсий тамойиллар ана шу асосда амалга оширилмоқда.

Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг ўз ўрни бор. Унинг ер усти ва ер ости бойликлари, Фарб ва Шарқ орасидаги алоқалар маркази бўлиш имконияти, Марказий Осиёда аҳоли, ишлаб чиқариш имкониятлари, илмий салоҳият ва бошқа жиҳатлардан етакчи мамлакат эканлиги ривожланган мамлакатларнинг геосиёсатида Ўзбекистон билан ҳисоблашиш, у билан иқтисодий-сиёсий алоқаларни узоқ мақсадни қўзлаб ўрнатиш заруратини туғдиради.

ГЕОСТРАТЕГИК МАНФААТЛАР — муайян мамлакат ёки минтақанинг жўғрофик жойлашуви билан белгиланади-

ган эҳтиёж ва интилишлар инъикоси. У истиқболни англаш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқади.

Ўзбекистон Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган бўлиб, у жўғрофий жиҳатдан жуда қулай геостратегик мавқега згадир. Қадимдан Шарқ билан Фарбни боғлаган Буюк ипак йўли айнан Ўзбекистон ҳудудидан ўтгани савдо-сотиқ, маданий-маърифий алоқаларни кенг ривожлантиришга сабаб бўлган. 1991 йилда Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришганидан кейин бу борадаги қадимий алоқалар қайтадан жонланди.

Марказий Осиёда Ўзбекистон алоҳида ўринга эга. Чунки Ўзбекистон кучлар мувозанатини таъминлаш, минтақада ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасида муҳим ўрин тутиши учун ҳамма имкониятларга эга. Чунки у ижтимоий-иктисодий жиҳатдан катта куч-қудратга эга бўлган мамлакатdir. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви, чет эл инвестицияларини жалб қилиши, юритимизни давлатлар ўртасида ўзаро фойдали ҳамкорликнинг, товар ва капитал транзитининг ўзига хос минтақавий марказига айлантириди. Бунинг натижасида транспорт, сайёхлик ва молиявий хизматларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар очилмоқда.

Ўзбекистоннинг ноёб ва бой табиий ҳом ашё захиралари га эга экани, қулай иқлим шароити ва қишлоқ ҳўяжалиги тараққиётидаги улкан салоҳият уни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олиши учун шароит яратади

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг геостратегик жиҳатдан буюк мамлакатлар қаторидан жой олиши учун ҳамма имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

ГЕОСТРАТЕГИК МАҚСАДЛАР — ҳудудий-жўғрофий омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган истиқболли интилишлар, муносабатлар тизими.

Масалан, Ўзбекистон ўзининг қулай жўғрофий жойлашувидан мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий, маданий, илмий-техникавий салоҳиятини янада ривожлантириш йўлида фойдаланишга ҳаракат қўймоқда.

Бу соҳада, биринчидан, Ўзбекистонда йирик газ, кўмир, нефть конлари топилгани ва ишга туширилаётгани мамлакат эқтиёжларини қондирибгина қолмасдан, балки унинг экспорт имкониятларини ҳам оширади.

Иккинчидан, Ўзбекистон дунёдаги жуда катта олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо маъдан захираларига эга бўлган давлатлар жумласига киради. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қатор қимматбаҳо маъдан конлари қидириб топилган. Бу эса чет эл инвестицияси ва технологиясини ишлаб чиқаришга фаол жалб қилишни талаб этади.

Учинчидан, мамлакатимиз рангли металлар - мис, қўрғошин, рух, вольфрам рудаларига бой бўлган геостратегик макондир. Айни пайтда, рений, молибден, кадмий, селен, индий ва олтингутуртнинг катта захиралари бўлган конлар ҳам мавжуд.

Тўртинчидан, мамлакатимизда мармар, гранит конлари мавжуд. Уларнинг захиралари тахминан саксон беш миллион кубометр деб ҳисобланади. Ҳозирда Фозғон, Нурота, Зарбанд конларида мармар блокларни ишлаб чиқариш борасида чет эл замонавий технологияси асосида шериклар билан биргаликда иш олиб борилмоқда.

Бешинчидан, мамлакатимиз фосфоритларга, кадмий ва ош тузи конларига бой худуд ҳисобланади.

Буларнинг барчаси юртимиз тараққиёти истикболини белгилаб берувчи геостратегик мақсадларни белгилаш ва ҳаётга татбиқ этишда улкан аҳамият касб этади.

ГЕОИҚТИСОДИЁТ — жаҳон миқёсида турли қитъа, минтақа ва давлатлар иқтисодиётининг интеграциялашуви негизида шаклланा�ётган ягона иқтисодий тизим, иқтисодий макон.

Унинг мазмун-моҳияти қуйидаги тенденцияларда намоён бўлади:

— ишлаб чиқариш, коммуникация, савдо, молия ҳамда инвестициялар соҳасидаги туб ўзгаришлар таъсирида нафакат ҳалқаро меҳнат таҳсимоти, балки улкан ишлаб чиқариш-савдо тузилмалари, саноат-молиявий гуруҳлар, ягона ахборот тизими орқали узвий боғланган бутун дунёни қамраб олган глобал иқтисодиётнинг, аниқроқ айтганда, глобал корпо-

ратив капиталнинг вужудга келиши, ривожланиши ва Farbdagi eng rivojlanigan davlatlar manfaatlarigagina xizmat kiliishi dun'e mammakatlari urtasidagi tengsizlikning kuchaiishiiga sabab bulaetgani (Bu haqda taniqli amerikalik olim C. Nattingtonning fikr-muloqazalari e'тиборга лойик "Farb, — deb ёзади у "Tamatdunlar tuknaшuv" асарида, — гёё "жаҳон ҳамжамияти" manfaatlarini ximoya қilaetiри... У ногарб mammakatlarni ўзи хукмронлик қilaetgan global iktisodiy tizimga integratsiyaлаширишга intilmoqda. XEJ va boшقا xalqaro tashkilotlariga tayangan ҳолда ўз iktisodiy manfaatlarini ximoya қiliishiha hamda boшقا mammakatlarni ўзига maқbul iktisodiy siёsat юритишга mажbur қilmokda");

— xalqaro iktisodiy munosabatlarining asosiy subjektlari — "katta etтилик"(AKШ, Kanada, Germания, Buюк Britания, Япония, Франция, Италия, Россия), etakchi xalqaro tashkilotlar(Xalqaro Valyuta жамғармаси, Жаҳон banki, Xalqaro Mehnat Tashkiloti, Xalqaro Savdo Tashkiloti va ҳоказолар) iktisodiy siёsatini asosan rivojlanigan Farb mammakatlari manfaatlariga бўйсундирилгани; xalqaro iktisodiy munosabatlarining nodavlat iштирокчilari va subjektlari — transmilliy korporatsiyalar(TMК), banklar, investitsiya fondlari, sanoat-moliavii guruhlar mavkei va taъsir doirasinining bekiёs daражада ortishi;

— режали-тақсимот, маъмурий-буйруқбозлик tizimning tanazzulga юз тутиши, sobiq Ittihofonning parchalaniб ketishi okibatiida jaҳon xaritasida bir kутбли tizimning vujudga keliши va dun'dagi eng қudratli давлат AKШning jaҳon iktisodiy, moliavii tizimiда ҳукмронlik қiliishi. Bu ҳol jaҳon bозорlariiga kучli taъsir utkaziш, boшqa давлат va mintakalarning tabiiy, moliavii va intellektual zahiralarinini eгаллаш va уни ўз manfaatlariga бўйсундириш imkoniyatini яратади(masalan, AKШda dun'e aholisining 5 foizi яшаса-да, у сайёрамиз zahiralarinining 40 foizini tasarruf etadi);

— давлатlar urtasida turli daража va mikёsdagi integratsion жараёнлар hamda moliavii-iktisodiy va savdo munosabatlarining asosiy subjektlari — "katta etтилик"(AKШ, Kanada, Germания, Buюк Britания, Япония, Франция, Италия, Россия), etakchi xalqaro tashkilotlar(Xalqaro Valyuta жамғармаси, Жаҳон banki, Xalqaro Mehnat Tashkiloti, Xalqaro Savdo Tashkiloti va ҳоказолар) iktisodiy siёsatini asosan rivojlanigan Farb mammakatlari manfaatlariga бўйсундирилгани; xalqaro iktisodiy munosabatlarining nodavlat iштирокчilari va subjektlari — transmilliy korporatsiyalar(TMК), banklar, investitsiya fondlari, sanoat-moliavii guruhlar mavkei va taъsir doirasinining bekiёs daражада ortishi;

сабатлардаги туб ўзгаришлар таъсирида “геоиктисодиёт”нинг вужудга келиши (жаҳон иқтисодиётининг ягона тизимга бирлашуви, жаҳон меҳнат, маҳсулот ва хизматлар бозорларидағи операциялар, хорижий сармоялар оқимининг кучайиши, илмий тадқиқот соҳасида ҳам ҳамкорлик, ҳамда рақобатнинг кучайиши).

Энди мазкур тенденцияларни қисқача шарҳлашга ҳарарат қиласиз.

Илмий адабиётда “глобал иқтисодиёт”, “геоиктисодиёт” тушунчалари мазмунан бир-бирига яқин иборалар сифатида қўлланади. Аммо “глобал иқтисодиёт” тушунчаси кенгрок қўлланиши боис биз ана шу иборага таянамиз.

1. Ҳозирги даврда глобал иқтисодиёт таъсирини давлат, жамият ва инсон ҳаётининг барча жабҳаларида кузатиш мумкин. Баъзи мутахассисларнинг таъкидлашича, “У шунчаки эркин рақобат қилаётган корхоналар бозори эмас, балки улкан тармоқларга бирлашган корпорациялар ўртасидаги кураш майдони бўлган бозордир. Ким бўлишимиздан қатъи назар — ишчи, истеъмолчи, фуқароми, барчамиз бир-бири билан кескин рақобатлашаётган ана шу корпоратив-тармоқ тузилмалар қўйган тузокқа тушамиз ва “макдоnalьдс”, “пепси”, умуман, истеъмолчига-мешчанга айланиб қоламиз”.

Хўш, глобал иқтисодиёт нима? Таникли иқтисодчи ва социолог М. Кастельснинг таъкидлашича, глобал иқтисодиёт деганда, “бутун сайёрамиз микёсида муайян макон ва замонда ягона тизим сифатида ишлай оладиган иқтисодиёт” назарда тутилади. Олимнинг фикрича, капиталистик ишлаб чиқариш усулининг такомили туфайли, шунингдек, XX асрнинг охирида пайдо бўлган ахборот- коммуникация технологиялари таъсирида у чинакам глобал иқтисодиётга айланди. Унинг энг муҳим хусусиятлари нималардан иборат?

Биринчидан, ўтган асрнинг сўнгти чорагигача геосиёсий ёндашувлар(яъни иқтисодиётнинг сиёсатта бўйсундирилгани) устувор бўлса, XX асрнинг охири — XXI асрнинг бошларида геоиктисодий парадигма(миллий манфаатларга таянган ҳолда ҳамда маҳсулот, сармоя, ишчи кучи, ноу-хау ва ҳоказоларнинг эркин харакатланишига эришин орқали жаҳон хўжа-

лик алоқалари тизимиға ўйғунлашишга интилиш) ёрқин на-моён бўлмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, бу жараёнда нафақат давлатнинг, балки, биринчи галда, хусусий бизнес-нинг мавқеи кучайиб бормоқда. Масалан, француз иқтисодчиси Ф. Клермоннинг таъкидлашича, беш йирик давлат (АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция) вакиллари дунёдаги энг йирик компаниялар бошқарувида етакчилик қиласди. Жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 26,3 фоизи ана шу компаниялар улушига тўғри келади, умумий даромади эса 345,7 млрд. долларни ташкил этади.

Иккинчидан, электрон технологиялар тараққиёти табиий равишда молиявий глобаллашув жараёнини келтириб чиқарди. Ҳозирги вақтда ҳалқаро молиявий компьютер тармоғи орқали дунёнинг бир бурчагидан бошқасига исталган микдорда маблаг ўтказиш мумкин. Шу соҳа мутахассисларининг эътироф этишича, ўтказилаётган маблагнинг бир йиллик умумий микдори бир триллион доллардан ошар экан. Энг ёмони, маблаг оқимининг ҳақиқий ишлаб чиқариш ва савдо соҳасидан узоклашаётгани, кундалик валюта савдоси микдори маҳсулот ва хизматлар қийматидан бир неча юз баробар кўплиги, эртами-кечми, глобал молиявий инқизорзга олиб келиши мумкин.

Учинчидан, глобаллашув жараёнининг олдинги сафларида бораётган (асосан йирик, тараққий этган) мамлакатлар билан ривожланаётган давлатларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиёти ўртасидаги тафовутнинг кучайиб кетаётгани кўзга ташланмоқда. Француз тадқиқотчиси Т. Фабринг маълумотларига кўра, XX асрнинг охирида 20% энг бой давлатларнинг улушига жаҳон микёсида ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг 86, экспортнинг 82, инвестицияларнинг 68 фоизи тўғри келган бўлса, 20% энг қашшоқ мамлакатларда ҳар уч кўрсаткич бир фоиздан ошмаган. Аксарият олимларнинг фикрича, бу ҳол биринчи навбатда мазкур мамлакатлар ўртасида турмуш даражаси ва меҳнатга ҳақ тўлашда жуда катта тафовут мавжудлиги билан изоҳланади. Масалан, XMT шафелигида чоп этилган тадқиқотларнинг бирида таъкидланишича, XX асрнинг охирида биргина қайта иш-

лаш саноатида меҳнатга ҳақ тўлаш соатига (АҚШ доллари ҳисобида) Хиндистон ва Хитойда — 0,25, Таиландда — 0,46, Россияда — 0,60, Венгрияда — 1,7, Польшада — 2,09 долларга тенг бўлса, Англияда — 13,72, Канадада — 16,03, АҚШда — 17,2, Францияда — 19,34, Японияда — 23,66, Германияда — 31,88 долларни ташкил этган. Қолаверса, Жаҳон банкининг расмий маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунё ахолиси ярмининг кунлик сарф-харажати икки долларга яқин, бир миллиард 200 миллион кишиники эса бир долларга тўғри келар экан. Ёки яна бир мисол. БМТнинг маълумотларига кўра, сайёрамиздаги энг бой уч кишининг сармояси қарийб 600 миллион киши истиқомат қиласидаги 48та энг қашшоқ мамлакатлар ялпи ички маҳсулотидан ҳам кўпроқ экани дунё жамоатчилигини ташвишлантирумаслиги мумкин эмас. Мутакассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, дунё миқёсида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари унга бўлган эҳтиёжни 110 фоизга қондириш имкониятига эга экан. Ваҳолангки, ҳар йили очликдан 20 миллион одам вафот этмоқда, 800 миллиондан ортиқроғи оч-наҳор кун кечирмоқда Албатта, бундай аянчли вазиятни ўнглаш, турли мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти, давлатлараро муносабатларда адолат тамойиллари қарор топиши кўп жиҳатдан «катта саккизлик» мамлакатлари юритаётган сиёсатга боғлиқ.

2. Ҳозирги даврда трансмиллий корпорациялар (ТМК) бозор ишлаб чиқариши, халқаро меҳнат тақсимотининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг бош омилига айланди. ТМКларнинг тўғридан-тўғри инвестициялари дунё миқёсида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро интеграцияси, глобаллашув жараёнининг ўзаги бўлган — умумжаҳон ишлаб чиқариш тизими нинг шаклланишида ҳал қилувчи ўрин тутади. Табиийки, бу борада АҚШнинг трасмиллий компаниялари етакчилик қиласиди. Масалан, 10 йил мобайнида (1993-2002 й.) бу давлатнинг бошқа мамлакатларга йўналтирган инвестициялари миқдори 2.7 барабар кўпайиб, 1 триллион 521 миллиард долларни ёки жаҳон миқёсидаги барча тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 22.2 фоизини ташкил этган. Қиёслаш учун худди шу давр мобай-

нида Англиянинг улуши 15 фоиз, Францияники 9.5, Германияники 8.4, Голландияники 5.2, Японияники атиги 4.8 фоизни ташкил этганини айтиб ўтиш кифоя.

Бугун АҚШда жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 1/5 қисми ишлаб чиқарилади. Дунёнинг 120та давлатида Америка қўшинлари жойлаштирилган, 45та мамлакатда эса ҳарбий базалари мавжуд. 2002 йилда АҚШ ҳукумати томонидан превентив, олдиндан зарба бериш доктринаси қабул қилинди. Эътиборли жиҳати шундаки, бундай превентив зарбалар йўналиши жаҳон нефть захираларининг 2/3 фоизи жойлашган минтақаларга қаратилган. Бу борадаги узоқни кўзлаган геосиёсий ва геоиктисодий мақсадлар пинҳон тутилаётгани ҳам йўқ. Дейлик, Б.Клинтоннинг МДҲ мамлакатлари бўйича маслаҳатчиси Тэлботт АҚШнинг Кавказ ва Ўрта Осиёдаги стратегик мақсадлари ҳақида тўхталиб, “аниқланган нефть захираларининг миқдори 27 млрд. т. (карийб 4 трлн.долл) бу минтақани ўз таъсир доираси олиш америка маъмуриятининг биринчи галдаги вазифасидир”, деган эди (“Эксперт”, 1997, 28-сон). Дунёдаги етакчи давлатнинг бу минтақага қизиқиши бежиз эмас, албатта. Гап шундаки, “Бритиш Петролиум” компаниясининг 2003 йилги маърузасида таъкидланишича, АҚШда қазиб олинаётган ва аниқланган нефть захиралари(30 млрд. баррель) тахминан 10-15 йилга етар экан. Агарда жаҳон миқёсида истеъмол қилинадиган ёқилғи энергиясининг 25 фоизи АҚШ улушига тўғри келишини эътиборга олсак, кўп нарса ойдинлашади.

Таъкидлаш жоизки, қарийб 305 миллион аҳолини қамраб олган Европа Иттифоқи мамлакатларининг умумий куч-кудрати ҳам АҚШ потенциалига қарши турга олмайди. Европа сиёsatчилари ва давлат арбоблари орасида ягона бозор иқтисодий фаолликни, европинг жорий этилиши иқтисодий ўсиш суръатларини оширади, ЕИнинг Шарққа кенгайиши эса унинг аввалги куч-кудратини тиклади деган тасаввурлар ҳукмрон эди. Маълумки, бугун бу минтақада ягона иқтисодий худуд, ягона валюта, Европарламент жорий этилган. Европанинг 15 мамлакати раҳбарларининг 2002 йилнинг мартада Лиссабонда бўлиб ўтган саммитида 2001-2010 йилларга иқтисодий ўсиш З фоизга, бандлик ва замонавий технологияларни жорий этиш

эвазига меҳнат унумдорлиги 10 фоизга ошиши бўлиши режалаштирилган эди. Аммо, интеграциялашув Европа мамлакатларига ҳозирча сезиларли наф келтираётгани йўқ. Хусусан, ЕИ сўнгги йигирма йил мобайнида иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича АҚШдан ортда қолиб келмоқда ва бу жараён ҳозиргача давом этмоқда. Масалан, 2003 йилнинг учинчи чорагида АҚШда иқтисодий ўсиш суръатлари 7.02 фоиз бўлса, ЕИ бу кўрсаткич 0.3 фоизни ташкил этган. Жаҳонда иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича етакчи ўрин тутган Хитой (бу мамлакатда мазкур кўрсаткич йиллик ўсиш қарийб 8-9 фоизни ташкил этмоқда) жаҳон майдонида ҳам АҚШнинг, ҳам ЕИнинг жиддий рақибига айланиб бормоқда.

ДАВЛАТ БАЙРОФИ — давлатнинг рамзий белгиларидан бири. Давлат байроби маҳсус қонун билан ёки Конституция асосида расмийлаштирилади. Давлат байроби мустақил давлат ва унда яшовчи фуқаролар дахлсизлигининг шартли ифодасидир. Давлат байроби айни шу давлатдаги синфий, миллий, ҳарбий ва партиявий бирлик ҳамда уюшмаларнинг ҳам рамзий белгисидир.

Давлат байроби одатда оқранг ёки кўкрангли матодан иборат бўлиб, унинг бир томони дастага мустаҳкамланади. Матога баъзан турли эмблема ва белгилар туширилади (масалан, Швецария байробида оқ ранг хоч, Шри Ланка байробида - қилич ушлаган шер, Канада байробида - заранг дарахтининг япроғи тасвиirlанган).

Давлат байроби давлатнинг рамзий белгиларидан бири сифатида шаклланиши узок тарихга эга. Давлат бошқариш амалиёти давлат раҳбари (подшоҳ, кирол, император, амир, хон ва бошқалар) атрофидагилардан расмий қабул қилинган ва факат давлат раҳбари кийиши мумкин бўлган либос билан ажралиб турган. Шу қоидани давом эттириб, давлат раҳбари яшайдиган ёки ишлайдиган иморат ва бинога, дала шароитида чодирга, ҳарбий юруш вақтида бош қўмондон ҳаракат во-ситасига (чодир - арава, автомобиль ва хоказолар) маҳсус узун таёқ ёки найзага бириктирилган, кўпинча турли суратлар (шер, бургут ва шу кабилар) билан безатилган мато давлат раҳбарининг рамзи ва белгиси сифатида ўрнатилган.

Ҳозирги даврда давлат байрофининг аҳамияти ошиб бормокда, чунки ҳалқларнинг мустақиллик учун кураши ва ғалабаси, жумладан, улар тузган давлатнинг байроғида намоён бўлмокда. Давлат байроғи давлат мустақиллигининг рамзи сифатида давлат раҳбари, ҳукумат, олий қонун чиқарувчи орган, давлат ташкилотлари, элчихоналар, консулликлар биноларида, ҳалқаро қатновдаги ҳаво ва денгиз кемаларида ҳамда бошқа қонунда белгиланган қатор вазиятларда кўтарилади. Давлат байроғини ҳакорат қилган шахс жазога тортилади.

ДАВЛАТ БОШ ИСЛОҲОТЧИ — истибоддот тузумидан бозор муносабатларига ўтишнинг шаклларидан бири.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи сифатида иш олиб бориб, иқтисодиётни ва ижтимоий турмушнинг бошқа барча соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириш лозим. Собиқ СССР парчаланиши натижасида юзага келган мустақил давлатларнинг кўпчилиги, демократиянинг ниҳоятда кенг талқин қилинишига йўл қўйиб, давлатнинг ташкилотчилик ролига етарли эътибор бермадилар ва шу сабабли уларда бозор иқтисодиётига ўтиш кўп тартибсизликларга олиб келди. Мустақил Ўзбекистон бу йўлдан бормади, иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб бориш энг оқил йўл эканлигини аниқлаб олди.

Давлат ўзининг алоҳида мавқеига кўра, ҳамма даврларда иқтисодий жараёнларга таъсир ўтиказиб келган: ҳозирги ўтиш даврида давлат ҳалқ ҳўжалигининг, айниқса, унинг асосини белгилайдиган тармоқларнинг фаолиятини қўллаб-куватлаши, нарх-наволарни тартибга солиб туриши, солик солиш ва қарз беришда маълум табақаларга имтиёзлар яратиши, шунингдек, бевосита ёрдам кўрсатиш йўли билан муҳим тармоқларга мадад бериши лозим.

Бозор муносабатларига ўтишнинг қийин даврида аҳоли манфаатларини факат кучли қайта тақсимлаш воситасига эга бўлган давлатгина ҳимоя қилишга қодирдир. Айни пайтда, давлатнинг вазифаси факат ҳимоя этиш билан чекланиб қолмайди. Бозор муносабатларининг қарор топиши даврида давлат ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиши, унинг ташаббускори бўлиши

ва ислоҳотларнинг асосий йўналишларини ва бозорга ўтиш йўлларини ишлаб чиқишида пешқадам бўлиши керак. Давлат иқтисодий ислоҳотнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишида бевосита ўзи иштирок этади. Энг муҳими шундаки, уларни бевосита амалга ошириш керак бўлади.

Давлат ислоҳотлар жараёнининг марказида бўлиши шарт. Чунки факат давлатгина, умуммиллий иқтисодий манфаатларни мужассам ифодалашга ва ҳимоя қилишга, аҳолининг барча кучларини умум мақсадлар асосида жипслаштиришга қодир.

Давлат ўз иқтисодий фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, ўзига хос “бозор шароити”ни вужудга келтиради ва тасдиқлайди. Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида давлат иқтисодий эркинликларнинг кафолатчиси бўлади. Шу туфайли давлат иқтисодиётга ўзининг тартибга солиш таъсирини мақбул рашида ўтказа олади. Тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўналишларини ишлаб чиқиш, ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг стратегик йўлини белгилаш ва бу йўлни ўтказиш юзасидан тактик қарорлар қабул қилиш давлат зиммасига юклатилади.

Ижтимоий муаммоларни ҳал этишда, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг самарали ва аниқ-равshan тизимини вужудга келтиришда давлат катта ўрин тутади. Вужудга келаётган ишбилармонлик тузилмаларининг қарор топиши ва ривожланшига кўмаклашиш ҳам давлатнинг бурчидир. Мустақил Ўзбекистоннинг босиб ўтган йўли давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши нақадар тўғри эканлигини қайта-қайта тасдиқламоқда.

ДАВЛАТ МАФҚУРАСИ — муайян давлатда амал қила-диган, баъзан расман белгилаб қўйиладилан ғоявий-назарий қарашлар, мафкуравий тамойиллар тизими. Айни пайтда, “давлат мафқураси” деганда, давлатнинг жамият ҳаётини бошқариш, давлат аппарати ишини ташкил этишининг ғоявий-назарий, сиёсий-ҳуқуқий асослари тизимини тушуниш кенг тарқалганлигини ҳам эсдан чиқармаслик зарур.

Бундай мафқуранинг ишлаб чиқилиши, ривожлантирилиши ва ижтимоий онгга сингдирилишида давлатнинг аҳамияди ниҳоятда катта бўлади. У ёки бу мафқуранинг давлат

мафкураси даражасига қўтарилиши эса фикр эркинлигининг бўғилишига, жамият ҳаётининг барча соҳаларини тотал бошқаришига олиб келиши мумкин. Ўз вактида Германияда фашизм, бир қатор мамлакатларда марксизм-ленинизмнинг давлат мафкурасига айланиши оқибатида келиб чиқкан турли салбий жараёнлар буни яққол тасдиқлайди.

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ — давлат мустақиллигини шартли равишда белгиловчи ташқи белги, нишона ёки тимсоллардир. Булар муайян давлатнинг байроби, герби, миллий валютаси ва мадҳиясидир. Улар мазкур давлатнинг тузумини, халқнинг табиати — менталитетини, иқтисодий асослари ва бошқа муҳим белгиларини англатади.

Давлат рамзлари кўп мингийиллик тарихга эга бўлиб, миллий давлат қурилиши ва маданий ривожланиш тарихи билан боғлиқ. Масалан, Амир Темур яратган марказлашган давлат ўзининг герби — уч халқа шаклидаги тамғаси билан танилган. Соҳибқироннинг юришларида лашкар олдида унинг туғи — байроби олиб юрилган.

Ўзбекистоннинг янги тарихидаги биринчи расмий давлат рамзи — герблари Бухоро ва Хоразм халқ республикаларида жорий қилинган. Хоразм Халқ Республикасининг 1920 йилда таъсис этилган герби унинг қишлоқ хўжалигига асосланганлигини акс эттирган, унда ўроқ, белкурак ва маккажӯхори сўталари нақши бўлган. Хоразмнинг 1922 йилги Конституциясига кўра гербга беш қиррали юлдуз ва ярим ой ва бешқиррли юлдуз шакллари киритилган. Бу халқ республикаларида давлатнинг бошқа рамзлари-байроқ, мадҳия ва милий валюта масаллари тўла ҳал этилмаган ва илмий адабиётларда деярли яратилмаган.

СССРнинг 1922 йилда ташкил топиши давлат рамзларига ҳам ўз таъсирини ўтказган. 1925 йилда ЎзССР Марказий Ижроқўми республиканинг вақтинчалик герби ва байроби хақида қарор қабул қилган. Гербга ўроқ ва пахта чаноқларидан ташқари болға тасвири киритилган, байроқ аксариятан қизил рангдан иборат бўлган, гербдаги ёзувлар араб алифбосида бўлиб, 1929 йилда лотин алифбосига, 1940 йилда кирилл алифбосига ўгирилган эди. ЎзССРнинг давлат мадҳияси — гимни 1947 йилда тасдиқланган. СССР Конституцияси рес-

публикации расмий жиҳатдан эркин ва суверен деб таърифласа-да, у аслида собиқ Иттифоқ таркибидағи маъмурий қисм бўлган, матн эса “Катта оға”, яъни рус халқи шаънига айтилган мақтов сўзлардан бошланган. Бу жиҳатдан ЎзССР мадҳияси, моҳиятан, бошқа миллатни улуғловчи ўзича ягона мадҳия эди.

Юртимиз мустақилликка эришгач, халқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу-интилишлари Ўзбекистон Республикасининг янги давлат рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Президент И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистон: миллий истиқолол, иқтисод, сиёсат, мағкура” номли асарида: “Давлатимиз рамзлари - байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон - шарафи, ғуури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъзозлаш ўзининг қадр- қимматини ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир”, деб аниқ таъриф берган.

Республикамида давлат рамзлари қонун томонидан муҳофаза қилинади; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1994 йилнинг 22 сентябрида тасдиқланган ва 1995 йилнинг апрелидан кучга киитилган Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига алоҳида “Давлат рамзларига хурматсизлик қилиш”, деб номланган 215 – модда киритилган.

ДАВЛАТ ТИЛИ — тегишли давлатдаги умумий расмий тил. Давлат тили одатда уч йўналишда белгиланади: а) тарихий анъана асосида ушбу давлат ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқлар мавжуд тиллардан бирини умум тил деб тан оладилар; бундай тил кўпинча шу давлатдаги энг йирик ҳукмрон миллатнинг тили бўлади; б) ҳукумат, президент, парламент ёки раҳбар органлар томонидан давлатнинг расмий тили деб эълон қилинган халқаро ёки жаҳон тилларидан бири; давлат органларида, ҳукумат идораларида ва расмий ташкилотларда, кўрсатмага биноан, ёзишмалар фақат шу тилда қабул қилинади ёки жўнатилади, барча учрашув, муҳокама, мубоҳаса, мусоҳаба, мажлис, сессия, конференция, конгресс ва шу кабилар ана шу расмий тилда ўtkазилади; в) давлатнинг қонун чиқарувчи органи томонидан ёки мам-

лакат президенти томонидан жамият ҳаётининг барча соҳаларида қўлланилиши керак деб эълон қилинган тил.

Собиқ Иттифоқ худудида жойлашган ва ҳозирги даврда мустақиллик йўлига чиққан мамлакатлар учун давлат тилисиёсатини амалга ошириш истибод даврининг оқибатлари ва сарқитлари билан самарали курашишнинг зарурий шартидир. Аммо, маълумки, тилни ўзлаштириш, истеъмол доирасини кенгайтириш, уни бошқа тилларда сўзлашувчилар орасида ёйиш, давлат тилини бойитиш - булар сабр-тоқатни, изчил меҳнатни талаб қиласди. Энг муҳим нарсалардан бири аҳолида давлат тилига муносабатни ўзгартириш, оммада ўз миллий тилига нисбатан бўлган ҳурмат ва қизиқиш ҳиссини уйғотиш ва мустаҳкамлаш, русийзабон аҳолида давлат тилига нисбатан бефарқлик, бегоналик ҳиссини сабр-тоқатли, кундалик изчил иш билан бартарф қилиш, давлат тили бўйича дарсликлар, лугатлар, ўқув китоблари, қўлланмалар тайёрлаш нашр этишини таъмин этмоқ лозим.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ — давлатнинг зарурий белгиларидан бири. Ҳар қандай давлат ўз ҳудудий чегарасига эгадир. Давлат ҳудудининг бошқа давлат ҳудуди билан туташ чизиги давлат чегараси деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси беш мустақил давлат - Козогистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон ва Афғонистон давлатлари билан чегарадошdir.

Давлатимиз ҳудуди чегараларининг умумий узунлиги 6221 километрни ташкил этади. Жумладан, Афғонистон билан чегара - 137 км, Козогистон - 2203 км, Қирғизистон - 1099 км, Тоҷикистон - 1161 км, Туркманистон билан 1621 км дан иборатdir.

Собиқ Иттифоқ даврида давлат чегараси билан боғлиқ масалалар Марказнинг мутлақ ваколатига киради; республикалараро чегаралар, республикаларнинг чет давлатлар билан чегаралари Марказ томонидан ўз билганича, «умумсовет манфаатлари» нуқтаи назаридан ҳал қилинар, республикалар Марказ қарорларини ижрога қабул қиласдилар, холос. Шўрс давлати тарихи бундай мисоллар билан тўла. Иттифоқдош республикаларнинг ўзаро туташ ҳудудлари республика чега-

раси, ўзга давлатлар билан туташ худудлари эса СССР давлат чегараси деб ҳисобланар эди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясининг 3-моддасида Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва худуди дахлсиз ва бўлинмас дейилган. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Олий Кенгашнинг баёнотида ҳам тинчликсевар ўзбек давлатининг давлатлар ўртасидаги чегараларнинг бузмаслиги тўғрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқати бутун дунёга маълум қилинган. Ўзбекистон давлат чегараси билан боғлиқ масалалар чегара дош давлатлар билан шартнома ва келишувлар асосида, шунингдек, умумэътироф этилган халқаро меъёрий ҳужжатлар ёрдамида тартибга солинади.

Ўзбекистон давлат чегарасини қўриқлаш вазифасини республика Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари амалга оширади.

Давлат чегараси масаласида мустақил Ўзбекистон изчил ва ҳозирги замон сиёсий тамойилларига монанд йўлдан бормокда. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда бу борада урушда енгилган давлат (биринчи навбатда, Олмония, Япония ва Италия) ва урушда енгган давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Франция ва бошқалар) тарихий тажриба ва урушдан кейинги даврда жаҳонда юзага келган вазиятни инобатта олиб, чегараларни қайта кўриб чиқиш, уларни ўзгартириш сиёсатидан воз кечдилар, мустамлакачилик сиёсатини асосан тўхтатдилар ва ўз тараққиётларини таъмин этишнинг янги манбасига кўчишни маъқул кўрдилар. У ҳам бўлса янги техника, янги технология ва илфор фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш эди. Шу боисдан, Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтган ярим асрдан ортиқ давр ичida АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия ва бошқа илфор давлатлар ўзаро ва бошқа давлатлар билан бўлган чегараларини ўзгартиридилар ва бутун дикқат-эътиборни техника, технология ҳамда фаннинг янги ютуқларидан самарали фойдаланишга жалб этдилар ва этмоқдалар. Ер талашишга, ҳудудлар устида можароларга куч-қувват ва салоҳиятни сарфлаш ўрнига, илфор мамлакатлардан ўrnak олиб, иш юритиш, мамлакатда яшаб турган барча миллатлар ва элатлар вакилларининг фа-

ровонлигини, ҳамкорлигини, дўстлигини, тотувлигини таъмин этиш барча халқлар ва давлатларнинг манфаатига жавоб беради.

Мустақил Ўзбекистон шу ягона тӯғри йўлдан бормоқда.

ДЕМОКРАТИЯ (юн. “demos” – халқ ва “kratos” - ҳокимиёт) — халқ ҳокимияти, фуқароларнинг озодлиги ва тенглиги тамойилларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум шакли. Тарихий тараққиёт давомида демократия тушунчаси шаклан ва мазмунан бойиб борган. Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Зеро, демократия энг ривожланган давлатларда юқори такомил нуқтасига, идеал даражасига эришгани йўқ. Ҳар бир миллат ва жамият, айни пайтда, ҳар бир давр ўз демократиясига эга. Бошқача айтганда, уни тушуниш, талқин этиш ва амалиётда қўллашда ўзига хослик барча даврларга хосдир. Бу ўзига хослик халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, миллий менталитети, анъаналари, амалдаги ижтимоий муносабатларнинг характеристики каби бир қатор омиллар билан белгиланади.

Шундай бўлса-да, барча миллатлар ва жамиятлар, даврлар ва давлатлар учун мавжуд тузумнинг демократик характеристики белгиловчи умумий мезонлар бор. У ҳам бўлса демократия тамойиллари (принциплари)га риоя қилиниши, демократик институтларнинг мавжудлиги ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ. Ана шу мезонлар асосида демократиянинг реал ёки формал характеристи ҳақида гапириш мумкин бўлади. Демократия мохиятан инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун берилган имконият, шахс билан жамият манфаатларидаги уйғунликни таъминловчи омилдир. Айни пайтда, демократия қабул қилинган конунлар, амалдаги тартиб қоидалар ёрдамида шахс ҳаёти ва фаолиятини тартибга солувчи механизм ҳамдир. Бугунги кунда аксарият мамлакатларда демократия жамиятнинг яшаш мезонига айланиб қолди. Одатда вакиллик демократияси ва бевосита демократия бир-биридан фарқланади.

Вакиллик демократиясида фуқаролар қонунчилик, ижроия ва бошқа функцияларни бажарувчи органларни сайлайдилар. Бошқача айтганда, фуқароларнинг ўзлари бу функцияларни амалга оширишда бевосита иштирок этмайдилар.

Бевосита демократия шаклида эса фуқаролар у ёки бу масалаларни ўзлари тўғридан-тўғри ҳал қиласидилар. Плебисцит, референдумлар бевосита демократиянинг намоён бўлиш шакллариридир.

Демократия асосида қизиқиш, интилиш ва манфаатларни мутаносиблаштириш, мувофиқлаштириш, муросага келтириш ва келишиш сиёсати ётади. Шу маънода, демократия жамиятдаги кучларни бирлаштиришга, мамлакат салоҳиятини тараққиёт учун сафарбар қилишга хизмат қиласиди. Республика Президенти Ислом Каримовнинг “Хар қандай мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш, музокаралар йўли билан фикр алмашиб ва энг тўғри, ҳамма учун бирдай манфаатли бўлган хулосаларга келиш ва ҳар қандай зўравонликларга, тазийқ ва куч ишлатишга қарши равишда шарқона муносабатлар илмини эгаллаш – демакки, шарқона демократия тамойиллари асосида иш юритишидир”, – деган фикрларида демократиянинг ана шу сифати чуқур тавсифлаб берилган. Кўриниб турибдики, демократия ижтимоий муаммоларни ҳал этишининг оқилона йўлидир.

ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР — ижтимоий ҳаётнинг демократик тамойилларга асосланишига хизмат қиласидиган ташкилот ва тузилмалар мажмуи.

Уларни демократик мазмунга эга бўлган анъанавий ижтимоий-сиёсий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари) ҳамда мавжудлиги ва фаолияти факат демократик жамият шароитидагина мумкин бўлган маҳсус институтлар (инсон ҳуқуқларига амал қилинишини таъминловчи турли нодавлат тузилмалари) каби шартли икки гурухга ажратиш мумкин.

Демократик жамиятда давлат ҳокимияти ўзининг асосий тармоқлари - қонун чиқарувчи, ижроия ва суд органларига ажратилган ҳолда амал қиласиди. Олий қонун чиқарувчи орган умумдавлат миқёсида қонунлар чиқариш ҳуқуқига эга. Қонун чиқарувчи ҳокимият доирасида ҳокимиятнинг барча тармоқлари мустақил равишда фаолият кўрсатади. Улар бирбирини қисман тўлдириб ва тенглаштириб туради. Ижроия ҳокимияти қонун чиқарувчи ва суд идоралари томонидан на-

зорат қилинади. Айни вақтда, ижроия ҳокимияти қонунларнинг амал қилинишини таъминлайди. Судга эса қонунларнинг конституцияга мос келишини назорат этиш, жамият аъзолари ва ташкилотлар томонидан унга риоя этилишини таъминлаш юкланди. Бу жараёнда кенг ваколатлар доирасига эга бўлган ўзини-ўзи бошқаришнинг маҳаллий идоралари ҳам муҳим ўрин эгаллади.

Жамиятнинг энг фаол ва уюшган қисмини, унинг ижтимоий қатлам ва гуруҳларини бириктирувчи сиёсий партиялар демократик жамиятнинг муҳим институти ҳисобланади. Сайловлар сиёсий партиялар рақобатининг, уларнинг ҳукумат тизимига таъсири ва ўрнини аниқлаб берувчи бош майдон ҳисобланади. Сиёсий партиялар демократия шароитида, жамиятдаги хилмачил қарашларнинг намоён бўлишига хизмат қиласди. Куп партяли тизим шароитида демократик институтларнинг муҳим қисми бўлган сиёсий оппозициянинг мавжудлиги таъминланади.

Ижтимоий ҳаракат ва ташкилотлар (ижодий уюшмалар, ёшлар ташкилотлари, хайрия жамғармалари каби) демократик жамиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бу ташкилот ва бирлашмалар турли ижтимоий гуруҳларнинг хилма-хил манфаатларини намоён қиласди, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигининг шаклланиши ва ривожланишини таъминлайди. Улар ўзларининг реал мавқеидан келиб чиқсан ҳолда давлат ва жамоат ишларида, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ечишда иштирок этади. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ишлари билан шуғулланаётган оммавий ахборот воситалари ва ташкилотлар борган сари жамиятнинг энг фаол, мустақил демократик институтига айланиб бормоқда. Оммавий ахборот воситаларининг давлат ва жамият хаётидаги муҳим ўрнини ҳисобга олган ҳолда, улар “тўртингчи ҳокимият” деб аталаётгани ҳам бежиз эмас. Инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига амал қилиниши устидан назоратни таъминлайдиган давлат ва но давлат ташкилотлари (Омбудсман институти, қонуни ҳимоя қилувчи идоралар) муҳим демократик институтлар ҳисобланади. Жамиятнинг ижтимоий ва маънавий ривожланиши, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши демократик институтларнинг қанчалик ривожлангани ва улар фаолиятининг қанчалик самарадорлигига боғлик бўлади.

ДЕМОКРАТИК ПРИНЦИПЛАР (лотинча - *principium* - асос, биринчи асос) — ҳуқуқий демократик жамият асосини белгилайдиган демократик қонун-қоидалар мажмуси. Бугунги кунда уларсиз демократияни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Барча фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги ва халқнинг ҳокимият манбаи бўлиб хизмат қилиши демократик принциплар асосини, ўзагини ташкил этади.

Ҳокимиятни монополлаштиришга йўл қўймайдиган тизимни ташкил этадиган давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлиниши демократиянинг яна бир муҳим принципидир. Қарорларнинг кўпчилик овоз билан қабул қилиниши, озчиликнинг кўпчилик иродасига бўйсуниши ҳам демократия тамойилларидан бири ҳисобланади

Фуқароларнинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини (шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий) амалга ошириш - демократиянинг яна бир муҳим принципи бўлиб, у фақат ҳуқуқий давлатдагина тўла намоён бўлади. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ҳамда юксак сиёсий маданиятини таъминлаш ҳам демократия принциплари руҳига мос келади. Демократия принциплари сиёсий курашнинг ривожланган шакл ва усусларидан қонун доирасида, ҳар хил тазиик ва зўравонликларга йўл қўймаган ҳолда фойдаланиш, маҳаллий ўз-ўзини бошқарув идораларининг жамиятни демократик ривожлантириш манфаатлари йўлидаги ваколатларини кучайтиришни назарда тутади.

Демократик принципларнинг тўлиқ рўйхати катта. Бундай даражага етиш демократик тараққиёт йўлини танлаган давлатларнинг идеали ҳисобланади. Бундай давлатлар сафига мустақиллик йилларида демократиянинг асосий принципларини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этиб келаётган Ўзбекистон Республикаси ҳам киради.

ДЕМОКРАТИК ТРАНЗИТ — XX асрнинг охири — XXI асрнинг бошларида Фарбда либерал демократия таълимоти ва транзитология концепцияси негизида вужудга келган ҳамда адоҳида мамлакат ёки бир гурӯҳ давлатларнинг авторитар ҳолатдан демократияга ўтишини(транзит қилинишини) таъминлаш усуслари, тамойиллари ва йўл-йўриқларини амали-

ётга жорий этиш, шунингдек, бу жараённи тезлаштиришга қаратилган назарий-концептуал ва амалий ёндашувлар.

Транзитология назариётчилари жамият ҳаётининг барча соҳаларини либераллаштириш ва демократлаштириш, турли сиёсий партия ва ҳаракатларнинг рақобатлашувига асосланган эркин сайловларни жорий этиш тамойилларининг устуворлигини таъкидлаган ҳолда муайян мамлакатнинг тарихий ўтмиши, ижтимоий-иктисодий тараққиёт даражаси, миллий қадрият, урф-одат ва анъаналари, кишилар менталитети, дунёқараши ва сиёсий маданиятини, умуман, эътиборга олмайди ёки уларни иккинчи даражали омил дея баҳолайди. Ваҳолангки, замонамизнинг энг ривожланган давлатларида бугунги демократик тузум ва қадриятлар асрлар давомида шаклланиб келган(масалан, Буюк Британия, АҚШ, Франция каби мамлакатлар демократик тараққиёт борасида уч-тўрт асрлик тажрибага эга), бу жараён кескин зиддиятлар, баҳс-мунозара ва курашлар орқали кечгани, демократия унсурлари босқичма-босқич жорий этилгани маълум. Дейлик, АҚШда XIX асрнинг 30-йилларигача, яъни Конституция қабул қилинганидан 50 йилдан кейин ҳам аёллар, ҳиндулар ва қоратанли кишилар фуқаролик ҳамда сиёсий хуқуқларга эга бўлмаган.

Ҳозирги вақтда “демократик транзит” концепцияси ва унга асосланган сиёsat зўр бериб тарғиб этилаётган(айрим ҳолларда куч ишлатиш воситасида) бўлса-да, у нафақат ривожланаётган, аввало, Фарб мамлакатларининг ўзида кескин танқид қилинмоқда. Ҳатто мазкур концепция ва унинг асосий тамойиллари жаҳонда рўй берәётган воқеа-ҳодисаларга дош бера олмай, таназзулга дуч келаётгани демократия назарияси бўйича етук олимлар томонидан ошкора эътироф этилмоқда. Масалан, Карнеги фондининг вице-президенти Т.Карозерс “Конец парадигмы транзита”(2003), таникли назариётчи олимлар Р.Даль “О демократии”(2000), А.Лейпхарт “Демократия в многосоставных обществах” (1997), Ф. Закария “Будущее свободы: неолиберальная демократия в США и за ее пределами”(2004) каби асарларида шундай холосага келади. Машхур сиёsatшунос ва давлат арбоби З.Бзежинский эса

“Выбор. Мировое госпоство или глобальное лидерство”(2004) асарида “транзит”чилар фаолиятидаги шошма-шошарликнинг салбий оқибатлари ҳақида тўхталиб, ислом тарихи ва маданий қадриятларига беписандлик билан ёндашиб, демократияни мажбуран киритишга уриниш, охир-оқибат унинг таомоман инкор этилишига сабаб бўлади ва аксинча, ташки тазийикдан холи бўлган, табиий тараққиёт натижаси ўлароқ, босқичма-босқич шакллантирилган демократия сиёсий маданияти ислом жамияти томонидан қабул қилиниши ва ўзлаштирилиши мумкинлигини таъкидлайди.

ДИН (арабча – ишонч, ишонмок) — борлиқни яратувчи ва бошқарувчи, адолатнинг юксак намунаси, моддий оламга хос бўлмаган ва айни вактда баркамолликнинг олий кўриниши сифатида тушунилувчи олий мавжудотга, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуидир. Ибодат обьектларига кўра, жоноворларга, руҳларга, жин-алвости, бутларга, турли илоҳларга сиғинувчи диний таълимотларни фарқлаш мумкин.

Дуализм гоялари ҳозирги фалсафий таълимотлар, қараш ва ёндашувларда ҳам муайян ўрин тутади. Генезис ва тарқалишига кўра диннинг энг қадимги, миллий ва дунё динлари каби шакллари мавжуд.

Хар бир конкрет дин ўзига хос сиғиниш обьекти ва расмусум, ибодат, урф-одат ва ақидаларга эга. Бу ақида ва диний қонунларнинг баъзилари бани-башарга асосан пайғамбарлар орқали етказилган.

Дин ва диний таълимотлар илоҳиётчилар (уламолар), атеистлар (динни инкор этувчилар) ва диншунослар томонидан ўрганилган. Дин — ижтимоий-тарихий ҳодиса, кишилик жамияти тараққиёти жараёнининг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларидан биридир. Бундай ёндашувга кўра, у муайян таълимотлар, хис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятида намоён бўладиган олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишининг алоҳида усулидир. Диннинг моҳияти турлича изоҳланса-да, унинг асосида ишонч, эътиқод туйғуси ётиши деярли барча жамият аъзолари томонидан тан олинади.

Ер куррасида энг кўп тарқалган, жаҳон халқларининг асосий қисми эътиқод қилувчи ва жаҳон динлари деб тан олинган динлар буддавийлик, христианлик ва ислом динидир.

Дин инсон ҳётида муҳим аҳамиятга эга бўлган баъзи мураккаб ижтимоий, маънавий, руҳий вазифаларни ҳам бажаради. Хусусан, у аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилишга хизмат қиласди. Айни пайтда, ҳар бир дин турли урфодат, маросим ва байрамлар ёрдамида ўз қавми турмушини тартибга солиш, назорат қилишга ҳам хизмат қиласди. Шу билан бирга, динда қабул қилинган урф-одатларнинг унга эътиқод қилувчилар томонидан ўз вактида амал қилиб борилиши ҳам шарт қилиб қўйилишини таъкидлаш зарур.

ДИНИЙ БАГРИКЕНГЛИК (толерантлик) — хилма-хил диний эътиқодда бўлган кишиларнинг олижаноб фоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшashi, кишилик жамияти равнақи йўлида хизмат қилишини англаатади. Ҳозирда бу фоя эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки жамиятнинг барча аъзолари ҳамкорлигини назарда тутади. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир.

Қадимдан диёrimизда буддавийлик, зардӯштийлик, насронийлик, яҳудийлик, ислом динлари ёнма-ён яшаб келган, маданият марказлари ҳисобланган шаҳарларимизда масжид, черков, синагогалар фаолият кўрсатган. Уларда турли миллат, элат ва динга мансуб бўлган халқлар, қавмлар ўз диний амалларини эмин-эркин адо этган. Ватанимиз тарихининг энг мураккаб, зиддиятли, оғир даврларида ҳам юртимиздаги мавжуд дин вакиллари орасида диний асосда можаролар бўлган эмас. Бу юртимиз халқларининг диний бағрикенглик борасида катта тажрибага эга бўлганидан далолат беради.

Ҳозирда мамлакатимизда ўн беш конфессияга мансуб диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўз диний маросимларини ўтказиш ва мамлакат ҳётида фаол иштирок этиш учун зарур барча шарт-шароитлар яратилган. Бу борадаги ҳукуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида, «Вижидон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Маълумки, дунёдаги динлар асл мөҳиятига кўра, эзгулик ғоясига асосланади ва тинчлик, яхшилик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик, поклик, меҳршафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Инсон ҳаётининг асл мақсади инсон ва табиатга нисбатан одилона, оқилона муносабатда бўлиш, доимо яхши, савобли ишларни амалга оширишдан иборатлигини таъкидлайди. Шундай экан, ҳақиқий диний қарашлар ортида диний бағрикенглик ётади.

ДИНИЙ СЕКТА (лотинча – таълим, йўналиш, мактаб) — ибодат қилувчилар гуруҳи сифатида диний ташкилотларнинг бир тури. Секта одатда илгари хукмрон бўлиб турган диний оқимга мухолифат тарзида, унинг бўлинишга юз тутиши на-тижасида вужудга келади. Натижада, ушбу диннинг таълимотига, ташкилий тузилиши ва бошқа жиҳатларига қарши чиқа бошлайди. Уларни динларнинг дастлабки ҳолатидан, асл ақидаларидан қайтганликда айблайди.

Тарихий ривожланиш жараёнида диний секталарнинг кўплари йўқолиб кетган бўлса, бошқалари эса расмий диний ташкилотларга айланган. Шу билан бирга, инсоният тараққиётининг турли ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, қийинчиликларга тўла бўлган ва туб бурилишлар даври деб аталадиган босқичларида мутлақ ҳақиқатга даъвогарлик қиладиган янгидан-янги секталар сахнага чиқишини амалиёт қайта-қайта исботлаётганини ҳам таъкидлаш зарур.

ДИНИЙ ҒОЯЛАР — диний даъватлар, ақидалар, илоҳий қадрият ва мақсадлар ифодаланган қарашлар мажмуи. Улар турли динларнинг амал қилиш йўлини белгилаб олишда намоён бўлади. Диний ғоялар муайян диннинг мавжудлигини таъминлаб берувчи омил бўлиб хизмат қиласди.

Виждан эркинлиги, инсонларнинг ирқи, миллати, дини, насл-насаби, жинсидан қатъи назар, ўзаро тенглиги таъминланган, умуминсоний ғоялар, кўп сонли давлатлар ҳаётига сингиб бораётган ҳозирги даврда диний ғоялар ўзининг туб мөҳиятини саклаган ҳолда, одамзот ҳаёти, бахту саодати, тарбияси, маърифатида етакчи ғоялардан бири бўлиб келмоқда.

Диний бағрикенглиқ ғоясига таянган күплаб давлатларда хилма-хил диний әътиқодга эга бўлган турли миллат вакиллари ҳамжиҳат бўлиб, бир осмон остида тарихий, маданий, маънавий, руҳий муштаракликда яшаб, меҳнат қилиб келмоқда. Бу эса кишиларнинг бир замин, бир Ватан учун олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

Куръони каримдаги, «Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан танишишингиз (дўст-биродар бўлишингиз) учун сизларни турли-туман ҳалқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик» деган оят диний ғоялардаги тотувлик, ўзаро ҳамжиҳатликинг ёрқин намунасиdir.

Хозирги замонда бу ғоя — эзгулик йўлида нафақат диндорлар, балки бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини на зарда тутади, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

ДУАЛИЗМ (лотинча *dualis* — икки) — оламнинг вужудга келиши, мавжудлик қонуниятлари ҳам руҳий-илоҳий, ҳам моддий асосага эгалигини эътироф этувчи таълимот.

Дуализм Шарқнинг диний-фалсафий қарашлари доирасида кенг тарқалган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто»да тирикликтининг маъно-мазмуни азал-азалдан икки мавжудот — Ахурамазда ва Ахриман (Анхра - Манно) ўртасидаги, яхшилик, эзгулик, ёруғлик билан ёмонлик, коронғулик, зулмат ўртасидаги курашдан иборат деб қайд килингани фикримизнинг далили бўла олади. Бу хилдаги қарашлар Марказий Осиёда ислом дини қарор топгунга қадар ҳам устувор бўлиб келган.

Марказий Осиё пантеизми оламнинг яратувчиси Аллоҳ, лекин табиат ривожи ўз-ўзидан содир бўлади, деган ғояни қайд қиласди, шунинг учун ҳам Марказий Осиё уйғониш даврининг мутафаккирлари табиий билимларни ҳам, исломий билимларни ҳам чуқур ўрганишга ҳаракат қилганлар.

Янги замон фалсафасида Р. Декарт оламнинг асосини ҳам моддий, ҳам руҳий субстанция ташкил қиласди деб талқин қилган. У борликни фикрловчи субстанция (руҳ) ва матери-

яга бўлади. Шундан келиб чикқан ҳолда, Декарт бу икки субстанциянинг инсон учун аҳамияти масаласини ҳал қилади. Бунга кўра, психологик ва физиологик ҳодисалар бир-бирига боғлиқ эмас. Бу даврда онтологик дуализм билан бир қаторда билиш субъектини билиш объектига қарама-карши кўювчи гносеологик дуализм ривож топганини ҳам таъкидлаш зарур.

ДУНЁВИЙ ФОЯ — 1) муайян ғояларни ифодалаш учун қўлланиладиган тушунча; 2) жамият ва инсонни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган соғлом фикрлар мажмуи. Бу ғояларни мазмун-моҳиятига кўра, умуминсоний, илмий, фалсафий каби бир неча турларга бўлиш мумкин.

Дунёвий ғоялар маълум бир миллат, давлат, ҳалқ ва жамият эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатларини амалга ошириш тамойилини ҳам ўзида мужассамлаштиради, дунё мамлакатларининг ривожланиш йўлини белгилаб олишга доир долзарб ғояларни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида бу ғоялар, асосан, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойиллари ва бошқа ҳаётий ҳақиқатлар сифатида намоён бўлмокда.

Дунёвий ғоялар адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик рухини, тараққиёт йўлидаги олижаноб мақсад-муддаоларни ўзида ифода этиб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва ҳалқ фаровонлиги учун хизмат қилмокда. Улар ҳурфикрли, мутелик ва журъатсизликдан холи бўлган, билими ва кучига ишониб яшайдиган, ўзининг мустакил қарашларига эга бўлган кишилар жамиятининг ғояларидир.

Шунинг учун ҳозирда демократик, умуминсоний мазмундаги ғоялар, ирқи, миллати ва жинсидан катъи назар инсонлар, кўп сонли мамлакатлар ҳаётига чуқур кириб бориб, уларнинг асосий ғояларига айланиб бормокда.

Демократия асосида шакллантирилган ижтимоий бағрикенглик ва адолат ҳам унинг таркибий қисмларидан ҳисобланади. Бу ғоялар дунёвий давлатдаги турли миллат ва дин вакилларининг эркин фаолияти, ҳамжихатлиги ва ҳак-хукуқларини кафолатлайди.

Хозирги кунда дунёвий ғоялар эзгулик йўлида бутун жамият аъзоларининг ҳамкорлигини назарда тутади, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

ДУНЁНИНГ МАФҚУРАВИЙ МАНЗАРАСИ — жаҳонда рўй берадиган ғоявий жараёнлар, мавжуд мафкура шакллари, уларнинг моҳияти, мақсадлари ва ўзаро муносабати билан боғлиқ ҳолат, хусусият ва фаолиятларни яхлит тарзда акс эттирувчи тушунча. Бугунги дунё муайян яхлитликни ташкил этса-да, ундаги минтақа ва давлатлар, миллатлар ва халқлар ўз ўрнига кўра турли мавқега эга. Хозирги давр дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврdir. Шундай экан, уларнинг ўзига хос манфаатларини ифодалайдиган мафкуравий таъсир усуслари бўлиши, шубҳасиз. Жаҳон сиёсий харитасида кўплаб давлатлар мавжуд бўлиб, уларда турли сиёсий кучлар, партиялар, динлар, диний оқимлар, мазҳаблар, гуруҳ ва қатламлар фаолият кўрсатмоқда. Улар ўзаро фарқланадиган, баъзан бир-бирiga зид бўлган манфаатларга эга. Айнан мана шу манфаатлар ўзга халқлар, турли минтақалар, давлатларнинг аҳолиси ёки ижтимоий гурухлар онгига, турмуш тарзига таъсир ўтказиш, уларни бўйсундириш учун йўналтирилган мақсадларни шакллантиради. Бундан кўзланган асосий муддао эса муайян жойдаги кишиларга иқтисодий, сиёсий, хуқуқий ва диний қарашларни сингдириш орқали ўз манфаатларини таъминлашга интилишdir. Бундай таъсир ўтказишнинг тинч йўли кўзланган мақсадга олиб келмагандан бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашиб, мавжуд вазиятни атайлаб кескинлаштириш, куч ишлатиш йўли билан бўлса ҳам ижтимоий бекарорликни юзага келтиришга ҳаракат қилинади. Бугунги дунёning мафкуравий манзарасига назар ташланса, аксарият илгор давлатларда умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланган мафкуралар амал қилмоқда. Уларда тинчлик ва тараққиёт инсон ҳамда жамият камолотига хизмат қиласидиган умуминсоний ғоялар устувордир. Шу билан бирга, инсон онгига янгича дунёқараш ва тафаккур услуги шаклланадиган ҳозирги даврда муайян кучларнинг маф-

кура майдонида ҳукмронлик қилишга, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган интилиши кучайиб бормоқда. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм неофашизм ва терроризм, ирқчилик ва экстремизм мафкуралари шулар жумла-сидандир. Ҳусусан, террорчилик турли шаклларга кириб, кучли моддий асосга эга бўлиб, мафкуравий хавфи ортиб бормоқда. Шу билан бирга, эътиқод умумийлигига асосланиш (масалан, панисломизм), этник бирликка ургу бериш (масалан, панславизм, пенэронизм, пантуркизм) ва ягона ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий маконда яшаш натижасида юзага келган боғлиқлик асосида (масалан, пансоветизм) якка мафкуралар ҳукмронлигини таъминлаш, шу йўл билан жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринишлар ҳам бор. Лекин булар бугунги дунёдаги мафкуравий жараёнларни тўла-тўқис акс эттира олмайди. Мафкуравий жараёнлар ўзгариб турибди. Бу борада XX аср сўнгидаги рўй берган ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ҳозирги даврда терроризм ва экстремизмга қарши кураш, дунё мамлакатлари орасида унга муносабатнинг кескин ўзгариши ҳар бир кишининг ёт ва бегона ғояларга нисбатан огоҳ бўлишга ундейди.

ЖАДИДЧИЛИК (арабча «жадид» — янги) — янгиланиш, янги замонавий мактаб, матбаа, миллий тараққиёт усуллари, йўллари тарафдорларининг умумий номи. Жадидчилик XIX аср охири ва XX асрнинг биринчи чорагида туркий-мусулмон ўлкаларида (Крим, Кавказ, Волгабўйи - Булғор ва Жанубий Ўрол ҳавзаси, Туркистан) шаклланиб келаётган миллий буржуазия мўхитида вужудга келган. У ўша даврдан Туркистондаги миллий - озодлик ҳаракатининг мафкураси Туркистан миллий мустақиллик мафкураси вазифасини бажарди.

Жадидчиликнинг асосий гоя ва мақсадлари: Туркистонни ўрта асрчилик, феодал қолоқлик, хурофотлардан озод қилиш, «Усули қадим»ни инкор этган ҳолда ўлкани, халқни, миллатни замонавий мутаракқий йўлга олиб чиқиш, миллий давлат бунёд этиш, конституцион, парламент ва президент идора усулидаги озод ва фаровон жамият қуриш, туркий тилларга давлат тили мақомини бериш, миллий пул бирлиги

ва миллдий кўшин тузиш. Бу юя ва мақсадлар 1917-1920 йилларда «Туркистон мухторияти», Бухоро ва Хоразм Xалқ Республикалари даврида, қисқа муддатда ва қисман бўлса-да амалга оширилди.

Жадидчиликнинг минтақавий-худудий тарихий шакллари: Крим, Кавказ, Волгабўйи-Булғор ва Жанубий Ўролдаги жадидчиликка Гаспирали Исмоилбей, Жовид Ҳусайнзода, Мусо Жоруллоҳ Қозоний, Ризоуддин ибн Фахриддин раҳнамолик килишган; Туркистонда Мунаввар Кори, Беҳбудий ва бошқалар етакчилик килишган; Бухорода «Ёш бухороликлар» ҳукумати, Жумхурраис Усмонхўжа, Фитрат ва бошқалар йўлбошлиқ қилишган; Хива жадидларига «Ёш хиваликлар» ҳукумати, Жумхурраис Ҳожа Пахлавон Ниёз ҳожи етакчилик килган.

Жадидчиликнинг Туркистондаги тадрижий ривожи:

I. 1885-1895 йиллар: Г.Исмоилбейнинг «Таржумон» газетаси таъсирида Қўқонда янги - жадид усулидаги мактаблар очиш ҳаракатлари бошланиб, улар аста-секин рус-тузем мактаблари билан рақобатлаша бошлаган.

II. Кримдаги Гаспра шаҳридан Г.Исмоилбейнинг Бухоро ва Самарқандга ташрифи, Бухоро амири билан учрашиши натижасида 1895 йилда жадид мактабларини ташкил этиш даври - Бухорода Жўрабой, Самарқандда А.Шакурий, С.Азизий, А.Мунзим, Мулла Қилич, Тошкентда Мунаввар Кори, А.Авлонийлар, Қўқонда Ҳамза, Наманганда И.Ибрат, Сўфизода ва бошқа сиймоларимиз очган жадид мактаблари фаолият олиб боради.

III. 1905-1914 йиллар жадидчиликнинг мактаб - маорифдан кенгроқ газетчилик, яъни рўзномалар ва жаридалар чоп этиш, матбаа ишларини йўлга қўйиш, илм-фан, адабиёт, маданият-маорифни миллийлаштириш босқичи.

IV. 1914-1917 йиллар жадидчиликнинг ўта ижтимоий-сиёсий йўналиш касб этиши, жадидчилик сиёсий фирмалари-нинг тузилиши ва уларнинг уч хил турли талаблар қўйиши:

1)Россиядан тўла ажралиб чиқиш; 2) Россия Федерацијаси таркибида «миллдий-худудий мухторият» тузиш; 3) Россия унитаризми таркибида факат маънавий-диний мухторият ҳукуқлари кафолатига эга бўлиш.

V. 1917 йил октябри - 1918 йил Кўқонда «Туркистон мухторияти»нинг тузилиши ва унинг қонга ботирилиб, маҳв этилиши даври.

VI. 1918-1924 йиллар шўро тизими таркибида, маорифматбаа ишларида «Чигатой гурунги»ни тузиш билан ажралиб туради.

VII. Туркистон парчаланиб (1924), жадидчиликнинг кейинги тараққиёти «миллий жумхуриятлар» доирасида борди. Жадидчилик асосан маданият-маориф, мактаб ва матбаа ишларида «Чигатой гурунги» гояларини зимдан амалга оширишга, миллий-озодлик ҳаракатини жонлантиришга уринди.

VIII. 1931 йилдан то 1937-38 йиллар оралиги ва 50-йилларнинг биринчи ярмигача жадидчиларнинг қатағонга учраш даври.

Туркистон жадидчилигидаги асосий гоявий-назарий йўналиш Беҳбудий, Мунавварқори, Фитрат, Чўлпонлар томонидан илгари сурилган бўлиб, шўролар тузуми, иштирокиёнчилар гоя ва мағкурасини бутунлай инкор этиб, ягона ва бир бутун Туркистон халқи ва давлатини қуриш, замонавий тараққиёт йўлидан боришни таклиф этганлар. Ж.Тавалло, Хондайликий, Ажзий ва бошқалар 1917 йил февраль буржуа демократик инқилоби берган конституцион имкониятлардан фойдаланиб, миллий истиқлолга эришишни кўзлаганлар. А.Авлоний, С.Айний, Ҳамза, Боту, Олтой, Элбек, А.Икромов, Ф.Хўжаев ва бошқалар миллий ва умуминсоний демократик қадриятларга муқобилин шўро гоя ва қадриятларига ургу беришган.

Туркистон жадидчилиги ва маърифатчилиги тўғрисида гап борганда, уни анъанавий Шарқ маърифатчилигидан, шунингдек, ўша даврдаги ислом диний ислоҳотчилигидан фарқлаш зарур. Анъанавий Шарқ маърифатчилиги (Турди, Дониш, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Нодира, Завқий) жадидлар маърифатчилиги учун маънавий-рухий замин бўлган. Исломда бошланган Курсавий, Домла Икромча ислоҳчилик уринишлари жадидлар ҳаракати учун ислом, шариат нуқтаи назаридан диний-қонуний жиҳатдан йўл очиб берган. Бироқ жадидчилик ҳаракати, ундаги маърифатчилик майллари ўзининг ҳаётга юз бурганилиги, умуммиллий ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилганлиги билан анъанавий Шарқ маърифатчилиги ва диний ислоҳчилик жараёнларидан тубдан фарқ қилган.

Жадидчилик туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи тарихида янги саҳифани оча бошлаган ижтимоий ҳаракат бўлган. Истибодд тузуми унга қарши шафқатсиз кураш олиб борганлигининг сабабини тушуниш қийин эмас. Чунки жадидчилик миллат уйғонишининг ва қўтарилишининг ижтимоий сатҳда намоён бўлиши эди. Жадидчиликнинг тор-мор қилиниши туркий миллатларнинг жаҳон миқёсида танилишини деярли бир асрга оркага сурди, уларни ҳукмрон мафкурага ва истибоддга қарам этиб, коммунистларнинг миллатларни жадал суръатлар билан қўшиб юбориш стратегик режаси ва назариясига бўйсундирмоқчи бўлди. Жадидчилик ҳаракати бир аср давомида коммунистик гоянинг бошида тазиикда, кейинчалик исканжасида бўлиб, тўла равишида намоён бўла олмади. Унинг заминлари ва шаклланиш тарзини ўрганиш тақиқ остида бўлди. Бу масалалар ва муаммоларни ўрганиш - бизнинг жиддий вазифамиз. «Ривожланган социализм» (1960-1985) йилларидағи мисли кўрилмаган мафкуравий, маънавий, сиёсий ва иқтисодий тазиикқа қарамай, ўзбек халқи ўзини, миллат сифатида ўзига хослигини сақлаб қола олди, зимдан жадидлар ўртага ташлаган гояларни амалга опириш вақғи-соати келишини умид билан кутди ва бу вақт мустақиллик билан бирга ҳаётимизга кириб келди, чунки жадидларнинг гоялари ўлмас гоялар эди.

ЖАМИЯТ СИЁСИЙ ТИЗИМИ ВА ДЕМОКРАТИЯ — халқ ҳокимияти, халқни ҳокимият манбайи, деб билувчи, тентлик ва озодлик тамойилларига асосланган жамият сиёсий тизимининг шаклидир. Демократик жараён давлат ҳаётининг деярли барча томонларини ўз ичига қамраб олади. Халқ билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг туб моҳиятини демократия белгилайди. Демократиянинг тартиби ва шакллари мамлакат конституциясида мустаҳкамланади. Демократия шароитида бошқа давлат тузумларидан фарқли ўлароқ, қўпчилик ҳукмронлиги, фуқароларнинг тенглиги, хукуқнинг устуворлиги, давлат бошқарув тизимлари сайланиши расмий тан олинади.

Бевосита демократия ва вакиллик демократияси демократиянинг икки асосий шаклидир. Биринчи ҳолатда асосий қарорлар бевосита халқ томонидан қабул қилинади (масалан, умумий мажлисларда, референдум ва шу кабилар орқали);

иккинчи ҳолатда сайлов билан тайинланадиган давлат муасасалари ёки делегатлар, депутатлар, вакиллар халқ номидан қарор қабул қиласылар.

Қадимги Юнонистон ва Рим давлатлари күлдорлик давлатлари демократиясининг классик намунаси бўлган. Масалан, Юнонистон давлатини Халқ мажлиси бошкарган, бу мажлисда халқнинг жуда оз қисмини ташкил қиласан қулдорлар ва эркин шахслар қатнашган. Рим Халқ мажлиси ва сенатига ўтказилидиган сайловларда эса патрицийлар, яъни «ерли» фуқаролар орасидан чиқсан аристократлар иштирок қиласанлар. Бу даврдан демократия факат эркин кишиларга тааллуқли бўлган.

Демократиянинг асосий тамойиллари ривожланишига Уйғониш даври ва маърифатпарварлик ғояларининг таъсири бенихоядир. XVIII асрда Улуғ француз инқилоби «Инсон ва фуқаролар хуқуқи декларацияси»ни эълон қиласди: бунга эса янги давр демократиясининг манифести деб қаралса бўлади.

Хозирги замон демократияси күлдорлик ҳамда феодал тузумидаги демократиядан қўйидаги жиҳатлари билан фарқ қиласди: а) кенг ва конституцияда умумий, тенг, тўғри ва яширин овоз бериш йўли билан ўтказиладиган сайлов хуқуқининг расмий эълон қилинганлиги; б) ҳокимият органларининг умумиллат, умумхалқ вакиллик органи деб аталганлиги; в) фуқароларнинг тенглиги, даҳлсизлиги; г) сўз, матбуот, йиғилиш, митинглар, кўча намойишлари ўтказиш ва виждан эркинлиги. Аммо эркинлик бошбошдоқлик эмас. Эркинлик жамиятда тартибсизликларни юзага келтирмаслиги, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий хаётга путур етказмаслиги учун ҳар бир жамоатчилик тадбири расмий ҳокимиёт билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида хуқуқий демократик давлат барпо этилмоқда, демократик ислоҳотлар кенгайтирилмоқда, инсон хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш, суд ислоҳотини чукурлаштириш ва ҳоказолар бўйича иш олиб борилмоқда, демократик ўзгаришлар жадаллаштирилмоқда. Бу борада ҳам мустақил Ўзбекистон ўзига хос йўлдан бормоқда.

Фарб мезонлари ва анъаналари кўр-кўронга Ўзбекистонга кўчирилмаяпти. Бу йўлдан бориши мамлакатимизни тартибсиз-

лик гирдобига тортиб, мустакилликни мустаҳкамлаш ишига жиддий путур етказиши мумкин. Ҳалқимизнинг кўпчилик қисми бу масалада ўзининг аниқ фикрини айтди ва бундай йўлдан боришни рад этди. Шу муносабат билан миллий зиёлиларимиз шарқоналиқ ва шарқ демократияси асосларини тиклашга, уни кенг оммага тушунтиришга ҳаракат қилдилар ва бу соҳада маълум ижобий натижаларга эриша олинди. Яъни Шарқ асрлар давомида тадрижий-эволюцион йўлдан борган, ҳар бир жиддий қийинчиликни енгишда, биринчи навбатда, мубоҳаса, мунозара ва музокараларга имтиёз берган, сабр-тоқат кўрсатган, андишали бўлган. Бозор муносабатларига ўтиш даврида энг самарали бошқариш усули - Президент ва ҳокимлар бошкаруви танлаб олинди ва бу нарса оқил қадам эканлиги тасдиқланмоқда. Бунинг учун 1991—1998 йиллардаги Ўзбекистон ҳаётини МДҲ таркибидағи бошқа давлатлар ҳаёти билан қиёслаш кифоя.

“ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ ҲАЛҚНИ-ҲАЛҚ, МИЛЛАТНИ-МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТСИН!”

— Президент Ислом Каримовнинг миллий масалаларга бағишиланган асаларидан бири ("Тафаккур" журнали Бош муҳаррирининг саволларига жавоблари). Ушбу жавоблар муаллиф асаларининг 7-жилдига киритилган. Унда Президент Ислом Каримовнинг мафкуранинг жамият ҳаётидаги ўрни, таълим-тарбия, миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаларининг мазмуни ҳақидаги чукур назарий хуласалари баён этилган.

Асарда мамлакатимизнинг ҳаётнинг барча соҳалари бўйича ўз олдига қўйтан аниқ мақсад ва муддаоси борлиги, миллий ғоя, миллий мафкура уларни ифода этадиган қудратли куч экани алоҳида таъкидланади. Ислом Каримов бу ҳақда фикр юритар экан, шундай дейди: «Мақсад дегани - ҳалқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон ҳалқининг рухини, ғуур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мұжассамлаштирадиган улуф кучдир. Давлатимизнинг, ҳалқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи

лозим. Токи, бу мақсад халқни - халқ миллатни - миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансан».¹

Мафкура жамият ривожини тезлаштиради, миллатни, барча фуқароларни умумий мақсад йўлида бирлаштиради. Аниқроқ айтганда, миллий мафкура бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ҳис-туйғусини, миллий фурур ва ифтихорини, куч-қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган буюк ғоявий кучдир. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов мафкуранинг шаклланиш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқарashi ва тафаккурига асосланиш лозимлигини уқтиради.

Асарда таъкидланганидек, миллий ғоя ва мафкура қўҳна анъаналаримиз, халқимизнинг орзу-умидлари, жамиятимиз олдида турган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши лозим; миллатчилик, бошқа халқларни менсимаслик кайфијатидан холи бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрнимизни топишимиз, обрў-эътибор қозонишимида пойдервор ва илҳомлантирувчи куч бўлиши даркор; кишиларни, авваламбор, ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юрга садоқат руҳида тарбиялашда мадад бериши зарур.

Асарда тафаккур қуллиги ҳар қандай қарамликтан ҳам кўра даҳшатли экани таъкидланган. Бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан кўпроқ кучга эга бўлиб бораётган бир пайтда, инсонлар, айниқса, ёшлар ҳар хил ёт мафкуралар таъсирига берилмаслик учун мафкуравий жиҳатдан қуролланган бўлмоғи зарур. Бунда ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатта қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкинлиги мафкуравий курашнинг янгича концепцияси сифатида исботлаб берилган.

Миллий истиқлол мафкурасининг мазмун-моҳияти, асосий тамойиллари ўзининг изчил ва теран ифодасини топган ушбу асардаги ғоялар Ислом Каримовнинг кейинги асарларида янада ривожлантирилди.

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Асарлар, 7-жилд, 89-бет.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ — кенг жамоатчиликнинг, омманинг, аҳоли кўпчилик катламининг воқеа-ҳодисаларга, ижтимоий жараёнларга нисбатан муносабатини ифодаловчи фикрлари, гоя, қараш ва тасаввурлари. Жамоатчилик фикри ижтимоий ҳаёт таъсирида стихияли шаклланиб бориши ёки сиёсий ташкилотлар ва мафкуравий муассасаларнинг омма онгига таъсир кўрсатиши натижасида мақсадга мувофиқ ўзгариб бориши мумкин. У жамоа онгининг ўзига хос умумлашган ифодаси сифатида, алоҳида фикрларнинг ўзаро алмашинуви, бойиши ва уйғунлашиб бориши натижасида юзага келади. Жамоатчилик фикри ақлий, ҳиссий ва иродавий жиҳатларни узвий бирликда ифодалайди ва турли шаклда намоён бўлади. Биринчидан, воқеаларга маънавий муносабат сифатида. Бунда воқеаларни баҳоловчи фикрлар кенг жамоатчилик томонидан бирон-бир шаклда эътироф этилади. Иккинчидан, гоявий-амалий муносабат сифатида. Унда ҳиссий ва иродавий истаклар, интилиш ва ниятлар оммалашади, жамоатчиликни амалий фанлиятга ундейди. Учинчидан, амалий муносабат сифатида. Бунда кишилар воқеа ва жараёнларга бўлган муносабатларини ўзларининг оммавий ҳаракатлари билан намоён этади. Жамоатчилик фикрининг кўпчиликка таяниши унинг таъсир кучини белгилаб беради.

Маълум воқеалар ҳақидаги ахборот ва муносабатларни тез ва кенг тарқалиши ҳамда ошкор қилинишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёсдир. ОАВнинг тўртинчи ҳокимият даражасига кўтарилиши ҳам улар тарқатадиган ҳабар ва янгиликларнинг жамоатчилик фикрини шакллантириш ва ўзгартиришга таъсири билан белгиланади.

Ижтимоий жараёнларга муносабатнинг турлича бўлиши уни ифодаловчи фикрлар ранг-баранглигига олиб келади. Муайян ҳақиқатни турлича изоҳлаш ва талқин этишга асосланувчи плюрализмнинг мавжудлиги жамиятда жамоатчилик фикрлари ранг-баранглигини белгилаб беради. Бунда маълум ижтимоий гуруҳ орасида кенг тарқалган ва муайян аҳамиятга эга бўлган фикрлар бошқа бир гуруҳ учун эътиборга эга бўлмаслиги ҳам мумкин.

Шунинг учун ҳам тараққиётнинг ўзбек моделини, бу йўлдаги амалий ислоҳотларни кўллаб-қувватлаш ҳамда унда фаол иштирок этиш борасидаги муносабатларни ифодаловчи, жа-

мият аъзоларининг барча табақа ва қатламларини бирлаштирувчи жамоатчилик фикрини шакллантириш ва муттасил сақлаб қолиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Кенг халқ оммасининг ижобий муносабатини мақсадга мувоғиқ шакллантириш, доимий ўрганиш ва ҳисобга олиш тараққиётни таъминлашда тўғри йўлдан адашмаслик ва оқилона қадам қўйишида тобора кучли омилга айланиб бормоқда.

ЗАРДЎШТИЙЛИК — энг қадимий динлардан бири. У қадимги Хоразмда шаклланган. Милоддан аввалги VII-VI асрларда бутун Турон ўлкаси, шунингдек, Эрон, Ҳуресон, Озарбайжон, Ироқ, Кичик Осиё каби бир қатор мамлакатлар ва минтақаларда давлат дини даражасига кўтарилиган. Ундаги тараққийпарвар ғоялар халқнинг маънавий юксалишига самарали таъсир кўрсатган.

Зардўштийлик Хоразм ўлкасида таваллуд топган Зардўшт Сепитома (юононча-Зароастр) номи билан боғлиқ. Зардўшт тарихида Зароастр, Заратўштра номи билан ҳам тилга олинади. Абу Райҳон Берунийнинг маълумот беришича, у етмиш йил, бошқа манбаларга кўра эса етмиш етти йил умр кўрган.

Ўша даврда ҳар бир уруғ-қабилага тегишли бўлган эски ғоялар, тушунча ва қабила динлари ушбу минтақада яшайдиган халқларнинг ягона мақсад йўлида бирлашувига тўсик бўлиб келар эди. Зардўшт замон талабига жавоб берадиган илғор ғоя ва диний таълимотни яратди. Бу таълимот тарихда зардўштийлик (юононча зароастризм) номи билан машхур бўлди.

Зардўштийлик негизида яккахудолик ғояси ётади. Унинг оламни, ёруғлик ва зулматни, тирик мавжудотни яратган, одамларга эзгулик бахшида этган ягона бош — Худо ҳақидағи қарашлари «Авесто» китобида ўз ифодасини топди. Зардўштийлик оламнинг асоси бир-бирига қарама-қарши бўлган тамойиллар — яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва зулмат, эзгулик ва ёвузлик, ҳаёт ва ўлим ўртасида давом этадиган кураш заминига қурилган деб тушуниради.

Зардўштийлик динида олов, ер, сув ва ҳаво худо томонидан яратилган муқаддас нарсалар, жами мавжудотнинг бош интиҳоси сифатида қайд этилади, олов гуноҳлардан фориғ этувчи сехрли куч деб қаралади. Шунинг учун бу динни оташ-

парастлик дини, унга эътиқод қилувчиларни эса оташпарастлар деб ҳам атайдилар. Зардўштийлик динида мурдани ерга кўмиш ёки куйдириш тақиқланиб, марҳумнинг жасади маҳсус минора-дахмаларга(улар «сукут миноралари» деб юритилган) қўйиб, қуш-қузғуларга едирилади. Гўштдан тозаланган суюклар минора ўртасидаги қудуққа сочиб юборилади. Шу билан бирга, бу дин жоннинг ўлмаслиги, унинг абадийлигини тан олиб, жаннат ва дўзахни ҳам эътироф этади.

Зардўштийлик динига милоднинг VII асригача, яъни ислом тарқалгунга қадар қарийб минг йилдан ортиқ давр мобайнида Ўрта Осиё, Хуросон, Эрон, Ирок, Шимолий Ҳиндистон ва бошқа ўлкаларда истиқомат қилган аҳоли эътиқод қилиб келган. Ҳозирги кунда Ҳиндистоннинг Бомбай ва Гужарот штатларида ҳамда Эроннинг айрим минтақаларида зардўштийликнинг баъзи анъаналарини ўзида сақлаб қолган қавмлар мавжуд. Шунингдек, юртимизнинг Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида зардўштийликнинг баъзи урф-одатлари сақланиб қолган. Масалан, келин-кӯёвни олов атрофида айлантириш, қабристонда шамчиrok ёқиш, исириқ тутатиш каби одатлар шулар жумласидандир.

ИДЕАЛИЗМ (юонча - *idea* - тасаввур, тушунча) —олам ва одамнинг яралиши, табиат ва жамиятнинг моҳияти ҳамда ривожида руҳий, моддий бўлмаган омилларни устувор деб билувчи фалсафий йўналиши. Идеализм тарихи буюк юон файласуфи Афлотун таълимотидан бошланади. У турли хил фалсафий фикрларни таҳлил қиласа ҳисобланади. Ҳудди шу даврдан бошлаб фалсафий қарашларда идеализм ва материализм (моддциончилик) таълимотлари пайдо бўлган. Идеализм ўз тараққиётida бир қатор даврларни бошдан кечирган. У Афлотун, Фома Аквинский, Шеллинг, Гегель, неотомизм йўналиши намояндалари таълимотида объектив идеализм шаклида, Беркли, Юм ва бошқа баъзи ҳозирги замон Farb фалсафий фикри намояндалари таълимотларида эса субъектив идеализм шаклида ривож топган.

XIX асрда шаклланган марксистик фалсафада онгнинг материяга, руҳнинг табиатга муносабати масаласи мутлақлаштирилди ва идеализм билан материализм ўртасида метин

девор тикланди. Улар ўртасидаги муносабат сиёсийлаштирилиб, материализм илғор, тараққийпарвар кучларнинг, идеализм эса қолоқ, реакцион кучларнинг мафкураси сифатида таърифланди.

Идеализм фалсафий йўналиш сифатида ўз ғояларини фалсафий назариялар, тамойиллар, мантиқ қонуниятлари ёрдамида асослашга интилади. Шу сабабдан идеализмнинг моҳиятини тушуниш унинг гносеологик ва ижтимоий илдизларини ҳисобга олишни тақозо этади.

Объектив идеализм тушунчаларнинг, мавҳум тафаккурнинг аҳамиятини, субъектив идеализм эса идрок ва сезгиларнинг аҳамиятини мутлақлаштиради. Бироқ бу идеализм билан материализм ўртасидаги диалектик характерга эга бўлган қарама-қаршиликни мутлақлаштириш учун сабаб бўла олмайди. Чунки ғоя билан моддийлик орасида ўтиб бўлмас чегара йўқ.

Ижтимоий борлик бирламчи, ижтимоий онг эса иккиламчи, деган ғоя инсонни жамиятда содир бўлаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий жараёнларнинг заиф бир иштирокчиси ва кузатувчиси қилиб қўяди. Ҳолбуки, жамият, унда содир бўладиган воқеа ва ҳодисалар инсон онгли фаолиятининг маҳсулидир. Ижтимоий борлик инсоний ғояларнинг моддий кўриниши бўлса, ғояларнинг мазмуни эса маънавиятдир. Шу сабабдан идеализмнинг асосий хусусияти ғоянинг аҳамиятини мутлақлаштиришда эмас, балки унинг мавжудлигини тан олишда намоён бўлади.

ИЖТИМОИЙ ҲАМКОРЛИК — миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири. У турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини ифодалайди.

Миллий истиқлол мафкураси тизимида ижтимоий ҳамкорлик ғоясининг мустаҳкам ўрин эгаллаши дунёда, мамлакатимизда ташкилот ва ижтимоий қатламлар, турли институтлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш зарурати билан изоҳланади.

Жамиятдаги тотувлик ва барқарор тараққиёт турли шахслар ҳамда ижтимоий тоифалар ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳам-

жиҳатликка боғлиқ Шахснинг манфаатлари миллат ва жамият манфаатларига уйгунлаштирилган ҳолдагина юксак тараққиётга эришиш мумкин. Аҳолининг турли қатламлари орасидаги муносабатлар ва ўзаро ҳамкорликни яхшилаш жамиятдаги барқарорликни мустаҳкамлашга замин яратади. Аксинча, ана шу ҳамкорликнинг издан чиқиши ёки муносабатларнинг ёмонлашуви барқарорликнинг бузилишига олиб келади, ижтимоий бекарорлик, сиёсий бошбошдоқлик ва миллий парокандаликни келтириб чиқаради.

Давлатнинг бош ислоҳотчилик роли, энг аввало, жамиятдаги ижтимоий ҳамкорликни таъминлайдиган иқтисодий асосларни, сиёсий вазиятни, маданий мухитни, ҳуқуқий-қонуний муносабатларни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш фаолиятида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш жараёнига ижтимоий ҳамкорликнинг зарурий шарти сифатида қаралиши керак. Зоро, моҳияттан эркинлик ғояси асосига қурилган ижтимоий ҳамкорлик ана шундай шароитдагина жамият тараққиётининг кафолатига айланади.

ИМОН (арабча – ишонч, эътиқодли бўлиш) — Аллоҳнинг ягоналиги ва яратувчилигига, илоҳий китобларга (Забур, Таврот, Инжил, Куръон), пайғамбарларга, фаришталарга, тақдирга, охират кунига ишонишни билдиради.

Исломда Аллоҳ таолонинг пайғамбар Мухаммад алайхиссалом орқали келтирилган барча хабарларига тил билан иқрор бўлиб, дил билан тасдиқлашга, яъни Куръони карим ва Ҳадиси шарифлар орқали Аллоҳ тўғрисида, жаннат ва дўзах, қиёмат куни каби гайбий (кўринмас) нарсалар ҳақида берилган хабарларга ишонишга имон дейилади.

Аллоҳни инкор этиш ёки унга ширк келтиришдан кўра катта гуноҳ бўлмаганидек, унга имон келтиришдан (ишонишдан) кўра каттароқ савобли иш йўқдир. Хайрли, савобли ишлар, солиҳ амаллар қилинганида мусулмон кишининг имони зиёда бўлади, яъни имоннинг нури янада равшанлашади. Гуноҳ ишлар қилинганида эса имон нури хираклашади. Ислом динида илоҳий эътиқод йўлидаги одам мўмин деб ҳам, мусулмон деб ҳам аталади. Луғавий маъносига кўра, мўъмин – ишо-

нувчи, яъни Аллоҳга имон келтирувчи инсон. *Мусулмон* – мусулмончиликка, яъни исломга амал қилиб, ибодатларни бажарувчи демакдир. Шу боис, мўмин-мусулмон дейиш ҳар жиҳатдан тӯғридир.

Ислом динида агар инсоннинг имони бўлмаса, хайрли ишларни кўп қилса-да, унга савоб ёзилмайди. Ибодат ва яхши амаллар қабул бўлиши учун киши имонли бўлиши шарт экани назарда тутилади. Имоннинг мукаммаллиги уч нарса – эътиқод, икрор ва амал воситасида намоён бўлади. Эътиқод – динга қалбан ишониш; икрор – сўзда буни тан олиш; амал – яхши ишлар билан исботлаш.

Дунёвий давлатда қонун устуворлигини тан оладиган, юрт фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган, ҳар бир кишига яхшиликни раво кўрадиган, меҳнатсевар, камтар, ориятли, андишали, инсофли, вижданли одам имон-эътиқодли инсон саналади.

ИМПЕРИЯЧА ТАФАККУР — чор империяси даврида Россиянинг атроф ва чекка ўлкаларида истиқомат қилиб турган халқларга нисбатан расмий маъмурият ва Ҳукмрон миллатнинг имтиёзли қатламлари томонидан амалга оширилган манманлик ва калондимоғлик муносабати ва бу муносабатнинг шўро йилларида ва ундан кейин ҳам давом эттирилиши. Империяча тафаккур марказлашган Рус давлати мустахкамланиб, кенгайиб бориши жараёнида юзага келди ва катта давлатнинг ҳамда катта миллатнинг босиб олинган ва забт этилган халқлар ҳамда златларнинг устидан ҳукмронлигининг мафкуравий ифодаси эди. Миллий тафаккурнинг мазкур шакли жамият онтига сингиб, маълум даражада, худди табиийдек бир нарсага айланишига Россиянинг мазкур халқлар устидан деярли тўрт юз йилдан ортиқ ҳукмронлиги, уларга нисбатан баъзида шафқатсиз, баъзида маккорона олиб борган сиёсати бўлди.

Афсуски, шўро йилларида бу борада вазият тубдан ўзгаргани йўқ. Чоризмнинг «бир бутун, яхлит ҳамда бўлинмас Россия» сиёсати давом эттирилиб, бундай сиёсатни янада янги поғонага кўтарадиган ғоя ўртага ташланди, яъни СССРдаги юздан ортиқ миллат ва элатлар ўрнига «янги тарихий бирлик

— совет жалқы»ни шакллантириш коммунизм қуриш ишини тезлаштиради, дейилди.

Бундай сиёсат натижасида миллатлар ва элатларнинг тент хуқуқлилиги қўпол бузилди; масалан, 1935-1985 йиллар орасида собиқ Иттифоқда мактабларда ўқитиладиганларнинг сони 105 тадан 39 тага тушди, миллий тилларнинг мавқеи республикаларда тубанлаша борди; республикалар кўпмиллатли улкан давлат - СССРнинг оддий маъмурий қисмларига айлантирилди, уларда ҳар йили қандай китоблар, ойномалар ва рўзномалар ҳамда қанча тиражда чоп этиш фақат Марказнинг руҳсати билан ва назорати остида амалга оширилди. Бундай вазиятда Шўро Иттифоқи тент хуқуқли миллатлар ва элатларнинг ҳур оиласи эмас, балки зўравонлик, куч ҳамда мажбурийлик асосида юзага келтирилган сунъий уюшма эканлигини бутун дунёга намойиш этди; бу нарса унинг ўз-ўзидан, ичдан чириб, барбод бўлишининг, парчаланиб кетишининг сабабларидан бири бўлди.

Империяча тафаккур сарқитларига қарши сабр-тоқат билан изчил кураш олиб бориш - муҳим вазифаларимиздан бири.

ИНКВИЗИЦИЯ (лотинча “inquisitio”-текширув, қиди-рув) — католик черковининг эркин фикрларга, Папа ҳокимияти тоявий душманларига қарши курашиш мақсадида XIII асрда тузилган махсус суд муассасаси. Дастлаб бевосита Рим папаси тасарруфида бўлган, 1231 йилдан эътиборан доминиканлар орденига топширилган. У христианликнинг соғлигини сақлаш тоясини мутлақлаштирган, шу сабабли ақида-парастликка йўл қўйган.

Инквизиция инсониятнинг тоявий эркинлигига қарши қатор жиноятларни содир этган. Хусусан, кўплаб олим, ёзувчи, зиёлилар мавжуд сиёсий тизим ва черков доктринасининг тоявий мухолифлари сифатида инквизиция қурбони бўлган. Масалан, 1600 йили Ж. Бруно, 1619 йили Л. Ванини ўтда куйдирилган. Инквизиторлар сўрок пайтида оғир жазо ва қийноқларни қўллаган. Бу даврда жосуслиқ, айгоқчилик, иғворлик, тоявий сотқинлик ниҳоятда авж олган. Жазога тортилганларнинг мол-мулки черковнинг хусусий мулкига ай-

лантирилгани учун ҳам инквизиция черковга катта даромад келтириб турган.

Инквизиция Фарбий Европанинг жуда кўп мамлакатларида, кейинчалик Америкага ёйилган. 1480 йили Испанияда алоҳида инквизиция суд маҳкамаси таъсис этилган. Олий инквизитор Торквемада 18 йиллик хизмати даврида 10220 кишини гулханда кўйдиртирган. Унинг жиноятидан 114000 оила заарар кўрган. Инквизиция ғоявий-сиёсий тизим сифатида XIX аср бошларигача фаолият кўрсатган.

Инквизиция судлари фаолияти 1835 йилда Папанинг буйруғи билан тўхтатилган. Инквизициянинг айрим диний ва сиёсий функциялари муқаддас конгрегация зиммасига ўтказилган. Бу конгрегация 1949 йили коммунистлар ва уларни қувватлаганларни ғоявий душманлар сифатида черковдан четлаштириш тўғрисида махсус декрет чиқарган (ушбу декрет 1959 йилда тасдиқланган). У Ватиканда 1965 йилгача Муқаддас диний канцелярия конгрегацияси номидан иш юритиб, черков фаолиятидан норози ғоявий мухолифларни католик черковидан чиқарган. 1965 йилда у Диний таълимот конгрегацияси номи билан қайта ташкил қилинган.

Диннинг инсон маънавий камолотидаги ўрни бекиёсdir. Аммо дин вакилларининг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида устувор мавқе эгаллашга ҳаракат қилиши жамиятдаги мувозанатнинг бузилишига, сиёсий бекарорликка олиб келади. Бугунги кунда диний экстремизм ва фундаментализм ғоялари ўзининг инквизицияга хос моҳиятини хусусий ҳолларда намоён этишга ҳаракат қилаётгани фикримизнинг далилидир. Шундай экан, бу соҳада ҳам асло хотиржамликка йўл кўйиб бўлмайди.

ИНСОНПАРВАРЛИК — одамзот қадри, эркинлик ва қобилиятларининг ҳар томонлама намоён бўлиши учун курашиш, кишиларнинг баҳт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги, адолатли ҳаётини таъмин этишга интилишини ифодалайдиган ғоя ва қарашлар тизими. Бу ғоялар чуқур ва узоқ тарихга эга. Инсонга муҳаббат, унинг қадр-қимматини улуғлаш жуда қадим замонларда ёқ, аввало, ҳалқ оғзаки ижодида, кейинроқ эса ёзма манбаларда ҳам ўз ифодасини топганини кўрамиз.

Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ахмад Яссавий, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Беҳбудий, Мунавварқори, Авлоний, Фитрат, Чўлпон, Қодирий сингари қатор аждодларимиз ижодида инсон эркинлиги, унинг бурч ва мастьулияти каби масалалар ўзининг фалсафий ва бадиий ечимини топганки, улар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Шарқ ижтимоий тафаккурида инсонпарварлик ғоялари қадимий илдизларга эга бўлса, Фарбда эса инсонпарварлик ғоялари ўрта асрларда минглаб кишиларни инквизиция гулханига ташлаган диндорлар ва уларни қўллаб-қувватлаган феодалларга қарши кураш сифатида намоён бўла бошлади.

Инсонпарварлик, кенг ижтимоий фикрни қамраб олиб, адабиёт, фалсафа, санъат ва бошқа соҳаларда намоён бўлди ва “гуманизм” номи билан ривожланди. Бугун инсонпарварлик ғоялари ҳуқуқий демократик давлатларнинг барчасида ҳаёт қоидасига айланиб бормоқда.

Мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон ҳам истиқлолнинг илк кунлариданоқ ўз сиёсатида инсонпарварлик қоидаларига таяниб, ҳалқ ҳаётини ва жамият фаолиятини ана шу асосда ташкил этишга киришди. Республикаизда инсон манфаатларини ҳимоя қилишга, уни қадрлашга, ҳар бир шахснинг баркамоллигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий тизим шакллантирилди, юртимизда демократик муносабат ва қадриятлар тобора чукур илдиз отиб бормоқда.

ИНСОН ҖАЛБИ ВА ОНГИ УЧУН ҚУРАШ — ҳозирги замондаги хилма-хил усулларда олиб бориладиган мафкуравий тарғибот ва ташвиқотнинг асосий объекти ва мақсади. Фоя ва онг муносабати ҳақида гап кетар экан, қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш зарур. Биринчидан, муайян ғоя инсон томонидан қабул қилинмаслиги мумкин. Иккинчидан, муайян ғоя шахс онгига факат ахборот сифатида сақланиб қолиши, яъни кераксиз буюм каби инсон онгининг бир четида «чанг босиб» ётавериши мумкин. Биринчи ҳолатда ғоя инсон онгига ҳеч қандай из қолдирмайди. Иккинчи ҳолатда эса у шахс учун ҳеч қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлмайди.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, ғоя факат инсон ҷалби ни эгаллаган, маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига

айланган тақдирдагина ҳаракатта даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, фаолият дастурига айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мафкуравий курашнинг бош мақсади инсон қалбини забт этиш орқали унинг онгини эгаллаш бўлиб қолмокда.

«Бугунги кунда инсоният қўлида мавжуд бўлган қуроляроқлар ер куррасини бир неча бор яксон қилишга етади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф - инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қиласди. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унумтаслик лозим»¹.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — инсоннинг эркинликлари, бурч ва мажбурияти билан боғлиқ қарашларни акс эттирувчи тушунча. У миллий истиқлол тоғисининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Президент Ислом Каримов асарларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари борасида амалга ошириш лозим бўлган йўналишлар белгилаб берилган.

Аввало, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишининг самарали механизмини, инсон ҳуқуқлари бўйича ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари асосида миллий қонунчилик ривожланишини таъминлаш зарур. Бу инсон ҳуқуқларини руёбга чиқариш ва демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг дастлабки шартидир. Аммо қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқмасдан, ижтимоий ҳайётнинг барча жабхаларида қонун устуворлигини таъминламасдан ахоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшиламасдан, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширмасдан туриб, кўзланган мақсаддага эришиб бўлмайди. Судлов ислоҳотини амалга ошириш орқали бутун суд тизимини демократлашириш инсон ҳуқуқларини руёбга чиқаришнинг яна бир шартидир. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг энг муҳим белгиси,

¹ Ислом .Каримов. «Миллий истиқлол мафкураси - ҳалиқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т., «Ўзбекистон», 2000, 7-бет).

давлатнинг тараққиёт даражасини кўрсатувчи муҳим мезондир. Шунга кўра, инсон ҳуқуқлари халқаро ва миллий ҳуқуқ тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Инсоният ўз тараққиёти жараёнида инсон ҳуқуқларига оид бўлган маҳсус қонунчилик тизимини яратган. Бу тизим ўз тараққиётида учта катта босқични босиб ўтган.

Биринчи босқич 1789 йилги Франция инқилобининг Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинганидан бошланиб, Биринчи жаҳон урушигача бўлган (1914 йил) даврни ўз ичига олади. Бу даврда шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги, шахснинг дахлсизлиги, ҳусусий мулкка эгалик, сайлаш ва сайданиш каби шахсий ва сиёсий ҳуқуқлар билан боғлик масалалар тартибга солинган.

Иккинчи босқичда (1914–1950 йиллар) инсонларнинг турли ғоя ва ҳаракатлар таъсирида меҳнат қилиш, дам олиш, ижтимоий ёрдам олиш билан боғлик ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларига оид қонунчилик ривожланган.

Учинчи босқич XX асрнинг иккинчи ярмидан ҳозирги давргача бўлган жараёнларни ўз ичига олади. Бу жараёнда тинч-тотув яшаш, атроф-муҳит мусаффолигига эришиш, ахборот олиш ҳуқуқи билан боғлик масалалар фаол муҳокама қилинди (уларни ҳал этиш йўллари қидирилмоқда), шунингдек, даврда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро қонунчилик тизими шаклланди, БМТ томонидан етмишга яқин, Европа Кенгаши Бош ассамблеяси томонидан бир юз олтмишдан зиёд, ЮНЕСКОда етмишдан ортиқ, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан ўттиздан кўпроқ инсон ҳуқуқларига тааллукли халқаро конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда эса инсон ҳуқуқлари бўйича тўрт юзга яқин халқаро хужжат мавжуд. Бу хужжатларнинг миллий қонунларга нисбатан устуворлиги кўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилгани ҳам ана шундай тизим шаклланганини кўрсатади.

Ҳар бир давлат Конституциясида, жумладан, мустақил Ўзбекистон Конституциясида ҳам инсон ҳуқуқларини кафолатловчи қоидалар ўрин олган. Ҳусусан, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш борасида давлатнинг бурч ва мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилгани,

инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида ҳалқаро ҳуқуқлар устуворлиги тамойилига амал қилингани дикқатга сазовордир. Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларига туғилган кунидан бошлаб эга бўлиши, яъни табиий ҳуқуқ ғояси қонун меъёрлари асосида акс эттирилгани мустақил Ўзбекистон Конституциясининг муҳим хусусияти эканини ҳам таъкидлаш зарур. Бу фуқароларни, айниқса, ёшларни миллий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашда, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда алоҳида аҳамият касб этади.

ИНТЕГРАЦИЯ — миллий иқтисодиётларнинг сифат жиҳатидан янги шароитларга эга бўлиши ва мамлакат тараққиёти имкониятларини кенгайтириш мақсадида ихтиёрий равишда бирлашиши, бир-бирларига ўзаро таъсир этиши жараёни.

Иқтисодий интеграция ҳамкорлик, иқтисодий сиёсатда устувор йўналиш, деб ишлаб чиқариш ривожланишини белгиланган мамлакатлар ўртасида, асосан, ишлаб чиқариш соҳасида юз беради ва бу жараённи амалга ошириш мақсадида мамлакатлар қатор чора-тадбирларни қўллайдилар. Интеграция жараёни ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда, бешта погонага ажратилади: 1) эркин савдо минтақаси; 2) божхона иттифоқи; 3) умумий бозор; 4) валютавий-иктисодий иттифоқ; 5) сиёсий иттифоқ.

Мазкур борада Оврупо иқтисодий ҳамкорлиги (ОИХ) — Оврупо Иттифоқи (ОИ) намуна бўлиб хизмат қиласди. Унинг интеграция соҳасидаги тажрибасини бошқа минтақаларда ҳам қўллаш мумкин.

Хозирги пайтда дунёдаги кўплаб интеграция ассоциациялари ОИХ тажрибасига амал қилган ҳолда интеграциянинг беш погонасига асосланиб иш олиб бормоқда. Эндиликда факат погонали интеграция моделига асосланган эркин савдо минтақалари (Лотин Америкаси эркин савдо ассоциацияси) ёки божхона иттифоқлари (Фарбий Африка божхона иттифоқи ва Марказий Африка иқтисодий-божхона иттифоқи) билан бир қаторда иқтисодий иттифоқлар ҳам ташкил этила бошланди (ЭКОВАС - 1975 й.).

Оврупо Иттифоқи 80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Фарбий Овруподаги ягона бозор ташкил этишни мақсад қилиб қўйди ва Маастрих шартномасини тузиб, валютавий-иктисодий иттифоқка ўтишнинг тартибини белгилаб олди. 1989 йилда Шимолий

Африкада, 1994 йилда Канада ва АҚШ ўртасида эркин савдо минтақаси ташкил этилиб, унга Мексика давлатининг қўшилиши натижасида Шимолий Америка эркин савдо ассоциацияси шаклланди. Осиё-Тинч океан минтақасида 1989 йилда Осиё-Тинч океани иқтисодий кооперацияси (ОТИК) тузилди. Ҳозир бу ассоциацияга Тинч океани ҳавзасининг 20 дан ортиқ мамлакати аъзо бўлиб, 2020 йилга бориб, унинг доирасида эркин савдо минтақасини ташкил этиш тўғрисида келишилган. Ундан аввал роқ, 1992 йилда, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциациясига аъзо бўлган олти мамлакат 2008 йилгача эркин савдо ассоциациясини ташкил қилиш тўғрисида шартнома тузганлар.

Интеграция борасида Ўзбекистон мураккаб йўлни босиб ўтди. Чоризм даврида Ўзбекистон иқтисоди умумrossия ягона иқтисодининг таркибий қисми эди ва мамлакатимизнинг барча моддий бойликлари мустабид Марказнинг ихтиёрида эди. Ўзбекистон иқтисоди, мустамлака иқтисоди сифатида Россия давлатига хизмат қиласи эди. Шўролар даврида вазият янада мураккаблашди. Ўзбекистон иқтисоди янада маҳкамароқ равишда Марказга бўйсундирилиб, юртимиздан моддий бойликларни ташиб кетиши жараёни янада тезлашди. Ва ниҳоят «ривожланган социализм» йилларида «Бутуниттифоқ ягона иқтисодий мажмуаси» ташкил қилинди. Буларнинг ҳаммаси мажбурий, зўравонларча ташкил этилган интеграция жараёнининг ёрқин мисолидир. Ҳолбуки, бундай жараён ихтиёрий ва табиий равишда амалга оширилиши керак эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, ўтмишдаги мажбурий интеграция ришталари узилди ва барбод бўлди Энди мустақил давлатлар, ихтиёрий равишда, ўзаро ҳамкорлик ва тенглик асосида ташкил этилган интеграциянинг мутлақо янги шакллари ва йўлларини яратса бошладилар. Энг ққвонарлиси шундаки, янги мустақил давлатлар факат Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидагина эмас, балки бошқа, «узоқ хориж»даги давлатлар билан ҳам иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиб, аста-секин бу муносабатларни кенгайтириб, мустаҳкамлаб бормоқда. Бунда иқтисодий интеграция, биринчи навбатда, МДХ доирасида кунтартибига қўйилмоқда. Чунки бу ерда гап ўтмишда ўрнатилган иқтисодий алоқаларни янги асосда тузиш тўғрисида бормоқда. МДХ ичига Ўзбекистон, биринчи бўлиб, Марказий

Осиё давлатлари – Козогистон, Қирғизистон ва Туркманистон билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга киришди. Чунки мазкур ҳудуддаги давлатлар иқтисодий, руҳий, тарихий, жўғрофий ва бошқа жиҳатлардан бир-бирла-рига яқиндиirlар. Марказий Осиё давлатлари бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик алоқалари тўғрисида қатор битим ва шартномалар тузганлар ва ҳақиқий мустаҳкам интеграцияга эришиш йўлидан сабитқадамлиқ билан бормоқдалар.

ИРҚЧИЛИК — одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат қилувчи файrimиллий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий мөхиятини уларнинг биологик – ирқий (кўзи, сочи ва терисининг ранги, бош ва юз тузилиши каби ташқи, иккинчи дараҷали жисмоний) белгилар билан боғлаб, уларни олий ва куйи, бекаму-кўст ва норасо ирқларга ижратадилар. Унга кўра олий ирқлар хўжайинлик қилиши, қолганлари уларга хизмат қилиши, бўйсуниши шарт. Ирқчиллик таълимоти бошқа халқларга нисбатан босқинчилик, талончилик, мустамлакачилик сиёсатини асослашга ҳаракат қиласди.

Масалан, фашизм мафкураси ва сиёсати ирқчиллик таълимоти ва амалиёти билан яқиндан боғлиқдир. Ирқчиллик таълимоти билан қуролланган фашистлар Германияси «олий герман ирқи» ҳукмронлигини ўрнатиш мақсадида жаҳон урушини бошлагани бунга яққол мисолдир. Ҳозир ҳам рекацион мафкурага асосланган кайфиятдаги гурухлар, уларнинг назариётчилари ирқчиллик тояларини тарғиб этиб, «қолоқ» халқларнинг гўё мустақил ривожланишга руҳий тайёр эмасликларини даъво қилмоқдалар. Дунёнинг турли минтақаларида бундай қарашлар ва ҳаракатларни халқлар озодлигини бўғишишга, улар устидан ҳукмронлик ўрнатишга интилиш деб тушуниш мумкин. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кеттанидан сўнг баъзи империяча фикрловчи сиёсатдонлар ва уларнинг назариётчилари қарашларида ҳам ирқчиллик кайфиятлари пайдо бўлганини кузатиш мумкин. Бундай қарашларнинг асоссиз эканини ҳаёт кўрсатмоқда.

Маълумки, ирқлар одамларнинг иккиласмчи, ташқи, наслий хусусиятлари (баданининг ранги, юз-бош тузилиши каби

белгилари) бир хил бўлган тарихий шаклланган гурухлардир. Дунёда европа, мўғул ва негрлик белгиларига қараб ажратила-диган уч асосий ирқ бор. Инсоннинг жисмоний тузилиши асослари (суюк, мушак, мия ва тананинг бошқа аъзолари) барча ирққа мансуб кишиларда бир хилдир. Бутун инсоният ягона биологик турга – «*homo sapiens*»га мансубдир. Тарихий тараққиёт давомида ирқларнинг аралашуви, ирқий белгиларининг ўзгариши содир бўлиб келган ва у ҳозир ҳам давом этмоқда. Барча ирқлар маданий тараққиётта бирдек қобилиятлидирлар. Ирқий камситиш илмий жиҳатдан ўринсиздир. Ирқчилик инсониятга қарши жиноятдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида барча ирқлар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги белгилаб кўйилган. Бу қоида жаҳон ҳамжамиятининг халқаро ҳуқуқ меъёрларига жавоб беради ва ирқчиликни инкор этади.

ИСЛОМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ — Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ўз ақидаларини кенг тарғиб қилувчи, диний консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатиладиган атама. Аслида «фундаментализм» сўзи XX аср бошида америкалик протестантларнинг бир гуруҳига берилган ном бўлса-да, охирги пайтларда жаҳон матбуотларида мутаасиб ислом жангарилини фундаменталистлар деб аташ одат тусига кирди. Ислом фундаментализми турли-туман йўналиш ва қайфиятдаги гурухларни ўз ичига олади. Уларнинг баъзилари сиёсий жабҳада, инқилобий ва ҳатто террористик усуллар билан қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзларини намоён этсалар, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон бўлган аудио-видео кассеталарни тарқатиш билан шуғулланади. Ислом фундаментализми учун умумий бўлган foялар – гўёки динсиз ёки «соф исломдан чекинган» давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш ва, ниҳоят, уларнинг таъбири билан айтганда, исломда «ширк» (бутпарастлик)ка барҳам беришдир. Азиз авлиёлар қабрларига эъзоз билдириш, масалан, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд

каби тасаввуф тариқатлари асосчиларининг рухи-покларини хурматлаш ҳам ислом фундаментализми талқинида бутпрастликка киради. Транспорт ва коммуникация воситалари-нинг тараққиёти юз бераётган, ҳалқаро алоқалар тобора эркинлашаётган ҳозирги даврда ислом фундаментализми вакиллари ўз ҳаракатларини бутун дунё бўйлаб ёйишга интилмоқдалар. Кейинги вақтларда рўй бераётган террористик ҳаракатлар бу ҳодисанинг нақадар хавфли эканлигини ва унга қарши бирлашган ҳолда курашиш лозим эканлигини яққол кўрсатмоқда.

ИСТИБДОД МАФКУРАСИ — босиб олинган ҳалқ ёки юртни турли йўл ва воситалар билан тутқунликда сақлаб қолишга, унда яшайдиган кишилар тафаккурини қарам қилишга қаратилган ғоявий қарашлар, мафкуравий усуллар тизими.

Истибдод бирон-бир давлатнинг ўз иқтисодий, сиёсий, маданий, геостратегик ва бошқа тор манфаатларидан келиб чиқкан ҳолда бошқа ҳалқ ёки давлатни босиб олишга интилган, босиб олган, унинг маданияти, тили, урф-одатларини йўқ қилишга, барча соҳаларда ўз ҳаётий стандартларини, қарашларини зўрлик билан жорий этишга уринган жойда ва вақтда юзага келади. Истибдод мафкураси эса ана шундай тафаккур тарзи ва амалиётининг гүё тўғри эканини ҳар томонлама асослашга, тушунтиришга, адолатли деб баҳолашга ва кенг ҳалқ оммаси онгига сингдиришга қаратилган қараш ва ғоялар тизимидан иборат бўлади.

Инсоният босиб ўтган тарихий йўлга назар ташлар эканмиз, истибдод мафкураси ирқчилик, фашизм, шовинизм каби кўринишларда намоён бўлганини кўрамиз. Улар бирбиридан факат айrim жиҳатларига кўра фарқланса-да, мөҳиятан тўқиб чиқарилган, ҳеч қандай илмий заминга эга бўлмаган, эрксизлик ғоясини сохта мезонлар асосида асослашга қаратилган бўлади.

Афсуски, инсонийликка хилоф бўлган, башариятнинг келажаги ва бир бутунлигига хавф соладиган бундай мафкура шакллари янги минг йилликда ҳам ўзининг мудхиш қиёфасини дунёнинг турли бурчакларида намоён қилмоқда.

ИСТИҚЛОЛ (арабча – озодлик, мустақиллик, эркин бўлиш) — инсон, миллат, давлатнинг эркин ривожлана олиш имкониятини ифода этувчи тушунча.

«Истиқлол» ибораси «мустақиллик» сўзи учун ўзак ҳисобланади ва унга нисбатан бирламчи асос вазифасини ўтайди. Араб тилидан кириб келган бу сўзлар асрлар давомида қўллануб, ҳалқ тафаккурига сингиб кетган. Аслида, мустақилликка эришиш истиқлолнинг тўла маънода воқеликка айлангани, яъни бошқаларга тобе бўлмай, ўз эрки билан яаш, ўзини-ўзи бошқариш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамоийлларининг тўла-тўқис амалга ошганини билдиради. Истиқлол, қўп ҳолларда, сиёсий жиҳатдан эркин бўлишни англатади, мустақиллик барча соҳаларда тўла-тўқис озодликка эришилганини, ихтиёри тўлиқ ўзида эканини ифодалайди.

1991 йил 31 августда ўз истиқлонини қўлга киритган Ўзбекистонда мустақил ривожланишининг ўзига хос ва мос йўли тараққиётнинг ўзбек модели тамоийллари асосида ҳукуқий демократик давлат барпо этилмоқда. Собиқ мустабид тузуми даврида муомаладан чиқариб қўйилган «истиқлол» ва «мустақиллик» сўзлари бугунги кунда тилимизда кенг қўлланиб, маънавиятимизни бойитишга хизмат қилмоқда.

ИСТИҚЛОЛ МАФҚУРАСИ — миллат ва давлатнинг мустақил ривожланишини таъминлашга қаратилган гоявий-назарий қарашлар тизими. У истибодд мafқurasi ва амалиётига қарши, озодликка интилиш зарурати туфайли пайдо бўлади. Унинг асосий вазифаси озод ва эркин тараққиёт йўлидаги олижаноб мақсадлар атрофида ҳалқни бирлаштириш, улкан бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш, унда гоявий иммунитет, мустаҳкам эътиқод асосларини шакллантиришдан иборат бўлади.

Истиқлол мafқurasi мустақилликка эришгунча орзу, мақсадни ифодалаш, кейинроқ шу мустақилликни мустаҳкамлаш омилидир. Ҳар икки ҳолатда ҳам унинг ҳалқни уюштириш, сафарбар қилишдан иборат асосий вазифалари ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Озодлик йўлидаги интилишлар конга ботирилганини кўрсатувчи мисоллар жаҳон ҳалқлари тарихида кўплаб топилади. Шундай бўлса-да, улар олға сурган ҳаётбахш қарашлар ҳеч қачон изсиз кетмаган. Кўхна та-

рих бу ғоялар янги шароит ва вазиятларда мустақиллик учун курашнинг янги тўлқинларини тайёрлашга хизмат қилганидан далолат беради. Миллий озодлик ғоясининг мустақилликка эришилгандан кейинги даврдаги характерли хусусиятлари унинг олдида турган янгича вазифаларда ёрқин намоён бўлади. Бу даврда у мустақилликнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, хукуқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашни ғоявий жиҳатдан таъминлашга хизмат қиласди.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкураси истибодод иллатларига барҳам бериш, мустақиллик, озодлик ва бунёдкорлик каби қадриятларнинг маъно-мазмунини чукур англаб этиш, уни одамларнинг қалби ва онгига сингдириш, жамият ҳаётида огоҳлик, ҳамкорлик, миллий тотувлик муҳитини таъминлаш, республикамизнинг ҳалқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида барқарор ривожланиш йўлига чиқиб олиши, ўз мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаши учун аҳамиятли бўлган ғоявий қарашлар тизимини ўзида ифодалайди.

ИУДАИЗМ (ЯХУДИЙЛИК) — яхудий халқининг яккахудоликка асосланган дини. Дин ва миллатнинг номи Истроилда мавжуд бўлган ўн икки қабиладан бирининг асосчиси Яхудонинг исмидан келиб чиқкан.

Моҳияттан, иудаизм асосида Яхве томонидан Мусога Туртогида ваҳий қилинган 10 қоида ётади. Улар жумласига Яхвени ягона деб, ундан бошқа худоларни тан олмаслик, бут, санам ва расмларга сифинмаслик, Худо номини беҳудага тилга олмаслик, шанба кунини муқаддас кун деб билгани ҳолда уни худо учун бағишлиш ва бошқалар киради. Айни пайтда, отонани ҳурмат қилиш, одам ўлдирмаслик, зино ва ўғирлик қилмаслик, соxта гувоҳлик бермаслик ва яқинлари эга бўлган нарсаларга кўз олайтирмаслик қоидалари ҳам иудаизмнинг асосий қоидаларидир.

Иудаизмнинг Рош аш-Шана – қамарий тақвимга асосланган янги йил, Йом-Кипур – қиёмат куни, гуноҳкорларнинг Худо томонидан кечирилиши, инсонлар бир-бирларини кечирадиган кун, қишлоқ хўжалиги ишларининг якунланишига, шунингдек, яхудийларнинг Мисрдан чиқиб чўлдаги қирқ йиллик сафарларини эслашига бағишлиланган Суккот- «Куша»,

эрамиздан аввалги XVI асрда Мусо пайғамбар бошчилигига яхудийларнинг Миср асириянидан озод бўлишига бағишлиланган – Песах, Худо томонидан яхудий халқига Мусо орқали 10 та ақидани ичига олган «қонун»нинг инъом этилишини нишонлаш билан боғлиқ Шовуэс байрамлари мавжуд.

Яхудийлар бутун дунёга тарқаб кетганлар, уларнинг ўрта Осиёда пайдо бўлиши Буюк ипак йўли билан боғлиқ. Улар ўзлари яшаётган мамлакат халқлари тилида сўзлашсаларда, Тавротда кўрсатилган диний, миллий урф-одатларини йўқотмаганлар. Ҳозирги даврда иудаизм Истроил давлатининг дини бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистонда 2001 йилнинг 1 июляги қадар яхудийларнинг 8 та диний ташкилоти рўйхатга олинган.

ИЧКИ ИШЛАРГА АРАЛАШМАСЛИК — халқаро ҳукуқнинг асосий тамойилларидан бири; бир давлатнинг бошқа бир давлат ишларига аралашмаслиги.

Ҳар бир мустақил давлат ўзининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий тузилишига, ўз худудига, чегаралари, аҳолиси ва бошқа атрибуутларига эга бўлиши лозим. Ушбу белгиларнинг мавжудлиги муайян бир давлатнинг макондаги ўрни ва нуфузини белгилайди. Агар давлат бу белгиларга эга бўлса-ю, аммо ички ёки ташқи сиёсатини мустақил олиб бора олмаса, бу унинг суворен давлат сифатидаги моҳиятини йўққа чиқаради.

Ички ишларга аралашмаслик тамойили давлатнинг ўз худуди доирасида амалга оширилади ва бутун фаолиятида тўла мустақиллигини англатади. Бунда давлатнинг ички ҳуқуқлари ва вазифалари доирасига тааллуқли бўлган барча масалаларда ўз сасатини ўзи белгилаши тамойили амал қилади. Масалан, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши, инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳоказолар борасида бир давлат бошқаси билан ҳамкорлик қилиши мумкин. Аммо бу ҳолда ҳам бир давлат иккинчисининг ички ишларига аралашмаслик тамойили ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Бу тамойилга кўра, ҳар бир мустақил давлат халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш ёки бўлмаслик, халқаро шартномаларда қатнашиш ёки қатнашмаслик, тарафдор бўлиш ёки бетараф қолиш каби масалаларни ўзи мустақил ҳал қилиши лозим.

Мамлакатимиз узоқ мустамлакачилик азобини тортиб, мустақилликка әришди. Республикаизнинг бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик талабига содиқлиги давлатимизнинг Президент Ислом Каримов раҳбарлигига олиб борилаётган сиёсатида яққол намоён бўлмоқда.

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК — муайян бир мамлакатнинг шу мамлакатда мавжуд ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш воситаларига, табиий ва маънавий бойликларга ва шу бойликлар туфайли яратилган маҳсулотдан тушган миллий даромадга ва уни тақсимлашга ягона эгалик қилиши.

Ўзбекистон мисолида иқтисодий мустақиллик умумжархон цивилизациясига, давлат ва жамият қурилишининг халқаро тажрибаларига, миллий анъаналарга, ижтимоий қадриятларга асосланган.

Иқтисодий мустақилликни таъминлашнинг асоси — мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлиги, унинг бир маромда мувозанатни сақлаган ҳолда ривожланишидир.

Иқтисодий барқарорлаштириш - бозорни шакллантириш бўйича қонунлар билан белгиланган муқаррар жараён. У танглик ҳолатига барҳам беришга қаратилган. Бунда ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари даражаси ўртасидаги мувофиқликка иқтисодий қонунлар орқали эришилади. Бозорда талаб билан таклиф ўртасида қулай мувозанат юзага келади.

Жаҳон тажрибасида иқтисодий барқарорлаштиришнинг бир неча кўринишлари мавжуд: 1) монетар ёндашув бўлиб, у пулнинг қадрсизланиши даражасини пасайтириб туришга, пул ҳажмини кескин камайтириш ҳисобига пул муомаласини барқарорлаштиришга асосланган. Бундай ёндошув чуқур иқтисодий қайта ўзгартиришларни таъминламайди, аксинча, ишлаб чиқаришнинг моддий ҳажмлари камайишига, инвестиция фаолияти тўхтаб қолишига олиб келади; 2) ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириб, таркибий ўзгаришларни амалга оширади, иқтисодий номутаносибликларга барҳам беришга асосланиб ёндашади.

Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг ўзига хос йўли танланди. Бу йўл қуйидагилардан иборат:

- макроиктисодиётда мувозанатни саклаш;
- таркибий ўзгаришларни таъминлаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча даражаларида давлат таъсирини мувофиқлаштириш ва юксак меҳнат интизомини таъмин этиш;
- аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш;
- пулнинг қадрсизланишини тўхтатиб қолиш чораларини кўриш;
- давлат бюджети ва корхоналар молиявий аҳволини баркарорлаштириш имкониятини яратиш;
- тўлов баланси ва давлат валюта резервлар ҳолатини яхшилаш, сўмни айирбошлиш, сўм курсининг барқарорлигини таъминлаш.

Ички имконият, салоҳият ва захираларимизнинг чексиз бой ва ранг-баранг эканлигини кўзда тутиб, давлатимиз иқтисодий мустақиллик йўлида муваффақиятли одимлаб бормоқда.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ — Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ жараёнларни ифодаловчи тушунча.

Иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа, энг аввали, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига беҳуда аралашувини чеклашдан иборат. Бунинг учун тегишли хуқукий замин, ташкилий ва иқтисодий шарт-шароит ва кафолатлар яратилмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали мулкдорлар синфини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. У ишсизлик даражаси пасайиши, барқарорлик ва фаровонлик кафолати бўлиб хизмат қиласи. Иқтисодиётни эркинлаштириш ташки иқтисодий фаолиятни, валюта бозорини эркинлаштириш билан чамбарчас боғлиқ. Бу мамлакат иқтисодиётига хориж сармояларининг янада кўпроқ жалб этилиши, янги техника ва технологияларнинг кириб келишига йўл очади. Бу жараёнлар, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиёти ўсиши ва Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ортишида муҳим ўрин тутади. Бу эса Президент Ислом Каримов томонидан асосслаб

берилган иқтисодиётни эркинлаштириш түғрисидаги қарашларда назарда тутилганидек, кишиларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имкониятини яратиб беришни тақозо этади.

КАЛОМ (арабча - равон нутқ, жумла, гап, сўз) — исломда муайян мантикий далилларга таяниб, диний таълимотни асослашга ҳаракат қилувчи назарий илоҳиёт илми. Калом турли диний-сиёсий гурухлар (хорижийлар, қадарийлар, жабрийлар ва ҳ.к.) пайдо бўлиши билан боғлиқ баҳслар жараёнида вужудга келди ва тараққий қилди. «Ҳақ» ислом йўли тизими X асрга келиб ишлаб чиқилди ва буни ал-Ашъарий (873-935) ва ал-Мотурудий (870-944) амалга оширдилар. Шундан сўнг Калом улар асос солган икки мактабни англатувчи атамага айланди.

Ашъария каломи, асосан, шофийлар орасида тарқалган бўлса, Мотурудия каломи ҳанафия доираларида кўплаб тарафдорларга эга бўлди, хусусан, Мовароуннаҳр мусулмонларининг асосий ақидасига айланди.

КАТОЛИЦИЗМ (грекча-умумий, жаҳон) — христианликда православлик ва протестантлик каби кенг тарқалган асосий диний оқимлардан бири. Католицизм диний таълимот ва черков ташкилоти сифатида асосан 1054 йилдаги черковлар бўлинишидан кейин вужудга келган.

Католицизм протестантликдан фарқли ўлароқ, фақат муқаддас ёзувни (Библия) эмас, балки муқаддас ривоятни ҳам ўз таълимотининг манбай сифатида эътироф этадиган гоялар таъсирида шаклланди. Унга кўра, Рим папаси Исонинг ердаги ноиби, унинг ҳокимияти эса жаҳон ибодатхоналари ҳокимиятидан юқори ҳисобланади. Шунингдек, Биби Марямни бениҳоя улуғлаш, унинг илоҳий тарзда ҳомиладор бўлганини, Исонинг вактинча осмонга кўтарилиб кетганини эътироф этиш католицизмга хос бўлган хусусиятлардир. Айни пайтда, католицизм ўрта аср файласуфи Фома Аквинскийнинг диний қарашларига асосланишини ҳам таъкидлаш зарур.

Католик чёркови ўзининг ягона маркази – Ватикан давлатига эга, унинг бирдан-бир бошлиғи эса Рим папасидир. Католицизмда асрлар давомида ибодат лотин тилида олиб борилган, уларни иккинчи Ватикан собори (1962–1965) миллий тилларда ўтказишга рухсат берган.

Ватиканнинг халқаро сиёсатдаги ўрни кўп миллионли католиклар жамоасининг мавжудлигига асосланган. Ватикан жаҳоннинг 116 давлати билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Унинг таҳминан 2 мингга яқин монахлик орденлари бўлиб, улардан энг йириги иезуитлар, францис-канлар, салезианцлар, капуцинлар, бенедиктлар, доминиканлардир.

1993 йилги маълумотга кўра, дунёдаги католикларнинг умумий сони 800 миллиондан зиёд бўлиб, улар асосан Италия, Испания, Португалия, Франция, Бельгия, Польша, Венгрия, Чехия, Словакия, Болтиқбўйи мамлакатларида, Австралия ҳамда Лотин Америкаси давлатларида яшайди.

Ватикан “Адженциа Интернационале Фидес” (АИФ) номли информацион агентлигига ва турли ўлкаларда нашр этиладиган юздан ортиқ газета ва журнallарига эга. Шунингдек, Ватиканнинг 32 тилда эшилтиришлар олиб борадиган радиоси ҳам бор.

КОМИЛ ИНСОН — миллий истиклол мафкурасининг асосий ғояларидан бири. Комил инсон ғояси ва уни амалга оширишга бўлган интилишлар инсоният цивилизациясининг маъно-мазмунини ташкил қиласди.

Тарихга назар ташласак, ҳар қандай жамиятда комилликнинг энг асосий кўрсаткичи инсоннинг эзгуликка, ижтимоий баҳт-саодатга, гуманистик ғояларга муносабатида ҳамда уларга асосланган амалий фаолиятида намоён бўлади. Яъни жамиятнинг умумий ривожига, инсоният цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатувчи комиллик мезони инсонни, шахсни баркамол қилиш орқали жамиятни баҳтли, саодатли қилишдан иборат бўлиб келган.

Инсондаги комиллик, энг аввало, унинг фикр, тафаккур ва амалий фаолият эркинлигини англашидадир. Шу маънода, буюк юонон файласуфи Суқротнинг: «Ўзлигингни англа!», – деган даъвати ҳам инсоннинг ўз насл-насабини, ҳаёт мазмунидан ишлаб чирадиган.

ни, кишининг келажак авлодлар олдидағи масъулият ва мажбуриятини англашга қаратилған чақирикдир.

Комил инсон гоясими миллий истиқбол гоясидан ажратиб бўлмайди. Бошқача айтганда, комил инсоннинг моҳияти, аввало жамиятни баркамол қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларда намоён бўлади.

Комил инсон ва жамият муносабатларида ўзаро боғлиқ бўлган икки жараённи кўриш мумкин. Биринчиси комил инсоннинг жамият тараққиётига ижобий таъсир қилиши. Комил инсон гоясими мавжудлиги ва у билан боғлиқ амалиёт жамият ривожланиш даражасини белгилайдиган мезон сифатида намоён бўлади. Зоро, биз ҳар қандай жамиятни унда яшаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатларига қараб баҳолаймиз. Иккинчиси жамиятнинг характеристери унинг комил инсонни тарбиялаш борасидаги имкониятларида, унга бўлган муносабатида намоён бўлади. Яъни эркинлик, мустақиллик комил инсон гоясими амалга ошириш учун тегишли шарт-шароит яратади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда комил инсонни тарбиялаш учун ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-ташқилий вазифалар давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши этиб белгиланган. Зоро, баркамол авлод келажаги учун қайфурмаган халқ, миллат ва давлатнинг истиқболи бўлмайди.

КОНСЕРВАТИЗМ (лотинча. “conserv”-сақлаб қолмоқ) — ижтимоий ҳаётнинг мавжуд ҳолатини, тартиб ва қоидаларини, эскиликтини сақлаб қолиш ва янгиликка, ўзгаришга қаршилик қилиш. У ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида намоён бўлиши мумкин.

Сиёсий консерватизм мавжуд сиёсий тузумни ўзгартирмай сақлаб қолишга тарафдорликдир. Жамият тараққиётини равишда сиёсий тизимнинг ҳам такомиллашиб, янгиланниб боришини тақозо этади. Шундай экан, мавжуд ҳолатни давр талаби асосида ўзгартиришга қаршилик қилиш ва эскириб қолган усуллардан воз кечга олмаслик тараққиётга тўсқинлик қиласди. Бу нафакат сиёсатда, балки ишлаб чиқариш, фан ва таълим, маданият ва санъатда ҳам қолоқликка олиб келади. Шунинг учун ҳам консерватизм ижтимоий ҳаётга салбий таъсир ўтказувчи ҳолатдир.

Ўзбекистондаги янгиланиш жараёни ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида туб ислоҳотлар консерватизмдан холи бўлишга ундейди. Зоро, ўзгариб, ривожланиб бораётган дунёда давомли ислоҳотлар ва ўзгаришларсиз илфор бўлиш қийин. Кундалик ҳаётимизда баъзи ҳолларда учраши мумкин бўлган консерватизмдан холи бўлиш амалга оширилаётган ишларимизда муваффакият қозониш, янгиликлардан фойдаланиб, янада самарали фаолият юритиш имконини беради.

КОНСТИТУЦИОНАЛИЗМ (лотинча “constituo”-ўрнатиш) — жамият ҳаётини қабул қилинган қоида ва қонунларга қатъий риоя этган ҳолда ташкил этиш ва бошқариш жараёнини ифода этувчи тамоийил.

Конституционализм гояси факат жамиятнинг қонуний-хукуқий асосларига таяниб қолмасдан, балки ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий тамоийилларнинг уйғунлигини ҳам ифодалайди. Бошқача айтганда, давлат тизими, унинг таркибий тузилиши, жамиятдаги умумий қонун-қоида ва талабларнинг иқтисодий ривожланиш жараёнлари, инсонларнинг маънавий камолоти, юксак ахлоқийлиги билан уйғунлашган ҳолда мамлакатнинг Асосий қонуни — Конституцияда акс этиши конституционализм гоясининг моҳиятини намоён қиласди. Бунда жамият аъзоларининг конституционализмни, демократик ўзгартирисларни амалга оширишнинг тарихий заруратини англабгина қолмай, балки уни чинакам эркинлик, мустақиллик ва фаровонлик асоси, деб билишга эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бу гояни амалга ошириш ва унинг самарадорлиги жамият аъзоларининг ҳукуқий маданият даражасига боғлиқ бўлади. Зоро, қабул қилинган қонунлар сони эмас, балки уларнинг ҳеч бир истисносиз ижро этилиши муҳимдир. Шунинг учун ҳам, бир томондан, конституционализм ҳукуқий маданиятнинг намоён бўлиши, иккинчи томондан, ҳукуқий маданият ривожи сифатида майдонга чиқади.

Ҳақиқий конституционализм қонунлар устуворлиги, инсон ҳукуқ ва эркинликлари даражаси, ижтимоий-сиёсий кафолатлар характеристери, уларнинг умуминсоний тамоийилларга мослиги билан белгиланади. Чинакам демократияга интилаётган жамият ўз ҳалқи манфаатларини, уларнинг ор-номуси, қадр-қиммати-

ни, эркинликларини конституционализм фояларига асосан муҳофаза қилишга қодир бўлган тақдирдагина кучли, қудратли бўлган давлатчиликнинг ҳуқуқий асосларини яратади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда конституционализм фоясига асосланган давлат тизимининг демократик таъмйиллари шаклланди. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Бозор муносабатларига ўтиш, эркин демократик жамият қуришнинг ҳозирги босқичида, тараққиётнинг ўзбек моделига мос бўлган қонуний-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш механизmlари вужудга келди.

КОНСТИТУЦИОН БУРЧ — адолатли-ҳуқуқий демократик, давлат ва замонавий жамият қуришнинг ҳамда улар ривожланишининг зарурий шартларидан бири. Барча илгор давлатлар конституцияларида фуқароларнинг бурчларига алоҳида ўрин ажратилган. Мустақил Ўзбекистон ўз Конституциясида фуқароларнинг бурчларини белгилашда халқимизнинг тарихий хусусиятларига, илгор мамлакатлар тажрибасига суннади.

Конституцион бурч - Ўзбекистон Конституцияда белгилаб қўйилган, фуқаролар томонидан бажарилиши шарт бўлган мажбуриятлардир.

Фуқароларнинг конституцион бурчлари қўйидагилардан иборат:

- барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар;

- Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишга мажбурдир;

- фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрасига мажбурдирлар;

- маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир;

- фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар;

- фуқаролар қонун билан белгилangan соликлар ва маҳаллий йигимларни тўлашга мажбурдирлар;

- Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш мамлакат ҳар

бир фуқаросининг муқаддас бурчидир; – фуқаролар, қонунда белгиланган тартибда, ҳарбий ва муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

1992 йилдаги Ўзбекистон Конституциясининг 1978 йилги ва бошқа конституциялардан, бурчлар масаласида, бирмунча фарқлари бор. Масалан, 1978 йилдаги Конституцияда фуқароларнинг асосий ҳуқуклари, эркинликлари ва бурчлари битта бобда берилган. Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг бурчлари алоҳида бобда кўрсатилган.

Конституцион бурчлардан ташқари, ноконституцион бурчлар ҳам бор (масалан, ота-онага ҳурмат, фарзандларга ғамхўрлик, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш ва ҳоказо).

КОНСТИТУЦИЯ (лотинча «constitutio» — тузилиш, тартиб) — давлатнинг асосий қонуни.

Маълумки, ҳар бир давлатда унинг ички ва ташқи ҳётини тартибга солиш ва давлат механизмининг режали ишлаб туришини таъмин этиш учун юзлаб ва минглаб турли қонунлар ҳамда қонуности актлари қабул қилинади. Уларнинг баъзилари иктисадга, баъзилари сиёсатга, батъилари эса маданият ва ҳётининг бошқа соҳаларига тегишли бўлиши мумкин. Буларсиз давлат ўз вазифаларини бажара олмайди. Аммо юзлаб ва минглаб қабул қилинган барча қонунлар ва қонуности актлари давлат ҳётининг жузъий, яъни айrim томонларига бағишланган бўлади. Бу қонунларнинг ҳаммасини бир мақсад, бир гоя ва бир тартибга бўйсундирадиган ягона умумдавлат асосий қонуни керак. Ана шу энг асосий, энг кенг, энг муҳим қонун Конституция дейилади. Яъни, содда қилиб айтганда, Конституция қонунларнинг қонунидир. Шу сабабли Конституция барча бошқа қонунлар, қарорлар, кўрсатмалар ва ечимлардан юкори туради, уларга нисбатан энг олий манбадир. Конституциянинг талаблари ва шартлари фуқаролар, идоралар ва бошқалар томонидан қай даражада инобатга олинаётганлиги, бу талаблар ва шартларга давлатнинг турли тармоқлари ёки ижтимоий ташкилотлар томонидан риоя қилинаётганлигини назорат қилиб бориш маҳсус давлат идораларига топширилади (масалан, Конституциявий суд, Олий суд ва бошқалар).

Конституциялар кишиликтеги жамияти таракқиётининг буюк ютуқларидан биридир. Конституция - давлатдаги тартиб-қоидаларнинг ҳуқуқий асоси. Инсоният ўзининг кўп асрлик тарихий тажрибаси асосида давлатда Конституция бўлиши шарт эканлиги ҳақидаги холосага келди. Конституция йўқ жамиятда маълум даражада ижтимоий тартибсизлик, ҳуқуқий турушунмовчилик, сиёсий бошбошдоқлик ва талафотга кенгрок ўрин қолади. Конституция мустакиллик тенглик, демократия ва инсонпарварлик учун қурашнинг мевасидир.

Конституциялар баъзи давлатларда олдиндан тайёрланниб, ёзилиб, муҳокамадан сўнг қабул қилинади. Баъзи мамлакатларда эса Конституция турли даврларда қабул қилинган қонунларнинг мажмуасидан иборатdir. Ва, ҳаттоқи, расмий қабул қилинган Конституцияси йўқ давлатлар ҳам бор (масалан, Буюк Британия). Улар қонунлар соҳасидаги анъаналарга суюнади. Конституция давлатда тартиб ва қоида учун ҳуқуқий қуролдир. У барча фуқароларга тенглик, барча ижтимоий ташкилотларга уларнинг демократия ва ҳуқуқий давлат қоидалари асосида фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериши керак.

Конституцияда жамиятдаги ижтимоий синфлар ва табакалар ёки сиёсий партиялар ҳамда жамоатчилик ҳаракатларидан бирита ёки бир нечтасига имтиёз бериш мумкин эмас. Конституция мамлакатда ижтимоий тузум ва давлат тузилишининг ҳуқуқий асос ва қоидаларини белгилайди, давлат органлари тизими, унда уларнинг ташкил этилиши ва фаолиятига тегишли умумий қоидалар, сайлов тизими, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва бурчлари акс этади. Конституцияга ўзгариш ва қўшимча киритиш тартиблари ҳар бир давлатда алоҳида белтиланган бўлади. Конституция давлатдаги барқарорлик ва изчилликнинг омилидир.

Тарихда биринчи Конституция 1778 йилда АҚШда қабул қилинган ва ҳозиргача у кучда.

КОНФУЦИЙЛИК (асосчиси милоддан олдинги 551-479 йилларда яшаган хитойлик Кун-фуцзи) — ижтимоий-ахлоқий ғоялари билан машхур бўлган Хитойдаги етакчи фалсафий мактаблардан бири. Конфуцийликда инсон тарбиясида

муроса, сабр-каноат, кечиримлилик, бағрикенглик гоялари мұхым үрин тутишига зътибор қаратылған. Бу таълимотнинг "Шахс ўзи учун шахс әмас, балки жамият учун шахсdir" деган гояси ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган әмас.

Конфуций фалсафий гояларининг ижодий ривожи, унинг муқобил кўриниши бўлған моизм таълимотида ўз ифодасини топган (асосчиси Мо-цзи бўлиб, милоддан олдинги 479-431 йилларда яшаган.). Бу мактаб намояндалари ижтимоий этика муаммоларига алоҳида зътибор бериб, ахлоқий меъёрларнинг бажарилиши учун қаттиққўл ҳокимият лозим, деб хисоблаган. Конфуций ёшлар тарбиясида маънавий камолотнинг ўрнини мутлақлаштиради. Шу билан бирга, у ижтимоий тенглик бўлиши учун жамиятнинг барча аъзолари учун умумий мажбурий меъёrlар, ҳамма учун манфаатли мезонлар зарур деб ҳисоблайди.

Ҳозирги даврда ҳам Ҳитойдаги давлат, жамият қурилишида Конфуций гояларидаң кенг фойдаланилмоқда.

КОСМОПОЛИТИЗМ (грекча "kosmopolites" - дунё фуқароси) -- «жаҳон давлати» тузишни ва «жаҳон фуқаролиги»ни тарғиб қилувчи таълимот. "Ватан — инсоннинг киндиқ қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун баҳш этадиган табарруқ маскандир. У аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан — ота-боболаримизнинг ҳоки поклари жо бўлған, вақти-соати етиб ҳар биримиз бош кўядиган муқаддас заминдир".

Космополитизм жаҳон миқёсида ахборот айирбошлиш имкониятлари ошиб бораётган ҳозирги даврда "Ватан" тушунчаси нисбий характерга эга эканини рўкач қиласиди. Бу оқим жамият тараққиётининг дастлабки, инсон ижтимоий-оилавий мухитдан ташкарида яшаши мумкин бўлмаган давларидан "Ватан" тушунчаси муайян аҳамиятта эга бўлмаган, деб уқтиради. Унингча, бугунги кунда айрим инсонларнинг Ватанга боғланиб қолиши шахс эркинликларининг чекланишига олиб келмоқда эмиш. Айни пайтда, космополитик қарашлар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий муносабатларнинг глобаллашув жараёни Ватан туйғусини глобал миқёсда тасаввур қилиш имкониятларини беради, деган назарияга ҳам асосланишини таъкидлаш зарур.

Хақиқатда эса Сахрои Қабирда яшаётган бадавийлар ҳам, экологик вазияти ниҳоятда оғир ҳудудларда яшаётган кишилар ҳам, миллатидан қатъи назар, паспортига «америкалик» деб ёзилган кишилар ҳам ўзлари яшаётган табиий-ижтимоий муҳит - Ватан туйфусига эга бўлган, унинг дахлсизлигини муқаддас билган бизнинг замондошларимиздир: Айтиш мумкини, Ватан туйфуси - инсон маънавий камолотининг энг муҳим мезони бўлиб ҳисобланади. Ватанга муҳаббат инсон маънавиятини шакллантирувчи омиллардандир. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйфуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чукур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади”.

КУБРОВИЙЛИК — ўрта асрлардаги сўфиийлик тариқатларидан бири. Унга ҳалқ ичидан Нажмиддин Кубро номи билан машҳур бўлган Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Хивақий ал-Хоразмий (1145-1221) асос солган. Буюк аждодимиз шариат ва тариқат илмининг донишманди бўлгани учун «Кубро» (улугларнинг улуғи), «Нажмиддин» (диннинг юлдузи) лақабларини, муридлар тарбиялашдаги маҳорати учун эса «Шайхи валита-рош» (вакильларни вояга етказувчи) унвонини олган. Асосан Ўрта Осиёда тарқалган кубровия тариқатини қабул қилган суфийлар ўртасида овоз чиқармай зикр қилиш амалда бўлган.

Нажмиддин Кубро инсон заковати ва ақлий-хиссий қобилиятига юксак баҳо берган. “Валоят (валийлик) одам боласига азалдан насибадир, чунки одам Парвардигорнинг суйган махлуқи, у одамга ақл, ички нур берган, уни барча мавжудотдан афзал қилиб яратган” каби фикрлар Нажмиддин Кубро қарашларининг асосини ташкил этади.

Шайх Нажмиддин Кубро хонақоҳда мурид тарбиялашнинг ўзига хос усуларини ишлаб чиқади, тариқат манзилларини босиб ўтиш ва покланиб маърифатга эришиш учун ўнта шартни бажариш лозим эканини асослаб беради. “Рисолат уттуруқ” (Тариқатлар рисоласи) ва “Ал-усул ал-ашара” (Ўнта усул) каби китобларида суфийлар тарбиясида қуйидаги ўнта талабнинг муҳимлиги қайд этилади: тавба, зухд, таваккул, қаноат, узлат, зикр, таважжух, сабр, муроқаба, ризо.

Тавба — амалларнинг боши. Ўз гуноҳларини англаб, Аллоҳ таоло олдида тавба қилган ва бундан кейинги ҳаётини фақат илоҳий эзгуликка багишлашга аҳд қилган одамгина тариқатта кира олади.

Зуҳд — тақво, парҳез демак. Тавба қилган киши ҳаромдан ҳазар қилиб, ҳалолликка юз тутиши, Аллоҳдан қўрқиб, у маън этган ишларни қилмаслиги лозим.

Таваккул — ўз амаллари, фикри ва ишларида ёлғиз Аллоҳга суюниш демак. Ризқни Аллоҳ белгилайди ва инсон амаллари ҳам Аллоҳ иродаси доирасида бўлиши керак. Чунки яхшилик ва ёмонлик, тўқлик ва очлик, бойлик ва камбағаллик ҳам Аллоҳ томонидандир.

Қаноат — камолотнинг энг мақбул йўли ҳисобланади. Модомики, инсон фаришта билан ҳайвон ўртасида турувчи махлук экан, унда жисм ва руҳ кураши мавжуд бўлиб, камолот ана шу жисм талабларини енга олиш ва руҳ талабларини кўпайтириш билан қўлга киритилади.

Узлат — инсон руҳи ажралиш ва ёлғизланиш босқичларини босиб ўтмаса, мутлақ покланмайди. Узлат сўфийларнинг чилла ўтиришлари, хилватлари билан амалга оширилган.

Таважжух — ўз-ўзи билан кураш. Зоҳид ҳамма вақт Яратганга юзланиб, ундан мадад сўраб, унга томон интилмоғи керак.

Сабр — зоҳиднинг эътиқоди, ниятини синаш. Ҳақ йўли оғир ва мушкул йўл. Унинг азобу уқубатларига сабр қилган кишиларгина мақсадга эришади.

Муроқаба — кузатиш, тафаккур-шуурга берилиш демакдир. Тавба-тазарру, зикру тоат, сабру садоқат билан ўз маърифатини ошириб борган зоҳид, бора-бора осойишта бир ҳолга келади. Руҳи тўлишиб, тасаввури кенгаяди, унга гайб асрори эшиклари очилади.

Зикр — сўфий одам ҳар дамда, ҳар доим Аллоҳнинг исмларини тилидан қўймаслиги лозим. Калималарни, дуоларни мунтазам такрорлаб туриши билан қалбига Аллоҳ таоло сифатлари жойланади.

Ризо — сўфий Аллоҳ қудрати, илмини чуқур ҳис қилгани ҳолда, ўзини буткул унинг иродасига топширади ва Аллоҳ олами билан ҳузурлана бошлайди. Ҳақ унга ва у Ҳакка яқинлашади.

Умуман олганда, кубровийликни одамларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашга йўналтирилган назария ва амалиётнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳолаш мумкин.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН - КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ -
Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти барпо этипининг Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган концепцияси. У давлатчилик борасидаги тараққиёт йўлимизни ҳам акс эттиради.

Ўзбекистон ўз мустакил давлатчилигини қўлга киритганидан сўнг жаҳон цивилизациясининг тарихий тажрибаларига асосланган ва республиканизмнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олгани ҳолда, одил, демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни стратегик вазифа қилиб белгилади. Ушбу вазифани амалга оширишда кучли давлатдан - кучли жамият сари бориш концепцияси амалий харакат дастури бўлиб хизмат қилмоқда.

Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларининг нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ортиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши кучли жамият асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш жараёнида жамияtnи бошқариш борасидаги вазифа (функция)лар икки йўналишда қайта тақсимлаб борилади. Биринчиси, давлат марказий идораларининг айrim ҳуқуқ ва вазифалари маҳаллий ҳокимиятларга ўtkaziladi. Маҳаллий ҳокимият идоралари ҳуқуқ ва вазифаларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига ўtkaziladi. Иккинчиси, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва масъулиятини ошириш, давлат ваколатларининг бир қисмини улар зиммасига ўtkaziш.

Мамлакатимизда бошқарув, жамоатчилик билан алоқадор вазифаларни ўз зиммасига оладиган бир қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлар, турли фондлар вужудга келди ҳамда улар жамият ҳаётида муҳим ўрин тутмокда. Айниқса, маҳаллий ўз-ўзини бошқарипнинг милллий модели бўлган ма-

ҳалланинг фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдаги ахамияти бекиёсdir. Республикамизда жамоат ташкилотларининг кўпайиши, уларнинг кундалик ҳаётимиздаги ахамияти ортаётгани фуқаролик жамияти асослари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

КЎППАРТИЯВИЙЛИК — 1) жамиятда бир неча сиёсий партиянинг мавжудлиги; 2) жамиятнинг эркинлиги, демократлашуви ва сиёсий хилма-хиллик даражасининг муҳим кўрсаткичи. Мазкур тамойил жамиятда турли партияларнинг эркин фаолияти учун ижтимоий ҳуқуқий шарт-шароит яратишни кўзда тутади. Бундай шароитда партиялар ўз дастур ва сиёсатларини Конституция асосида амалга ошириш имкониятига эга бўлади. Бу борада жаҳондаги илфор мамлакатларнинг тажрибаси катта аҳамиятга эга. Жамиятнинг пеш-қадам ва фаол аъзоларидан ташкил топган сиёсий партиялар ушбу мамлакатлар ҳаётида ўзига хос ва салмоқли ўрин тутади. Бу уларнинг жамиятни эркинлаштириш, сиёсий плюрализм мухитини шакллантиришдаги фаолиятида яққол кўзга ташланиб туради. Кўппартиявийлик тоталитар давлатлар учун ёт бўлса, демократик жамият ҳаёт тарзининг ажralmas таркибий қисмидир. Муайян мамлакатдаги сиёсий эркинлик ва инсон ҳуқуқлари таъминланганлиги даражаси ҳам ана шу тамойилга нисбатан аниқланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, кўппартиявийлик тамойилини амалга ошириш учун имконият яратилди.

Ўзбекистон Конституциясида ва Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Конунида кўппартиявийликнинг ҳуқуқий асослари ўз аксини топган. Мамлакатимизда мавжуд бўлган Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Адолат социал-демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси ва Миллий тикланиш партиялари ана шу асосда фаолият юритади.

ЛИБЕРАЛИЗМ (лотинча “liberalis” - эркинлик) — ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркинлик устувор бўлишини, жамиятнинг эволюцион ривожланиш йўлини эътироф этувчи ва асословчи назария, амалиёт, ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий оқим.

Либерализм гояси, ўзининг маъно-моҳиятига кўра, муроса фалсафаси бўлиб, волюнтаризм, субъективизм, догматизм, радикализм ва абсолютизмнинг ҳар қандай қўринишларини рад қиласди. Шахс манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, умумисоний ахлоқий қадриятлар ва миллий маънавий асосларга таяниш, гоялар эркинлиги таъмойилларининг тарихий тараққиётга мос ўзгариши, ижтимоий-сиёсий тизимда кескин зиддиятга бормаслик либерализма хос ҳусусиятлардир. Либерализм учун бир хил андозадаги, қатъий белгилаб қўйилган ахлоқий меъёр ва қонун-қоидалар мавжуд эмас. Шунинг учун либерализм гояси жамиятсиёсий тизимини динамик ўзгартиришни зўравонликсиз амалга оширадиган куч ва имкониятларни топишга интилиш билан характерланади. Либерализмнинг асосий тамоили - ҳуқуқлар, имтиёзлар, имкониятлар тенглиги шароитида ҳаётнинг барча соҳаларидаги эркинликни таъминлашdir. Либерализмдаги эркинлик рақобатлашаётган гояларнинг барчасига ривожланиш учун имконият яратади. Демак, либерализм, бир томондан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигига, иккинчи томондан, жамиятнинг маънавий-ахлоқий меъёр ва қадриятларига асосланиши билан ўзининг умумисоний мояхиятини намоён қиласди.

Жамият ривожланиши билан либерализм гоялари ҳам ўзгариб бормоқда, уларнинг мақсад ва вазифаларида ички бирлик вужудга келаётir. Улар ҳозирги даврда неолиберализм шаклида намоён бўлмоқда. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигига дунёning қарама-қарши тизимларга бўлиниш жараёнининг барҳам топиши билан либерализм гояларида ҳам ўзига хос йўналишлар пайдо бўлди. Жумладан, Ўзбекистонда эркин демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши либерализм гояларининг янги тамоиллар билан бойиганини кўрсатмоқда. Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг машҳур беш тамоилининг ҳаётга жорий этилиши Ўзбекистондаги либерализм гояларининг миллий ҳусусиятларини намоён қиласди.

Замонавий либерализм инқилобий ўзгаришлардан, сиёсий қарашлардаги радикализмдан воз кечиши, муқобил гояларнинг мавқеини эътироф этиши ва ҳурмат қилиш, халқаро му-

носабатларда сиёсий плюрализм тамойилларига амал қилиш, сайлов тизимини демократик тамойиллар асосида ташкил этиш, турли шаклдаги хокимият тармоқлари фаолияти мустақиллигини таъминлаш, ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ишининг фуқаролар томонидан назорат қилинишига эришиш каби мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади.

Узбекистонда бозор муносабатларига ўтиш даврида бу вазифаларнинг изчил амалга оширилишида либерализм ўзининг ижобий, ҳаётий мазмунини намоён қилмоқда. Чунки ғоялар эркинлиги, ижтимоий-сиёсий ҳаёт эркинлигининг асосидир.

МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАР — 1) театрлар, музейлар, кинотеатрлар, кутубхоналар, клублар, маданият уйлари ва саройлари каби ташкилотларни қамраб олувчи тизим; 2) миллий истиқлол ғоясини одамлар қалби ва онгига сингдиришнинг муҳим воситаси. Маданий-маърифий муассасалар фаолиятидан кенг фойдаланиш, кишилар дунёқарашини юксалтириш, одамларга рухий, маънавий озик берадиган тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш бу соҳада фаолият кўрсатаётган ташкилот, муассаса ва ходимларнинг долзарб вазифасидир.

Айни пайтда, маданий-маърифий муассасаларда ўтказиладиган анжуманлар, кундан-кунга оммавийлашиб бораётган давра сұхбатлари, баҳс-мунозаралар, юртимизнинг машҳур кишилари - ёзувчи, шоир, олимлари билан учрашувлар истиқлол мағкурасининг мазмун-моҳиятини жамиятимиз ҳар бир аъзосига тушунарли тарзда асослаб беришда катта аҳамиятга моликдир.

Маданий-маърифий масканларнинг аҳоли, аввало, ёшларимизни ҳаётга муҳаббат руҳида тарбиялашдаги ўрни нихоятда бекиёс. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маданият ва санъат муассасаларига эътибор кучаймоқда. Бу муассасалар фаолиятини янада кучайтириш, ғоявийбадиий саёз, қадриятларимизга ёт бўлган асарларни саҳнага олиб чиқмаслик ҳам жуда зарур иш ҳисобланади.

МАТЕРИАЛИЗМ (лотинча “materialis” – моддий) — борлик, олам, табиат, жамият ва одамнинг мавжудлиги, яшаш ва

ривожланиш хусусиятларини талқин қилишда модда (материя) ва унинг хоссаларини устувор деб билишга асосланган фалсафий йўналиш. Антик даврда кишиларнинг ташқи оламни объектив мавжудлигига стихияли ишониши тарзида пайдо бўлган материализм, кейинчалик илмий-фалсафий тараққиёт давомида, муайян дунёқараш сифатида шаклланди. Материализм тарафдорлари бўлган файласуфлар таълимоти асосини моддийликнинг бирламчилиги ва руҳийликнинг иккиламчилиги ҳақидаги роя ташкил қиласди. Материализмни ҳам яхлит таълимот деб бўлмайди. Табиатни тушунишда материалист, жамият ёки руҳиятни тушунишда идеалист бўлган файласуфлар ҳам бор.

Онгни ва, умуман, маънавийликни материянинг маҳсулни деб қарар экан, материализм уларни ташқи оламнинг инъикоси деб баҳолайди. Бу эса, ўз навбатида, идеалистик йўналишдаги таълимотларнинг аҳамиятини пасайтириш анъаналари пайдо бўлишига олиб келди. Айниқса, марксизм таълимотида фалсафанинг партиявийлиги рояси асосида материализм илғор, тараққийпарвар кучларнинг дунёқарashi, идеализм эса реакцион кучларнинг мағкурасидир, деган тушунча устуворлик қилди. Совет даври фалсафасида эса бундай нуқтаи назар мутлақ ҳақиқат даражасига кўтарилиди. Кўп минг йиллик жаҳон фалсафа тарихи тараққийпарвар материализм ва реакцион идеализм кураши тарихи деб кўрсатилди. Бу эса фалсафа тарихини сиёсийлаштириш ва илмий жиҳатдан соҳталаштиришга олиб келди.

Аслида материализмга баҳо беришда иккита жиҳатни бирбиридан ажратиш керак. Бир томондан, табиат, жамият ва инсон тараққиётида моддий омилларни асос қилиб оловчи фалсафий материализм турли фан ютуқларини умумлаштириш, илмий билимлар ўсишига, илмий методларнинг такомиллашувига бир қадар кўмаклашди. Бу ҳол, ўз навбатида, ўрта асрларда фан ва техниканинг ривожланишига муайян таъсир кўрсатди. Иккинчи томондан, материализм томонидан идеалистик қарашларнинг мутлақ инкор қилиниши фалсафа ривожига ўта салбий таъсир қилди. Шарқ, шу жумладан, Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг фалсафий таълимотлари камситилди. Материя бирламчи, онг иккиламчи, яъни унинг пассив инъикоси деб қараш кишилар ақли, та-

факкури ва маънавий омилларнинг жамият таракқиётидаги ўрни ва аҳамияти камситилишига олиб келди.

Холбуки, материализм ва идеализм бир-бирини бутунлай инкор этувчи таълимотлар эмас. Фалсафада бу икки оқимнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар доирасида ривожланган фалсафий тафаккур натижалари бир-бирини тақозо қиласи, табиат ва жамиятдаги моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзига хослиги, бирлиги ва боғлиқлигини тўлароқ билишга имкон беради.

МАЪНАВИЯТ (арабча - маънолар мажмуи) — кишиларнинг фалсафий ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Шу нуқтаи назардан қараганда, И.А. Каримовнинг «Маънавият ҳақида гап кетар экан, мен, аввало, инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний кучни тасаввур қиласман», - деган фикрлари диққатга сазовордир.

Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшишга ақл, идрок ва заковатини кенгайтириб, мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Маънавият ва маънавий бойликлар, қадриятлар, давлат, миллат, шахснинг бебаҳо хазинаси ва таракқиёт манбаидир.

Ҳар бир миллатнинг ўз маънавиятини чуқур англаши, онгининг таркибий қисмига айлантириши миллатнинг бўлган ишончини мустаҳкамлайди, эътиқод ва қадр хиссини бойитади. Шунинг учун ҳам истибодод даврида ҳукмрон мағкура доирасида миллий маънавиятга эътибор берилмади, тўғрироғи, у ҳар жиҳатдан камситилди. Оқибатда, ўзбек ҳалқи ўз маънавий меросининг кўпгина қатламларини ўрганишдан маҳрум бўлди.

Мустақиллик туфайли ўзбек ҳалқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан ҳалқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Маънавиятимизнинг қадимийлигини, мазмунан чуқурлиги ва ранг-баранглиги, бугунги кундаги салоҳияти чексиз эканини тўла равишда кўрсатмоқ учун «Авесто»дан бошлаб, Форобий, Навоий, Бобур, Фурқат, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон ва Авлоний орқали то ҳозирги кунгача бўлган яхлит манзараси яратилмоқда.

Мустакиллик айни пайтда маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ҳис-туйфулар, гуурни, ватанпарварликни ўстириш ва мустаҳкамлашга ҳам йўл очганини таъкидлаш зарур. Мустакил Ўзбекистоннинг тараққиёти жамият аъзоларининг, ҳар бир шахс ва айниқса, ёшларнинг маънавий камолоти, истиқлол ғояларининг кишилар онгига, кундалик хаётига чуқурроқ сингишига боғлиқдир.

Келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишда фаол қатнашаётган ҳар бир фуқаро ўз мамлакати, халқи, миллатининг ажралмас бўллаги эканини англаши — миллий маънавият ва онгнинг таркибий қисмидир.

Илғор миллат ва ривожланган давлат бўлишнинг зарурый шартларидан бири - бой маънавиятта эга бўлишdir. Шу сабабдан Президент И.А. Каримов: «Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-кудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди», деб таъкидлайди. Шундай экан, маънавият ва маърифатни кўтариш, тарғиб қилиш, бойитиш, ҳар бир фуқаронинг юксак маънавий даражасини таъмин этиш энг долзарб масалалардан биридир.

МАФКУРА (арабча - фикрлар мажмуи) — муайян ижтимоий гурӯҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиси, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади.

Инсоният тарихида турли-туман мафкуралар мавжуд бўлган. Тури ҳалқлар ва ижтимоий кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафаккир ва арбоблари, ўзларининг манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб, мафкуравий таълимот ва дастурлар ишлаб чиқканлар. Мафкуралар муайян диний, фалсафий таълимот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. Мафкуралар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра жамиятни бирлаштириши ёки уни бирбирига қарама-қарши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушириши, ҳалқларни юксакликка кўтариши ёки таназзула дучор эти-

ши мумкин. Юксак мақсадлар, бунёдкор ғояларга асосланган мафкуралар ижтимоий-иктисодий тараққиётта турткы бўлади, маънавиятни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиласидиган мафкуралар бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади.

Вайронкор ғоялар асосида шаклланган мафкуралар эса жамият тараққиётига гов бўлади, миллат ва халқларни асотратга солади. Бундай мафкуралар, ўз мазмун-моҳиятига кўра, ҳукмрон, мустабид, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик шаклларида намоён бўлади.

Собиқ Иттифок даврида мафкурага умуминсоний қараш шаклланмаган, бунга йўл қўйилмаган эди. Унга тўғри ва холисона баҳо бериш имкони мустақиллик туфайли очилди. Президентимизнинг «Тафаккур» журнали Бош муҳаррири ва “Фидокорлар” газетаси муҳбири саволларига берган жавобларида мафкурага чуқур илмий таъриф берилган.

МАФКУРА ЭВОЛЮЦИЯСИ — муайян мақсад ва манфаатларни ифода этувчи ғоявий-назарий қарашлар тизими ning вужудга келиши, ривожланиш ва интихога етиш жараёнини ифодаловчи тушунча. Ҳар қандай мафкура жамиятда янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучларнинг талаб-эҳтиёjlари ва мақсад-муддаоларини ифода этувчи янги ғоявий тизим сифатида вужудга келади. Мазкур миллат ёки ҳаракатнинг етакчи кучлари, сиёсий арбоблари, идеологлари ижтимоий онгдаги орзу-интилиш ва руҳиятдаги ҳис-туйғуларни бир тизимга соладиган таълимот ҳамда дастурлар яратадилар. Ғоявий тарбия воситалари ва фаоллари орқали бу ғоялар онг ҳамда руҳиятга сингдирилади. Бу ғоялар кўпчилик онгини эгаллагач, уларни ҳаракатга келтириб, мақсад сари етаклайдиган кучга айланади.

Мафкура вақти келиб, ўз соҳиблари тарих майдонидан тушса-да, лекин мафкуравий мерос сифатида янги даврда ҳам ўз таъсирини сақлаб қолиши мумкин. Бу нафақат эзгуликка хизмат қиласидиган, балки ўз моҳиятига кўра, файриинсоний бўлган мафкура шаклларига ҳам тегишлидир.

МАФКУРА ЯККАХОКИМЛИГИ — муайян бир давлат, жамият ёки ижтимоий гурух давлатларда ягона мафкуранинг тўла хукмронлигини унга хос тамойилларнинг ўзгармас ақидалар тарзида жамият ҳаётида қатъий ва мутлақ тартибда ўрнатилишини ифодалайдиган тушунча.

Мафкура яккахокимлигининг моҳияти шундаки, бунда бирон-бир мафкуравий тизим жамиятдаги барча қатламлар манфаатларини ифода этувчи ягона илмий, энг адолатли мафкура деб эълон қилинади. Ўзининг моҳияти ёки бирон-бир жихати билан ундан фарқ қилувчи ғоя ва қарашлар, мафкураларга эса ёт ва душман мафкуралари сифатида қаралади. Оқибатда миллионлаб кишиларда мутелик, лоқайдлик, бокимандалик, махдудлик, ўзга гояларга ҳадиксираб қараш руҳияти шаклланади, жамиятнинг маънавий ривожига, илм-фан равнақига жиддий зарап етказилади.

Тарихий тажриба шундан далолат берадики, «...яккахокимликка интилган, мутлақ хақиқатни даъво қиласидиган мафкуранинг истиқболи йўқ. Чунки у яккахукмронлик ўрнатиш баробарида, ўзини бойитиб борадиган манба - фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллигидан узилиб қолади. Собиқ Иттифоқ даврида етмиш йилдан зиёд яккахукмронлик қилган коммунистик мафкуранинг таназзули бунинг яққол исботидир».

Тарихда яккахукмронликка интилувчи мафкураларнинг энг кўп тарқалган шакли ақидапарастликдир. Бундай мафкуралар Осиё ва Европа давлатлари тарихида муайян даврларда хукмронлик қилган. Ўрта асрларда Фарбдаги ақидапарастлик мафкураси (инквизиция) ҳурфиқлилик ривожига, жамият тараққиётига тўсқинлик қилди. Юзлаб алломалар, ақлзаковат соҳиблари унинг қурбонига айланди. Бундай салбий анъана коммунистик мафкура хукмронлиги даврида ҳам давом эттирилди, кўплаб моддий ва маънавий йўқотишларга сабаб бўлди. Фарбда юзага келган фан ва техниканинг янги ютуқлари кўр-кўrona инкор этилди, генетика ва кибернетика, политология, конфликтология, аксиология каби фанлар “реакцион” ва “сохта” деб эълон қилинди. Психология, социология, культурология, семиотика, бионика, информатика назарияси, эргономика каби фан соҳалари етарли даражада

ривожлана олмади. Аксарият миллий қадриятлар, урф-одат, аңъаналар эскилик сарқити деб эълон қилинди. Натижада кўплаб маданият дурдоналари изсиз йўқолиб кетди. XX асрнинг 30-йилларида Италия ва Германияда фашизм ҳам ана шундай ҳукмрон мафкура даражасини эгаллаган эди. Унинг оқибатида дунёдаги миллионлаб инсонларнинг бошига чексиз кулфатлар ёғилди.

Миллий истиқлол ғояси мамлакатимизда бирон-бир мафкуранинг мутлақлашуви, яккаҳоким ақидага айланишига йўл қўймайди. У фикрлар ранг-баранглигига асосланади, ижтимоий ҳаёт, сиёсий ташкилот, мафкураларнинг хилма-хиллигига таянган ҳолда, жамиятнинг самарали ривожланишини таъминлашга хизмат қиласди.

МАФКУРАВИЙ БЕҚАРОРЛИК — кишилик жамиятига хос муайян ҳусусиятлардан бири бўлиб, у мафкуравий соҳадаги тамойилларнинг қарор топмагани, доимий ва муқим бўлмагани каби маъноларни англатади. Бу тушунча гоҳида ижтимоий ҳаётда мафкураларнинг алманиб туриши жараёнини изоҳлаш учун ҳам қўлланилади. Мафкуравий бекарорлик муайян бир ҳудудда давлат тизими ўзгарадиган, умуман, бирон-бир ижтимоий-иктисодий тузумдан бошқасига ўтиш даврида юзага келади. Шу нуқтаи назардан олганда, мафкуравий бекарорликни муайян тарихий шароитда юзага келадиган ғоявий ўзгарувчан ҳолат, деб ҳам аташ мумкин.

Жамиятнинг янгиланиш босқичларида одатда эски тизим, эски турмуш тарзи билан биргаликда ўша тизим мафкураси ҳам юз тубан бўлади, бундай ҳол маълум даражада мафкуравий бўшлиқни юзага келтиради. Мафкуравий бўшлиқ ва мафкуравий бекарорлик ҳамоҳанг, чунки бундай пайтда вазиятдан фойдаланиш илинжида турли гаразли мақсадларни кўзлаган мафкуралар ҳам бош кўтаради. Агарда ана шундай ҳолатда эҳтиётсизликка йўл қўйилса, жамият ҳалокат ёқасига келиб қолиши мумкин. Том маънодаги мафкуравий бекарорлик ана шунда пайдо бўлади. Юзага чиққан турли бегона, ёт мафкуралар билан янгидан шаклланаётган миллий мафкура ўртасида мурросасиз кураш боради. Бу кураш томонларнинг ўзаро вақтинчада

лик муваффакиятлари тарзидан кечиши мумкин. Бундай бекарлик ижтимоий ҳаётта жуда катта салбий таъсир кўрсатади.

МАФКУРАВИЙ ВАЗИЯТ — муйян минтақа ёхуд мамлакат ҳаётида мафкураларнинг ўрни ва мавқеи, улар ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ жараён ва шарт-шароитлар мажмуи. Масалан, XX асрнинг 90-йилларига келиб, жаҳонда социализм лагери барҳам топди. Дунё сиёсий харитасида ўзларининг мустақил тараққиёт йўлини белгилаб олган ўнлаб суврен давлатлар пайдо бўлди. Айни пайтда, социалистик ғоялар ҳукмрон бўлиб келган ҳудудни мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш билан боғлиқ вазият юзага келди. Бу вазият буюк давлатчилик шовинизми, диний экстремизм, тажовузкор миллатчилик каби мафкуравий таҳдидларда намоён бўлмоқда.

Бундай вазиятда факатгина кучли, ҳалқ иродасини ўзида акс эттирган ғояларгина мамлакатни, жамиятни ёт ғоялар таъсиридан, мафкуравий тазииклардан муҳофаза қила олади. Мафкуравий вазият ўз характеристири, ҳаракатлантирувчи кучлари ва юзага келиш сабабларига кўра қулай ёки ижобий, нокулай ёки салбий тусга эга бўлади.

Агар мамлакатда миллийлик руҳи билан сугорилган, ҳалқнинг эзгу-мақсадларини ўзида акс эттирадиган, жамиятнинг турли қатламларини бир мақсад томон йўналтирадиган ғоялар ҳукмронлик қилса, у ҳолда бундай мамлакатда қулай ёки ижобий мафкуравий вазият вужудга келган ҳисобланади.

Турли хил мафкуралар мавжуд бўлса-да, улар жамиятни ягона умуммиллий мақсадга йўналтирмаса, ҳалқ бегона ғоя ва мафкуралар тазиикидан холи бўлмаса, бу мафкуралар кишиларнинг орзу-истакларини юзаки акс эттираса, у ҳолда мамлакатда нокулай, салбий, таъбир жоиз бўлса, хатарли мафкуравий вазият вужудга келади. Бундай ҳолатда мамлакат парокандаликка учраб, жамият ўз тараққиёт йўлини йўқотиши ва боши берк кўчага кириб қолиши мумкин.

Ёш мустақил давлатлар учун мафкуравий вазият масаласи жуда катта аҳамиятга эга. Чунки бундай давлатларнинг келажаги, тараққиёт йўли ана шундай мафкуравий вазиятнинг қандайлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунингдек, мафкуравий вазият жамиятда янги мафкуранинг шаклланиши, ривожланиши ва

халқ онгига сингдирилиши борасида амалга оширилаётган ишларни, муайян ҳудуд ёки минтақадаги хилма-хил мағкураларнинг ҳукмронлик учун бўлган ўзаро курашларини ҳам англатишини унутмаслик зарур. Айни пайтда, мағкуравий вазият янги, шаклланаётган мағкура билан ўз "вазифа"сини бажариб бўлган ёки адо эта олмаган мағкура ёхуд унинг қолдиклари ўртасида муросасиз кураш боришини ҳам ифодалайди.

МАҒКУРАВИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ — ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча минтақалари тортилганлигини, мағкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча. Инсоният тарихининг ҳозирги босқичи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий ҳаётнинг барча соҳаларида халқаро муносабатларнинг интеграциялашуви ва интенсивлашуви билан характерланади. Хусусан, алоқа воситаларининг ривожланиши, уларнинг компьютерлаштирилиши, электрон почта, интернет, космик теле-радио алоқа тизимлари техник-технологик воситаларининг кучайиб кетиши билан ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда.

Мағкуравий глобаллашув жараён бир-биридан тубдан фарқ қиласидиган икки йўналиш ва анъанада намоён бўлмоқда. Биринчидан, инсоният цивилизацияси тарихида эришилган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналмилаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кечмоқда. Иккинчидан, миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги бекарорлик, улар манфаатларидағи ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ходисаларнинг мағкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ҳодисаларида намоён бўлмоқда. Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар

тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмокда. Натижада одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиласидиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишида сезиб яшамокда.

Бу жараённинг энг муҳим хусусиятларидан бири турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш мақсадининг ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан чирманиб кетганидир. Мафкуравий глобаллашув савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиласидиган «санъат асарлари»нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Ғоявий-мафкуравий тазиик ва тажовузларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриши зарур бўлиб қолмоқда. Ана шундай тадбирлар изчил амалга оширилганда мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви ғоявий қарашлардаги муайян фарқлардан қатъи назар, умуминсоний қадриятлар, тинчлик гояларига содикликнинг камол тошишига шароит яратади, умуминсоний цивилизация тараққиётининг муҳим омилига айланади.

МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ (лотинча “immunitatis” – бирор нарсадан озод этиш) — шахс, ижтимоий гурух, миллат, жамиятни турли заарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим.

Иммунитет тиббий тушунча бўлиб, у организмнинг доимий ички муайянлигини сақлашга, турли ташқи таъсирлардан, инфекциялардан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмууни ифодалайди. Соддароқ қилиб айтганда, иммунитет - организмнинг ўз-ўзини турли касалликлардан ҳимоя қила олиш қобилиятидир.

Мафкуравий иммунитетнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуидагиларни ажратиш мумкин. Биринчидан, инсоннинг умумий иммунитет тизими туфма бўлса, мафкуравий иммунитет шакллантириб борилади. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун алоҳида хусусиятга эга бўлади. Учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина жамиятда мафкуравий дахлсизлик таъминланади.

Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи элементи билимдир. Аммо билимларнинг ҳам тури кўп. Масалан, буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси тарафдорлари ҳам муайян «билим»ларга таянадилар. Шундай экан, мафкуравий иммунитет тизимидағи билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятининг бойиши, халқ ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Улар ўз моҳият эътиборига кўра, Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлик бўймоги керак.

Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий элементи ана шундай илғор билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, қадриятлар тизимидағи. Зоро, билимлар қанчалик объектив ва чукур бўлса, унинг замирида юзага келган баҳолар, қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва заарли ғоялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қиласди.

Аммо билимлар ва қадриятлар тизимининг ўзи мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зоро, бу икки элемент мафкуравий иммунитетнинг учинчи мухим элементи, яъни ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими билан боғлик. Бундай аниқ мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат ёки жамият, гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазиикларга бардош бериши амримаҳол.

МАФКУРАВИЙ МАРКАЗЛАР — муайян ғояни илгари сурувчи, тарғибот ва ташвиқотнинг турли усул ва воситалари орқали одамлар онги, руҳиятига таъсир этувчи кишилар уюшмаси, ташкилот ёки муассасалар. Ўзининг характеристи, мақсадига қараб маълум партия, гурӯҳ, кишилар уюшмаси ёки давлат мафкуравий марказ ядросини ташкил этиши мумкин.

Мафкуравий марказ ўз ҳаракат дастури, мафкурани тартиб қилиш восита ва усулларига эга бўлиб, унда муайян ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш, маънавий руҳий рағбатлантириш, ғоявий тарбиялаш, мафкуравий иммунитетни сақлаш кабилар мухим ўрин тутади.

Мафкуравий марказлар ўз фаолиятини яширин ва ошкора йўл билан амалга оширади. Жаҳон тажрибасидан шу нарса маълумки, айрим мафкуравий марказлар, масалан, фашизм ўз мақсадини ошкора эълон қилиб, зўравонлик йўли билан сингдирган. Мафкурани яширин йўл билан тарғиб қилишда вайрон қилувчи ғоя ўзининг сохта жозибаси, алдов ва макр билан омма онгини захарлаб жамиятда хукмрон мавқени эгаллаб олишига алоҳида эътибор берилган.

Бугунги кунда уларга қарши соғлом мафкурани тарғиб қилишда таълим-тарбия даргоҳлари, илмий, маданий-маърифий муассасалар, маҳалла, оила, турли жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари фаолияти мухим ўрин тутади. Бу соҳада фан ва илмий муассасаларнинг аҳамияти катта бўлиб, улар аҳолининг ижтимоий-руҳий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мафкуравий тарбиянинг самарали йўлларини тадқиқ этиш, турли мафкуравий таҳдидлар ва хавф-хатарларнинг олдини олишнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чикиш билан шуғулланади. Шунингдек, жамоатчилик фикри, аҳоли турли қатламларининг руҳияти, интилишлари, қизиқишлари, қарашларини социологик тадқиқотлар, анкета сўров усуллари орқали ўрганиш ва таҳлил қилиб бориш ҳам турли заарли ғояларни тарқатадиган мафкуравий марказларга қарши курашдаги мухим воситалардан биридир.

МАФКУРАВИЙ МАҚСАД — ижтимоий қатлам, сиёсий гурух, миллат, жамият манфаатлари, орзу-интилишлари ва хоҳиши-иродасини ифода этувчи тушунча.

Мазмун-моҳиятига кўра, эзгу ниятларни ўзида акс эттирадиган, халқ томонидан эътироф этиладиган, қўллаб-куватланадиган ижобий ва гарразли ниятларни ифодалайдиган салбий, шаклига кўра ички ҳамда ташқи ёки геосиёсий мафкуравий мақсадларни фарқлаш лозим.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсади озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Халқ оммасини миллий ғоя атрофида бирлаштириш, кишиларни маънавий-руҳий жихатдан улуғвор ишларга тайёрлаш ва сафарбар этишдан иборат. Пировард натижага

га эришишнинг йўллари, восита ва усуллари ҳам ушбу мақсаддан келиб чиқади.

Ташки ёки геосиёсий мафкуравий мақсадлар ўз мазмун ва моҳиятига кўра давлатнинг халқаро майдондаги мавқенини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, бундай мақсадлар ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган бўлса – ижобий, бошқа халқлар ва давлатларга мафкуравий тазийк ўтказишга қаратилган бўлса – салбий характер касб этади.

МАФКУРАВИЙ МУАММОЛАР — ғоявий бекарорликка чек қўйиш, мафкуравий бўшлиқни тўлдириш, мафкуравий таҳдиднинг олдини олиш, мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш билан боғлиқ масалалар мажмуи. Бундай муаммолар жамият ҳаётининг бир тарихий босқичидан иккинчисига ўтиш даврида жиддий аҳамият касб этади.

Дунёда ранг-баранг дунёқараашлар, турли миллий, диний, сиёсий оқимларнинг ўзига ҳос ғоялари мавжуд. Уларнинг баъзилари ўзаро уйғун ҳолда бир-бирларини тақозо этса, айримлари бир-бирига мутлақо зиддир. Ғоялар, мафкуралар кураши натижасида дунёнинг айрим минтақаларида оммавий қирғинлар, фожеалар юз берадиган бўлса, бошқа ҳудудларда баъзи давлатларнинг юксак даражада ривожланаётганини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай давлат ёки мамлакатнинг тақдирни кўп жиҳатдан мафкуравий муаммоларнинг қандай ҳал қилинишига ҳам боғлиқ.

Мафкуравий муаммолар ичида мафкуравий хавф, таҳдидни бартараф этиш мухим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда жиддий мафкуравий хавф сифатида диний экстремизм, миллатчилик, шовинизм, маънавий қашшоқлик, ахлоқсизликни тарғиб қилишга асосланган ғоявий қараашлар тизими ва амалиётини кўрсатиш мумкин. Бу хавф ва таҳдидларни бартараф этиш масаласи ҳам мафкуравий муаммолар доирасига киради. Жўмладан, Ўзбекистон ҳам бугун муайян мафкуравий муаммоларни ҳал қилиш йўлида самарали ишларни олиб бормокда. Бу, аввало, мустабид мафкура асоратларини бартараф этиш, миллий тараққиётга хизмат қиладиган, халқнинг дунёқарашига мос бўлган соғлом мафкуруни шакллантириш билан боғлиқдир. Зоро Президентимиз уқтири-

гани каби: «....мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши мүкаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ бўлса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас».

МАФКУРАВИЙ ПЛЮРАЛИЗМ (лотинча pluralis - хилма-хиллик, ранг-баранглик) — ижтимоий-сиёсий ҳаётда турли қатлам, партия, гуруҳлар манфаатларини ифода этувчи ғоявий ранг-барангликни, қарашлар ва фикрлар хилма-хиллигини ифодалайдиган тушунча.

Мамлакатда илгор ғоялар, мафкуралар қанча кўп бўлса, тараққиётнинг самарали йўлини танлаб олиш учун имконият шунчалик кенг бўлади. Фикрий кураш мафкураларнинг маъно ва мазмун жиҳатидан бойишига, бир-бирини тўлдиришига хизмат қиласди.

Мафкуравий плюрализм ижтимоий тараққиётга хизмат қиласдиган янгидан-янги ғояларнинг пайдо бўлишига, турли ҳалқлар, элатлар, миллатлар ва сиёсий гуруҳларнинг манфаатларини умумий тарзда рўёбга чиқишига шароит яратади. У муқаррар суръатда кўппартиявийлик тизимини тақозо этади. Сиёсий партиялар эса ўзлари мансуб бўлган қатламлар, сиёсий гуруҳларнинг манфаатлари, интилишлари, орзу-умидларини умумлаштирган ҳолда ўз ҳаракат дастурлари орқали намоён қиласди.

МАФКУРАВИЙ ПОЛИГОН — одамлар ва ҳалқларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли ғояларнинг синов майдони.

Одатда «полигон» деганда қурол-аслаҳа ва техникани синаш, қўшинларни ҳарбий тайёргарликдан ўtkазиш ёки ҳарбий соҳада тадқиқотлар олиб бориши учун мўлжалланган маҳсус майдон тушунилади. Тарих ўзга ҳудудларни забт этиш мақсадида ишлатиладиган уруш қуролларининг узлуксиз та-комиллашиб борганини кўрсатади. У найзалардан тортиб автоматик қуролларгача, замбараклардан ер юзининг ҳар қандай нуқтасига бехато етиб борадиган қитъалараро баллис-

тик ракеталаргача бўлган узоқ такомил йўлини босиб ўтди. Бу қуроллар босиб олиниши керак бўлган ҳудудлар аҳолисини жисмонан йўқ қилишга қаратилган эди. Бугунги кунда эса ўзга ҳудудларни забт этиш учун уларнинг аҳолисини жисман маҳв этиш шарт эмас. Зоро, турли мафкуравий таъсирлар оқибатида онги ва шуури забт этилган, қарашиб кайфиятлари «маъқул» йўналишга ўзгартирилган маҳаллий аҳоли кўмагида ҳар қандай бойлик, табиий ресурсларга эгалик қилиш мумкин. Бу эса шу жой аҳолисининг онги ва қалби ёт ва бегона гоялар синаб кўриладиган майдонга айланганини билдиради.

Президентимиз таъкидлаганлари каби ҳозирги давр гоявий қарама-қаршиликлар мураккаб тус олган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқ бўлиб борайтган даврdir. Хусусан, мамлакатимиз ичидаги ўзларининг зарарли гояларини тарқатишга ҳаракат қилган, ёшларни чалғитиши, онгини заҳарлаш, улар ёрдамида мамлакатни ўз тараққиёт йўлидан четлатиб юборишни кўзда тутган ваҳобийлар, «хизбут таҳрир» чиларнинг ҳаракатларини айнан шундай баҳолаш мумкин.

Бугунги кунда мафкура полигонларида муайян гурӯҳлар ва давлатлар ўзларининг ғаразли манфаатларини ифода этаттган турли тажовузкор гояларни синовдан ўтказмоқдалар. Уларнинг ортида кишиларни, энг аввало, маънавий-мафкуравий жиҳатдан тобе қилиш, пировард-натижада эса буткул қарам қилиб олиш мақсади ётади. Бу катта-катта ҳудудларни, айниқса, бой табиий ресурсларга эга бўлган минтақаларни эгаллаб олишнинг энг қулай ва камхарж усулидир.

МАФКУРАВИЙ ПРОФИЛАКТИКА — ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги гоявий-тарбиявий, маънавий — мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун гоявий тарбия тизимини қамраб олади. Мафкуравий профилактика гоявий бўшлиқни тугатиш, мафкуравий парокандаликнинг олдини олиш ёки бирор-бир ҳудуд, қатлам, гурӯҳни ёт ва заарарли гоялар таъсиридан ҳалос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда гоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар кўлланилади.

Мафкуравий профилактика тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолатда зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчи ҳолда доимий ва сабитқадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижা беради.

Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда ҳам мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зеро, у мохиятан, ёт фояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларга таянади.

Таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради. Соғлом мафкуруни халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қила-диган ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга. Шунингдек, Ватан, халқ манфаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро хурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртаклару достонлар, қўшиқлару рақслар, турли кўриниш ва мазмундаги маънавий-маърифий тадбирлар мафкуравий профилактикани амалга ошириш шакллариидир.

МАФКУРАВИЙ СИЁСАТ — муайян ғоявий қарашлар тизимини одамлар онгига сингдириш, зарарли маънавий-мафкуравий таъсиrlар, турли кўринишдаги тазийкларнинг олдини олишга қаратилган услуб ва воситалар ҳамда уларни ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва бошқариш билан боғлиқ фаолият мажмууи.

Мафкуравий сиёсатни мафкуравий вазифаларни амалга ошириш учун бўлган ҳаракат тарзида ҳам тушуниш мумкин. Бу вазифалар муайян мамлакат ёки халқнинг дунё ҳамжамиятида туттан ўрни, нуфузи, халқаро иқтисодий, сиёсий, дипломатик алоқалардаги мавқеи, тараққиёт даражаси каби бир қатор кўрсаткичлардан келиб чиқади. Масалан, мустақил Ўзбекистон шароитида миллий истиқлол мафкурасини яратиш орқали миллий хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш масаласи долзарб аҳамиятга эга.

Одатда ички ҳамда ташқи мафкуравий сиёсат бир-биридан фарқланади. Ички мафкуравий сиёсат мамлакат, халқнинг ўз олдига қўйган стратегик мақсадларидан келиб чиқиб,

таракқиётнинг янги бир босқичга кўтарилиши учун фуқароларни сафарбар қилиш вазифасини ўтайди.

Ташки мағкуравий сиёсат, ўз халқи ва мамлакатининг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш, мустакил тараққиётнинг халқаро муносабатлар билан боғлик жиҳатларини таъминлаш ҳамда бегона мағкураларнинг таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган бўлади.

Мағкуравий сиёсатнинг самараадорлиги унинг қандай воситалар, усуllibар ва шаклларда юритилишига боғлик. Бу ўринда ижтимоий тараққиётдаги турли гурухлар, синфлар ва қатламлар манфаатларининг ҳисобга олиниши мухим аҳамиятга эгадир. Мағкуравий таъсири ўтказиш йўллари омма учун қанчалик яқин, тушунарли ва табиий бўлса, ижтимоий-гуманитар фанлар ютуқларига таянган ҳолда ташкил этилса, мағкуравий сиёсат шунчалик самарали бўлади.

МАҒКУРАВИЙ ТАЖОВУЗ — муайян миллат, жамият, давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий ва конституцион тузумни заифлаштириш ва бузишга йўналтирилган, фуқаро ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи гоявий-назарий қарашлар ва унга асосланган амалиёт мажмуи.

Мағкуравий тажовуз ёвуз кучлар ва ҳар хил марказлар томонидан бирон-бир мамлакатга нисбатан ичкаридан ёки ташқаридан туриб бевосита амалга ошириладиган гоявий бузғунчиликнинг бир шаклидир. Улар ўз жирканч мақсадларига эришиш учун ҳар қандай усуllibардан, одамларнинг диний, миллий хиссиётлари, ҳаётда мавжуд бўлган ижтимоий-иктисодий қийинчиликлардан, шунингдек, замонавий техника, телекоммуникация воситаларидан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қиласидилар.

Бугунги кунда мағкуравий тажовуз деганда, аҳолининг маълум бир қатламлари, айниқса, ёшлиарнинг қарашларини ўзларига маъқул бўлган йўналишда ўзгартириш, бузғунчи гоялар, диний экстремизм, ахлоқсизлик гояларини сингдириш каби ғаразли мақсадлар тушунилади. Бундай тажовуз фуқароларни қонуний ҳокимият органлари фаолиятига ҳалакит қилиш, зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундаш ёки уларни Конституцияда кўзда тутилмаган

бошқа тузилмалар билан алмаштиришга чакиришида намоён бўлмоқда.

Миллий истиқлол ғояси ўзининг мазмун-моҳияти билан ана шу каби мафкуравий тажовузларга қарши туро оладиган кишиларни тарбиялашга хизмат қиласди. Бу борада барча фукароларнинг огоҳлиги, фаоллиги, эзгу ғояларга хизмат қилишга тайёрлиги катта аҳамият касб этади.

МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯ — инсон, ижтимоий гурух, миллат, жамият дунёкарашини шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараён.

Жамиятдаги ҳар бир ижтимоий куч ёки аҳоли қатламлари ўз манфаат ва мақсад-интилишларини ифода этувчи ғоялар тизимини яратгач, бошқа гурӯҳларни ҳам шу ғоялар таъсирига тортишга, ўз тарафдорлари сафини кенгайтиришга ҳарарат қиласди. Ғоялар адолатли ва ҳаққоний бўлиб, кўпчиликнинг талаб-эҳтиёжларига мос келса, бу соҳадаги тарбия воситалари таъсирчан, тарбиячилар эса фаол ва фидойи бўлса, ғоявий тарбиядан кўзланган мақсадга эришилади.

Жамият, халқ ҳали ўз манфаатларини англаб етмаган, ўз мафкурасини шакллантириб, мақсадлари сари сафарбар бўлмаган ҳолларда бегона ва зарарли ғоялар таъсирига тушиш эҳтимоли ортиб боради. Бу эса ғоявий тарбияни йўлга қўйиш, соғлом мафкура тамоилларини аҳоли қалби ва онгига муттасил сингдиришни долзарб вазифага айлантиради.

Ўзбекистон шароитида мафкуравий тарбиянинг асосий вазифаси- халқимизнинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-истаклари, мақсадларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ва, айниқса, ёшлар онгига сингдиришдан иборатdir.

Мафкуравий тарбия жамиятда, авваламбор, оила, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, лицей, коллежлар, олий ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотларининг биргаликдаги фаолиятини тақозо қиласди. Узлуксиз таълим тизими мафкуравий тарбияни олиб борувчи асосий бўғиндир. Зоро, мафкуравий мақсадларни ки-

шилар ва, айникса, ёшлар онгига сингдириш вазифаси асосан таълим тизими орқали амалга оширилади.

МАФКУРАВИЙ ХАВФСИЗЛИК — шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлар, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчиллик таъсиридан химояланганлик дарражасини тавсифловчи тушунча. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қила-диган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустахкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдек жараёнлар назарда тутилади.

Мафкуравий хавфсизликка ташқи ва ички омиллар ўз таъсирини ўtkазиб туради. Бугунги кунда турли хил мафкура марказлари ва полигонларининг Ўзбекистонда янги жамият қуришга тўсқйнлик қилиш учун фаразли ниятларига эришишда мамлакатимиз фуқароларидан “қурол” сифатида фойдаланишга интилишларида мафкуравий хавфсизлик учун реал ташқи таҳдидлар мавжудлигини кўрамиз. Шунингдек, қўшни давлатлардаги терроризм, диний экстремизм ва мавжуд сиёсий бекарорлик ҳам мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлигига ўз таъсирини ўtkазади.

Ўзбекистон Республикасида миллий хавфсизликни таъминловчи ички омил - жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, ахлоқий ва маънавий салоҳиятидир. Бундан ташқари, мафкуравий хавфсизлик халқимизнинг асрий анъаналари, тили, дини, маънавияти ва миллий ривожланишига хизмат қилувчи умуминсоний қадриятларга асосланади. Шунингдек, давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари, маданий-маърифий муассасалар томонидан амалга оширилаётган тарбиявий ишлар, маънавий-маърифий тадбирлар тизими мафкуравий хавфсизликни таъминлашнинг зарурий шартидир. Мамлакатимиз мафкуравий хавфсизлиги илмий асосланган ижтимоий сиёсатга, ҳуқуқий маданиятга, жамиятнинг маънавий етуклиги ва демократиялашувига узвий равишда амалга ошириладиган ғоявий тарбияга таянади. Жамият, давлат ва

шахс мафкуравий хавфсизлигини таъминлаш давлат сиёсанг таркибий қисми ҳисобланади.

МАФКУРАВИЙ ТОЛЕРАНТЛИК (БАГРИЕНГЛИК) — хилма-хил қарашиб, интилиш, ёндашувга эга бўлган ва турли мафкуравий позицияда турувчи кучларнинг жамият ва миллат манфаатлари йўлида ҳамкорлик қилишини, эзгу мақсадларни кўзлаб, ҳамжиҳат фаолият юритишини ифодаловчи тушунча.

1995 йил 16 ноябрда Парижда ЮНЕСКОнинг йигирма саккизинчи сессиясида қабул қилинган “Багриенглик таомиллари декларацияси” ер юзидағи барча мамлакатларда мафкуравий бағриенгликни шакллантиришнинг умумназорий асосидир.

“...Бағриенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишининг хилма-хил усусларини хурмат қилиш ва тўғри тушунишни англатади, самимият, очик мулоқот, ҳурфикрлилик, виждан ва эътиқод эркинлигини вужудга келтиришга чорлайди. Бу факат маънавий бурчгина эмас, балки сиёсий ва хуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағриенглик – тинчликка эришишни мушарраф қилувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчи воситадир».

Мафкуравий бағриенглик ғояси жамиятда асрлар давомида шаклланиб келган бунёдкор ғоялар, эзгу ниятлар ва максадларнинг руёбга чиқиши учун замин тайёрлаб беради. Ҳозирги даврда мафкуравий бағриенглик ғояси жамиятдаги барча катлам, ижтимоий гуруҳ ва миллатларнинг эзгулик йўлидаги ҳамкорлигини назарда тутади ва мамлакатда тинчлик, барқарорликни мустақкамлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистон халқи дунёвий давлат, эркин фуқаролик жамияти қурмоқда. Барпо этилаётган жамиятимизнинг сиёсий-хуқуқий асослари ишлаб чиқилган ва кўпчилик томонидан кўллаб-қувватланаётган бугунги кунда, эзгу мақсадларга йўналтирилган мафкура фаолияти учун бир хил шароит ҳамда имкониятлар яратиб берилмоқда.

МАФКУРАНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ — миллатлар ва давлатлар, турли ижтимоий-сиёсий кучларнинг ўз гоявий тизимларини яратиш ва тарғиб қилишдан кўзлаган мақсад-муддаолари ҳамда ўз мафкуралари орқали ҳал қилиши лозим бўлган вазифалар мажмуи.

Ҳар қандай мафкура: а) муайян гояни одамлар онги ва руҳиятига сингдириш; б) аҳолининг турли гуруҳларини бирлаштириш; в) кўзланган мақсад ва ниятларга эришиш учун одамларни сафарбар этиш; г) уларни маънавий-рухий рагбатлантириш; д) аҳолини, айниқса, ҳайётта кириб келаётган ёш авлодни гоявий тарбиялаш ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш; е) бошқа мафкуравий ва гоявий таъсирлардан ҳимоя қилишдек бир қатор вазифаларни бажаради.

Юксак гояларга асосланган, манфаатлар ва фикрлар хилма-хиллитини эътироф этадиган мафкуравий тизимлар ўз сохибларини тараққиётга элтади. Тор миллий ё синфий талаб-эҳтиёжларни бошқа ҳалқлар ёки гуруҳлар хисобига қондиришини ният қилган мафкуралар охир-оқибат барбод бўлади, ўз тарафдорларини таназзул ва ҳалокатга дучор этади.

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК — кишиларда ўзлари туғилиб ўсган жой билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган ҳудудий яқинлик туйғусининг салбий шаклда намоён бўлиши. У кишиларнинг уруғ-аймоқчилик ва қон-қариндошлик алоқалари билан боғланган бирлигини ҳам англатади. Президент И.А. Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатларини таҳлил қилиб, шундай таъкидлайди: «Уруғ-аймоқчиликни ажратиб турувчи белги – унинг аъзоларининг бир жойда тўпланганлигидир. Шуни назарда тутиш керакки, бунда машгулот турларининг умумийлиги, маънавий манфаатлар, дунёқарашларнинг муштараклиги эмас, балки айнан туғилган жойнинг умумийлиги асосий белгидир».

Маҳаллийчиликнинг энг номақбул томони маҳалла, ҳудуд, минтақа манфаатларини жамият манфаатларидан устун қўйиши дадир. Жамиятда бундай қараш ва муносабатлар тизимининг мавжуд бўлиши давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, баркарорлиги

ва тараққий этишига салбий таъсир кўрсатади. Махаллийчиликнинг кучайиши, ўз навбатида, ҳудудларнинг ўзини-ўзи чегаралаб кўйишига, мавжуд хўжалик ва ижтимоий алоқалар тизимининг кучсизланишига, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий таназзулига олиб келиши ҳам мумкин. Шунингдек, давлат ичидаги муайян ҳудуд ўзининг устунлигини таъминлаш мақсадида ўзларига бузгунчилик гояларини шиор қилиб ҳокимият учун курашадиган экстремистик ва қўпорувчилик гурӯхларини вужудга келтириши ҳам мумкин.

Махаллийчиликнинг ҳар қандай кўриниши жамият учун хавфлилигини тушунган ҳолда унинг келиб чиқишининг олдини олиш ва бинобарин, бу иллатга йўл қўймаслик мухим вазифа ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишда миллний истиқлол мағкурасининг ўрни бекиёсdir. Бу мағкура ўз аҳамиятига кўра, жамиятимизда яшовчи барча ҳалқлар, миллатлар ва златларнинг асосий мақсадлари ва орзу-умидларини амалга оширишга хизмат қилади, махаллийчилик, уруғ-аймоқчилик гояларига қарши кураша олади. У ҳалқнинг маънавий камолотига, маърифатига асосланиб, кишилар онгидаги умуммиллий гурур туйғуси билан бирга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшайдиган ватандошларимизнинг маданияти ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлашга даъват этади.

МЕХНАТ ЖАМОАЛАРИ — корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, ишчи ва ходимларнинг фаолиятини амалга оширувчи ижтимоий бирлашмалар бўлиб, инсон умрининг асосий қисми ўтадиган, унинг тафаккури, ҳаётга муносабати шаклланадиган ижтимоий-маънавий мухитdir. Улар кишида “жамоавийлик”, “мехнатсеварлик”, “омилкорлик”, “адолат” тушунчалари, меҳр-оқибат туйғуларини тарбиялайдиган ўзига хос маскан ҳисобланади.

Мехнат жамоалари фуқаролар ўзини-ўзи бошқарув тизимининг мухим бўгини бўлиб, давлат ва жамият бошқаруви, назорати ишларида, меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилашда фаол иштирок этадилар. Улар турли миллат ва дінга мансуб одамларни дўстлик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, миллний ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида яшаш ва ишлашга ўргатади. Бу

эса, ўз навбатида, соғлом маънавий-мағқуравий мұхитни вұжудға келтиришда мұхим омил вазифасини бажаради.

МИЛЛАТ (арабча - ҳалқ) — муайян ҳудудда истиқомат қиласынан, умумий тил, маданият, урғ-одат, қадриятлар ва рухий яқинлик билан фарқланувчи этноижтимоий бирлик.

Маълумотларга кўра, Ер юзида 1600 дан ортиқ миллат бўлиб, уларнинг сони бир неча ўн мингдан бир неча юз миллионгачани ташкил этади.

Сон жиҳатидан миллатлар тўрт гурӯхга бўлинади; а) энг кўп сонли миллатлар (хитойлар 1 миллиарддан ортиқ; хиндлар, америкаликлар, руслар, японлар юз миллиондан ортиқ); б) кўп сонли миллатлар (50 миллиондан юз миллионгача - инглизлар, французлар, испанлар, турклар ва бошқалар); в) йирик миллатлар (10 миллиондан 50 миллионгача-ўзбеклар, португаллар, поляклар ва бошқалар); г) кам сонли миллатлар (ҳар бири бир неча ўн мингдан бир миллионгача).

Миллатларнинг сони уларнинг буюклиги ёки гегемонлиги учун асос бўла олмайди. Зоро, барча миллатлар тенг, озод ва эркиндир. Ана шу тамоили жаҳон сиёсатининг зарур қоидаси ҳисобланади. Мустақилликка эришган юртимизда бутунги кунда 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшамоқда. Мамлакатимизда бу тамоилига амал қилиниши эса барча миллатларнинг равнаки, гуллаб-яшнаши учун хизмат қилмоқда.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — миллий истиқолол мағқурасининг асосий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжихат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча.

Ер юзидаги 1600 дан ортиқ миллатдан бор-йўғи 200 га яқини ўз давлатчилигига эга, холос. Бундай шароитда бутун дунёда миллатлараро тотувликни таъминлаш учун уларнинг манфатлари, рухияти, интилишларини мунтазам ўрганиб бориш, сиёсий-ижтимоий хаётда буни доимо эътиборга олиш зарур.

Жаҳон тажрибаси миллатлараро тотувликни таъминлашга бир ёқлама, юзаки ёндашув жиддий муаммолар келтириб чиқаришини кўрсатди. Хусусан, давлатта ўз номини берган (титул) миллат билан ўша жойда яшайдиган бошқа миллат ва

элат вакиллари орасидаги муносабатлар жиддий эътиборни талаб қиласди. Акс ҳолда, жамият ҳаётидаги тинчлик ва баркарорлик издан чикиши мумкин. Бу масала бизнинг мамлакатимиз учун ҳам жуда муҳим. Ўзбекистон худудида қадимдан кўплаб миллат ва элат вакиллари баҳамжиҳат истиқомат қилиб келган. Улар ўртасида асрлар давомида миллий низолар бўлмагани халқимизнинг азалий бағрикенглигини кўрсатади. Миллатлараро муносабатларда уйғунлик вужудга келган мамлакатларда кўп миллатлилик жамиятнинг сиёсий-иктисодий ривожланишига самарали таъсир этади. Мамлакатимиз Конституциясида, “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, – деб таъкидланиши, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Конунда эса барча фуқароларга ижтимоий келиб чикиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқининг берилиши белгилаб кўйилганлиги ана шу бағрикенгликнинг замонавий сиёсий-хуқуқий ифодасидир.

“Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади”. Конституциямизда белгилаб кўйилган ушбу қоида ҳам ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Республикамизда миллий-маданий эҳтиёжларни қондиришнинг муҳим механизмига айланган 120 га яқин миллий-маданий марказ фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг далилидир. Бундан буён ҳам қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда яшаб келаётган миллатларни ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш миллий истиқлол мафкурасининг асосий мақсадларидан биридир.

«МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ – ХАЛҚ ЭЪТИҚОДИ ВА БУЮК КЕЛАЖАККА ИШОНЧДИР» (“FIDOKOR” газетаси мухбири саволларига жавоблар) — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг миллий истиқлол мафкурасига бағишланган фикр-мулоҳазалари баён этилган

асари. У 2000 йил 8 июнда «FIDOKOR» газетасида эълон қилинган ва муаллиф асарларининг 8-жилдига киритилган. Бу асар «Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» (-Т., Ўзбекистон, 2000) рисоласи учун асосий манбалардан бири бўлган.

Миллий истиқлол мафкурасининг ҳаётимиздаги ўрни, асосий тамойиллари, кундалик эҳтиёжга айланиши, унинг мақсадлари ва устувор гоялари, мафкуравий таҳдидлар тўғрисидаги мухбир саволларига Президент И.А.Каримовнинг берган жавоблари мазкур асарнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Асарда мафкура жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, уни ўз муддаоларига эришиши учун маънавий-рухий куч-қувват берадиган пойdevор бўлиб келгани, одамларнинг уларнинг интилишларини ўзида ифода этганлиги таъкидланади. Шу боис, мамлакатлар ўз тараққиёт йўлини, эртанги кун уфқларини ўзининг миллий гояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади. Ислом Каримов фикрича, «Мафкуранинг ҳаётийлиги унинг халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос бўлиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттириши билан ўлчанади. Факат шундай мафкурагина ҳаёт ва давр синовларига бардош бера-ди, одамлар унга ишониб, ўзининг имон-эътиқоди сифатида қабул қиласи. Шундагина у энг замонавий қуролдан ҳам кўра кучли руҳий-маънавий кудрат касб этади» (Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк кела-жакка ишончдир. Асарлар, 8-жилд, 491-бет).

Шунинг учун ҳам асарда эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилишига алоҳида ургу берилади. Мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмаслиги, шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонидан бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлако ёт гоялар ўрин эгаллаши мумкинлиги асосли далиллар орқали ёритилади. Шунингдек, турли мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг имон-эътиқодини, иродасини мустаҳкамлаш, уларни мустақил фикр-

ловчи баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларда ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш зарурлиги таъкидланади.

Асарда жамиятимиз ўз олдига қўйган эзгу муддао ва вазифаларни аниқ-равшан белгилаб олмасдан туриб, миллатимизнинг асрий анъана ва урф-одатларини, ўзлигимизнинг асосий хусусиятларини мужассам этадиган миллий мафкуруни шакллантириш мумкин эмаслиги исботлаб берилган. Шу муносабат билан мамлакатимиз сиёсий ва давлат қурилишининг асосий хусусиятлари, жамиятнинг иқтисодий асоси, унинг юксак маънавий-ахлоқий қадриятларга таяниши, Ватан туйғусини тарбиялаш, она тилига муҳаббат масалалари, миллий қадриятларимиз ҳам миллий мафкуравий тарбиямизнинг бир қисми бўлиши лозимлиги, бунда оила ва маҳалланинг роли муҳимлиги, миллий хусусиятларимизнинг умуминсоний қадриятларга уйғун бўлиши зарурлиги, муқаддас динимизнинг, маърифатнинг ўрни бекиёслиги, тарихимизнинг ҳаққоний ёритилиши каби масалалар илмий-назарий ва амалий жиҳатдан ёритиб берилган. Миллий мафкура концепциясини яратишда бу масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги, бунда унинг фалсафий моҳияти муҳим ўрин тутиши алоҳида уқтириб ўтилган.

Ислом Каримов мафкуравий таҳдидларни бартараф этишдаги асосий омилларга тўхталар экан, ҳар қандай таҳдид ёки таҳлика олдида ваҳимага тушмасдан, ана шу кураш ва синовларга доимо тайёр туришга, огоҳ ва сергак бўлишга даъват этади: «...ўз мустақил фикрига эга бўлган, ўз кучига, ўзи танлаган йўлининг тўғрилигига ишонган инсон доимо келажакка ишонч билан қарайди. У жамиятдаги фикрлар хилма-хиллигидан чўчимайди, балки замонавий билим ва фалсафий қарашларига, ҳаёт ҳақиқатига суянган ҳолда ҳар қандай гаразли ният, таҳдид ва интилишларни фош қилишга қодир бўлади» (Асарлар, 8 – жилд, 506-бет.)

Саволларга жавобларда миллий мафкура аҳамиятига тўхталар экан, муаллиф: «Миллий мафкура - бу ҳалқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир», – деган қатъий хулосага келади. Умуман олганда, мазкур мулокот Ислом Каримовнинг миллий мафкура борасидаги таълимотини чуқур ифода этганлиги билан қим-

матлидир. Ундаги назарий қоидалар, дастурий йўл-йўриқлар миллий истиқлол гоясини ҳаётта татбиқ этишда катта аҳамият касб этади.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИННИГ АСОСИЙ СИФАТЛАРИ — унинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари ҳамда намоён бўлиш хусусиятларида ўз аксини топади. Ўзаро узвий алоқадорликда намоён бўладиган бу талаблар куйидагилардан иборат:

-тарихий хотирани уйфотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони бўлиш;

-халқимизни туб мақсадлари ифодаси ва жамият аъзоларини бирлаштирувчи гоявий байроқ вазифасини ўташ;

-инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйгулар, гўзал ва ҳаётий гоялар тизимини ўзида мужасам этиш;

-ҳар бир фуқаронинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришига имкон берадиган энг мақбул йўлни кўрсата олиш;

-миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқоднинг манбай бўлиш;

-Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакилларига бирдай тааллуқли бўлиш;

-мамлакатимиз аҳолиси онги ва қалбida «Ўзбекистон – ягона Ватан» деган туйгуни юксак даражада шакллантиришга хизмат қилиш;

-турли миллат, қатлам, дин вакиллари, сиёсий партия ва ижтимоий гурухлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен – ижтимоий ҳодиса мазмунига эга бўлиш;

-бирон-бир дунёқарашни мутлақлаштирмаслик ёки бирон-бир куч, партия ёки гуруҳ кўлида сиёсий қуролга айланмаслик;

-ҳар қандай илғор гояни ўзига сингдириши ва ҳар қандай ёвуз гояга қарши жавоб бера олиш;

-субъективизм, волюнтаризм каби иллатлардан холи ва жамоатчиликнинг холис фикрига таянувчи объектив мафкура бўлиш;

-сўз билан ишни, назария билан ҳаётни бирлаштира олиш;

-давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодалайдиган гоя, манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги во-

ситаларини тавсия эта олиш, яъни янгича вазиятга тез мослашадиган ҳозиржавоб ва ижодий бўлиш.

Миллий истиқлол мафкураси ана шу қайд этилган сифатларга эга бўлган тақдирдагина жамият ҳаётида етакчи маънавий-маърифий омилга айланиши ва кутилаётган муҳим вазифаларни бажара олиши мумкин.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИННИГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ — унинг амал қилиши жараёнида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бунда унинг мафкура сифатидаги умумий ва хусусий тамойилларини кўрсатиш мумкин.

Миллий истиқлол мафкурасининг умуман "мафкура" тушунчасига хос хусусиятлари, мақсад ва вазифалари, амал қилиш тамойиллари бўлиши табиий. Бу борада унга ижтимоий воқеликнинг инъикоси экани, жамият тараққиётининг мурайян босқичига мос келиш, ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш, амалга ошириладиган тарғибот ва ташвиқот тизими сифатида намоён бўлиш каби умумий тамойиллар хосдир.

Шу билан бирга, миллий истиқлол мафкураси Ўзбекистонда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишига қаратилган умуммиллий ҳодиса сифатида қуидаги бир қатор ўзига хос амал қилиш тамойилларига ҳам эга:

- мамлакатнинг мустакиллигини мустаҳкамлашта хизмат қилиш;
- давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлари дахлизлигини таъминлашга ёрдам бериш;
- қонун устуворлигини таъминлаш;
- демократия ва ўзини-ўзи бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллашига асосланиш;
- миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш;
- ҳалқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиши;
- иқтисодий плюрализм ва хилма-хил мулкчиликнинг эркин шаклланишини таъминлаш;
- давлатнинг бош ислоҳотчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлигига таяниш;
- виждан эркинлиги ва фикрлар ранг-баранглиги муҳитини шакллантириш;
- ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий химояланганлиги,

жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислоҳотларнинг тадрижийлиги жараёнларига хизмат қилиши.

Мазкур тамойилларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас алоқада ва боғлиқликда намоён бўлади. Бу, ўз навбатида, уларнинг республикамизда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг умумий манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этиши билан белгиланади.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИННИГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ — Президент Ислом Каримов томонидан кўрсатиб берилган бўлиб, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида қисқа ва муҳтасар тарзда баён қилинган. Уларнинг энг асосий жиҳати хусусиятларнинг умуминсоний мазмун-моҳиятида тўла-тўкис ўз аксини топгани билан белгиланади.

Шу маънода, миллий истиқлол мафкураси:

-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадрияtlар, демократия тамойилларига асосланади. Бинобарин, у қонунийликка, умумэътироф этилган талабларга, умумбашарий тамойилларга ва миллий манфаатларга мос келади;

-халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Бу миллий мафкурамизнинг чукур тарихий ва бой маънавий асосга эга эканидан далолат беради;

-адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Биламизки, бу улуғ ғоялар истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади;

-юрг тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласи. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аник мақсад сари сафарбар қилувчи, уларни бу йўлда уюштирувчи маънавий омил сифатида моҳиятга эга эканини ифодалайди;

-жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Бу олижаноб мақсадларга эришиш фуқароларнинг ҳамжиҳатлигига, ўзимизнинг бурчимиизни қай даражада англашимиз, эртанги кунга бўлган ишончимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир;

-миллати ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбida она Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Бу қоида ҳар бир фуқаро онгига Ватанинг муқаддаслигини сингдиришга хизмат қиласиди;

-жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждан эркинлиги каби демократик тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади.

Миллий истиқбол мағкураси яхлит тизим бўлганидан унинг барча хусусиятлари ўзаро алоқадорликда ва узвий боғлиқликда намоён бўлади.

МИЛЛИЙ ИСТИҚБОЛ МАФКУРАСИННИГ АСОСИЙ ҒОЯЛАРИ — халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги бош ғоясидан келиб чиқадиган ва ўзининг маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан уни тўлдириб, фуқароларимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдиришга хизмат қиласидиган бунёдкор ғоялардир. Ушбу ғояларнинг мазмун-моҳияти ва асосий хусусиятлари Президент Ислом Каримов асарларида ўз ифодасини топган. Булар қуидагилардир:

- вatan равнақи;
- юрт тинчлиги;
- халқ фаровонлиги;
- комил инсон;
- ижтимоий ҳамкорлик;
- миллатлараро ҳамжиҳатлик;
- диний бағрикенглик.

Миллий истиқбол мағкурасининг асосий ғоялари маърифатли дунёда эътироф этилган умумий қонун-қоидалар ва халқаро андозалар, умуминсоний тамойиллар ва қадрияларнинг устуворлиги, инсон хуқуқлари ва эркинликларига оғишмай амал қилиш, демократия ва гуманизм каби тамойилларнинг талабларига тўла-тўқис мос келади.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИННИГ БОШ ГОЯСИ — Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг асарларида асослаб берилган бўлиб, мамлакатимиз тараққиётининг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайди. Улар «Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида қуйидагича таърифланган: «Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги бош гояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишdir. Бу гоя халқимизнинг азалий эзгу интилишлари, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-мазмунини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган Мустақиллик, Озодлик, Ватан ободлиги, шахснинг эркинлиги ва фаровон ҳаёт тушунчалари, юксак қадриятларини ўзида мужассам этади.

Миллий истиқлол мафкурасининг бош гоясида озодлик сўзининг устувор ва етакчи ўринда туриши мустақиллик барча орзу-интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёргу кела-жагимизнинг асоси эканидан далолат беради.

Истиқлол мафкурасининг бош гояси узвий равишда унин маъно-моҳиятини тўлдирадиган, халқимиз, жамиятимиз ҳаётида ҳақиқий байроқ бўлишига хизмат қиласидиган, жамиятимизнинг бугунги тақдирни ва келажагига боғлиқ бўлган тубманфаатларимизни акс эттирадиган бир қанча гояларни тақозо қиласиди».

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИННИГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ — мамлакатимизда рўй берадётган туб ўзгаришлар, ҳаётнинг барча соҳаларидағи ислоҳотлар билан узвий боғлиқдир.

Миллий истиқлол мафкурасининг ижтимоий-иктисодий асослари «Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида қисқа ва муҳтасар тарзда баён этилган:

-бу мафкура оила ва фуқарони муносиб турмуш даражасини таъминлайдиган фаровон ҳаётга эришишга чорлайди;

-ҳар бир инсонни, у қайси шаклдаги мулкчилик асосида меҳнат фаолияти билан шуғулланмасин, ўз манфаатини халқ ва Ватан манфаатлари билан уйғун ҳолда кўришга даъват этади;

-мулкдор одамлар жамият ичидаги, халқ орасида фақат бойлиги билан эмас, балки юксак маънавий фазилатлари билан

ҳам ажралиб туриши зарурлиги, «шахсий ва оилавий фаровонликка эришиш имконияти ҳар кимнинг ўз кўлида», деган ҳёт хақиқатини замонавий дунёқараш сифатида шакллантиради;

- «Ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги – бутун жамиятнинг фаровонлиги» фоясини илгари суради.

Булардан ташқари, мулкнинг хилма-хиллиги, иқтисодий ҳётни эркинлаштириш, бу соҳадаги плюрализмни ва соғлом рақобатни янада юксак даражада ривожлантириш ҳам истиклол мафкурасининг ижтимоий-иқтисодий асослари қаторига киради. Шу билан бирга, миллий истиклол мафкураси бу соҳаларда ана шу тамойилларнинг қадрланиши ва мустаҳкамланиши ҳамда фуқароларимиз ҳаётининг таркибий қисмига айланиши учун хизмат қиласди.

МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛ МАФКУРАСИННИГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ — ҳар қандай мафкура муайян мақсадларга хизмат қиласди, бу йўлда хилма-хил вазифаларни бажаради. Бу мақсад ва вазифалар пировард-натижага эришишнинг йўллари, восита ва усууларини белгилайди. Маълумки, мафкурунинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагиларда намоён бўлади:

- одамларни муайян фояга ишонтириш;
- шу фоя атрофида уюштириш;
- фояни амалга ошириш учун сафарбар этиш;
- кишиларни маънавий-руҳий жиҳатдан рафбатлантириш;
- фоявий тарбиялаш;
- фоявий иммунитетни шакллантириш;
- ҳаракат дастури бўлиш.

Ана шу умумий жиҳатлардан ташқари, миллий истиклол мафкурасининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган ўзига хос мақсад ва вазифалари ҳам бор. Президентимиз Ислом Каримов алоҳида таъкидлагани каби: «Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан баҳт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишга эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш,

уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир». Ушбу мақсад бир-бiri билан ўзаро боғлиқлика намоён бўладиган бир қатор вазифаларни амалга оширишни тақозо қилади. Бу вазифаларнинг энг асосийларидан бири мустақил ва эркин тафаккурни шакллантиришdir. Президентимиз таъкидлаганидек: «Эндиғи асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончи ортиб боришидир. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазийклардан, қулликдан қуттилмаса, инсон тўла озод бўлмайди».

Миллий истиқлол мафкурасининг яна бир вазифаси жамиятда соғлом маънавий муҳит яратишдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, хурфикрли, мутелик ва журъатсизликдан холи инсонни тарбиялаш вазифаси билан боғлик. Фақат хурфикрли, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонгина мутелик ва журъатсизликдан холи бўлади. Ана шундай инсонгина озод ва обод Ватанин барпо этади, эркин ва фаровон ҳаётни яратади.

Юртдошларимиз тафаккурида ўзлигини англаш, муқаддас қадриятларимизни асраб-авайлаш, ватанпарварлик каби туйғуларни камол топтириш ҳам миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифалари қаторига киради. Бу эса, ўз навбатида, мафкурамизнинг ўтмишни келажак билан боғлаш, тарихий хотирани тиклаш ва унга садоқат ҳиссини тарбиялаш каби вазифалари билан узвий алоқада намоён бўлади.

Шу билан бирга, миллий истиқлол мафкурасининг халқимизга хос бўлган имон-эътиқод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни юксалтириш, мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи онги ва қалбида «Ўзбекистон – ягона Ватан» деган тушунчани шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашга хизмат қилиш каби вазифалар ҳам бор.

Кенг халқ оммасини бирон-бир гоянинг илфор ва инсонпарвар эканлигига ишонтиromoқ учун, аввало, мазкур гоя халқ ҳаётига яқин, бевосита дахлдор бўлиши, иккинчидан, уни одамлар онгига етказишнинг энг замонавий ва қулай мафкуравий восита ҳамда усуулларидан фойдаланиш керак бўлади. Бунда жамият-

даги сиёсатнинг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифалари-ни мафкуравий жиҳатдан асослаш, айниқса, муҳимдир.

Замон руҳи, ҳалқ психологияси, одамларнинг эҳтиёж ва талаблари мафкурада ҳар томонлама акс этиши, бугунги ҳаётнинг энг долзарб муаммолари, унинг стратегик мақсадлари билан узвий боғланишига эришиш мафкуравий вазифаларни бажаришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса мафкуранинг ҳаёт ҳодисаларига ҳозиржавоб бўлиши, ёт ва зарарли ғояларнинг хуружига ўз вақтида зарба бериши каби вазифалар билан узвий боғлиқдир. Ана шундай мафкурагина ҳалқимиз, айниқса, ёш авлодда мустаҳкам мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, аҳолининг турли қатламлари орасида мафкуравий профилактика олиб боришининг самарали йўлларидан фойдаланиш каби долзарб вазифаларни бажара олади.

Миллий истиқлол мафкураси ҳалқнинг мақсад ва интилишларини ифода этади, ҳалқ руҳини кўтаради, уни эзгулик ва бунёдкорлик ишларига даъват этади, жамият дуч келган муаммолар ечимини топишга ёрдам беради. У жамият аъзоларининг бунёдкорлик фаолиятининг ўзига хос мезони вазифасини ҳам бажаради. Яъни ҳар бир юртдошимизнинг интеллектуал-маънавий салоҳияти миллий ғояларни қай даражада ҳаётга татбиқ эта олишида, аждодлар орзу-умидини қай даражада рўёбга чиқара билишида яққол намоён бўлади.

Миллий истиқлол мафкурасининг яна бир муҳим вазифаси кишиларни яратувчан фаолиятга сафарбар этиши, ғоявий ҳимоя воситаси эканлиги билан белгиланади. У ҳалқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқоди сифатида ёш авлодни тарбиялашнинг бекиёс омилидир. Шу маънода, миллий истиқлол ғояси ёшлар ҳаётининг маъноси ва мазмунини белгилайди, миллат, Ватан равнақи, буюк келажакни барпо этиш учун яшаш ва курашиш чинакам инсоний саодат эканлигини яққол кўрсатади.

Хуллас, миллий истиқлол мафкурасининг барча вазифалари ягона мақсадга – Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизда озод ва обод Ватан барпо этиш, эркин ва фаровон жамият қуриш учун хизмат қиласиди. Мафкуранинг асосий мақсади ушбу йўлда ҳалқимизни жипслаштириш, кишилар онгига мустақил дунёқараш ва огоҳлик ҳиссини тар-

биялаш, комил инсонни вояга етказиши, фуқароларимизда бегона ва бузгунчи ғояларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлиб қолаверади.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИННИНГ УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ — унинг умуминсоний мазмунидан келиб чиқади.

Президент Ислом Каримов асарлари асосида тайёрланган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида мафкурамиз таянадиган қўйидаги умумбашарий тамойил ҳамда қоидалар кўрсатилган:

- қонун устуворлиги;
- инсон ҳак-ҳуқуқлари ва ҳурфиксрилилк;
- турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжихат яшаш;
- диний бағрикенглик;
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- ўзга халқларнинг илгор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш ва ҳоказо.

Ушбу қадриятлар асосида шаклланган истиқлол мафкураси, ўз моҳиятига кўра, халқаро талабларга, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги тамойилларига мос келади, уларни миллий даражада намоён бўлиши учун имкон яратади.

Шу билан бирга, у мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат, дин ва қатлам вакилларининг умумий мақсад-муддаоларини ифодалайди, халқимиз ўтмиши ва келажагини бир-бири билан боғладайди, унинг асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қилади. Бу эса мазкур мафкуранинг жаҳондаги демократик жараёнлар, тинчлик ва барқарорлик, инсон ҳуқуқлари ва виждан эркинлиги каби умумбашарий қадриятлар мазмунига мослигини кўрсатади.

МИЛЛИЙ МАНФААТ — миллат, халқ ҳаётини белгилайдиган, унинг фаолиятини маълум мақсадларга йўналтирадиган ижтимоий муносабатлар, миллий эҳтиёжлар, тафаккур даражаси, маънавий салоҳият, руҳияти, анъана ва қадриятлари тизимиdir. Миллий манфаатлар эҳтиёжларни қондирувчи шароит ва қадриятлар билан бирга, уларни яратиш,

таъминлашни белгиловчи ижтимоий тизимга, муносабатлар ва тамойилларга асосланган бўлади. Улар муайян миллат ва халқа мансуб алоҳида кишилар ёки бирор-бир давлат фуқароси бўлган одамларнинг шахсий манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлиб, бу манфаатларнинг уйғунлашувини ифодалайди. Шу маънода, у умумий манфаатлар мажмуидир.

Манфаатлар халқлар орасидаги ҳар қандай фаолиятдаги кураш, рақобат ёки ҳамкорлик асосида ётади. Унинг таъсирчанлик қудрати ҳам шунда. Миллат ёки мамлакат аҳолисининг ижтимоий аҳволини инъикос этар экан, у миллий тараққиёт кучларини харакатга ундовчи муҳим омил вазифасини бажаради. Миллий манфаатнинг намоён бўлишида унинг умуминсоний манфаатлар билан уйғунлигига эришишга ёрдам берувчи ижтимоий механизмда умумбашарий қадриятлар муҳим ўринни эгаллайди. У миллий эҳтиёжларни қондиришдан манфаатдорлик билан бутун дунёдаги инсон тараққиёти йўлидаги мақсадлар орасидаги бевосита алоқани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

МИЛЛИЙ МАФКУРА — миллатнинг этноижтимоий бирлик сифатида мавжуд бўлиши ва ривожланишини, эркин ва озод тараққиётини гоявий асослаш, таъминлашга қаратилган қарашлар тизими.

Шундай бўлса-да, «миллий мафкура»ни фақат битта миллат ёки халқнинг мафкураси деб тушуниш тўғри эмас. У муайян давлат ёки жамиятнинг умумий мафкураси маъносини ҳам англатади. Чунки «миллий» сифати «миллат» сўзидан келиб чиқсан бўлиб, нафақат муайян этник бирлик, балки «давлат» маъносини ифодалаш учун ҳам хизмат қиласиди. Масалан, “миллий даромад”, “миллий қуролли кучлар” бирикмаларида у айнан “давлат” сўзининг маънодоши сифатида ишлатилиади. “Миллий мафкура” тушунчаси ҳам Ўзбекистонда яшаб унда фаолият кўрсатаётган барча миллат вакилларига тегишилидир.

Миллат ҳудудий, иқтисодий, сиёсий ва этник алоқалар (маданият, тил, ўз-ўзини англаш) умумийлиги замираидар юзага келадиган этно-ижтимоий бирликдир. Шунинг учун ҳам миллий мафкурунинг таърифида ана шу хусусият ўз ифодасини топган. Миллий мафкурунинг бундай хусусияти Президентимиз асар-

ларида асослаб берилган. Юртбошимизнинг мавжуд айрим мафкуравий таҳдидлар юзасидан билдириган мулоҳазаларини таҳлил қилиш асосида ҳам шундай хуносага келиш мумкин. Зоро, ислом ҳалифа лигини ёки янги бир кўринишдаги собиқ иттифоқни тиклашга, тарихимизни сохталашибтириш, турли гайриилемий талқинлар ёрдамида алоҳида ўзбек миллати йўқ, деган қарашни сингдиришга ҳаракат қилаётган мафқуралар айнан бизнинг миллат сифатида мавжуд бўлишимиз, ривожланишимиз, жаҳон ҳалқлари ўртасида ўзимизнинг муносиб ўрнимизга эга бўлишимизга қарши қаратилгандир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Лекин биз ўзимизни ҳамиша мустақил миллат — ўзбек ҳалқи сифатида ҳис этиб келганимиз ва бу билан фахрланамиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор»

Шундай экан, миллий мафқура ўзлигимизни, бир бутунлигимизни таъминлашга, айни пайтда, унга таҳдид солувчи кучлар, қарашларга қарши қурашга йўналтирилган, ҳаётий заруратни акс эттирадиган ғоявий-назарий қарашлар тизими сифатида намоён бўлиши, шубҳасиз.

МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТ (лотинча «mens» — ақл, идрок, зеҳн, фаҳм-фаросат) — миллатнинг тарихан шаклланган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, яшаш ва фикрлаш тарзи, муайян ижтимоий шароитларда камолга етган қобилияти ва руҳий қуввати. Бу тушунча миллатга хос анъ-аналар, расм-руслар, урф-одатлар, диний эътиқодни ҳам ўз ичига олади. Ўз навбатида, у муайян миллатга мансуб кишининг турмуш тарзи, фикрлаши, дунёқарашини ҳам бир қадар белгилайди, гоҳида уни баҳолаш учун асос бўлади.

Миллий менталитетни ўрганиш ва унинг даражасини аниқлаш долзарб ва нозик муаммо бўлиб, ниҳоятда эҳтиёткорлик ҳамда жиддий ёндашувни талаб қиласи. Миллий менталитетни факат миллатнинг нуфузи, ўтмиши ёки мавжуд турмуш шароити, унинг тарихда қарам ёки мустақил бўлганлиги билангина аниқлашга уриниш жиддий хатоликларга олиб келиши мумкин. Буни аниқлаш учун кўпгина омиллар эътиборга олиниши, улар ўзаро қиёсланиши, ушбу миллат яшаб турган шарт-шароит, тарихий давр, унинг руҳияти ва бошқа қатор жиҳатлар ҳам атрофлича ўрганилиши шарт.

Мустақиллик бошқа халқлар қатори, ўзбек халқи олдида ҳам ўз менталитетини ўрганиш, уни тиклаш ва бойитиш учун улкан имкониятлар очиб берди. Бу менталитетнинг шаклланниш жараёни деярли уч минг йиллик тарихга эга. Ўтмишда халқимиз бутун инсониятнинг моддий ва маънавий маданиятини ўзининг бебаҳо дурданалари билан бойитган. Аммо мустабид тузум даврида у ўз тарихини, анъаналарини, маданиятини, урф-одат ва қадриятларини тўла-тўкис ўрганиш имкониятидан маҳрум эди. Чунки ўша даврда бирон-бир миллатнинг тарихи, миллий маданиятини ривожлантириш хукмрон мағкура мақсадларига тубдан зид эди.

Миллий истиқлол мағкураси мамлакатимиз фуқароларининг асрлар давомида шаклланган маънавияти, урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларидан озиқланади. Бу жараёнда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ғояларини юрдошларимиз онги ва қалбига жо қилиш уларда замонавий менталитет ҳосил бўлишининг асосий шартларидан биридир.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР — миллат учун муҳим ахамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлик қадрият шакллари. Дунёда ўзига хос қадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлик ҳолда намоён бўлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши туфайли миллий қадриятларга эътибор кучайди. Зоро, миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган маънавий асослардан биридир. Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос тарзida келаётган миллий қадриятлари узок тарихий жараёнда шаклланган. Улар она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, ҳаё, андиша каби хусусиятларнинг устуворлиги, бошқа халқларникига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-руслар, маросимлар ва анъаналар билан тавсифланади.

Маълумки, қадриятлар муайян шароитларда шаклланади. Шу сабабли, улар маҳаллий, миллий, минтақавий шаклларидан.

лар ва умуминсоний шакл ва мазмунда мавжуд бўлади. Мажаллий қадриятларнинг энг етуклари ва миллий манфаатларга мослари аста-секин сараланиб, умуммиллий даражага кўтарилади. Миллий муҳит қадриятларни яратиш ва саралашнинг асосий манбаидир: у миллий қадриятларнинг энг яхшиларини вояга етказиб, жаҳон миқёсига олиб чиқади.

МИЛЛИЙ ФОЯ — миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштирган, унинг туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараққиётга хизмат қиласидиган ижтимоий фоя шакли.

Миллий фоя ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига даҳлдор бўлган, қисқа ёки узоқ муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифалар ва мўлжалларни ҳам акс эттиради. Ўз даврида (1941- 1945 йилларда) фашистлар босиб олган Францияда «қаршилик кўрсатиш» фоясининг миллий фоя даражасига кўтарилигани ва Франциянинг озод этилиши билан ўз аҳамиятини йўқотгани фикримизга далил бўла олади.

У ёки бу фоянинг миллий фоя сифатида майдонга чиқиши миллатнинг ўтмиши, мавжуд ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Зоро, ана шу икки негизга таянган ҳолдагина у миллатнинг қисқа ёки узоқ вактда эришиши лозим бўлган мақсад-муддаолари ва мўлжалларини тўғри ифодалай олиши мумкин.

Том маънодаги миллий фоя охир-оқибатда озми-кўпми инсоният тақдирига таъсир қиласи. Шу маънода, ҳар қандай миллий фояда умуминсоний моҳият мавжуд бўлади. Аммо аниқ бир миллат ёки умуман инсоният учун аҳамиятли бўлган фоялар ҳам бор. Айтайлик, «Миллий яраш» фояси фуқаролар уруши кетаётган давлат учун ҳаётий мазмунга эга бўлса, «Манфаатли ҳамкорлик» фояси дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек аҳамиятлидир. Ҳар бир халқ ўз тарихининг бурилиш нуқталарида, аввало, мафкура масаласини, унинг ўзагини ташкил этадиган, ўзига хос ўқ, бирлаштирувчи ядро вазифасини ўтайдиган ижтимоий фояни шакллантириш муаммосини ҳал қиласи.

Мамлакатимиз учун миллий фоя ҳақидаги масаланинг буунги амалий аҳамияти шундаки, биз ўтиш даврини бошдан кечирмоқдамиз. Айнан шундай пайтда аҳолининг турли қат-

ламлари манфаатларини ҳимоя қилувчи мафкураларнинг шаклланишига шароит туғилиши мумкин. Шундай экан, миллат, жамиятнинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Акс ҳолда, сиёсий, хуқукий, иқтисодий ислоҳотлар ўз ахамиятини йўқотади, мустақиллик йўлида ғов пайдо бўлади. Баъзи собиқ иттифоқ давлатларида жамиятнинг бир-бирига қарама-қарши турувчи кучларга бўлинниб кетгани ёки айрим қўшни мамлакатларда маҳаллийчилик заминида жамиятни бўлиб юборишига уринишлар бўлаётгани ҳам катта сабоқ бўлмоғи лозим.

Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёsat туфайли бизда ана шундай бўлиннишларнинг олди олинди. Буғуни кунда ана шу натижаларни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва сиёсий барқарорликни, фуқаролар ва миллатлараро тутувликни сақлаб қолиш ҳам фарз, ҳам қарзdir. Бунинг йўли эса битта, у ҳам бўлса, жамиятнинг барча қатламлари, ҳар бир аъзоси учун бирдай қадрли бўлган миллий ғоя ва мафкурани ишлаб чиқишидир.

МИЛЛИЙ ФУРУР – 1) шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган, аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз ҳалқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги қадрқиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча. Бу туйғу қуидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик; ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; ҳалқ одатлари, анъаналари, қадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён қилиш.

Софлом миллий фурур ўзга миллатга мансуб кишиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишини тақозо қиласи. Бундай туйғуга эга маънавий етук киши миллийликни миллатчиликдан, ҳақиқий миллий фурурни миллатпаратликдан фарқ қила олади, бошқа миллат вакилларининг иззат нафси ва фурурини камситмайди.

Мустақиллик кишилар миллий фурурини ошириб, уни ҳалқ, Ватан, аждодлар хотираси олдидаги масъулиятни ҳис қилиш-

дек мазмун билан бойитмоқда. Бундай шароитда Ватанимиз мустақиллигидан фахрланиш, мамлакатимиэда озод, фаровон ва эркин ҳаёт қуриш йўлида фаол меҳнат қилиш, жаҳон ҳамжамияти ютуқлари, универсал технологиялардан фойдаланиш миллий ғурурни оширадиган омиллардир. Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизнинг кучи, салоҳияти, бунёдкорлик фаолиятини кўп жиҳатдан белгилайди, уларни ўзларида соғлом миллий ғурур туйғусини шакллантириш учун тинмай изланишга сафарбар этади.

МИЛЛИЙЛИК — муайян халқقا хос бўлган, уни бошқалардан фарқини кўрсатувчи хусусиятлар мажмуи.

Миллийлик миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади. Миллийликни билиш ва англаш учун миллатлар ўртасидаги фарқлар ва тафовутларни ҳам ўрганмоқ зарур. Аммо бу миллатлар орасидаги фарқларни мутлақлаштириш эмас, балки уларни яқинлаштирувчи томонларга ҳам эътибор беришни талаоб қиласди. Бошқа миллатларнинг ютуқ ва ижобий тажрибаларини ўрганиш, уларни ўзлаштириш миллийликни бойитади ва ривожлантиради.

Инсоният тарихида XX аср миллийликнинг ўсиши, миллий давлатчилик тамоилии устуворлик касб этгани билан характерланади. Бу асрда мустамлакачилик тизими барбод бўлди, ўнлаб янги мустақил давлатлар шаклланди. Ана шу аср сўнгига Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришди, ўз миллий давлатчилик анъаналарини тиклади.

Мамлакатимизда маънавий тараққиёт умуминсонийликнинг устуворлиги ва миллий қадриятларга садоқат тамоилларининг уйғунлигига асосланадиган бўлди. Бунда Президент Ислом Каримов томонидан асослаб берилган миллий ривожланишнинг ўзимизга хос ва мос йўли — тараққиётнинг ўзбек моделини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

МОДЕРНИЗАЦИЯ (ингл. modernization - ўзгариш, янгиланиш, замонавийлаштириш) — 1. Индустрисаллаштириш, саноатлаштириш даврида аграр, тарихий ва замонавий

жамиятлар тараққиётининг янги босқичга кўтарилишини ифода этувчи ижтимоий жараён. У жамият ҳаётининг барча жабҳалари: иқтисодиёт, сиёsat, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳанинг модернизация қилинишини тақозо этади. Модернизацияни француз олими Э. Дюргейм ижтимоий дифференциялашув, немис социологи М. Вебер эса рационаллашув жараёни сифатида талқин этади. 2. Америка функционализм мактаби вакиллари томонидан 1950-60-йилларда таклиф этилган ижтимоий тараққиёт модели. Унга кўра, модернизация жараёнининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи асосий омил — ижтимоий тараққиёт, иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилаётган анъанавий қадриятлар ўрнига замонавий ёндашувларнинг вужудга келишидир. Farb илмий адабиётида жаҳондаги бир қанча ривожланган мамлакатлар мазкур ёндашувларга таяниб, модернизация босқичидан кейинги — постмодернизациялашган жамиятга қадам қўйгани, унга хос хусусиятлар, муаммо ва зиддиятлар атрофлича тадқиқ ва таҳлил этилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг аксариятида эса жамият ҳаётининг барча соҳаларини модернизация қилиш моделларига асосланган ҳолда, ўзига хос тараққиёт йўллари изланмоқда ва амалиётга татбиқ қилинмоқда. Президент Ислом Каримов томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий, интеллектал салоҳияти, табиий захиралари, жўғрофий ҳолати, бой маданий-маънавий меросига таянган ҳолда яратилган, назарий ва амалий жиҳатдан асосланган тараққиётнинг ўзбек модели концепцияси жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизация и ислоҳ этишга, унинг дунёдаги мутараққий давлатлар қаторидан ўрин олишига хизмат қиласди. Президентимиз Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маъруzasida мамлакатимиз ривожланиш стратегиясини белгилашда “бошқариладиган иқтисод” ёки “бошқариладиган демократия” моделлари бизга тўғри келмаслиги ҳақида тўхталиб, “давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг босқичмабосқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиласиз” деб таъкидлаган эди. Маърузада мамлакатимизни 2005 йил ва келгуси даврда модернизация ва ислоҳ этишининг асосий

вазифалари ҳам белгилаб берилган. Биринчидан, қонунчилик ҳокимияти бўлмиш Парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш, ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва баркарор мувозанатга эришиш; иккинчидан, ҳокимиятнинг учинчи тармоғи — суд-хуқуқ тизимини янада либераллаштириш; учинчидан, демократик янгиланиш жараёнини чуқурлаштириш ва фуқарорларнинг эркинликларини таъминлашнинг муҳим шарти — оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш буёича аниқ ва изчил чораларни амалга ошириш; тўртинчидан, давлатимиз ташқи сиёсати маъно-мазмуни ва мақсади Ўзбекистон манфаати билангина белгиланиши; бешинчидан, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш (Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократилаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., “Ўзбекистон”, 2005).

МУСТАМЛАКАЧИЛИК — кучли давлатлар томонидан зўрлик билан эгалланган мамлакат ёки худудни сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этиб, ўзига бўйсундириш, қарам қилишояси асосидаги ўзга халқ ёки мамлакатларни босиб олиш, талаш сиёсати. Тарихдан мустамлакачилик империяларнинг шаклланиши ва ўзга давлатларни босиб олиши билан боғлиқ эканлиги маълум.

XX аср бошига келиб, деярли бутун дунё йирик мустамлакачи давлатлар (Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Испания, Нидерландия, Португалия, АҚШ, Япония, Россия) томонидан босиб олинган эди. Мустамлака мамлакатлар билан бир қаторда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан заиф ва қарам бўлган ярим мустамлакалар ҳам мавжуд эди. Ҳукмрон кучлар ва уларнинг монополистик бирлашмалари мустамлака ва қарам мамлакатлардан хом ашё манбаи, даромад олиш бозори, сармоя қўйиш соҳаси, шунингдек, ҳарбий харатлар ҳамда янги жойларни эгаллаб олиш учун таянч майдони сифатида фойдаландилар. Мустамлака ва қарам ўлкаларнинг халқларини эксплуатация қилиш ва эзиш ҳисобига мустамлакачилар катта даромадга эга бўлди. Қарам ўлкалар

эса аграр хом ашё етиштириладиган бир томонлама ишлаб чиқаришга асосланган қолоқ иқтисодиёт билан қолавердилар.

Мустамлакачи давлатларнинг дунёни қайтадан бўлиб олишга бўлган интилиши 1914-1918 йиллардаги Биринчи жаҳон урушининг келиб чиқишига олиб келди. Уруш оғриқларидан азият чекаётган халқларнинг миллый-озодлик ҳаракатлари кучайиб борди. Иккинчи жаҳон уруши (1939-1945)дан сўнг эса жаҳон мустамлакачилик тизимининг тез емирилиши ва қулаши бошланди. Масалан, «Африка йили» деб ном олган 1961 йилда Африканинг 21 та давлати мустақилликка эришган эди. Ўтган даврда мустамлакачиларнинг қаттиқ қаршиликларига қарамай, кўплаб мустамлака ва қарам давлатлар озодликни қўлга киритдилар ва ўзларининг сиёсий ҳамда иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаб бормоқдалар. Мустамлакачилик барҳам топган ҳозирги шароитда, реакцион мустамлакачи кучлар ҳали ҳам турли усуслар ва шаклларда ўзларининг иқтисодий ва сиёсий мавқеларини сақлаб қолишга интилмоқдалар.

Ўзбек халқи ҳам ўз бошидан мустамлакачиликнинг аянчли даврини ўтказди. Аввал Россия империяси, сўнг собиқ совет империясининг мустамлакачилик сиёсати мамлакатимиз тараққиёти учун тўсиқ бўлиб келди. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришган бўлса-да, қўлга киритилган истиқолни ҳар томонлама мустаҳкамлаш бугунги куннинг асосий вазифаси бўлиб қолмоқда. Зоро, ўз таъсир доирасини сақлаб қолмоқчи ёки қарам қилишни орзу қилаётган мустамлакачи кайфиятдаги сиёсий кучлар ватанимиз бойликларига, халқимиз озодлигига кўз олайтиришни қўймаяптилар. Ўз манфаатларига эришиш йўлида ҳар қандай усул ва найранглардан фойдаланувчи, мустамлакачилик гоялари билан қуролланган кучларнинг асл қиёфасини очиб ташлаш, уларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришда миллый истиқлол гоясининг имкониятларидан тўла фойдаланиш давр талабидир.

МУСТАҚИЛЛИК МАФКУРАСИ — жамият аъзолари-нинг, ижтимоий гурухлар, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, миллатлар ва элатлар, оммавий ҳаракатлар, диний уюшмалар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар, тадбир-

корлар ва бошқа ижтимоий субъектларнинг умумий манфаат ва муддаоларини ўзида акс эттирувчи ва мужассамлаштирувчи, уларнинг хатти-ҳаракатларини, фаолиятини, фикрзикрини ягона бир мақсадга - мустақилликка эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтирувчи ғоялар ва билимлар мажмуи. Мустақиллик мафкураси мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш орқали жамият ривожланишини тезлаштирадиган муҳим омиллардан биридир.

Мустақил бўлмаган давлатнинг, миллатнинг, жамиятнинг кучи, имкониятлари, салоҳияти, моддий ва маънавий бойликлари, маблағлари, асосан, унинг устидан ҳукмрон давлатни ва ижтимоий тузумни мустаҳкамлашга сарфланади. Бунинг натижасида, қарам ҳалқлар ўз тараққиётида орқада қоладилар, жамият ривожланиши сустлашади, мустабид давлат пировардида инқирозга юз тутади.

Қарамлик, мутелик ва тобеликка қарши курашиш ва давлатнинг, ҳалқнинг мустақиллигига эришиш - жамият тараққиётининг муҳим омиллари дандир. Бундай курашга ҳалқни, оммани мустақиллик мафкураси сафарбар қиласди. У оммага қарамликнинг ҳақиқий башарасини очиб кўрсатади, хато ва нуқсонларини танқид қиласди, ҳалқни камситувчи моҳиятини фош қиласди. Шу билан бирга, мустақиллик мафкураси мустақилликка эришиш ҳалқ олдида қандай янги истиқболлар очишини кўрсатади, жамиятнинг келажакдаги ривожланиш йўлларини белгилаб беради. Бу фикрларнинг тасдиғини жаҳондаги барча мустақил давлатлар мисолида кўрамиз. Ҳар бир ҳалқнинг энг етук, онгли ва шиҷоатли фарзандлари мустақиллик мафкурасининг ижодчилари ва ижрочилари бўлганлар. Ҳозир ҳам шундай.

Мустақиллик мафкурасининг Ўзбекистонда босиб ўтган йўли ниҳоятда қийин ва мураккаб бўлди. XIX асрнинг иккичи ярмигача хон ва амирлар ҳар қандай илгор мафкурани, шу жумладан, миллий мафкурани таъқиб этдилар. 1865-1917 йилларда ўлкамиз чоризмнинг мустамлакасига айланди ва ҳур фикр айтиш, миллий мафкурани ўртага ташлаш имконияти бўлмади. 1917 йилдан то 1991 йилнинг кузигача Ўзбекистон «қизил империя»нинг исканжасида бўлди ва ақида-лаштирилган марксизм-ленинизм назарияси ҳамда мафкурасига ҳамнафас бўлмаган ҳар қандай фикр, гоя рад этилди.

Шу сабабли, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб юритимизнинг оташин фарзандлари томонидан айтилган мустақиллик мафкураси гоялари юзага чиқарилмади. Бу тўғрида Мұқимий, Фурқат, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Боту, Сўфизода, Абдулла Авлоний ва ўнлаб бошқа шоир, ёзувчи, мутафаккирлар айтган фикрлар пинҳоний холда қолиб кетди.

Эндилиқда Ўзбекистон халқининг мустақил мафкураси шаклланиб, у кун сайин мазмунан ва шаклан бойиб бормоқда. Мустақиллик мафкураси ҳозирги Ўзбекистон шароитида ҳар бир фуқаро томонидан қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилган:

- мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилиш;
- Ўзбекистон мустақиллигининг сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий заминларини яратишнинг фидойиси бўлиш;
- мустақилликни мустаҳкамлашнинг асосий шарти — жаҳон андозалари даражасидаги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш;
- ҳар кун ва ҳар қадамда Ўзбекистонда тинчлик ва барқарорликни таъмин этишда фаол қатнашиш;
- инсон энг олий қадрият эканлигини билиш ва шунга хизмат қилиш;
- миллатлар ва элатлар ўртасида дўстлик, қардошлиқ, ҳамкорлик, тотувлик йўлида иш олиб бориш;
- бозор иқтисодиётининг ва муносабатларининг барча томонлари ва илмини ўзлаштириш ҳамда уларни ўз амалий фаолиятига татбиқ этиш;
- Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан ҳамкорлигини қўллаб-қувватлаш;
- мутелик, маҳдудлик, норасолик, боқимандалик кайфияти ва хиссиётларига қарши курашиш;
- бошқаларнинг ўтмиш сарқитларидан қутулишига ёрдамлашиш.

Мустақиллик мафкурасининг назарий асослари ва амалий вазифалари Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов асарларида батафсил ёритилган.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ — **Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ҳақида бир қанча**

хуқукий хужжатлар мавжуд: улардан биринчиси, 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Олий Кенгашининг II сессиясида қабул қилинган Мустақиллик Декларациясидир. Унда ўзбек халқининг давлат қурилиши тарихи, тажрибаси, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш хуқуки асосида давлат мустақиллиги эълон қилинди. Бу хужжатда давлат суверенитетининг асосий атриутлари бирма-бир баён этилади. Мустақилликнинг иккинчи асосий ва энг муҳим хуқукий хужжати Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёнотидир. Бу хужжат 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари VI сессиясида 1991 йил 31 августда қабул қилинган.

Ўзбекистон мустақиллигини кафолатловчи учинчи хуқукий манба «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида»ги хужжат ҳисобланади. Бу хужжатда республика бундан буён «Ўзбекистон Республикаси» деб аталиб, 1 сентябрь — «Мустақиллик куни», умуммиллий байрам ва дам олиш куни деб эълон қилинди.

Мустақилликнинг хуқукий асоси конституциявий хужжат — «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Конун бўлиб, барча тарихий хужжатлар орасида асосийсидир, дейиш мумкин. Чунки унда Ўзбекистоннинг Мустақиллик Декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотига асосланиб, давлат мустақиллиги асослари, давлат суверенитети атриутлари баён этилган.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг асосий хужжати Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни - Конституциясидир. У Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12-чақириқ II сессиясида, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган бўлиб, унинг биринчи боби давлат суверенитетига бағишланган. Бу хужжатлар факат мустақилликнинггина эмас, балки хуқукий давлат шаклланишининг юридик асосидир.

МУСТАҚИЛЛИК ФОЯСИ — мустамлакачилик асоратида бўлган миллат ва халқларни, уларга мансуб бўлган илфорнишиларни озодликка, ўз эркини қўлга киритишга ундаидиган фоя. Ана шу фоя асосида улар эзгулик ва озодлик учун

курашга отланадилар, ана шу йўлда жон фидо қиласилар. Бу борада замон, давр ва худуднинг ўзгариши воқеалар жараёнини ўзгартирмайди, яъни жамият тараққиётининг ҳар бир даврида мустақиллик гояси, асосан, бир хил тамойилларга (эрк ва озодлик учун курашга) таянган фаолият учун маънавий омил бўлади. Масалан, милоддан илгари македониялик Искандар ёки ўрта асрлардаги Чингизхон босқинидан сўнгги истибоддан қутулиш учун халқимизнинг олиб борган кураши ана шундай тамойилларни акс эттиради.

Мустақиллик гояси асосидаги кураш ниҳоясида истиқлолга эришилганидан сўнг бу гоя ушбу мустақилликни мустаҳкамлаш, авайлаб асраш йўлидаги маънавий омилга айланади.

МУХОЛИФАТ (арабча «мухолифат» - келишмовчилик, тескарилашиш, қарама-қаршилик, зиддият) — расмий сиёсатга, ҳукмрон қарашларга мос бўлмаган нуқтаи назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгиси.

Мухолифат уч хил бўлиши мумкин: а) парламент доирасида; б) ундан ташқарида; в) сиёсий партиялар ичida. Ички партиявий мухолифат муайян партия раҳбариятининг расмий сиёсатига қарши чиқувчи кишилар гуруҳидан иборат. Парламент мухолифати ушбу олий қонун чиқарувчи давлат органига сайланган, аммо унда озчиликни ташкил этувчи, ҳукумат таркибиға кирмайдиган депутатлар ёки партиялар фракцияларидан таркиб топади. У ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг муҳим масалалари юзасидан давлат раҳбарияти ва ҳукуматининг йўлидан фарқ қилувчи йўлни тутиши мумкин.

Амалий мухолифат, Конституция ва қонунларга хилоф равишда иш тутувчи мухолифатдан фарқли ўлароқ, миллий тараққиётнинг умумхалқ манфаатларига мос йўлини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, унинг рўёбга чиқарилишининг муқобил дастурларини илгари суради, бу ишда йўл қўйилган камчилик, хато ва нуқсонларни қидиради, топади ва танқид қиласиди. Бунда унинг қонунчилик доирасида иш тутиши, омавий ахборот воситалари ва парламент минбаридан (агар мухолифат вакиллари депутат этиб сайланган бўлсалар) фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Сохта демократик шиорлар остида оммани гайриқонуний ҳаракатларга ундовчи эҳтиросли мухолифлар фаолияти қандай мудхиш, ёш мустақил давлатлар учун нақадар қимматга тушувчи оқибатларга олиб келиши мумкинлигини қатор сабик шўро республикалари (Тожикистон, Грузия, Озарбайжон ва бошқалар) мисолида яққол кўриш мумкин.

Халқаро демократик меъёрларга тўла жавоб берувчи Конституция, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Конун ва бошқа конунларнинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда сиёсий мухолифат фаолияти учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. «Биз, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов, - расмий ҳокимиёт билан ғоявий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тарикасида майдонга чиқа оладиган мухолифатни кўришни истаймиз. Мустақил мамлакатимизда тобора чукурлашаётган демократик ислоҳотлар мантиқи айни шундай сиёсий мухолифат шаклланишини тақозо этмоқда».

Мустақил Ўзбекистоннинг мухолифат масаласида олиб бораётган сиёсати алоҳида ўрганилишга сазовордир. Бу сиёсатнинг тарихий, анъанавий илдизларини, унинг халқ менталитети, яъни ақлий салоҳиятининг ўзига хослиги билан боғликлиги ва бошқа қирраларини тадқиқ этиш энг долзарб ва мухим назарий масалалардан биридир. Шуниси дикқатта сазоворки, «Ўзбекистонда мухолифат йўқ» деган масалага асосан Farb сиёсий арбоблари ва жамоат намояндалари эътибор берадилар. Чунки уларнинг онгида кейинги икки-уч аср ичida Оврупо тарихи, ижтимоий жараёнлари таъсирида ижтимоий ва сиёсий ҳаёт тушунчаси ва андозаси пайдо бўлган.

Ваҳоланки, гарб мухолифати ва унинг андозалари асосан Оврупонинг кейинги бир ярим - икки асрлик тарихи асосида шаклланган ва уни бутун инсоният учун ягона мезон дейиш факат ҳали-ҳали биз Оврупо марказийлик қарашлари ва назарияларининг таъсирида эканлигимиздан далолат беради, холос. Farb мухолифати Оврупода зиддиятлар, қонли воқеалар, инқилоблар, исёнлар, баррикада жанглари ва парламентлар ҳам очик майдонлардаги даҳанаки жанглар билан тўла XVIII-XIX асрлар давомида юзага келди ҳамда

Оврупонинг ўша даврдаги ўзига хос талаб ва шартларига жавоб берар эди.

Шарқ эса асрларгина эмас, минг йиллар давомида мухолифатга эмас, оқил, адолатли, бамаслаҳат иш юритадиган давлат ва жамият раҳбарига суянган. Бунинг учун Форобийнинг жамиятшуносликка оид ғояларини, Амир Темурнинг давлатни бошқариш санъатини, Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» ва бошқа тарихий ҳамда адабий асарларини таҳлил этмоқ бизга мухолифатни мустақил Ўзбекистон шароитида тушуниш учун бой фикрий ва руҳий озуқа беради.

МУҚОБИЛЛИК (арабча «муқобала» - бир-бирига қарама-қарши бўлган икки фикрдан, нарсадан бирини танлаш) — фақат икки имкониятдан бирини оддийгина танлаш эмас, балки бир-бирига зид бўлган имкониятлардан бирини танлаб олишини ҳам билдириши мумкин. Муқобиллик, бундан ташқари, бир-бирига зид икки йўл, имконият ва шу кабилардан ё унисини, ё бунисини танлаш зарурияти, танлашга мажбур бўлмок деган мазмунни ҳам билдиради.

Муқобиллик ҳамма соҳаларда - билишда, сиёsatда, иктисолда, ижтимоий ҳаётда ва бошқа тармоқларда учрайди.

Бир-бирини инкор қилувчи икки имкониятдан бирининг танланishi, айниқса, сиёsatда яққол кўринади (масалан, давлат бошликларининг сайланишида муқобил номзодларнинг қўйилиши). Мальум бир мақсадга эришиш учун танланган у ёки бу назариядан фойдаланишида муқобиллик масаланинг ечиш усули ҳисобланади.

Ўзбекистон изчил демократик қоидаларга содик давлат сифатида ўз сиёсий ҳаётida барча сайловлар муқобиллик асосида ўтиши тарафдори эканини намойиш қилмоқда. Бу демократик қоида, биринчи маротаба, кенг миқёсда, давлатимизда, 1991 йил 29 декабрда давлат Президентини сайлаш жараёнида амалга оширилди.

НЕОФАШИЗМ — фашизмнинг янги, замонавий шакли, ўта тажовузкор, милитаристик ва шовинистик кучларнинг қарашларини ифодаловчи реакцион сиёсий оқим. Бундай кучларнинг демократик йўл билан ҳокимиятни эгаллай олмасликлари, ошкора террористик диктатурага олиб боради. Зоро,

демократик тизимда тор реакцион гурухларнинг манфаатлари кенг халқ оммасининг иродаси билан инкор этилаверади. Шу важдан фашизм ҳар доим ҳарбий диктатура кучига таянади. Неофашистик гурухлар ва партиялар сиёсий манфаатлари мос тушган ҳукмрон доиралар билан яқин алоқада бўладилар. XX асрнинг 20-40 йилларидағи фашизм сингари, неофашизм ҳам ашаддий шовинизм, ирқчилик ва жаҳолатпрастлик мафкурасига суюнади.

Хозирда неофашистик кайфиятдаги гурухлар турли мамлакатларда ўзларини қўрсатиб қелмоқда. Германияда юзлаб шундай гурухлар турли сиёсий қўпорувчиликлари билан демократик жараёнларга халақит бермоқда. Англияда “Миллий фронт”, Голландия, Бельгия, Япония, Скандинавия мамлакатларидаги ашаддий “ўнг”лар фашистик руҳдаги фаолиятини тўхтатмаётир. АҚШ ва Россия каби қудратли давлатларда ҳам неофашистик гурухлар ва ташкилотлар иш олиб бормоқда. Улар гоҳ ошкора (турли шиорлар ва мақсадлар остида), гоҳ яширин ҳаракатда бўлади. Фашистик руҳдаги сиёсий ҳаракат ва уюшмаларнинг асл башарасини очиб ташлаш, уларни ижтимоий хавфли ҳаракатларига чек қўйиш, гояларининг асоссиз ва заарли эканини қўрсатиб беришда инсонпарвар ва тараққийпарвар гояларнинг аҳамияти каттадир.

Неофашистлар халқаро кескинлик, милитаризм ва қуролланиш пойгаси тарафдоридир. Бу уларга кўзланган мақсадларга эришиш учун қулай вазиятни юзага келтиради. Ўзбекистон халқининг қалбидан тобора чукурроқ ўрин олаётган миллий истиқлол гояси ҳар қандай файриинсоний, шу жумладан, гояларнинг ҳам ҳар қандай кўринишини инкор этади.

ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ БАРПО ЭТИШ — миллий истиқлол мафкурасининг бош гояси. Инсоннинг ижтимоий-сиёсий моҳияти фақат озодлик ва эркинлик шароитидагина тўла-тўқис намоён бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқининг миллий тараққиёт йўлидаги асосий мақсади — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш бўлиб, бу гоя миллатимизнинг азалий орзу-умидларини, интилишларини, бунёдкорлик фаолиятининг маъномазмунини ифодалайди.

Тарихга назар ташласак, сиёсий жиҳатдан озод ва эркин бўлган даврларда юртимизнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти гуллаб яшнаганини, аксинча, мустамлакачилик шароитларида у чуқур инқирозларни бошидан кечирганини кўрамиз. Мустақиллик миллий қадриятлар, маданият ва анъаналарни, маънавиятни тиклаб, одамларимиз қалбida миллий турур ва ифтихорни, озод ва обод Ватан туйғуларини камол топтиришга замин яратди.

Миллий истиқлол мағкурасининг бош фоясида мустақиллик, озодлик, эркинлик тушунчаларининг устувор ва етакчи ўринда туриши, Ватан озодлиги барча орзу-интилишларимиз, истиқлолни мустаҳкамлашга доир амалий фаолият кўлами ва йўналишлари учун асос эканлигидан далолат беради. Зоро, “Биз учун мустақиллик – ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки, аввало, ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан қуриш ҳукуқидир”⁵.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт фояси: биринчидан, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган, киндик қонимиз тўкилган муқаддас заминнинг дахлсизлигини, хавфсизлигини таъминлаш; иккинчидан, маънавий-руҳий жиҳатдан миллий ўзлигимизни англаш ва унинг ифодаси бўлган қадриятларни сақлаш, бойитиш ва авлодларга мерос қолдириш; учинчидан, эркесвар халқимизнинг асрий орзу-умидлари бўлган мустақилликни мустаҳкамлашга барчани сафарбар қилиш; тўртинчидан, ҳар бир кишининг фаровонлиги давлат, миллат фаровонлиги асоси эканлигини англашан ҳолда ташаббускорлик, тадбиркорлик билан фидокорона меҳнат қилишга асосланади, бешинчидан, бу фоя келажакка қаратилган бўлиб, халқни уюштириш, сафарбар қилиш вазифасини бажаради, олтинчидан, бу фояда мамлакатимиизда яшаётган барча миллат вакилларининг пировард мақсадлари ифодаланган бўлиб, у кишиларни келажакка чорловчи улуғвор ва жозибали шиор тарзида намоён бўлади. Бу фояни халқимиз онги ва қалбига чуқур сингдириш мустақилликни мустаҳкамлаш, буюк келажак қуриш ва Ўзбекистонни илгор давлатлар қаторига қўшилиш жараёнининг муҳим омилидир.

ОЗОДЛИК ФОЯСИ — мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қуллик ва қарамликтининг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган умуминсоний фоя. Бу фоя инсоният тарихининг азалий йўлдоши, ўтмишдан ҳозирга қадар ўз аҳамиятини сақлаб келаётган эзгу қадриятни ифодалайди. Унинг мазмун-моҳиятини бир неча йўналишда талқин ва таҳлил қилиш мумкин. У ижтимоий маънода — жамият ҳаётининг қандайлиги ва қай тарзда ташкил этилганлитигини, сиёсий маънода — мустақил ва эмин-эркин яшашни, иқтисодий маънода — мулк ва моддий бойликларга барчанинг тенг эга бўлиш имкониятини, маънавий маънода — инсон ва жамиятнинг турли тазииклардан холислиги, фикр, эътиқод, ва сўз эркинлигини англатади.

Озодлик фояси инсоният тарихида ўчмас ном қолдирган кўпгина алломалар, мутафаккирлар ҳаёти ва ижодининг мазмунини ташкил этган. Алишер Навоийнинг қўйидаги рубойиси бу фоянинг асл моҳиятини акс эттиради: «Фурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш. Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш. Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса, Булбулға тикандек ошиён бўлмас эмиш».

Озодлик фоясини умуминсоний, миллий ва шахсий нуқтаи назарлардан ҳам талқин қилиш мумкин. Умуминсоний жиҳатдан, бу фоя бутун ер юзида тараққиёт ва эркинлик учун курашаётган кишиларнинг музaffer байроби, демократик жамият ва давлатлар ҳаётининг устувор тамоилиларидан бирини ифодалайди. Миллий жиҳатдан, у ҳар бир миллат ва ҳалқнинг ўз мустақил тараққиёт йўли, ўз тақдирини ўзи белгилай олиши, миллий давлатчилигига эга бўлиши имкони борлигини англатади. Шахсий даражада озодлик - инсон ҳақ-хуқуқларининг рӯёбга чиқиши, унинг ижтимоий-маънавий жиҳатдан эркинлигини билдиради.

Бу фоя миллий истиқлол мағкурасининг асосий тушунчаларидан бири «Озод ва обод Ватан» иборасида ўз ифодасини топган

“ОЛЛОҲ, ҚАЛБИМИЗДА, ЮРАГИМИЗДА” (“Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавоблар) — Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг ислом динининг мустақил Ўзбекистон ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий асари. У

ўзбек ва гарб тилларида 1999 йил март ойида рисола ҳолида чоп қилинган ва муаллиф асарларининг 7-жилдига киритилган.

Асарда И.А.Каримов 1999 йил 16 февралда Тошкентда рўй берган воқеалар, уларнинг сабаблари ва иштирокчилари хусусида билдирилган турлича фараз-тажминлар, тусмол-гумонларга аниқлик киритади. Мутассиб террорчиларнинг ҳақиқий динга алоқаси йўқлигини, мухолиф кучларнинг Ўзбекистоннинг дин борасидаги сиёсатида кескин ўзгаришлар рўй бериши тўғрисидаги шов-шувлари асоссиз эканлиги кўрсатилган.

Тарихимизни, бугунги кунимизни, миллий хусусиятларимизни, ислом динининг Ўзбекистон ҳётидаги аҳамиятини, унинг одамлар руҳий дунёсига кўрсатилган таъсирини яхши тушунмаслиги, бу муаммонинг негизига етиб боролмаган айrim кишилар содир бўлган воқеаларни бир ёқлама талқин қила бошлаган эдилар. Президент ушбу ҳолатларга муносабат билдирап экан, ота-боболаримиз дини бўлмиш ислом дини юртимиздаги миллионлаб кишилар қатори унинг ҳам дунёқарашига асос бўлганлигини, бутун борлиги, маънавий олами мазмунини ташкил этишини катта масъулият билан таъкидлайди.

Асарда муаллиф ислом динининг қон-қонимизга чуқур сингиб кетгани ҳақида қатор ҳаётий далилларни келтиради, асос-эътиборли маънавий-маърифий фикрларни ўртага ташлайди. Чунончи, “Биз ўз миллатимизни мана шу мұқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз ... биз мана шу ёруғ кунларда яшаётганимиз учун юрту элизимзинг тинчлиги учун, фарзандларимиз бағримизда эмин-эркин униб-ўсаётгани учун Оллоҳ таоллога доимо шукроналар айтамиз. Туғилганда қулогимизга аzon айтилади, оила қурганимизда шаръий никоҳ ўқитилади, дунёдан кўз юмганимизда жаноза ўқитилади... Демак, дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримиизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди” (Асарлар, 7-жилд, 350-351-бетлар). Шунга кўра, И.А.Каримов ҳалқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дину диёнатини “Оллоҳ бизнинг қалбимида, юрагимизда”, - дея мухтасар ифода этади ҳамда ҳалқ ҳақида, унинг миллий хусусиятлари, диний ҳиссиятлари ҳақида

кўр-кўрона ҳукм чиқарib бўлмаслигини алоҳида таъкидлайди. Айни чоғда, асарда оқ-қорани, дўст-душманни танийдиган халқимиз дин нима-ю, сохта ақидалар нималигини, ким пок ниятли художўй инсон-у ким мунофиқ риёкор эканини яхши билиши уқтириб ўтилади ҳамда ислом дини ва ислом фундаментализми тушунчаларини бир-бирига аралаштириб юбориш ҳолларига нисбатан жиддий эътиrozлар билдирилади.

Пировардида “Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда” асари мазмунидан бир қатор мантиқий хulosалар келиб чиқади. Биринчи, ислом дини деганда, халқимиз, аввало, Оллоҳ ва унинг расулинини, мана шу қутлуг заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номлари бутун мусулмон оламида чексиз эҳтиром билан тилга олинадиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Жоҳа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдухолик Фиждувоний, Махмуд Замажшарий каби улуғ имомлар ва пири комилларни тасаввур қиласиди. Иккинчидан, сиёсий мақсадларга эришиш йўлида диндан фойдаланиш, айниқса, ўз Ватанига қўл кўтариш, ноҳақ бирорвинг қонини тўкиш исломнинг инсонпарварлик мазмун-моҳиятига мутлақо зиддир.

Умуман олганда, И.А.Каримовнинг “Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда” асари эркин фуқаролик жамияти, дунёвий давлат қураётган Ўзбекистонда ҳеч қачон диний дарьватлар ҳокимият учун курашга, сиёsat, иқтисодиёт ва қонунчиликка аралашишга асос бўла олмаслиги билан қатъий равишда аҳамиятлидир. Шу билан бирга у ҳуррият кушандаси бўлган мутаассиблик, ақидапарастликнинг жиддий хавфидан ҳам огоҳ этувчи асардир. Қолаверса, ушбу асар ислом дини халқимиз учун ҳам имон, ҳам аҳлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлиги тўғрисидаги дастурий ғояни асослаб бергани билан дикқатта сазовордир.

ОМБУДСМАН (шведча «ombutsmen») — ҳукумат идоралари фаолиятини тафтиш, назорат қилувчи мансабдор шахс ёки вакил. Омбудсман Оврупа ва Америкада кенг тарқала бошлаган «ҳуқукий давлат» тушунчасининг маҳсулидир.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларидан бири сифатида инсон ҳуқуқи ва эркинликларини муҳо-

фаза қилиш ва унинг кафолатини таъминлашга муҳим эътибор қаратди. Бинобарин, инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳамма нарсадан устун қўйилиши Ўзбекистон Конституциясининг асосий моҳиятини ташкил қиласди.

Ўзбекистондаги ҳозирги туб ислоҳотлар жараёнида республика Олий Мажлиси мансабдор шахслар, корхоналар, мусассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш мақсадида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) лавозимини таъсис этди ва бу ҳақида маҳсус қонун қабул қиласди. Қонун устуворлиги, ошкоралик, инсон ҳуқуқлари соҳасида умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари устуворлигини тан олиш Вакил (Омбудсман) фаолиятининг асосий таъмойиллари ҳисобланади.

Омбудсман (Вакил) қўйидаги ҳуқуқларга эга:

1) фуқаролардан тушган шикоятларни кўриб чиқиш;
2) аризачи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши учун фойдаланишга ҳақли бўлган воситаларни кўрсатиш;

3) шикоятни унинг моҳияти бўйича ҳал этишга ваколатли мансабдор шахсга ёки ташкилотга бериш;

4) аризачининг тегишли ҳужжатларини кўриб чиқишни рад этиш асосларини кўрсатиш.

Вакилнинг хулосасини олган мансабдор шахс ёки ташкилот уни дарҳол кўриб чиқиши ва бир ойдан кечикитирмай жавоб йўллаши шарт. Вакилга кўмаклашиш учун Олий мажлис томонидан Вакил ҳузурида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича жамоатчилик асосида ишлайдиган комиссия тузилади. Комиссия ўз фаолиятида Олий Мажлиснинг кенгаши тасдиқлайдиган Низомга амал қиласди.

ПАНАМЕРИКАНИЗМ («рап» – «ҳамма» ва «америка» сўзларидан олинган) — тарихий жараённи гўё АҚШ ҳамда Америка қитъаси бошқа мамлакатлар тарихий тақдири, иқтисодиёти ва маданияти муштараклиги мавжудлиги тўғрисида

далилларга зид ҳамда бузиб талқин этишга қурилган сиёсий доктрина. П. Шимолий Америка империализми томонидан АҚШнинг Лотин Америкаси давлатларига иқтисодий, сиёсий, қатор ҳолларда эса тўғридан-тўғри ҳарбий экспансияси-ни «асослаш» учун қўллаб келинган.

АҚШ XIX аср бошида ёқ Лотин Америкаси мамлакатларининг мустақиллик учун курашда ўз кучларини бирлаштиришга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш баҳонасида бу минтақада ўз таъсирини кучайтиришга интилган. 1823 йилда АҚШ ҳукумати Монро доктринасини эълон қилган. Ушбу доктринанинг Европа давлатларининг Америка қитъаси ишларига аралашувига қарши қаратилган «Америка америкаликлар учун» шиори кейинчалик «Америка АҚШ учун» тарзida талқин этила бошланди.

XIX аср охирида АҚШ ўзининг Лотин Америкасидағи экспансиясини амалга сшириш ҳамда мазкур минтақадан бошқа капиталистик давлатларни (айниқса, Буюк Британияни) сиқиб чиқариш учун Америкалараро конференция (1-Панамерика конференцияси 1889-1990 йилда бўлиб ўтган) ва Панамерика иттифоқидан фойдалана бошлади.

Империализм даврида АҚШ ўзининг Куба, Мексика, Гаити, Никарагуа, Колумбия, Панама, Доминикан Республикаси ва Лотин Америкасининг бошқа мамлакатларидан кўпдан-кўп интервенцияларини Америка давлатларининг «манфаатлари муштараклиги» тўгрисидаги баёнотлари билан оқлашга уринган.

П. никоби остида АҚШнинг Лотин Америкаси мамлакатларига экспансияси, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939-1945) ҳамда ундан кейинги даврда кучайди. АҚШ Лотин Америкасидаги иқтисодий ҳамда ҳарбий-сиёсий мавқеини мустаҳкамлашга интилиб, 1948 йилда Америка давлатлари ташкилотини ташкил этишда фаол қатнашган, 1961 йилда эса «Тараққиёт учун иттифоқ» номини олган Лотин Америкаси мамлакатларига «ёрдам кўрсатиш» дастурини ишлаб чиқкан.

АҚШнинг Лотин Америкаси давлатларига ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий босими мафкуравий суқилиб кириш билан

мустаҳкамланиб борган. Бу, айниқса, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Фарбий яримшарга «коммунистик аралашув»га қарши кураш ниқоби остида амалга оширила бошланди. АҚШ Лотин Америкаси давлатларининг «коммунистик хавфдан» ҳимоячилиси сифатида 1961 йилда Кубага аксилинқилобчиларнинг бостириб киришларида иштирок этди ҳамда 1962 йилда Кубани Америка давлатлари ташкилотига аъзоликдан маҳрум қилди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ Фарбий Европада татбиқ эта бошлаган «очик эшиклар сиёсати»ни амалга оширишга киришди. Бу глобал иқтисодий сиёсат Америка Кўшма Штатларининг геосиёсий концепцияси асосига қурилган бўлиб, жаҳонга глобал универсал бозор сифатида қарашни назарда тутади. Мазкур жаҳон бозори «очик эшиклар сиёсати»га хизмат қилиши керак эди.

«Очиқ эшиклар сиёсати» Панамериканизм ва Монро доктринасининг янги шароитлардаги кўриниши бўлиб, АҚШ учун янги бозорларни эгаллаш ҳамда бошқа мамлакатлар иқтисодиётини мустамлака қилишга қаратилган эди. Бу сиёсат моҳияти ҳақида АҚШнинг собиқ давлат котиби Дин Ачесон шундай деган эди: «Хорижий бозорларни ҳеч бир чеклашларсиз эгаллаш Америка иқтисодий тараққиёти ва равнақ топишининг энг асосий шартидир. Шунинг учун бизга янги бозорлар зарурлигини тушуниб етиш керак. Бу бозорлар эса хорижадир». Америка Кўшма Штатларининг «Очиқ эшиклар сиёсати» кўпгина сиёсатшунослар фикрича, ўз вақтида фашистлар Германиясининг Лебенсраум доктринаси - янги бозорларни («Ҳаётий ҳудудлар»ни) эгаллаш сиёсатидан унчалик фарқ қилмасди. Буни таниқли немис сиёсатшуноси Отто Мауль Американинг «Очиқ эшиклар сиёсати» орқали янги бозорларни ишғол этиши иқтисодий мустамлака орқали «Ҳудудлар босиб олиниши каби самара беради», деб таърифлаган эди. Ушбу олимнинг айтишича, «Очиқ эшиклар сиёсати» моҳият жиҳатидан «Фарбий ҳаракатларни иқтисодий воқиталар орқали олиб боришнинг худди ўзгинасидир». Америкалик сиёсатшунос Исайя Боуман ҳам «Очиқ эшиклар сиёсати»ни очиқдан-очиқ «Ҳаётий ҳудуд»ларни эгаллашга қиёслагани бежиз эмас.

АҚШ томонидан бу сиёсатни ўтказишдан қуйидаги мақсадлар күзда тутилган:

1. Жаҳонда «АҚШнинг ҳал қилувчи даражада устуворлигини», демакки Американинг дунёда бир ўзи ҳукмронлиги ни ўрнатишни таъминлаш.

2. «Очиқ эшиклар» тартибини глобал даражада ўрнатиш. Бошқача қилиб айтганда, Монро доктринаси билан бутун жаҳонни қамраб олиш. Вашингтонлик мафкурачилар худди шуни «Панамериканизм», деб атайди. Бу тушунча шунингдек, «эркин дунё», «жаҳон эркин бозори иқтисодиёти» беозор атамалари орқали ҳам ифода этилади.

АҚШнинг геосиёсий мақсадлари ўзининг энг яқин иттифокчилари – Фарбий Европа ва Япониянинг жаҳон бозоридағи мавқенини иложи борича заифлаштиришга ҳам қаратилған зди. Чунки Панамериканизм сиёсати кучли рақибларнинг пайдо бўлишига йўл қўймасликни кўзда тутарди. Шу сабабли ўз вақтида Германия томонидан Ўрта Европа бозори, Япония томонидан Панамериканизмга қиёсланиб, Паназиатизмни ташкил этишга бўлган ҳаракатлари АҚШнинг «Очиқ эшиклар сиёсати» қурдатига дош беролмади

ПАНИСЛОМИЗМ — ислом дини билан боғлиқ диний-сиёсий концепция бўлиб, унинг асосида бутун дунё мусулмонларини бирлаштириш ва ягона мусулмон давлатини тузиш лозимлиги ҳақидаги тасаввур, тушунча ётади. Панисломизм 19-асрнинг охирларида Шарқ мамлакатлари европаликлар томонидан колониал тузумга маҳкум этила бошлаган даврда вужудга келган.

ПАНСОВЕТИЗМ — узок вақт давомида собиқ совет давлати доирасида яшаш натижасида ижтимоий-маданий ҳаётда зўрлик билан юзага келтирилган муайян яқинлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлақлаштиришга асосланган қарашлар тизими. Бундай қарашлар заминида ўз умрини яшаб бўлган собиқ совет мафкураси тояларини қайтадан тирилтиришга, шу йўл билан яна эски тузумни тиклашга, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлигимизни йўқотишига қаратилған интилишлар ётади.

Бундай кучлар йиллар давомида турли халқлар бирга яшаб, бир давлат доирасида ҳаёт кечиришган, бир-бирла-рига аралашиб, қўшилиб, кўникиб кетишган, энди бу иттифоқни бузиб бўлмайди, деган фикрни сингдирмоқчи бўла-дилар. Уларнинг фикрича, собиқ иттифоқ инсоният тари-хини турли динларга мансуб бўлган, бир-биридан иқтисо-дий уклади, маданияти, анъаналари билан фарқ қиласидиган халқларнинг биргаликда яшаши тажрибаси билан бойитган эмиш.

Бу фоя тарафдорлари мустақилликка эришган халқлар эски “оила” таркибиغا қайтишни хоҳлайдиларми, йўқми деган са-волни ўзларига беришни эп кўрмайдилар. Чунки ҳамма учун дахлдор масалаларни ҳануз фақат биз ҳал этиш ҳуқуқига эга-миз, деб ҳисобладилар. Замонавий ҳақиқатни кўриб, кўрмас-ликка оладилар. Faразли мақсадларига эришиш учун найранг йўли, тарихий далилларни бузиб талқин қилиш, улардан ўз манфаатлари йўлида устамонлик билан фойдаланишдек риё-корликдан ҳам қайтмайдилар. Бунда оммавий ахборот воситала-ри орқали психологик таъсир ўтказишнинг янгидан-янги усул-ларидан фойдаланадилар.

Хусусан, миллий ҳаётимизга хос муайян хусусиятларни очиқдан-очик қоралаш, ерга уриш ёки айrim тарихий воеа, ҳодисаларни умуман бўлмагандек, жаҳон маданияти, илму фанига улкан ҳисса қўшган улуғ алломаларимизнинг бизга алоқаси йўқдек қилиб кўрсатиш йўлидаги уринишлилар шулар жумласидандир.

ПАРЛАМЕНТ (французча «parler» - сўзламок, сўзлаш) — расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади.

Парламент биринчи бор XIII асрда Англияда давлат ҳоки-миятининг вакиллик органи сифатида вужудга келиб, XVII-XVIII асрларда бошқа мамлакатларга ёйилди.

Мустақил Ўзбекистоннинг парламенти Олий Мажлис деб аталади.

Парламент қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга ошира-ди. У қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан ибо-рат бўлиб, худудий сайлов округлари бўйича, одатда, кўппар-тиявийлик асосида белгиланган ёшга тўлган фуқаролардан сайланади.

Парламент давлат, сиёsat, хўжалик, ижтимоий-маданий қурилишнинг энг муҳим масалаларини ҳал қилиш ҳуқуқига эга. У ўз фаолиятида, эркин муҳокама қилиш ва ошкора ҳал этиш, қонунчилик, фуқароларни давлат ва жамоат ишларига жалб қилиш, жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олиш қоидаларига асосланади.

Парламент ваколатига мамлакат конституциясини қабул қилиш, унга ўзгаришлар, кўшимчалар киритиш, ички ва ташки сиёsatнинг асосий йўналишларини белгилаш, стратегик давлат дастурини, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиюти тизимининг ваколатларини аниқлаш, давлат таркибиға янги ҳудудларни қабул қилиш ёки уларни давлат таркибидан чиқариш хақидаги қарорларни тасдиқлаш, бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш, маъмурий-худудий тузилиш масалаларини тартибга солиш, республика чегараларини ўзгартириш, давлат бюджетини қабул қилиш, унинг ижросини назорат этиш, юқори лавозимларга тайинлашларни ва бошқа ваколатларни амалга ошириш киради.

Мустақил Ўзбекистон давлати парламентининг фаолияти унинг янги, инсонпарвар, демократик жамият қуриш манфаатлари йўлида хизмат қилаётганидан далолат бериб турибди.

ПАТЕРНАЛИЗМ (лотинча *paternus* – оталарча, *pater*-ота) — кишилар онгига «оталарча ғамхўрлик» ва «ижтимоий шериклик» гоясини сингдиришга қаратилган қараш ва фаолият мажмуи. Ана шу мақсадларда амалга ошириладиган тадбирларнинг бутун бир тизимини ўз ичига олади. Масалан, қариялар, ёшлар, кам таъминланганлар ёки иқтидорли кишиларга ёрдам уюштириш, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатига рағбатлантирувчи ҳақ тўлаш, спорт ва маданий-оммавий тадбирларни пул билан таъминлаш ва шу кабилар. Майда акцияларни чиқариш ва уларни меҳнаткашлар орасида тарқатиш, ишчиларнинг фойдада қатнашиши каби ҳаракатлар ана шунга қаратилган. Бу тадбирларнинг ҳаммаси жамиятда гоявий жиҳатдан ҳамкорликни вужудга келтиришга ёрдам беради.

Патернализм ўзида инсонпарварлик, ҳамкорлик ғояларини ифодалаб, халқнинг умумий қизиқиши ва интилишларини акс эттиргани учун кўп ҳолларда жамиятни бирлаштириб, унинг равнақи учун хизмат қиласидиган омил ҳисобланади. Шарқда бундай ҳаракатлар «патернализм» номини олмаган бўлсада, узоқ тарихга эга. Масалан, XX асрда дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилган япон тараққиёт модели азалий патерналистик ғоялар - «фуқаролик бурчи», «япон ружи», «умуммиллийлик», «фидойилик», «ватанпарварлик», “жамоага садоқат”, «кагталарга ҳурмат» каби тушунчаларга асосланиб, юксак натижаларга эришган.

Фарб мамлакатларида патернализм индивидуализмни мутлақлаштиришга эътироф тарзида шаклланди. Бунда индивидуализмнинг бирор билан бирорнинг иши бўлмаслиги, ҳар ким ўз билганича яшashi қабилидаги баъзи тамойилларидан фарқ қиласидиган ижтимоий муносабатлар назарда тутилади. Патерналистлар бундан фарқли равишда бошқаларнинг иши, ташвиши билан қизиқадилар, уларни оталикда олиб, ғамхўрлик қиласидилар. Бу биздаги жамоавийлик тамойилларига тўғри келади.

Бугунги кунда инсоният тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолган патерналистик тенденциялардан бири ижтимоий ҳамкорлик бўлиб, у турли миллат, ирқ, дин, қатламга мансуб бўлган шахсларнинг жамиятни ривожлантириш йўлидаги ҳамжиҳатлигини англатади.

Ҳозирги замонда эзгулик йўлида турли кишиларнинг ана шундай ҳамкорлиги тарихий заруратдир. Бу, ўз навбатида, одамларнинг муштарак ғоялар йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиши учун имкон яратади.

ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ — XX асрнинг иккичи ярмида Фарбда жамият тараққиётининг белгиловчи асосий омилларига таянган ҳолда вужудга келган концепция.

Мазкур назария асосан икки йўналишда ривожланмокда. Европа иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиёт ғояларига таянган биринчи йўналиш А.Турен, Ж.Фурастье, Р.Дарендорф сингари олимлар номи билан боғлиқ. Унинг иккичи йўналиши америка либерализми анъаналари негизида вужудга келиб, З.Бзежинский, К.Боулдинг, Ж.К.Гелбрейт, О.Тоффлер,

Г.Кан, Ф.Фукуяма, Л.С.Туроу, К.Омае, Е.Гидденс каби таниқли олимлар асарларида ривожлантирилган. “Постиндустриал жамият” тушунчаси дастлаб америкалик олим Дэниел Белл (1919 й. туғилған) томонидан илмий мұомалага киритилған. “Мафкуранинг интихоси”(1960 й.), “Постиндустриал жамиятнинг вужудга келиши”(1973 й.), “Капитализмнинг маданий зиддиятлари”(1976 й.) каби асарларида ўтган асрнинг 70-йилларида шаклланиб келаётган даврга (илмий адабиётда у “информацион”, “технотрон”, “посткапиталистик”, “супериндустриал”, “посттамаддуний” деб ҳам юритилади) хос мұхим белгиларга эътибор қаратған эди. Унинг назарида, асосий ишлаб чиқариш омили индустриализмдан олдинги даврда (“-протоиндустриализм”) – құйылған мәдениеттің, индустриализм даврида — техник қурилма бүлгандықтан, постиндустриал босқичда әса билим, ақпараттық салоҳият ҳал құлувчи ажамият касб этиши лозим. Олимнинг таъкидлашича, бу даврда ишлаб чиқарылған моддий бойликларнинг мөддори эмас, сифати, аниқроқ айтганда, одамларнинг турмуш даражаси, ижодий, интеллектуал мәдениеттің асосий омилга айланиши зарур. Модемиши шундай экан, тараққиёттинг постиндустриал босқичда юксак ақпараттық салоҳиятта эга бүлгандар олимлар, мұхандис ва мутахассислар жамиятнинг етакчи күчи(элитаси), технологик кашфиёт ва ихтиrolарнинг ижодкорига айланғанда даркор.

Буға ривожига постиндустриал жамият назарияси етакчи вакили Ж.К.Гэлбрейтнинг құшған хиссаси айниқса салмоқлидир. “Мұлчилик жамияти”(1952), “Америка капитализми”(1952), “Янги индустриал жамият”(1967), “Иқтисодий назариялар ва жамият мақсадлари(1976)” “Давр ва ҳаёт”(1986) сингари асарларида олим Америка жамияти иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётининг асосий омиллари, етакчи ҳаракатлантирувчи күчләри ҳақида фикр юритиб, постиндустриал босқич ҳокимиятнинг технократия ва бюрократия(элита) табақа вакиллари қўлида бўлиши билан белгиланишини таъкидлайди. Бу ҳол, унинг назарида, жамият илмий-технологик ривожи ва такомиллашувига хизмат қилади. Аммо у Farb жамиятига хос зиддиятларни ҳам инкор

этмайди. Масалан, “Бизнинг давримиздаги ҳаёт” эсдаликлар китобида бу ҳақда шундай деб ёзади: “Иқтисодиёт ва жамият манфаатлари” асарини ёзишга киришганимда постиндустриал жамият зиддиятларининг тобора чуқурлашиб бораётганига имон келтирдим, жамият ва корпорациялар мақсадлари бир-бирига у қадар мос эмаслигини англаб етдим. Жамият ўз манфаатларини ҳимоя этишда давлатта таянишга мажбур. Аммо, шуниси эътиборга лойиқки, реал ҳаётда корпорациялар давлат устидан ҳукмронлик қилаётганига гувоҳ бўламиз. Дейлик, “Женерал моторс”, “Женерал дайнемикс”, “Женерал электрик” ёхуд бошқа йирик корпорация раҳбари Вашингтондаги истаган эшикни оёғи билан тепиб кириши ва барча масалаларни бирпасда ҳал қилиб чиқиши имкониятига эга. Табиийки, оддий фуқаролар, кичик бизнес вакиллари бундай имкониятдан батамом маҳрумдирлар”.

ПОСТМОДЕРНИЗМ (“пост” – кейин, “модернизм” – ўзгариш, янгиланиш, яъни модернизмдан кейинги ўзгариш, янгиланиш демак) — XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган, жамият тараққиётининг бир босқичдан (индустриализмдан) юқорироқ босқичга(постиндустриализмга) ўтиши жаракёнида иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, сиёsat ҳамда маданий-маърифий соҳада рўй берадиган туб ўзгаришларни назарий жиҳатдан талқин этишга доир концепция.

Ижтимоий-фалсафий фикр доирасида мазкур концепция асосан икки йўналишда ривожлантирилмоқда. Биринчи йўналиш француз олимлари Ж.В.Лиотар, Ж.Бодрияр, М.Фуко ва бошқ., иккинчи йўналиш немис олимлари Ю.Хабермас, Х.Д.Клигенманн, Р.Инхарт. Эътиборли жиҳати шундаки, постмодернизм концепцияси вакиллари асаларида нафақат “постмодернизм”, балки “постиндустриал жамият” тушунчалари бирдек қўлланади. Чунки ҳар иккиси жамиятнинг сифат жиҳатдан ривожланиши тенденцияларини ёритиб берадиган тушунчалардир. Фарқи шундаки, бири (“постиндустриал жамият” тушунчаси) ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ўзгаришларни талқин этса, иккинчиси (“постмо-

дернизм") маданий соҳадаги янгиланишни ифодалайди. Аммо, бу концепцияларни бирлаштирувчи муҳим бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим: ҳар иккиси постиндустриал жамият ҳаётининг барча соҳаларига хос бўлган иллат — капитало-кратия, яъни фақат даромадга интилиш, бойликка ружу қўйиш, маънавий қашшоқлик, ҳатто санъат ва маданиятни ҳам даромад манбаига айлантиришни хаспўшлайди. Америкалик машҳур олим, Гарвард университетининг профессори Жорж Сантаяна Американинг жўғрофий кенгликлари кишилар маънавий қашшоқлигига зид экани ҳақида тўхтабиб, америкаликлар маданиятини Сахрои Кабирга киёслайди(қаранг: Медведев А. Похищение Европы. Ч.1. Искусство.-Торговля. Война. СПб., 1999, 15-бет). Постмодернизм ҳосилласи — америка оммавий маданиятини таҳлил этган Ф.Леже сармоя, пул, бойлик жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олаётгани ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: “Америкада на анъана, на урф-одат, на миллий санъат бор. Бунда ягона ҳукмдор — доллар”(ўша манба, 25-бет). Таникли иқтисодчи ва файласуф Ф.Субетто америкалик олима Ранд мисолида долларга сифинишнинг ғоят ёрқин тимсолини тасвирлайди. “Фалсафа доктори Айн Ранд, — деб ёзади у, — Америка университетларида альтруизмнинг хато экани ҳақидаги маърузалари билан шухрат қозонган. Унинг фикрича, кишилар индивидуалистик (худпарастлик) интилишлари орқалигина моддий фаровонликка эришиши мумкин... Бу хонимнинг бўйнида америка долларини акс эттирувчи тимсол-тўғнағич доимо осиғлиғ. Бу унинг қарашларини ошкор этади: альтруизм ўрнига эгоизм, инсонга муҳаббат ўрнига бойликка сифиниш”(Субетто А. Постмодерн как форма “мертвящей сущности” капитализации экономики, культуры и науки.// Экономическая теория в ХХI веке. М., Экономистъ, 2004, 251-бет). Таъкидлаш жоизки, бойликка интилиш — инсон ҳаётининг бош мақсади экани ҳақидаги дунёқараш америка оммавий маданиятининг илдиз-илдизигача сингиб кетган. Масалан, Дисней мультфильмларининг бош қаҳрамонларидан бири — бойлик учун ҳамма нарсадан воз кечадиган Скруж тогадан ўrnак олиш кераклиги зимдан

ёшлар онгига сингдирилади. Бундай “тарбия”нинг тарихий илдизлари анча узок Айтайлик, Америка “отала”ридан бири Бенжамен Франклин “Ёш тадбиркорга маслаҳатлар”рида шундай ўгит беради: “Агарда сен кун давомида бир цент ҳам ишлаб топмаган бўлсанг, билгингки, бир кунлик умринг зое кетибди”.

Бундай дунёқарааш ва гояларнинг хатарли жиҳати шундаки, у барча мамлакатлар учун андаза сифатидагина тавсия этилаётгани йўқ, балки бор восита ва имкониятлар(иктисодий, сиёсий, мафкуравий) воситасида кенг тарғиб этилмоқда ва сингдирилмоқда. Масалан, айрим ривожланган Farb мамлакатлари саноат маҳсулотлари, ахборот ва мафкуравий таъсир кўрсатиш билан чекланмай, гарбона қараашлар, андозалар ва оммавий маданият намуналарини мунтазам равища дунё ҳалқлари турмуш тарзи, онгу шуурига, бир сўз билан айтганда, улар ҳаётининг барча жабҳаларига “экспорт” қилишга интилмоқда.

ПРАГМАТИЗМ (юонча “pragma” — иш, ҳаракат) — XIX -XX асрда кенг тарқалган фалсафий таълимотлардан биридир. У XIX асрнинг 70-йилларида АҚШда шаклланиб, кенг ривожланди ва ушбу мамлакат маънавий ҳаётига катта таъсир қилди. Прагматизмнинг асосий гоялари Ч.Пирс, ке-йинроқ эса У.Жемс, Дж.Дьюи, Дж.Г.Мид асарларида ҳар томонлама асослаб берилган. Буюк Британия (Ф.К.С.Шиллер) ва бошқа мамлакатларда ҳам прагматизм ўз тарафдорларига эга.

Ўтмиш фалсафасини, XIX асрда Англия, АҚШ университетларида ўқитилаётган фалсафани ҳаётдан ажralиб қолган, мавҳум, кузатувчан характерга эга, деб билган прагматизм вакиллари “фалсафани таъмирлаш” дастури билан чиқдилар. Улар фалсафа борлиқ ва билишнинг ilk асосларини идрок этишдан иборат бўлиб қолмаслиги керак, балки кишиларнинг олдида кўндаланг бўлиб турадиган, турли ҳаётий вазият, фаолият жарайёнида улар дуч келадиган муаммоларни ҳал қилиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

Прагматизм, амалиётда инсонга нима кўпроқ фойда берса, ўшанга кўпроқ аҳамият бериш зарур, деган гояни илгари суради.

ПРОТЕСТАНТИЗМ (лотинча protestans, protestantis — норозилик билдирувчи, омма олдида исботловчи) — христианликдаги (православие ва католиклик билан бирга) уч асосий йўналишдан бири. XVI асрда Европада католикларга қарши қаратилган реформация ҳаракати билан боғлиқ жуда кўп мустақил черковлар ва секталар пайдо бўлди. 1526 йилда Шпейер рейхстаги немис лютерчи-князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эгалиги тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо 1529 йилда 2-Шпейер рейхстаги бу қарорни бекор қилди. Бунга қарши империянинг бир қанча шахарлари аҳолиси ва 5 та князъ «протест» (норозилик) билдиришиди. «Протестантизм» термини шу сўздан келиб чиқкан.

Протестантизм худонинг борлиги, унинг уч қиёфада намоён бўлиши, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах ҳақидаги, ваҳий ва бошқалар тўғрисидаги умумхристиан тасаввурларини эътироф этади. Шу билан бирга, протестантизм З та янги тамойилни - шахсий эътиқод билан нажот топиш, динга ишонувчи барча кишиларнинг руҳоний бўлиши мумкинлиги ва Библияниң олий нуфузи тўғрисидаги қарашларни илгари суради.

Протестантизмда руҳоний билан қавм ўртасидаги ақида-вий фарқ тан олинмайди, черков иерархияси бекор қилинади, руҳоний қавмларнинг тавбасини қабул қилиш ва уларни гуноҳлардан фориф этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб, жамоага ҳисоб беради. Руҳонийларнинг оила қуриши ман этилмайди.

Протестантизмда ўлганларга бағишлиб дуо ўқиш, азизавлиёлар шарафига турли-туман байрамлар ўтказиш, мұқаддас марҳумларга ва иконаларга сиғиниш бекор этилиб, ибодат уйлари ортиқча ҳашамлар, иконалар, ҳайкаллардан холи қилиниб, қўнғироқлар олиб ташланди. Протестантизм черковни дунёвийлаштиргач, монастирлардан ва монахликдан ҳам воз кечди. Протестантизмда ибодат ниҳоятда соддлаштирилди, ваъз, дуо ва ҳамду сано куйлаш она тилида ўтказиладиган бўлди.

Библия - протестантизмнинг ягона манбаи деб эълон

қилинди, бошқа муқаддас ривоятлар рад этилди. Библия миллий тилларга таржима қилинди, уни ўрганиш ва шархлаш «гуноҳ» ҳисобланмади, балки ҳар бир художўйнинг энг мухим бурчи бўлиб қолди.

Протестантизмнинг илк шакллари: лютерчилик, цвингличилик, кальвинизм, унитаризм ва социнчилик, анабаптизм ва менночилик, англиканликдир. Кейинроқ, «сўнгги протестантизм» шакллари: баптистлар, методистлар, квакерлар, адвентистлар, Иегова шоҳидлари, мормонлар ёки «Охират авлиёлари», «Нажот армияси», «Христиан фани», пятидесятниклар ва бошқа диний оқимлар пайдо бўлди. Бу оқимларнинг кўпчилиги «диний уйғониш», илк христианлик ва реформация идеалларига қайтиш шиори остида ташкил топди.

Ҳозирги вақтда протестантизм дунёning барча қитъалирида тарқалган. Унинг маркази — АҚШда, бу ерда баптист, адвентист, Иегова шоҳидлари ва бошқаларнинг қароргоҳлари жойлашган. 1948 йилдан Жаҳон черковлари кенгаши фаолият кўрсатмоқда.

РАДИКАЛИЗМ (лотинча, “radix” — томир, илдиз, ўзак) — 1) мақсад-муддаони кескин, муросасиз амалга ошириш; 2) у ёки бу ишдаги мавжуд ахволни тубдан ўзгартиришга интилиш; 3) ижтимоий-сиёсий ҳаётда XIX асрда вужудга келган сиёсий оқим.

Ҳозирги кунда радикализмнинг ўнг, сўл ва мўътадил кўришиллари мавжуд. Ўнг радикализм ҳаётни зудлик билан қайта куриш, бунда эскини бутунлай йўқотиш, факат янгига таяниш лозим, деб ҳисобласа, сўл радикализм жамият тараққиётида эскига, олдинги даврларга қайтиш, янгиликлардан кўра ақидаларга таяниш зарур, деган қарашни илгари суради. Мўътадил радикализм кўпроқ реформистик гоялар тарафдори бўлганидан жамият ҳаётида пишиб етилган муаммоларни ҳал қилишда ишни пайсалга солмаслик лозим, деган тамоийилга таянади. Радикализмнинг бу шаклидан Иккинчи жаҳон уруши арафасида Америкада Рузвелт бошчилигида, урушдан кейин эса кўпгина Европа мамлакатларида амалга оширилган реформалар жараёнида фойдаланилди. Афсуски, ради-

кализм кўпроқ мўътадил ҳолда эмас, балки ўнг ва сўл шаклларда учрайди.

XIX асрда радикализмнинг кескин сиёсийлашув жараёни содир бўлди, у ҳокимият тепасига чиқишига даъвогарлик қилиб, барчани мададга чақирган ҳолда, бунга қуролли йўл билан эришишга очиқдан-очиқ урина бошлади. Бу айниқса, ҳокимиятини зўрлик билан эгаллаб олган марксистик партиялар фаолиятида яққол намоён бўлди.

XIX аср бошларида жаҳон иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар юз бера бошлади. Айни шу шароитларда большевизм, фашизм соф радикал ғояларни мутлақлаштириш йўлидан борди. Бугунги кунда дунё саҳнида диний софлик никоби остида давлат ҳокимиятига даъвогарлик қилаётган радикал диний ҳаракатлар ва ташкилотлар хам фаолият кўрсатмоқда.

Умуман олганда, радикализм ҳамиша ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва жамоат тартибига жиддий путур етказадиган, жамият ҳаётини издан чиқарувчи, вайронкор омил сифатида намоён бўлади.

РЕСПУБЛИКА (лотинча «res» - иш ва «publikus» - ижтимоий; умумхалқ иши) — давлатни бошқаришнинг асосий шаклларидан бири. Бошқаришнинг республика шакли ўрнатилган мамлакатларда давлат ҳокимиятининг олий органлари муайян муддатга сайланниб қўйилади.

Тарихда республиканинг ҳар хил турлари бўлган. Қадимги Юнонистон ва ўрта асрлар давридаёқ, айрим давлатлар бошқариш шаклига кўра, аристократик ёки демократик республика шаклида бўлганлар. Қадимги даврда - Спарта ва Рим, ўрта асрларда - Генуя, Венеция, Флоренция, Буюк Новгород ва Псков шаҳар-давлатлари аристократик республика шаклида бўлганлар. Демократик республика қадимги Греция - Афинада ўрнатилган бўлиб, фуқаролар учун умумий сайлов ҳуқуқи жорий қилинганлиги, ҳар йили қонунларнинг қайтадан тасдиқланганлиги ва мансабдор шахсларнинг қайтадан сайланганлиги, олий ҳокимият органи - Халқ мажлиси эканлиги билан характерланади.

Республиканинг турли шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлар қадимги давр мутафаккирлари Демокрит, Платон, Аристотель, Цицерон ва Полибий, ўрта асрларда эса Фома Аквинский, Марселий Падуанский, Форобий, янги даврда Никколо Макиавелли, Жан Боден, Гуго Гроций, Бенедикт Спиноза, Томас Гоббс, Джон Локк, Шарл Луи Монтескье, Жан-Жак Руссо, Томас Джефферсон, Вилгельм Фридрих Гегель асарларида учрайди. XIX-XX асрларга келиб, республика давлатни бошқаришнинг энг кенг тарқалган шаклига айланди. Ҳозирги даврда республиканинг учта асосий тури мавжуд: президентлик республикаси, парламентар республика ва аралаш республика.

Президентлик республикаси Америка Кўшма Штатлари, Аргентина, Бразилия, Венесуэла, Гватемала, Замбия, Кения Колумбия, Мексика, Парагвай, Перу, Сальвадор каби мамлакатлар учун хос давлатни бошқарув шаклидир. Унинг ўзига хос хусусиятлари: унчалик ривожланмаган ёки ривожланмаган кўппартиявийлик тизимининг таркиб топғанлиги; президент бир вақтнинг ўзида давлат ва ҳукумат бошлиғи эканлиги; президентнинг бевосита ҳалқ ёки маҳсус ташкил этилган коллегиал орган томонидан сайланиши; президентнинг парламентдан мустақиллиги; бош вазир лавозимининг йўқлиги; ҳукуматнинг президент томонидан тузилиши.

Парламентар республикада кўппартиявийлик тизими ривожланган бўлиб, мамлакат аҳолиси давлат ҳокимиятининг олий қонун чиқарувчи органи - парламент депутатларини маълум бир муддатга сайлайди; парламент сайловларида ғалаба қозонган партия раҳбарлари ҳукуматни тузадилар, агар ҳеч бир партия вакиллари парламентда кўпчилик ўринларни ололмаса, коалицион (аралаш) ҳукумат ташкил қилинади; давлат бошлиғи - президент парламент томонидан сайланади; ҳукумат бошлиғи Бош вазир бўлиб, реал ҳокимият унинг қўлида тўпланади, ҳукумат парламент олдида жавоб беради; ҳукумат таркибини парламент белгилайди, унинг қабул қиласидан қарорларига ўз таъсирини кўрсатади, бутун ҳукуматни ёки унинг айрим аъзоларини истеъфога жўнатади. Парламентар республикада бошқариш, қонун чиқариш, давлатнинг ички ва ташки сиёсатини амалга оширишда президент эмас, балки

бош вазир ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Давлатни бошқаришнинг парламентар республика шакли ҳозирги даврда Олмония Федератив Республикаси, Италия, Хиндистон, Австрия, Албания, Бангладеш, Исройл, Польша, Руминия, Туркия каби мамлакатларда ўрнатилган.

Аралаш республикада президентлик ва парламентар республикаларнинг асосий хусусиятлари биргалашиб ўз аксини топади. Унинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, президент билан ҳукумат ўртасида тўғридан-тўғри юридик алоқа заифдир. Президент бевосита ҳалқ томонидан маълум муддатга сайланади. У бевосита ҳукуматга раҳбарлик қилмайди. Ҳукуматни Бош вазир бошқаради. Парламент билан ҳукумат ўртасида келишириб бўлмайдиган низо келиб чиққанда, президент конституцияга биноан, парламентни ёки унинг қуий палатасини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Конун билан белгиланган муддат ўтгандан сўнг, ҳалқ томонидан сайланган ҳокимият органларининг ваколати тугатилади ва уларга қайтадан сайлов ўтказилади. Аралаш республика шакли ҳозирги даврда Франция ва Россия Федерацияси учун хосдир

80- йилларнинг охри ва 90-йилларнинг бошида собиқ СССР ҳудудида ниҳоятда мураккаб сиёсий ва мафкуравий назарий вазият мавжуд пайтда, Ўзбекистондаги муайян вазиятни инобатга олиб, ижодий равишда республикавий бошқаришнинг шундай шакли таанлаб олиндики, у Президент республикаси, парламентар республика ва аралаш республикага хос томонлар ва жиҳатларни ўзида мужассамлаштиради. Бу нарса давлатимизни ҳозирги замоннинг мураккаб вазиятида талаб даражасида бошқариш имконини беради.

РЕФЕРЕНДУМ (лотинча «re feendum»— қилиниши лозим бўлган хабар) — муҳим масалаларни умумхалқ мухокамасига қўйиш орқали ҳал қилиш; демократик бошқариш жараёнида қўлланиладиган тадбирлардан бири.

Референдум жамиятни демократик асосда бошқаришни таъминлашга ёрдам беради, барча демократик давлатларда ўтказиб турилади, ўтказиш олдиндан белгилаб қўйилади. Референдум умумхалқ сўрови, сайловлар тарзida амалга оширилиши ҳам мумкин. Асл маънодаги референдум унда қатнашадиганларнинг эркинлигига асосланади, ҳалқнинг ижти-

моий фикрини ифодалайди. Референдум натижалари мажбурий қонун тусига кириши ёки умумий бир фикрни ифодалаши, директив характер касб этмаслиги ҳам мумкин. Масалан, күпгина мамлакатлардаги президентлик ёки давлат вакиллик органларига сайлов натижалари эълон қилингани ва тасдиқланганидан сўнг кучга киради. Бу референдумда кўп овоз олган номзод ғолиб ҳисобланади ва натижаларга кўра лавозимни эгаллади. Мажбурий референдум сайлов корпуси томонидан тасдиқланган, мажбур бўлмаган референдум эса сайлов корпуси ташаббуси ёки олий ҳокимият томонидан тақдим этилган лойиҳа асосида ўтказилади. Шунингдек, бутун жамият миқёсида, давлат субъектларида маҳаллий референдум, худудий бирликларда ўтказиладиган маъмурий-худудий референдум шакллари мавжуд. Референдум йўли билан қабул қилинган қарорлар олий кучга эга бўлиб, бошқа ана шундай референдум орқали ўзгартирилиши мумкин.

САЛБ ЮРИШЛАРИ — ўрта асрларда черков ҳомийлиги остида Шарққа қилинган юришлар. Тарихда саккизта салб юришлари маълум бўлиб, улар 200 йил давом этган. 1095 йилда Франциянинг Клерман шахридаги майдонда Рим папаси халойиқни «Исо пайғамбарнинг тобутини файридинлар (яъни мусулмонлар) қўлидан қутқазиб олиш учун» Шарқ мамлакатларига қарши отланишга чақирди. Шарққа қилинган юриш қатнашчилари кийимларига қизил матодан салб белгиси тикиб олишгани учун ҳам юриш қатнашчиларини салбчилар, юришларнинг ўзи эса салб юришлари деб аталган.

XI аср охирларида Европадаги иқтисодий-ижтимоий ҳаёт оғир бўлиб, қаҳатчилик, чорва нобудгарчилиги, юқумли қасалликлар кенг тарқалган эди. Ночорлик ва очарчилик қишлоқ аҳолисини туғилиб ўсган жойларидан оммавий кетишга мажбур этган. Ана шундай вазиятда Шарққа юриш қилиш орқали бу холатдан кутулиш мумкин деган қарашлар устувор бўла борди. Айни пайтда, жамиятнинг айрим қатламлари янада бойиш, ерга эга бўлишга интилар эди. Черков паноҳи остида салб юришларида қатнашиш улар учун айни муддао бўлди. Салб юришларининг асосий кучи - мақсади уруш, қароқчилик, талончилик орқали бойиш бўлган рицарлар эди.

1096 йилнинг баҳорида Фарбий Европа дәхқонлари Куддусга юриш қилди, салжуқийлар уларни биринчи тўқнашувдаёқ кириб ташлади.

1096 йилнинг кузида эса Франция, Германия, Италия мамлакатларидан иирик феодаллар раҳбарлигидаги Шарққа йўл олган рицарлар отрядлари 1099 йили қаттиқ хужумдан кейин Куддусни истило қилдилар. Салбчилар Сурия билан Фаластииннинг денгиз қирғоқларида тор соҳилида ўз давлатларини барпо қилдилар.

Шарқ халқлари салбчиларга қарши бир неча марта қўзғолон қилишган. Мусулмонлар Миср сultonи Салоҳиддин бошлигига кучли давлат тузиб, салбчилар қўшинини Куддусдан ҳайдаб чиқарганлар.

«Муқаддас шаҳарни» қайтариб олиш учун салбчилар янги юриш уюштирган, аммо бу юриш ҳам муваффақиятсиз тугаган.

XII асрда папа Иннокентий III Шарққа томон яна бир юришни ташкил этди. Салбчилар 1204 йилда Византия пойтахтини босиб олишган. Маҳаллий халқ қарийб 50 йил босқинчиларга қарши озодлик қураши олиб бориб, ниҳоят, 1261 йилда уларни Константинополдан ҳайдаб чиқарди.

Тарихдан болалар салб юришлари деб ном олган ҳодиса ҳам маълум. 1212 йили Франциянинг Вандом қишлоғида Стефан исмли чўпон бола «Мен худо томонидан муқаддас ерни озод қилишга юборилдим», – деб эълон қилгач, минглаб болалар унинг ортидан эргашадилар. Франциянинг Марсель портига тўпланган 350 мингдан ортиқ болаларни икки савдогар Мисрга олиб бориб, қул сифатида сотиб юборади.

Салбчилар ўзининг Сурия ва Фаластиндаги ер-мулкларини йўқота бошладилар, ниҳоят, сўнгги, саккизинчи салб юришидан кейин XIII аср охирларида мусулмон мамлакатларидағи бойликларининг ҳаммасидан маҳрум бўлдилар.

Хуллас, вайронкор гояга асосланган ва қарийб 200 йил давом этган босқинчилик урушлари бўлган салб юришлари ана шу тариқа тамом бўлди. Салбчилар бу юришларда гоят катта талафот кўрдилар, аммо кўзлаган мақсадларига ета олмадилар.

Салб юришлари Европа учун муайян таъсирга ҳам эга бўлди. Европаликлар шарқликлардан янги декончилик экин-

ларини етиштиришни ўргандилар. Европага ўрик, лимон, шакарқамиш кабилар маъқул бўлиб, уларнинг алоҳида навлари олиб кетилди. Шунингдек, европаликлар шамол тегирмони, шойи тўкиш, ойна ясаш, металлга ишлов беришни ўрганиб, кундалик турмушда фойдаландилар. Аммо буларга қарамасдан, бузғунчи гоя асосидаги салбчилар юриши диний фанатизм, ақидапарастликдан иборат бўлган гайриинсоний воқеа эди. Орадан икки – икки ярим аср вақт ўтгач, Галилей, Коперник, Кампанелла, Бруно каби юзлаб ақл-заковат соҳибларининг бошларига кулфат келтирган мутаассиблар, яъни инквизиция гоясини яратувчилари ҳам ана шу салбчиларнинг давомчилари эди.

СИЁСИЙ ИНСТИТУТЛАР — жамиятнинг қарор топган давлат ташкилоти муассасалари ва ундаги лавозимлар таркиби. Улар муайян сиёсий фаолиятни амалга оширадилар. Собиқ Иттифоқ даврида сиёсий институтлар жамиятнинг сиёсий тизими (системаси) деб юритилиб, унинг таркибига коммунистик партия, давлат, меҳнат жамоалари, касаба ўюшмалари, комсомол ва бошқа ташкилотлар киритилган. Шўролар иттифоқи барбод бўлгач, унинг сиёсий тизими ҳам барҳам топди.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ўз моҳияти, йўналиши ва вазифалари жиҳатидан бутунлай янги сиёсий институтларни майдонга келтирди. Булар Ўзбекистоннинг 1992 йилда қабул қилинган Конституциясида қонуний мустаҳкамланган. Янги сиёсий институтлар фаолиятидаги мақсад ва маслаклар муштараклиги мустақил Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати муваффақиятини таъминлашга хизмат қиласиди.

Сиёсат - бу давлатни, жамиятни бошқариш санъати ва маҳорати, турли табака ва гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари билан боғлик фаолият доирасидир.

Ўзбекистон Конституциясининг 10-моддасида таъкидланадики, жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ва алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас. Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти - давлат ва ижро этувчи

ҳокимият бошлиғи иш олиб бориши мумкин. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг бажариш борасидаги таъсирчан иштироки ҳам муҳим омилларданdir.

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади. Давлат жамоат бирлашмаларининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг хуқуқий имкониятлар яратиб беради. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида мажбуран ўрнатилмайди.

Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-кизлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари эътироф этилади. Жумладан, ҳозир фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси, Адолат партияси, Миллий тикланиш партияси, Либерал демократлар партияси, Фидокорлар партияси ва «Ҳалқ бирлиги» ижтимоий ҳаракати, бошқа сиёсий институтлар мафкураларнинг ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланадилар. Улар ўз низом ва дастурларига эгадирлар, Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар ҳам бўлиб, улар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Уларнинг фаолият доирасини қонунлар билан белгиланганга нисбатан чеклаш ёки тақиқлаб қўйиш фақат суд қарори асосидагина амалга оширилиши мумкин.

Инсон хуқуқлари бўйича Вакил (Омбудсман) институти, Олий Мажлис (парламент) хузуридаги Амалдати қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон хуқуқлари бўйича республика миллий марказининг ташкил этилиши ва фаолияти инсон хуқуқларига риоя этишини умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилгандир. Мазкур янги институтлар фаолиятининг асосий йўналиши фуқаронинг ўз хуқуқлари, бурч ва мажбуриятларидан яхши хабардор бўлиши учун шахс

хукуқларининг конституциявий кафолатларини кенг ва ошкор рўёбга чиқариш, мансабдор шахслар, бошқарув органлари фаолияти устидан назорат (омбудсман) функциясини амалга ошириш, яъни фуқаролардан келиб тушаётган шикоятларни бевосита кўриб чиқиш ва текшириш тарзида қондиришдир.

Сиёсий институтлар борасида мустақил Ўзбекистон замон талаблари ва демократик хукуқий давлат даражасида иш олиб бормоқда.

СИЁСИЙ МАДАНИЯТ — умумий маданиятнинг муҳим тури; жамият аъзолари, миллат, ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар ҳамда ҳар бир фуқаронинг давлатнинг ички ва ташки сиёсатини тушуна билиш қобилияти, таҳлил қила олиш даражаси ва сиёсий вазиятга қараб, мустақил равищда ўз хатти-ҳаракатларини белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш маданияти. Олдиндан кўра билиш истеъоди, ҳаракат йўналишини ўзгартириш, назарий ва амалий йўналишларни аниклай олиш, тарафдорлар топиш, ижтимоий жараёнларнинг тезлигига таъсир ўтказиш сиёсий маданиятнинг жиҳатларидан саналади.

Давлатимиз, жамиятимиз мустақиллик шароитида олиб бораётган сиёсатининг энг биринчи мақсади ҳалқимиз учун, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон учун муносаб ҳаёт шароити барпо этиш, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимизни мустаҳкамлашдир. Ҳар бир фуқаронинг сиёсий маданияти мамлакатда барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва миллатлараро муроса, иқтисодий муваффакиятларни таъминлаш, республиканинг ҳар бир фуқаросига истиқболга фаровон ҳаёт кечириш учун шароит яратишга қаратилган бўлиши керак. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқарувда, парламент сайловларида мустақил сиёсий куч сифатида сиёсий партияларнинг иштирок этиши Ўзбекистонда юксак сиёсий маданиятга эришиш учун жиддий қадамлар қўйилаётганидан далолат беради.

Мустақил Ўзбекистон аҳолиси сиёсий маданияти юксаклигининг яна бир кўрсаткичи юртнинг барқарорлигида, турли сиёсий оқимларнинг ижобий тарзда ўзаро ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишида намоён бўлмоқда. Бозор иқтисодиётининг зарур хукуқий инфратузилмасини яратиш сиёсий маданият-

нинг муҳим кўрсаткичлари дандир. Ўзбекистонда ўтказилаётган сиёсий-хуқуқий ислоҳотнинг туб моҳияти ва мазмуни, давлат мустақиллигига эришишдан ташқари, демократияни - халқ ҳокимиятини ҳар тарафлама кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборат. Давлат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар ўз сиёсатларида халқнинг эркени, дунёқарашини, манфаатини ифодалаб фаолият олиб боришилари ҳам юксак сиёсий маданиятнинг аломатидир.

Сиёсий маданиятнинг асослари халқ эрки, иродаси билан белгиланиши лозим. Жамият сиёсий маданиятининг энг юксак кўрсаткичи кишиларнинг давлат олиб бораётган ички хамда ташқи сиёсатни, унинг асосий йўналишлари ва мазмунини, уни амалга ошириш усул ва услубларини тўла тушунишида ва тўла тушунтира билишидадир. Бу мезонларга амал қилиш натижасида ҳозирги даврда Ўзбекистонда давлат ва жамоат ишларини бошқаришдаги сиёсий маданият ва аҳоли фаоллиги ўсиб бормоқда.

Сиёсий маданият сиёсий тизимнинг энг муҳим белгиси сифатида кишиларнинг давлат ва жамоат ишларини бошқаришда бевосита ёки билвосита иштирокини ифода этади. Ижтимоий ҳаёт кун тартибига қўяётган масалаларнинг мураккаблиги, сиёсий ҳаётда юз бераётган жиддий ўзгаришлар, жамиятни олижаноб мақсадларга етаклашнинг ўта масъуллиги давлат ва жамоат бошқариши билан юқори малакали мутахассислар шуғулланишини тақозо этади. Юксак ахлоқий хислатлар ва сиёсий онгга, маданиятга эга бўлган бундай мутахассислар сиёсий маданиятнинг шаклланишида етакчи ўрин тутади.

Сиёсий маданият халқ, ватан, давлат ва жамоат манфатларига хизмат қилиш, бошқариш ишлари билан боғлиқ вазифаларни моҳирона ҳал этиш, жамоатчилик фикрига таяниш, кишиларни бирлаштириш, ташаббусини қўллаб-қувватлаш, мақсадлар сари етаклаш каби қобилиятларга бориб тақалади. Сиёсий маданият ахлоқий хислатларга таянганда-гина бошқаларга ибратга айланади.

Сиёсий маданият жамиятнинг барча аъзоларига тааллук-лидир. Фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларида фаол иштирокисиз демократик жамият қуриб бўлмайди. Давлатнинг

ички ва ташқи сиёсатидан, бошқариш тизимлари фаолиятидан, кундалик ижтимоий ҳайтдан яхши хабардор бўлиш, давлат ва жамоат бошқаришида бевосита ва билвосита иштирок этиш орқали фуқаролар ўзида сиёсий маданиятни шакллантиради. Сиёсий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳамдир. Махалла қўмиталари, хотин-қизлар қўмиталари, оқсоқоллар кенгашлари, ёшлар ташкилотлари, касаба уюшмалар, санъаткорлар, ижодкорлар, бизнесменлар, тиббиёт ва маориф ходимларининг кўнгилли бирлашмалари кабиларнинг фаолияти орқали ҳам аҳолининг сиёсий маданияти намоён бўлади.

Сиёсий маданиятнинг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, у ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир давлатнинг муайян ва маълум шарт-шароитларида шаклланади. Шу боисдан, ҳар бир мамлакат ва ҳар бир миллатнинг сиёсий маданияти ўзига хос томонлар ва хусусиятларга эга. Мустақил Ўзбекистон шарқона сиёсий маданият йўлидан бормоқда, кўп жиҳатдан куч билан гарб назариётчилари ва амалиётчилари томонидан чоракам бир аср давомида бизга киритилиб келган ҳаддан ташқари соддалаштирилган, қўпол ва сийқа инқиlobийлик ўрнига миллий анъана-ларимиз ҳамда тарихимиз сабоқлари асосида яратилган тадрижийлик, яъни секин-аста, босқичма-босқич ўзгариш ва такомиллашиш орқали ривожланмоқда.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ (лотинча «раге» — қисм, гурӯҳ; эски ўзбекчаси, арабча «фирқа» — гурӯҳ, тўда) — умумий ғоя ва манфаат, ижтимоий-сиёсий мақсадлар асосида одамларни ихтиёрий равишда уюштирувчи турғун ташкилот, фуқаровий жамият билан давлатни бир-бирига боғловчи энг муҳим воситалардан бири, ҳозирги замон ҳуқуқий демократик давлати ҳаётининг зарурий омилларидан бири.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларида сиёсий партиялар сайлов тизими воситасида марказдаги ёки жойлардаги ҳокимиятни қўлга киритиш ёхуд ундаги лавозимларни сайловда олган улушларига қараб мутаносиб равишда таҳсимлаб олишга ҳаракат қиласидилар.

Сиёсий партияларнинг фаолияти қўйидаги асосий йўналишларда олиб борилади: 1) ўз фаолиятининг мақсадларини

аниқлаш ва белгилаш, ўзининг сиёсий, хуқукий, фалсафий, диний, бадиий қарашлари тизимини яратиш ва уларни кенг омма орасида ёйини; 2) жамият аъзоларининг турли манфатларини ўз фаолияти ва ҳужжатларида мумкин қадар кенг қамраб олиб, уларнинг энг маъқуллаган партиясига айланишга интилиш; 3) турли органларга сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда ниҳоятда ўринли ва долзарб шиорларни ўртага ташлаб, сайловчиларнинг мумкин қадар кенг доирасининг овозини ўз фойдасига ола билиш; 4) сиёсий партия қаторига янги аъзоларни тортиш ва саралаш йўли билан унинг етакчи ҳамда билағонлари табақасини шакллантириш; 5) партия дастурида кўрсатилган вазифалар ва ваъдаларни конун чиқарувчи ҳамда ижроия давлат органлари орқали амалга оширишга ҳаракат қилиш.

Биринчи, энг ибтидоий ва камсонли сиёсий партиялар XVII-XVIII асрлар инқилоблари даврида шакллана бошладилар. XIX аср охирига келиб, демократик тартиблар кенгайиб, сайловлар тизими, парламентлардаги жойлар учун кураш кескинлашгани сари, сиёсий партиялар ҳаёти ва фаолияти янги поғонага кўтарилди. Сиёсий кураш саҳнасида ишчилар синфининг чиқиши эса сиёсий партиялар масаласини жамият сиёсий ҳаётидаги энг жиддий ва муҳим омиллардан бирига айлантириди. XIX аср охири - XX асрнинг биринчи ярмида сиёсий партияларнинг фаолияти энг юксак нуқтага чиқди. Ҳозирги замон сиёсий партиялари фаолиятида «умуммиллий», «умумдавлат» ва «умуминсоний» шиор ва шу куннинг энг долзарб муаммоларини ўртага ташлаш, аҳолини ўз атрофида уюштириш масалаларида устуворлик касб эта бошладилар.

Марказий Осиёда сиёсий партиялар тузиш учун тарихий-ижтимоий талаб XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида юзага кела бошлади. Бунинг икки асосий сабаби бор эди: биринчидан, жамиятдаги илғор ижтимоий кучларни бирлаштириб, халқнинг сиёсий фаоллигини ошириш, халқ орасида маърифат нурларини сочиш; иккинчидан, оммани шутарзда уюштириб, уни, авваламбор, чор Россияси таркибида муҳториятга эришишга даъват қилиш, кейинчалик эса ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий кучларни йигиб, ўлка-

да мустақил миллий давлат яратиш масаласини ўртага ташлаш. Илк ўзбек жадидлари ва маърифатпарварларининг бу борадаги ҳаракатлари, ёзма ва оғзаки фикрлари, агар уларни чуқур таҳлил этсак, шундай хулоса ясаш учун етарли асос беради. Аммо бу орзу ва мақсадларнинг амалга ошиши дастлабки қадамларданоқ жиддий қийинчиликларга дуч келди. Бу, биринчидан, чоризм ҳокимиятининг сиёсати, иккинчидан, Россия социал-демократиясининг бузғунчилик фаолияти эди. Чунки большевикларнинг дастури бўйича барча миллий минтақалардаги миллий уйғониш ва миллий-озодлик ҳаракатлари фақат ишчилар партияларига бўйсунган тақдирдагина тўғри йўлда деб топилар, акс ҳолда эса, миллий хоинлик деб қораланар эди. Шу боисдан, 1917 йилгача бўлган даврда Марказий Осиё минтақасида сиёсий, назарий ва ташкилий жиҳатдан етук сиёсий партиялар шаклланиб улгурмадилар. Коммунистик партиядан бошқа сиёсий партия ишчи-дехқонлар учун ортиқча ва шу сабабли кераксиз деб, сиёсий партиялар тузиш тақиқланган эди. Социализм қуриш йилларида (1917-1936) чоризм даврида шакллана бошлаган сиёсий ташкилотлар ва уларнинг раҳбарлари узил-кесил йўқ қилиб ташланди, минглаб ўзбек, қозоқ, туркман, тоҷик, қирғиз зиёлилари, жамоат арбоблари ва мутафаккирлари бадарға ва сургун қилинди, шўро концлагерларида кафансиз кўмилди.

Мустақил Ўзбекистон сиёсий партияларнинг шаклланиши ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди (қаранг: Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси», Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси», Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал демократик партияси, Ўзбекистон “Фидокорлар” миллий демократик партияси ва «Ўзбекистон Халқ демократик партияси»).

СИЁСИЙ ТУЗУМ — давлат ички тузилиши жиҳатларининг ўзаро алоқалари ва таъсириининг энг муҳим, доимий хусусиятларини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг мажмусаси, йигиндиси. У сиёсий ҳокимиятни, умуман, давлат муассасалари тизимини ва уларнинг асосий ташкилий

шаклларини белгилаб беради. Сиёсий тузум ҳар бир мамлакатнинг мавжуд шарт-шароитларини инобатга олиб белгиланади. Сиёсий тузум, одатда, мамлакат конституциясида ва шу асосда чиқарилган бошқа қонуний ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилади.

Сиёсий тузумда қўйидаги хусусиятлар мавжуд:

1) давлат томонидан муҳофаза этиладиган давлат, жамият ва шахс орасидаги муайян муносабатлар тизими, давлат ҳокимиятининг ижтимоий-иктисодий ва ташкилий-сиёсий негизлари, ушбу ҳокимиятни амалга ошириш усуллари, фуқароларнинг ҳуқуқий мақоми;

2) давлат ҳокимиятнинг олий ва бошқа органлари тизими, ваколатлар нисбати, уларни ташкил қилиш тартиблари;

3) мамлакатнинг ҳудудий тузилиши.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тузуми 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси, шу асосда қабул қилинган конституциявий қонунлар ҳамда бошқа расмий ҳужжатлар билан белгиланган.

Ўзбекистонда сиёсий тузум ҳокимиятни қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятларига тақсимлаш тамойили асосида тузилган. Ўзбекистон Республикаси олий ҳокимият органларини қонунчилик органи - Олий Мажлис, давлат раҳбари ва ижро ҳокимиятининг бошлиғи - Президент, олий ижро органи - Вазирлар Маҳкамаси ташкил қиласди.

Алоҳида тармоқларни бошқариш марказлашган тартибда иш кўрадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва концернлар томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вилоят, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманларнинг халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликлардан иборат.

Ўзбекистон таркибига ўзининг олий ҳокимият органлари - Жўқорғи Кенгес ва Министрлар Кенгашига эга бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ҳам киради.

Суд ҳокимияти тизими қонунчилик ва ижро ҳокимиятидан мустақил иш юритадиган, беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди ва Хўжалик судидан, шу муддатга тайинла-

надиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат.

Қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш республика Бош прокурори ва унга бўйсунувчи жойлардаги прокурорларнинг вазифасидир.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий тузуми, бинобарин, ҳозирги даврдаги илгор давлатларнинг тажрибасини, ҳалқимизнинг тарихий анъаналари ва мукаммал жамият тўғрисидаги орзу-умидларини, мутафаккирларимиз ва жамиятшunosларнинг тавсияларини ўзида мужассамлаштирган.

СИЁСИЙ ҲАЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ — ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва янада чуқурлаштириш, ахолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, сиёсий партия ва жамоат ташкилотларининг жамият ҳаётидаги аҳамиятини ошириш, фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш, фуқаролар онгida демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ жараёнларни ифодаловчи тушунча.

Бозор иқтисодиётiga ўтишнинг иккинчи босқичи мобайнида ҳаётни эркинлаштириш аввало фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, инсоннинг ўз қобилиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо қилади. Мана шундагина инсонлар ўз хоҳиш-иродаларини эркин баён этиш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва уни ҳимоя қилиш имконига эга бўладилар.

Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш кўп партияйийлик муҳити билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Зеро, ҳар бир партия ўзи таянадиган ижтимоий гуруҳ манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аник дастурини намоён қилиши зарур.

Нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш ҳам сиёсий ҳаётни эркинлаштиришнинг муҳим шартидир. Одамларнинг сиёсий онги, маданияти, фаолияти юксалиб боргани сари давлат вазифалари нодавлат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичмабосқич ўtkазиб борилади. Бу жараёнда ўзини - ўзи бошқарадиган идоралар, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳукуқлар бериш катта аҳамиятга эгадир.

Сиёсий ҳаётни эркинлаштириш жамиятимизда фикрлар хилма-хиллиги ва қараашлар ранг-баранглигини, инсон ҳуқуқлари, эркинликларини жаҳон андозалари асосида таъминлаш, фуқаролар онгидаги ҳуқукий, демократик кадриятларни мустаҳкамлашни ҳам камраб олади. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов “ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва қобилиятига таяниб яшайдиган, атрофида рўй берәётган воқеа-ходисаларга мустақил муносабатда бўладиган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва ҳалқ манфаатлари билан уйғун холда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш даркор”, деб таъкидлаган эди.

СИНТОИЗМ (японча - худо йўли) — японларнинг миллий дини. У милоднинг VI -VII асрларида вужудга келган. Қадимий японларнинг тушунчаси бўйича «син» ёки «ками», яъни худолар инсонни ўраб турган барча нарсалар - осмон, ер, тоғлар, дарёлар ва дарахтларда ўз ифодасини топади.

Синтоизмга буддавийлик жуда кучли таъсир кўрсатган. Ушбу динга эътиқод қилувчилар буддавийликка тақлид қилиб ибодатхоналар қурганлар ва ўз худолари тасвирини ясаганлар. Синтоизм ва буддавийлик динлари бир-бири билан яқин. Буддавийлик ибодатхонасида синтоизм худолари тасвирлари қўйиладиган алоҳида жойлар ажратилган. IX асрда иккала дин руҳонийлари биргаликда яшаш - «рёбу-синто» (икки бирлик) қоидасини ишлаб чиқкан. Унга кўра, ҳар икки дин қўшилиб, ягона динга айланиши назарда тутилган, лекин бу мақсад амалга ошмади. 1867-1868 йиллардаги Мейдзи ислохоти натижасида Японияда императорнинг дунёвий ҳокимияти тикланиши оқибатида синтоизмнинг тўла расмий дин эканлиги тан олинди. Бу табиий ҳол эди, чунки синтоизм император ҳокимиятининг илоҳийлигини тарғиб этарди.

Император ҳатто буддавийликни бутунлай ман этиб, синтоизмни ягона дин деб эълон қилишга уринди. Бироқ бу ниятини амалга ошира олмади, чунки буддавийлик дини ҳам японлар ҳаётига чуқур сингишга улгурган эди.

Синтоизмни ягона динга айлантириш мумкин бўлмаганидан сўнг, ҳукмрон доиралар томонидан бу икки динни бир-биридан

ажратиб юборишга уринишлар бўлди. Аммо бунинг ҳам уддасидан чиқа олмадилар. Шундан сўнг 1869 йилда Японияда диний эътиқод эркинлиги эълон қилинди.

Бугунги кунда чақалоққа дуо ўқиш, никоҳ ўқиш кабиларни синтоистлар ибодатхонасида, дағн этиш, хотирлаш каби маросимларни эса буддавийлар ибодатхонасида ўтказиш расм бўлган.

Синтоизм таълимотининг асосини император ҳокимиятининг илоҳийлиги тўғрисидаги ақида ташкил этади. Император — (микадо) худо Аматерасунинг авлоди. Шунинг учун ҳам ҳар бир япон миллатига мансуб шахс императорнинг муқаддас хоҳиши олдида бош эгишга мажбур. Император саройи муқаддас жойдир.

Синтоизмда Аматерасу (куёш худоси), Сусаново (бўрон худоси), Инари (декончилик ҳомийси) асосий худолар ҳисобланади. Синтоизм худолари пантеонлари қаторидан Япония императорлари ҳам жой олганлар. Шунингдек, бу динда муқаддас жойлар, айниқса, тоғлар, Фудзияма вулқони алоҳида эъзозланади.

СОҒЛОМ МАФКУРА — умуминсонийликнинг устуворлиги тамоилилига таянадиган, ижтимоий тараққиётни таъминловчи эзгу ва бунёдкор ғоялар тизими. Жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатадиган, одатда, унинг таназзули, халокатига сабаб бўладиган фашизм, коммунизм, диний-экстремизм каби носоғлом мафкура шаклларидан фарқли ўлароқ, соғлом мафкура инсоният тараққиётини тезлаштиради, халқ фаровонлиги, Ватан равнақига имкон яратади.

Соғлом мафкура жамиятдаги мулкий плюрализм, фикрлар ранг-баранглиги, кўппартиявийлик шароитига мос келади. У давлат доктринаси эмас балки муайян жамиятнинг ҳёти ва тараққиётини таъминлайдиган умумий тамоилларни ифодалайди. Бундай шароитда давлат ана шу тамоилларга барча фуқароларнинг амал килишини ҳукукий кафолатлайди.

Соғлом мафкурага эҳтиёж бугунги кунда тарихий заруратга айланди. Зоро, бундай мафкурасиз жамият самарали тараққий эта олмайди.

Маълумки, кишилар онгига ўрнашиб қолган эскича мафкуравий қараашлар қолипидан чиқиш мураккаб руҳий жараёндир. Ўтиш даврига хос бўлган қийинчилклардан бири ҳам одамлар тафаккури, руҳиятида туб ўзгаришларга эришишдир. Зеро, эски мустабид тузум даврида кишилар онгига факатгина бир мафкура “абадий”, “ўзгармас”, “мутлақ” деб сингдирилган эди.

Бугунги кунда ана шундай мафкуравий якка ҳокимликка барҳам берадиган, умумхалқ манфаатларига мос келадиган, аҳолининг барча табақалари, қатламларининг талаб-эҳтиёжлари, мақсадлари, интилишлари, орзу ва истакларини қондирадиган соғлом мафкурага эҳтиёж пайдо бўлди. Миллий истиқлол ғояси ана шу заруратнинг натижаси сифатида вужудга келди.

СУВЕРЕНИТЕТ (французча «souverainite» - олий ҳокимият) — давлатнинг ички ва ташқи сиёсатдаги тўла мустакиллиги.

Давлат суверенитети ҳақидаги ғоя XVI асрда француз олими Жан Боден томонидан илгари сурилган. У суверен бўлмаган давлатни давлат деб ҳисобламаган. Ж.Боден бунда давлатнинг олий ҳокимиятини назарда тутган. Суверенитет халқнинг тўла ҳукмронлиги ёки халқ бошқаруви тўла-тўқис таъминланган ҳолатdir.

1. Давлат суверенитети мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бориш, ўз худудининг дахлсизлигини таъминлаш; қонунларни қабул қилиш; уруш ва тинчлик масаласини ҳал қилиш; суд ҳокимиятини амалга ошириш; мансабдор шахсларни тайинлаш; мустақил валютага эга бўлиш кабиларни тақозо қиласди.

Халқаро ҳуқуқнинг ривожи жараёнида давлат суверенитети ҳақидаги ғоя муттасил такомиллашиб, мазмунан бойиб борди. Кўплаб халқаро ташкилотлар, айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжатларида, давлатлар конституцияларида бу ғоя ўз ифодасини топган. Республикамизнинг мустақиллиги давлат суверенитетининг асосидир. Ўзбекистон Конституцияси 1-моддасида «Ўзбекистон — суверен демократик республика» эканлиги белгилаб қўйилган.

2. Халқ суверенитети ғояси XVI асрда яшаган Европа олими Мирсилий Падуанский томонидан илгари сурилган. Ке-

йинчалик хуқуқшунос олим Иоганн Алтузи (1557-1638) ўзининг «Сиёсат», француз мутафаккири Жан Жак Руссо «Ижтимоий шартнома ёки сиёсий хуқуқ тамойиллари» асарларида бу тояни ривожлантирганлар. Бу тоя XVIII асрдаги француз инқилобидан сўнг, «Инсон ва фуқаро хуқуқлари Декларацияси» (1889 йил) қабул қилиниши билан янада катта аҳамият касб этди. Бу таъсир натижасида қабул қилинган Франция Республикаси Конституциясининг З-моддасида «Миллий суверенитет халқники бўлиб, халқ уни ўз вакиллари ва референдум орқали амалга оширади», - дея эътироф этилган. Бу тамойил жаҳондаги аксарият мамлакатлар конституцияларида ҳам ўз ифодасини топган. Ҳусусан, Ўзбекистон Конституцияси 7-моддасида «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади», - дейилган. Халқ суверенитети тояси тамойиллари қўйидагилардир: а) ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаи халқдир; б) барча қонунлар халқ томонидан қабул қилиниши лозим; в) ҳукумат халқ томонидан сайланиши ва халқ назорати остида ўз фаолиятини амалга ошириши зарур.

Шарқда суверенитетнинг мазмун-моҳияти мустақиллик тушунчаси орқали ифодаланади. Истиқлол даврида республикамиз ўз суверен ҳуқуқларига тўла-тўқис эга бўлган мустақил мамлакат эканлигини намоён қилмоқда.

ТАВРОТ (қадимги яхудийча “тора” - қонун) — яхудийлик динининг мұқаддас китоби. У Мусо пайғамбарнинг илоҳий қонунларини ўз ичига олган беш китоби, яъни Муқаддас Китоб (Библия)нинг “Ибтидо”, “Чиқиш”, “Левит”, “Чўлда” ва “Амр-лар” деган беш китобидан иборат. Баъзи адабиётларда қадимги Аҳдда учрайдиган китобларнинг ҳаммасини (39 китоб) ёки Библияни ҳам “Таврот” деб ишлатиш ҳоллари учрайди.

ТАМОЙИЛ — бирор-бир таълимот, дунёқараашнинг асосий, бирламчи қоидаси, бошқарувчи тоя, фаолиятнинг асосий йўналиши. Шунингдек, инсоннинг борликка муносабатини,

унинг хатти-ҳаракати ва фаолияти меъёрларини белгиловчи ички омил ҳам тамойил ҳисобланади.

ТАРИХИЙ ХОТИРА — инсон маънавиятининг ажралмас қисми, ўтмишни билиш, уни қадрлаш, ундан сабоқ олиш натижаси. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг «Тарихий хотирасиз — келажак йўқ» номли асари катта аҳамиятга эга. Унда ўтмишга холис ёндашиш, уни қадрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Зоро, тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди, уларни дилга жо этиб, бунёдкорлик ва яратиш йўлидан изчил боришига ундаиди.

Буюк мутафаккир Беруний таъкидлаганидек, “ўтмиш келажакнинг калитидир”. Уни билиш имконига эга бўлиш муҳим. Мустақиллик туфайли ҳалқимиз тили, маданияти, урфодатлари, анъаналари, қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўз тарихини билиш имконига эга бўлди.

Тарихни илмий ўрганиш натижалари ҳозирги Ўзбекистон замини жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири бўлганини кўрсатади. Бу қадимий маданият ўчогидан кўплаб атоқли алломалар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиқкан. Жаҳон цивилизациясининг ривожида юртимизнинг салмоғи катта. Қадим замонларда қурилган мураккаб сув иншотлари, шу кунгача қумматини йўқотмаган осори атикаларимиз бу заминда азалдан дехқончилик, ҳунармандчилик, меъморчилик ва шаҳарсозлик маданияти юксак бўлганидан да-лолат беради. Энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлок, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, фалакиёт, меъморчилик, дехқончиликка оид минглаб асарлар бизнинг бекиёс маданий ва маънавий бойлигимиз, фахримиздир. Бундай катта маданий меросга эга бўлган ҳалқнинг келажаги ҳам порлоқ бўлиши аник.

Тарихий хотира қанчалик бой, мазмунли бўлса, ҳалқ шунчалик уюшган, ҳамжиҳат, улуғвор ишларни бажаришга кодир бўлади. Тарихий хотиранинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири ўз ўтмишидан фахрланиш туйғусидир. Дунёда ҳудуди Ўзбекистондан бир неча марта катта бўлган баъзи давлатлар ҳам аҳолиси ўтроқ бўлиб яшашни бошлаган мозийнинг

азалийлиги, ўнлаб шаҳарларининг тарихи 2500 йилдан ортиқроқ эканлиги билан ғурурлана олмайди.

Бир сўз билан айтганда, тарих шундай манбаки, у инсоннинг ўзини англаши, жамият олдидаги бурчи, аждодлар рухи олдидаги маъсулиятини тўгри тушунишига, истиқболни тўгри белгилашга имкон беради.

«ТАРИХИЙ ХОТИРАСИЗ—КЕЛАЖАК ЙЎҚ» — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ватанимиз тарихига янгича ёндашиш, унга адолатли ва холис баҳо бериш, тарих фани ва унинг бугунги аҳволига бағишинланган асари. У «Мулоқот» журналининг 1998 йил 5-сонида эълон қилинган ва муаллиф асарларининг 7- жилдига киритилган.

Асарнинг мазмуни Президентимизнинг: «Миллатнинг маданий савияси унинг ўз тарихига бўлган муносабати билан белгиланади», деган фикрларида ниҳоятда лўнда ифодалangan. Асарда республикамиз олимлари зиммасига Ватанимиз тарихига янгича ёндашиш, унинг турли жараёнлари ва воқеаларига адолатли баҳо бериш, қадимги даврдан то бизнинг замонамизгача бўлган бой ўтмишимизни аниқ ёндашувлар асосида ўрганиш, тадқик этиш ва шу йўл билан тарихий онгни шакллантириш зарурлиги мухим вазифа қилиб кўйилган.

Ислом Каримовнинг бу ўта мураккаб ва долзарб вазифани олимлар олдига қўйиши ҳаққоний тарих яратилиши жараёнида халқимиз, мамлакатимиз ўтмиши ҳақида ёт қарашларга асосланган аксари сохта, ғайрииљмий мулоҳазаларга ўрин қолдирмайди. Асарда неча минг йиллик тарихимизни ўрганиш масаласи қўйилар экан, табиатан ўзбек бунёдкор халқ экани, ўтроқ ҳолда яшагани, унинг Беруний, Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва Мирзо Бобур каби улуғ зотларга ворислиги исботлаб берилади. Айни чоғда И.А.Каримов тарихчи олимларни халқимизнинг миллий туйғусини, миллий фурурини уйғотадиган тарихий-илмий тадқиқотлар олиб боришга, теран хулосалар чиқаришга чақиради: «Тарихни билмай туриб мағкуранинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди, чунки мағкуранинг фалсафий асослари ўз даврида тарихий ҳақиқат туфайли туғилган. Лекин бизда та-

рих ва фалсафани узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш малакаси етарли эмас. Аслида тарих ва фалсафа мантикий равишда бир-бирини тақозо этадиган, керак бўлса, тўлдирадиган, тараққиёт жараёнлари ҳақида яхлит тасаввур берадиган, оқкорани фарқлашга асос бўладиган фанлардир».

Демак, халқимизнинг тарихий тараққиёт йўлини фалсафий идрок қилишда ҳиссиз баёнчиликдан, илмий саёзлик ва фикрий чекланганлик иллатларидан қутулмоғимиз керак.

Асарда Ватанимиз тарихини мустақиллик боялари асосида янгидан яратиш вазифаси қўйилган. Зоро, миллат, давлат, жамият тақдири ҳал бўлаётган паллада ўзлигимизни англаш, маънавий илдизларимизни унутмаслик катта аҳамиятга эга. Шўро даврида тарихимиз атайлаб сохталашибирганини эътиборга олсак, асл тарихимизни тиклаш қонуний зарурият ҳамдир. Тарихни англаш нафақат бугунги куннинг муаммоларини ҳал қилишда, балки келажак учун ҳам катта аҳамиятта молик. Зотан, ўтмишни билмай туриб, ҳозирги давр моҳиятини билиш ва келажакдаги мақсад-муддаоларни тўғри белгилаш қийин.

Ҳаққоний тарихни билмасдан, уни фалсафий таҳлил қилмасдан, ўзликни англаш, юксак маданият, маънавият ва маърифатга эришиш мумкин эмас. Тарихий ҳақиқатни тиклаш учун бизга мерос сифатида етиб келган манбаларни жиддий ўрганиб, ўтмишга янгича ёндашишимиз даркор. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналар хазинасида сақланаётган қўллөзмалар синчилаб ўрганишни кутиб туриди. «Биз, — дейди И.А.Каримов, — ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур». Асар ҳаққоний тарихимизни барпо этиш учун кўп минг йиллик бой ўтмишнимизни тадқиқ этишнинг соғ илмий-назарий изланишларга асосланган яхлит концепциясини ва янги дастурини аниқлаб олишни долзарб вазифа қилиб қўйганлиги билан ниҳоятда аҳамиятли. Шунингдек, асарда мустақиллик шароитида ҳаққоний тарихимизни яратиш учун даставвал бу соҳадаги муассасалар таркибини ва иш услубини ўзгартириш, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларидаги тарих факультетларининг мавқеини оши-

риш, ўқувчилар ва талабалар учун янги дарсلىклар яратиш долзарб вазифа экани таъкидланган. Унда таълим-тарбия мұассасалари фаолиятини такомиллаштиришига қаратилған бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқыш ва уларни ҳаётта татбик этиш масалаларига ҳам әзтибор қаратилған. Назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятта эга бўлган бу асар миллий истиқлол гоясининг тарихий илдизларини ўрганишда дастурламал бўлиб хизмат қиласди.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» — Амир Темурнинг ҳарбий ва сиёсий фаолиятидан маълумот берувчи, унинг давлат тузилиши ва уни бошқариш хусусидаги қарашлари баён этилган асар.

Асар икки қисмдан таркиб топган. Биринчи қисм Темурнинг давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш, қўшинларни ташкил этиш юзасидан тузуклари, режаларидан иборат. Қўшиннинг жанговар тартиби жадваллар воситасида ифодаланган. Иккинчи қисмдаги 13 кенгаш ва унинг бўлакларида Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва ҳарбий юришлари тафсилотлари берилади. Асар муаллифи зукко сиёсатдон ва йирик давлат арбоби сифатида ўз давлатининг тузилишини, мансабдорларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. „Темур тузуклари” муаллифининг фикрига кўра, ҳар бир тождор ўз давлатининг таянчи бўлган ижтимоий-сиёсий гуруҳларга суннган ҳолда иш олиб бориши, уларнинг ёрдамида раият, қўшин ва давлатни идора қилиши зарур.

Амир Темур давлатни бошқаришда вазирлар, амирлар ва вилоят волийларига алоҳида аҳамият берган. Вазирлар, асар муаллифининг фикрича, қуйидаги тўрт сифатга эга бўлишлари шарт: 1) асиллик ва тоза насллик, буюклик; 2) ақлу фаросат; 3) сипоҳу раият ахволидан хабардорлик ва уларга хушмуомалада бўлиш; 4) сабру бардошлилик ва мулойимлик.

Амир Темур ободончилик, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирганларни рағбатлантиришига катта әзтибор берган. Хусусан, асарда «Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (давлат ерларини бошқарувчи маҳкамаси) тарафдан обод қилинсин, агар эгаси бўлса-ю, обод қилишга курби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинглар, токи ўз ерини

обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, ҳароб бўлиб ётган ерларда қоризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устида кўприклар солсинглар, йўл устида, ҳар бир манзилгоҳга работлар қурсинлар», – деган фикрларни ўқиймиз.

«Темур тузуклари»ни ўқиб Амир Темурга хос бўлган муҳим фазилатлар билан ҳам танишиш мумкин. Жумладан, «Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишимга кўп зиён етказгандарни ҳам илтижо билан тавбатазарру килиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирдан ўчирдим», – деб ёзади у. Асарда бундай мисолларни кўплаб топиш мумкин.

Бугунги кунда миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда «Темур тузуклари» муҳим назарий манбалардан бири сифатида катта аҳамият касб этмоқда.

ТОТАЛИТАРИЗМ (“totalitare” – бутунлик, тўлалик, муқаммалик, “totalis” жами, тўла) — жамият ҳаётининг барча соҳаларини давлат томонидан тўла назорат қилиш, демократик ташкилотларни таъқиб қилиш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни тугатиш, ҳар қандай шахс, ижтимоий қатлам, гуруҳ манфаатларини давлат манфаатларига бўйсундирилишини талаб қиласиган сиёсий ғоялар тизими ва улар асосида шаклланадиган давлат тузуми.

Тоталитар бошқарув шакли жорий қилинган мамлакатларда жамият ҳаётининг барча соҳаларида давлатнинг тўла ҳукмронлиги ўрнатилади, ошкора ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг фаолияти устидан қаттиқ назорат олиб борилади, демократик ташкилотлар фаолияти чеклаб қўйилади. Бу ғоя тарафдорлари ўта марказлашган ҳокимият тизими ўрнатилган кучли давлатни ташкил қилиш, мамлакатни бошқаришда яккаю ягона куч ёки партиянинг ҳукмронлигини таъминлашга, алоҳида эътибор бердилар. Жамиятда барча давлат органлари, мансабдор шахслар фаолияти ва омма ҳаёти устидан тўла назоратни ўрнатиш, давлат ички ва ташки сиёсатининг асосий йўналишларини марказий ташкилот томонидан белгилаб берилиши, давлатга раҳбарлик қилишни якка шахс қўлида тўплашдек ғоялар устуворлик қиласиди. Тарихдан маълум бўлган фа-

шистик тузумлар ва собиқ Совет иттифоқи ва унинг иттифоқ дошлари бунга мисол бўлиши мумкин.

Тоталитар бошқарув тизимида давлатда жамиятнинг барча соҳаларида муайян мафкуранинг якка ҳокимлиги мавжуд бўлади. Мафкура якка ҳокимлиги бўлган жамиятнинг эса келажаги йўқ. Тоталитар тузум эрта ёки кеч ҳалокатга учрайди.

Тоталитар тузум ҳукмрон бўлган собиқ иттифоқ ўрнида юзага келган, ўз мустақиллигини қўлга киритган давлатларнинг барчаси бу тузумдан, давлатни тоталитар бошқарув шаклидан воз кечди. Ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистон ўз олдига ҳуқуқий демократик жамият қуришни мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимият вакиллик органларида озвиликни ташкил этувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас”, - деб ёзиб қўйилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида турли ижтимоий гурухларнинг манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга қодир бўлган парламент туркумидаги қатор сиёсий партия ва ҳаракатлар, турли жамгарма ва институтлар фаолият кўрсатмоқда.

Хар қандай демократик жамият тоталитар тузумга ва унинг мустабид мафкурасига тубдан қарама-қаршидир. Демократик жамиятда ҳеч қандай мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Бу тамойил Ўзбекистонда ҳам қонун билан белгилаб қўйилган.

Миллий истиқлол ғояси тоталитаризмга зид бўлиб, фикрлар хилма-хиллигига асосланган ҳолда, бутун Ўзбекистон ҳалқининг умуминсоний қадриятлар устуворлигига таянадиган мақсад ва муддаоларни, орзу-умидларни, эҳтиёж ва манфаатларини ифодалайди. У ҳалқимизни собиқ тоталитаризм асоратларидан, турли ижтимоий-иктисодий, сиёсий бирлик ва бошқа асосларда дунёни бўлиб олишга уринаётган заарли ва бузғунчи мафкуралардан муҳофаза қила олади.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИ ВА ЎЗАРО ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК — геостратегик манфаатларни рўёбга чиқариш йўлида амал қилинадиган тамойиллардан бири.

Ушбу тамойил геостратегик манфаатларни рўёбга чиқариш ва давлатларо алоқаларни мустаҳкамлашнинг энг оқилона йўлидир. Бу тамойил турли минтақаларда геостратегик манфаатлардаги уйғунликка эришиш ва жаҳон миқёсида тараққиётни таъминлашга ёрдам беради. Ана шу сабабдан ҳам Ўзбекистон ўз мустақиллигининг биринчи кунлариданоқ мазкур тамойилга амал қилиб келмоқда.

ТЕРРОРИЗМ (лотинча. “террор” – қўркув, даҳшат) — маълум ёвуз мақсадлар йўлида, куч ишлатиб, одамларни жисмоний йўқ қилишдан иборат бўлган ғояга асосланган зўравонлик усули. Қўрқитиш ва даҳшатта солиш орқали ўз ҳукмини ўтказишга уриниш террорчиликка хосдир. У иқтисодий, сиёсий, диний, ғоявий, ирқий, миллий, гурух, индивидуал шаклларда намоён бўлиши мумкин. Таъқиб, зўравонлик, қўпурувчилик ва қотиллик террорчиликнинг ҳар қандай қўриниши учун умумий хусусият бўлиб, гуманизм, демократия,adolat тамойилларига зиддир. Шунинг учун терроризм қандай “байроқ” остида амалга оширилмасин, мохиятан инсониятга, тараққиётга, эзгуликка қарши жиноятдир.

Иқтисодий манфаатларни кўзловчи ва моддий бойликларни ўзлаштиришни мақсад қилиб олган террорчилик кенг тарқалган. Унда рақибларини ёки уларнинг яқинларини жисмоний йўқотиш, ўғирлаб кетиш, зўравонлик, тажовуз билан қўрқитиб, ўз ҳукмини ўтказишга уриниш, бойликларини ўзлаштириб олиш йўлларидан фойдаланилади.

Кейинги йилларда интеллектуал ва оммавий ахборот соҳаларида террорчилик элементларидан фойдаланилмоқда. Муайян мафқуравий полигонларнинг муттасил тарқатаётган ахборотларидаги ёвуз ва заарарли ғоялар оқими, телевизорлар орқали доимий намойиш этиладиган жангари фильмлар, болаларга мўлжалланган, бузғунчи ғоялар асосида ишланган ўйинлар, компьютер тармоқлари дастурларини ишдан чиқаридиган “вируслар”ни тарқатиш бунга мисол бўла олади.

Ўзларининг ёвуз ниятларига эришиш учун ҳокимиятни кўлга киритишни қўзловчи кучларнинг зўравонлиги ва қўпорувчилиги сиёсий террорга мисол бўлади. Сиёсий терроризм нафакат жиноятчи гурухлар, хатто баъзи реакцион агрессив руҳдаги расмий сиёсий доиралар ва кучлар томонидан уюштирилиши ва қўлланиши ҳам мумкин.

Чоризм империясининг колониал ва шовинистик сиёсати, совет империясининг ғоявий қатагонлари ҳалқимизга қарши ўзига хос террор эди. Бугунги кунда ҳам мустақил ривожланиши йўлидан бораётган мамлакатимизга нисбатан ғаразли ният билан қаровчи “ёвуз” кучлар террорчилик йўли билан тараққиёт йўлимиздан чалғитишга, бизни қарамликка, асоратга солишга уринмоқда. Улар ватанфуруш хоинлардан ҳам, террорчиликни “касб” қилиб олган, “буюртма” бўйича қўпорувчилик ва босқинчилик билан шуғулланувчи ёлланма ҳалқаро террорчи, жиноятчи гурухлардан ҳам фойдаланмоқда. 1999 йил февраль воқеалари, Америка Кўшма Штатларида 2001 йил 11 сентябрда содир бўлган воқеалар террорчилар ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсадан тап тортмасликларини кўрсатиб турибди.

Терроризм қандай байроқ кўтариб чикмасин, қандай шиорлар билан ниқобланмасин, унинг реакцион, жинояткорона мөхиятини фарқлаб олиш, ёвуз ниятини очиб ташлаш онгли, хурфикрли инсоннинг, ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг бурчидир.

ТРАНЗИТОЛОГИЯ — XX асрнинг 80-90-йилларида Farbda либерал демократия таълимоти негизида вужудга келган ҳамда адоҳида мамлакат ёки бир гуруҳ давлатларнинг авторитар ҳолатдан демократияга ўтишини(транзит қилинишини) назарий жихатдан асослашга йўналтирилган концепция. Мазкур концепциянинг шаклланиши ва ривожлантирилишида “Тамаддунлар тўқнашуви” назариясининг муаллифи Самуэль Хантингтоннинг “Учинчи тўлқин: демократлаштириш учинчи минг йиллик бўсағасида”(1991) асари муҳим ўрин тутади. Муаллиф XX асрнинг 80-90-йилларида жаҳоннинг кўплаб минтақаларида рўй берган глобал ўзгаришлар (жумладан, Совет Иттифоқининг парчаланиб, 15 мустақил давлатнинг вужудга келиши) таҳлили асосида дунё

миқёсида демократиянинг “учинчи тўлқини” бошланганини таъкидлайди. Жаҳон саҳнасидаги бундай сиёсий ўзгаришлар Farb давлатлари, айниқса, АҚШ маъмурияти томонидан кўтаринкилий билан қабул қилиниб, демократияни хорижий мамлакатларга “экспорт” қилиш билан шуғулланадиган кўплаб ҳукуматга алоқадор ва нодавлат ташкилотлар ташкил этилди. Аммо мазкур ташкилотларнинг бу борадаги фаолияти кўпгина минтақа ва давлатларда жиддий қаршиликка дуч келиши демократик “транзит” амалиётини назарий жиҳатдан асослашга зарурат туғилди. Бунга жавобан К.Баум, Г. О’Доннел, Д.Рос-тоу, Т.Карл, С.Хаггард, Р.Кауфман, Ф.Шмиттер каби тадқи-қотчиларнинг асарларига таянган транзитология концепцияси яратилади. Унинг моҳияти қуидаги тамоилиларда ифодаланган: биринчидан, диктаторлик тузимидан воз кечган давлат демократия томон юз бурган давлат сифатида баҳоланиши лозим; демократлашув жараёни муайян босқичлар, чунончи, “очилиш”, сиёсий либераллашув ва янги демократик тузумнинг пайдо бўлиши каби босқичларни босиб ўтиши шарт; учинчидан, эркин сайловлар демократик жамият қурилишининг асосий омили деб тан олиниши керак; тўртинчидан, демократияга ўтаётган давлатнинг иқтисодий тараққиёти, сиёсий тарихи, мавжуд институтлари, халқнинг этник таркиби, қадрият ва урф-одатлари ўтиш жараёни ва унинг натижаларини белгиловчи омил ҳисобланмаслиги даркор.

ТОТЕМИЗМ (Жанубий Америка ҳиндулари тилида “унинг уруғи” маъносини англаради) — одамнинг кўпинча бирор ҳайвон, парранда ёки афсонавий мавжудот билан алоқаси борлиги, баъзан улардан тарқалгани хақидаги ишонч-эътиқоддан келиб чиқсан диний тасаввурлар мажмуи.

Қадимий халқлар от, хўқиз, илон, бўри, ит ва бошқа ҳайвонларга эътиқод қилганлар ва ўз аждодлари билан алоқадор деб билганлари туфайли улардан гўёки куч, руҳий маддад олганлар. Шу тариқа бу жонзотлар уруғ ёки қабила, кейинчалик бутун бир халқнинг сифиниш объекти - тотемига айланган. Тотемистик тасаввур, аввало, халқ иримларида, урф-одатларида ўз аксини топади.

Халқимизда бўрига бўлган муносабат ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлади. Масалан, тиши билан туғилган болага Бўривой деб исм қўйилади ёки бирор яқин кишиси мұхим бир иш билан бир ерга (масалан, совчиликка) бориб қайтаётган одамга “Бўrimi, тулкими?!”-деб мурожаат қилинади. “Бўри!”- деган жавоб ишнинг натижаси кўнгилдагидек бўлганидан дарак беради.

Халқимиздаги от, ҳумо қуши, балиқларга топиниш билан боғлиқ тушунча ва тасаввурларда ҳам айнан шу каби қарашлар мужассам. Бундай қарашлар баъзан, бошқа халқлар эътиқодларидан фарқ қилиши ҳам мумкин. Унинг моҳиятини англаш, урф-одатлар, расм-русларни билишга, миллий тафаккур ва халқ психологиясини ўрганишга ёрдам беради.

«ТУРКИСТОН - УМУМИЙ УЙИМИЗ» — Ислом Каримов томонидан илгари сурилган, Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий-этник, тарихий-маданий ҳамкорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган ғоя.

Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бирлик, ҳамкорлик минтақамиз мамлакатларининг иқтисодий, молиявий, табиий, интеллектуал, маданий-маърифий салоҳиятини халқлар фаровонлиги йўлида хизмат қилдириш имкониятларини кенгайтиради. Халқаро консорциумлар тузиш минтақа иқтисодиёти учун зарур бўлган турли лойиҳаларни амалга ошириш, бу ишга халқаро тузилмаларнинг инвестицияларини жалб этиш, улардан оқилона фойдаланишни ташкил этишга шароит яратади. Буларнинг барчаси Марказий Осиё давлатларининг жаҳон сахнасида юзага келаётган минтақавий интеграция кутбларидағи муносабат ўрнини таъминлаш имконини беради.

Тошкентда «Туркистон - умумий уйимиз» конференцияси ўтказилиб, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ташкил этилгани ҳам минтақада маданий-маърифий алоқаларнинг янада ривожланишига йўл очди.

Умуман олганда, «Туркистон – умумий уйимиз» ғоясининг уюштирувчилик ва яратувчилик қудрати, биринчидан, минтақа халқларининг ҳудудий, ижтимоий, этно-маданий ва диний яқинлиги натижасида юзага келган бирликни асраб-авайлаш, ривожлантиришга, иккинчидан, қон-қардош халқлар-

нинг эҳтиёж ва манфаатларини ўзаро уйғунлик асосида таъминлаш, рўёбга чиқариш имконини яратади. Учинчидан, тарихий илдизлари бир бўлган халқлар маданиятларининг ўзаро таъсири ва янада бойишига хизмат қилади. Тўртинчидан, миллий устунликка интилиш мавжуд, деган уйдирмани тарқатиш билан минтақа халқларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш харакатларига зарба беради.

УМУМИСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛИ — барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатига мос келувчи моддий ва маданий ҳодисалар, мезонлар, қадрли жиҳатларнинг устувор бўлишига таянган фоялар асосидаги фаолият мажмуи. Ҳар бир одам жинси, ирқи, миллати, ёши, касби, эътиқодидан қатъи назар, авваламбор, башар фарзанди, инсондир. Шу умумий моҳият барча одамлар, миллатлар учун бирдай аҳамиятли ва қадрли бўлган предмет, ҳодиса, жараён, муносабатларни фарқлашга имкон беради.

Умумисоний қадриятлар инсоният тарихининг яхлитлигини ифодалайди, у даврлар ўтиши ва ижтимоий ҳаётнинг ўзгариши билан бир қаторда такомиллашиб, ривожланиб, тобора кўпроқ халқларни, миллатларни, инсонларни яқинлаштирувчи, бирлаштирувчи ва камол топтирувчи кучга айланаб боради. Инсонпарварлик ва ижтимоий адолат, эркинлик ва озодлик, барқарорлик ва фаровонлик, эзгулик ва тараққиётга бўлган интилиш умумисоний қадриятларнинг муҳим жиҳатидир.

Умумисоний ва миллий қадриятлар узвий боғлиқ ва таъсирлашувда ўзаро бойиб боради. Умумисоний аҳамият касб этган миллий қадриятлар барча халқлар учун муҳим қадриятга айланади. Шу жиҳатдан умумисоний қадриятлар миллий қадриятлардан мазмунан кенгdir, келиб чиқиши бўйича барча одамзотга тегишилди. Ҳеч бир миллатнинг бошқа халқлардан ажralган ҳолда ривожлана олмаслиги, айниқса, ҳозирги даврда бирор халқнинг якка ўзи жаҳон цивилизациясидан алоҳида ҳолда тараққий этмаслиги маълум.

Умумисонийлик миллий ва шахсий қадриятлар орқали намоён бўлади. Умумисонийликнинг устуворлиги бу - ҳар

бир инсон бахтли-саодатли, озод ва эркин бўлиши, жамиятда амалга оширилаётган барча ишлар, ўзгариш ва ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилиши лозим, деган қарашга асосланади. Ана шу сабабдан ҳам инсон эркинлиги, унинг ҳақ-хуқуқларини таъминлаш, қонун устуворлиги, демократия, фикрлар ранг-барамглиги ва ижтимоий плюрализмга эришиш умуминсоний қадриятлар устуворлигига амал қилиш сифатида қаралмоқда. Бугунги кунда жаҳонда давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатида ана шу тамойилларга амал қилиниши — умуминсонийликнинг устуворлиги foясига таяниш, бу foяни амалга ошириш сифатида баҳоланмоқда.

Хар бир миллатнинг мавқеи унинг инсоният тараққиётига қўшаётган ҳиссаси билан ўлчанади. Миллий ва умуминсоний қадриятларни қарама-қарши қўйиш миллий худбинлик ёки ҳалқаро низоларга олиб келиши, натижада, бутун инсоният цивилизацияси ривожига тўсиқ бўлиши муқаррар. Шунинг учун умуминсоний аҳамият касб этган қадриятларни қаерда ва қачон шаклланган, қандай миллат вакиллари яратганидан қатъи назар, эҳтиром билан тан олиш ҳамда қабул этиш тараққиётга хизмат қиласди. Мустақил республикамизда миллий ва умуминсоний қадриятлар муштараклигига, ҳалқимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан бирга ривожланиш йўлидан боришига алоҳида эътибор берилаётгани ҳам шундан.

УМУМИНСОНИЙ ФОЯЛАР — ўз моҳияти ва миқёсига кўра башариятнинг онги ва қалбини эгаллаган, дунёдаги барча одамлар ва ҳар бир ҳалқ учун энг юксак аҳамиятга эга бўлган, бутун инсониятнинг эзгу мақсадларига хизмат қиласдиган foялар.

Ҳозирги замонда демократия ва гуманизм, тинчлик ва бар-қарорлик, мустақиллик ва озодлик, қонуннинг устуворлиги ва инсон эркинликлари каби қадриятлар умуминсоний аҳамиятга эга. Шунингдек, яхшилик, адолат, миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, виждан эркинлиги, табиатни асраш ва шу кабилар умуминсоний foяларга мисол бўла олади. Жамият ривожида улар хилма-хил тарзда, турли туман шаклларда намоён бўлиб, инсон ҳаётининг маънавий мезони бўлиб хизмат қиласди.

Умуминсоний ғояларнинг ҳар бир халқ мафкурасида устувор бўлиши шу халқнинг жаҳон ҳамжамиятига тенг хуқуқли аъзо сифатида барча билан тинчлик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиши, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишининг муҳим шартидир.

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси умуминсоний ғояларга таянади. Ана шу сабабдан у бой тарихий меросимизни тиклаш, миллий қадриятларни жаҳонга танитиш, фуқароларимизни умумбашарий анъаналарга содиқлик руҳида тарбиялашга хизмат қиласди.

ФАН — инсон фаолиятининг ўзига хос ва муҳим соҳаси; ижтимоий онгнинг муҳим шакли. Фаннинг вазифаси – борлик, олам ҳақидаги объектив, холис билимларни ҳосил қилиш, уларни назарий жиҳатдан тўплаш ва бир тизимга келтиришdir. Фан ўзида янги билимларни олиш ва олинган билимлардан амалий натижаларга эришишдек икки жиҳатни чамбарчас бирлаштирган.

Фаннинг асосий мақсади – оламда, кишилар дунёсида юз бераётган жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганиш, изоҳлаш, тушуниришдир. Бунга фан ўзи кашф этадиган қонунлар ва олган далиллари орқали эришади. Фан тизимли равишда билимнинг янги соҳаларини очиб боради. Шу тариқа, фан-техника турли кўринишга эга бўлади. Фанни шартли равишда аник, табиий, ижтимоий ва техник фанларга бўлиш мумкин. Ҳозирги кунда фаннинг 2000 га яқин соҳаси мавжуд.

Фан қадим замонлардаёқ ҳаётий эҳтиёжлар сабабли пайдо бўлган. Аммо у XVII асрдан бошлаб, муҳим ишлаб чиқарувчи кучга айланди. Шу даврдан бошлаб, жамиятнинг барча муҳим соҳаларига фан сезиларли таъсир кўрсата бошлади. Фан ривожида турғунликлар, баъзан эса кескин сакрашлар, буюк кашфиётлар даври бўлиб туради. Буюк кашфиётлар туфайли фаннинг тузилиши, билиш қоидалари, услублари ўзгариб боради.

Фан учун турли соҳалардаги янгиланиш билан бирга, бу соҳалар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам катта ахамиятга эга. Шунингдек, фанда назариялар, илмий тадқиқотлар билан бирга, эришилган ютуқлар ва кўлга киритилган натижаларни ҳаётда қўллаш ҳам ниҳоятда муҳимдир.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб янги фан-техника ин-қилоби юз берди. Бунда ягона «фан-техника-ишлаб чиқариш» тизими шаклланди ва унда ҳамон фан, илмий билиш етакчилик қилмокда. Ана шу сабабдан ҳам кўпгина илғор мамлакатларда фан, интеллектуал салоҳият масаласига катта эътибор берилади. Ўзбекистон ҳам ўз истиқололига эришганидан кейин фан ва техника ривожига кенг йўл очди.

ФАТАЛИЗМ — тақдирнинг белгилаган измига бўйсуниш, азалий тақдирга, унинг олдиндан белгилаб қўйилганлигига ишонишга асосланган дунёқарааш бўлиб, инсоннинг ижодкорлик ролини инкор этади. Инсон ҳаётидаги барча нарсалар унинг тақдирига азалдан битилган, инсон ўз тақдирини ўзгартира олмайди, деган ғоя илгари сурилади. Бундай қарашлар инсон ўз ҳаёти жараёнида пассив мавжудот сифатида ижодий-бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланишига, шунингдек, ўз ҳаёти жиловини бошқаришига интилишига тўсқинлик қиласди. Фатализмнинг негизида илохий детерминизм ётади. Детерминизмнинг асосида оламдаги барча табиий жараёнлар ва жонзорлар ҳаёти Оллоҳ томонидан яратилиб, бошқарила-ди, деган ғоя мужассамдир. Бу ерда детерминизмнинг ўзи икки қисмга бўлинниб, табиий жараёнлар космологик детерминизм сифатида эътироф этилса, инсон тақдир, унинг хулқ-атвори билан боғлиқ жараёнлар антропологик-этик детерминизм деб юритилиади. Илохий детерминизм ўз навбатида фатализмнинг вужудга келиб ривожланишига асос яратади. Илохий детерминизмга қарама-қарши бўлган дунёқарааш индетерминизм деб юритилиб, Лютер, Цвингли ва Кант қарашларида детерминизм ва индетерминизм ўртасидаги оралиқ босқич ҳам тадқиқ этилади. Яъни, инсоннинг эмпирик, реал табиати, унинг ҳаёти Оллоҳ томонидан белгиланади, деб қаралса-да, унинг ахлоқи, хулқ-атвори тарбияяга ва ўзининг ижодий-ривожланиш имко-ният ва хоҳишига боғлиқ бўлади, дейдилар.

Илохий детерминизм асосида фатализмнинг вужудга келиб ривожланиши, инсон ўз ҳаётини тақдирнинг қўлига топшириб қўйишига асос яратиб, бугунги фундаменталистик ғояларнинг ривожига йўл очади. Детерминизм ва фатализм

шахснинг моддий ва маънавий камолотига ғовғоялар сифатида инсоният маънавий тараққиёти ривожига, демак жамиятдаги ижтимоий тараққиёт ривожига тўскىнлик қилади. Шунга ундаётган кучлар “такдири азалга” унинг кучига ишонтириб, одамларни турли-хил бунёдкорлик ишларидан маҳрум этаётганлар ҳозир ҳам ундан кенг фойдаланмоқда.

Фарбда кенг тарқалган индивидуализм ҳам инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалигини, шахс ҳуқуқларининг мутлақлигини ва автономиясини ифодаловчи ахлоқий хусусият бўлиб, бундай қарашлар асосида шахснинг жамиятдаги автономияси ва унинг ҳуқуқларини мутлақлаштириш ётади. Шунингдек, ушбу таълимот асосида индивидуализмга мойиллик, инсон табиатининг ўзида яширган деб ҳисобланади. Индивидуализмнинг мазмун-моҳиятига эътибор қаратиш, унинг генезисига муносабат, шахсни жамоага қарама-қарши қўйиш, шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўйиши ифодаловчи тамойил сифатида анъанавий жамоавийлик тамойилига зиддир. Индивидуализм алоҳида шахс манфаатини жамоа манфаатидан устун кўрганидек, оила манфаатини ҳам жамият манфаатидан алоҳидаликда олиб қарайди ва устун қўяди. Индивидуализм эгоизмни вужудга келтирувчи хусусият бўлиб, эгоизм – ўз-ўзини севишадир. Яъни эгоизм ахлоқий хусусият бўлиб, у худбинликка асосланади. Шахсий манфаат, ҳар қандай ҳолатдан ҳам фойдаланиб қолиш хусусияти эгоизмни вужудга келтиради. Эгоизм моҳиятини ибтидоий жамиятларда ўзликни сақлаб қолишга интилевчи инсон табиатида шаклланиб, ривожланган хусусият бўлиб, ахлоқий-тарбиявий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги кунда жамиятда айрим кишилар хулқ-атвори, қарашларидаги худбинлик, факат ўзини ўйлаш рухияти билан боғлиқ социал-маънавий ҳолатлар, гарбона индивидуализмдан озуқа олмоқда. Лекин, дастлабки ўзликни сақлашга интилиш сифатида намоён бўлувчи ушбу феномен аста-секинлик билан ўзини ўзгалардан устун қўйиш, шахсий манфаатни жамият манфаатидан юқори қўйиш, бошқаларни менсимаслик сингари жихатларни етакчи ўринга чиқара бошлайди.

Инсон характерида шаклланиб ривожланган бундай гарбона хусусият эгоцентризмни вужудга келтиради. Эгоцент-

ризм (лот. "ego" – мен, "centrums" - марказ) маъносини англатади ҳамда шахсни ўзининг шахсий мақсадлари, фикрларига таяниб, бошқа одамларнинг ҳолатини ва тилини воқеаликнинг таъсирини холисона қабул қила олмайди. Яъни, барча жараёнлар марказида шахсий манфаат ётганлиги яққол кўзга ташланади. Эгоцентризм шахсий мавке сифатида ўзгalarнинг истак ва хоҳиши билан хисоблашмаслик, ўз фикрининг нотўғрилигини билса ҳам ўзгаларнинг фикрини инобатга олмаслик гоясига асосланади. Бунда шахсий фикр, шахсий дунёкараш етакчи ўринга чиқиб, бошқа фикр ва мулоҳазалар гарчи прогрессив моҳият касб этсада, унга зарба берилади, эътироф этилмайди.

ФАШИЗМ (италянча "fascismo" – боғлам, бирлашма) — Фарб мамлакатларида XX аср бошларидаги оғир иқтисодий, сиёсий ва маънавий бўхронлар даврида вужудга келган ўта тажовузкор ва вайронкор гоялар асосида шаклланган ғайриинсоний назария ва амалиёт. У энг реакцион ва тажовузкор доираларнинг дунёкараши ва манфаатини ифода этган ҳолда, очиқдан-очиқ терористик диктатурага, зўровонлик гоясига таянади. Фашизмнинг муҳим хусусияти – очиқдан-очиқ шовинизм ва ирқчилик бўлиб, унинг моҳияти жамиятнинг барча тараққийпарвар қатламлари, илгор фикрли аъзоларига қарши куч ишлатишнинг энг оғир ва заарли шаклларини кўллаш жарарёнида яққол намоён бўлади. Фашизм ўз кирдикорларини яшириш ва хаспўшлаш учун сиёсий тилёғламалик, ёлон ва бўхтонлардан усталик билан фойдаланади.

Фашизмнинг ташки сиёсати босқинчиликдан ва халқаро террорчиликдан иборат. XX асрнинг 30-йилларида фашистик тартиблар Италияда, Германияда, Португалияда, Испанияда ва Шарқий Европанинг бошқа бир қанча мамлакатларида ўрнатилган эди. Фашистлар Германияси Гитлер бошлилигига ва милитаристик Япония билан иттифоқ тузиб, 1939-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушини бошлаган. Бу уруш инсониятга мислсиз кулфат ва фалокатлар келтирди, фашизмнинг тўла мағлубияти ва инқирози билан якунига етди. 1945 йилда Берлин конференцияси қарорлари-

га мувофиқ фашистик миллий-социалистик партия ва унинг ташкилотлари йўқ қилинди.

XX аср 70-йилларига келиб, Португалия, Греция, Испанияда ҳам фашистик тартиблар барбод бўлди. Аммо бугунги кунда ҳам баъзи мамлакатларда (Австрия, Германия ва б.) фашистик унсурларнинг муайян даражада фаоллашуви кузатилмоқда.

ФЕМИНИЗМ (француз. *feministe*, лотинча. *femina* - аёл) — аёлларни камситишлиардан халос этишни тарғиб этувчи, уларнинг мавқеини жамиятдаги ижтимоий воқеалар ҳосиласи сифатида ўрганувчи оқим. Феминизм Франция буржуа инқиlobи даврида вужудга келиб, хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиши учун курашини, шунингдек, ижтимоий-сиёсий фаолиятда иштирок этишини тарғиб этади.

Тарихдан маълумки, аёллар ҳукмронлиги давридан эркаклар ҳукмронлиги даврига ўтилиши аёлларнинг жамиятда тутган ўрнини ўзгартириди, уларни жамият тараққиётидаги иштирокини рад этиб, фаолиятини оила доираси билан чеклаб қўйди. Шу даврдан бошлаб, жамият ва оилани бошқариш эркаклар қўлига ўтди, аёллар эса фарзандлар тарбияси, оила доирасида чекланиб, эркак кишига моддий ва маънавий жиҳатдан қарам бўлиб қолди.

Ижтимоий тузим ўзгариши билан кишиларнинг ўз ҳаётига нисбатан муносабати ҳам ўзгара бошлади. Ижтимоий ҳаётда адолат, озодлик, инсон қадр-қимматини эътироф этиш foяси аста-секин етила бошлади. Айни пайтда, саноатнинг ривожланиши, шаҳарлашув жараёнининг тезлашуви арzon ишчи кучига эҳтиёжни кучайтириди. Натижада аёллар арzon ишчи кучи сифатида ишлаб чиқаришда қатнаша бошлади. Бир томондан, озодлик foясининг вужудга келиши, иккинчи томондан, аёлларнинг ишлаб чиқаришга қатнашуви уларнинг эркаклар каби эркин яшашга ҳақлилигини ҳамда жамият тараққиётига ўз улушкини қўша олиш foясини вужудга келишига замин тайёрлади. 1789 йилда француз файласуфи Ж. Кондорсе «Аёлларга фуқаролик ҳуқуқини бериш ҳақида» деб номланган

мақоласини чоп этди ва аёлларнинг жамият аъзоси эканлигини таъкидлаб, миллатнинг бир қисми бир қисми сифатида уларга нисбатан муносабатни тубдан ўзгаришиш керак, деган гояни илгари сурди. 1791 иили Олимпия де Гуж «Фуқоролик ва аёл ҳуқуқи декларацияси»ни тайёрлади. Унда аёллар эркин фикрлаш ва ўз фикрини эркин эълон қилиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидлади. Бу декларация аёллар харакатининг биринчи Манифести ҳисобланади. Ўша даврдан бошлаб де Гуж ва унинг тарафдорларини «Феминистлар», харакатлари эса «Феминизм» деб атала бошланди.

Хозирг вақтда Ф. қадимий ва янги босқичларга бўлиниб ўрганилади.

Қадимий феминизм XVIII асрда вужудга келган бўлиб, XIX аср охиригача ўз таъсирини сақлаб келди. Бу даврда хотин-қизлар барча йирик ижтимоий харакатларда иштирок эта бошлади. Францияда аёлларнинг тенглик учун курашига бағишлиган илк журнал чиқа бошлади, дастлабки хотин-қизлар инқилобий клублари пайдо бўлди ва улар сиёсий курашда фаол қатнашдилар. Бу даврдаги асосий гоя — хотин-қизларнинг оиласидаги тутқунлигига қарши қаратилган бўлиб, уларнинг сиёсий тенг ҳуқуқка эга бўлишларини ҳётнинг ўзи тақозо этади. Бунинг учун улар маълумот олишлари, эркакалар билан баробар ишлаши ва ҳақ олишини ёқлаб чиқилиши талаб қилинар эди. XX асрда АҚШ Конституциясига аёлларнинг сайланиш ва сайлаш ҳуқуқига эга экани тегишли меъёр билан мустаҳкамланади. Бу ҳол феминизм гоясини янада кенг миқёсда тарқалишига ҳамда янги хилма-хил феминистик оқимларнинг вужудга келишига шароит яратди.

ФИКР ҚАРАМЛИГИ, ТАФАККУР ҚУЛЛИГИ — кишилар фикри, тафаккури устидан муайян гояларнинг ҳукмрон мавқега эгалигини, инсоннинг содир бўлаётган воқеаларни мус-тақил баҳолаш имкониятидан маҳрум бўлганини ифодаловчи тушунча.

Инсоният доимо мустақиллик, озодлик ва эркинликка интилиб яшаган. Ижтимоий муносабатлар шаклларига мос равишда иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий эркинлик-

лар, энг аввало, фикр эркинлиги тарзида намоён бўлган. Шунинг учун ҳам бошқа миллатлар, давлатлар устидан ҳукмронлик қилган мамлакатлар сиёсати ҳамиша босиб олинган халқларни тафаккур қуллигига маҳкум этишга қаратилган.

Инсоннинг муайян мафкурага, сиёсатга фикрий қарамлиги мустамлакачилик сиёсатининг энг машъум кўринишидир. Чунки фикр қарамлиги инсонни ўз-ўзини аглашдан маҳрум қилиб, ундаги ижтимоий масъулият ҳиссини сўндиришга, сиёсий воқеликка нисбатан локайдлик кайфиятининг кучайишига олиб келади. Айни пайтда, бошқача қарашлар билан ҳисоблашмайдиган мутаассиблар, манқурлар пайдо бўлишига замин яратади. Тафаккур қуллигидан озод бўлиб, фикрлар хилма-хиллигига, плюрализмга эришиш эса тараққиётнинг оқилона йўлини танлаш имкониятини беради.

Шунинг учун ҳам ислоҳотларнинг дастлабки босқичида ноқ кишиларнинг тафаккурини уйғотиш, ташаббускорлигини, сиёсий фаоллигини ошириш маънавий ўзгаришларнинг марказига қўйилди. Чунки собиқ мустабид тузум, бир томондан, тафаккур қарамлигини рағбатлантирувчи, иккинчи томондан, эркин фикрловчи кишиларни жазолаш, жисмонан йўқ қилишнинг мукаммал мафкуравий механизмини яратган эди. Шунинг оқибатида кишилар онгида сақланиб қолган юқоридан кўрсатма, буйруқ ва қарорлар кутиш каби фикр қарамлиги кўринишлари, айтиш мумкинки, ислоҳотларни амалга оширишдаги қийинчилкларга сабаб бўлди.

Демократик тамойилларга кўра ривожланаётган мамлакатларда фикрлар эркинлиги жамият тараққиётининг омили бўлганлигини тарихий тажриба кўрсатиб турибди. “Шу билан бирга, тарих сабоқлари шундан далолат берадики, ўз эркин фикрини ифода этадиган шахс, гуруҳ ёки ижтимоий қатlam, аввало, ўзининг аниқ-равshan, асосли қарашларига эга бўлиши, ўз нуқтаи назарининг оқибати учун масъулиятни ўз зиммасига олиши, баҳс-мунозара маданияти талабларига амал қилиши лозим. Яъни фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллиги муайян жамиятнинг миллий манфаатларига, умумбашарий қадриятларига, қонун нормаларига, ахлоқий мезонларига зид бўлмаслиги зарур”.

ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ — жаҳондаги илфор, маърифатпарвар, демократик давлатларда халқларнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тенглигини, ҳар бир фуқаронинг эркинлигини таъмин этиш бўйича тажрибасини ўрганиш натижасида, Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари аниқланди. Мустақил Ўзбекистоннинг демократик мөхияти, аввало, унинг халқ манфаатларини ҳимоя қилишида намоён бўлмоқда. Инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ривожлантириш ва такомиллаштириш мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг асосий тамойилидир. Шу матьнода, Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир».

Ўзбекистон фуқароларининг ўз мустақил давлатига мансублиги, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва қонунларида белгиланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг жорий этилиши, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини давлат томонидан қўриқланишида ўз аксини топади ва улар уч гурухга бўлинади:

I. Ижтимоий-иктисодий ҳуқуқлар: меҳнат қилиш, дам олиш, билим олиш, моддий таъминот каби ҳуқуқлардан иборат.

II. Сиёсий ҳуқуқ ва демократик эркинликлар: асосан, фуқароларнинг жамоат бирлашмалари, сиёсий партияларга уюшиш ҳуқуқи, сайлаш ва сайданиш ҳуқуқи, сўз ва матбуот эркинлиги, мажлис ва митинглар, намойишга чиқиш ҳуқуқларидан иборат.

III. Уй-жой дахлсизлиги, шахсий ҳуқуқлар.

Бу ҳуқуқ ва эркинликлар бизнинг жамиятида фуқаролар эркин ривожланишининг асосий омилидир.

ФУҚАРОЛИК — шахснинг муайян давлат қарамогида бўлиши, шу давлатга, мамлакат ичига ҳам, унинг ташқарисида ҳам мансуб эканлиги, шу мансубликнинг ҳуқуқий хужжатлар ёрдамида тасдиқланганлиги.

Фуқаролик тушунчаси жамиятнинг ҳозирги давр демократик, ҳуқуқий давлати томон ривожланишида катта йўлни босиб ўтди. У — жамиятнинг демократик ривожланишида кўлга киритилган улкан ютуқлардан бири. Фуқароликнинг жамият тараққиётидаги ижобий томони шундан иборатки, мамлакатда истиқомат қилиб турган ҳар бир кишининг муайян, аник санаб ўтилган ҳуқуқлари, жамиятдаги ўрни мамлакатнинг конституциясида, махсус қарор ёки қонунда ёзилган ва уларга риоя қилиш, уларни бажариш барча фуқаролардан талаб қилинади. Яъни жамиятда бошбошдоқлик, ўзбошимчалик, зўравонлик, қонунсизликка ўрин қолмайди. Чунки, бундай хатти-харатклар фуқаролик ҳақидаги қонунга хилофдир.

Фуқаролик тушунчаси қадими Юнонистон ва Римда мавжуд бўлса-да, асосан, феодализм инқирозга учраб, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт демократия ва бозор муносабатлари заминига ўта бошлагандан, ҳозирги шаклида пайдо бўла бошлади ва илк бор «шаҳарли» (французча «ситуайян», инглизча «ситизен», русча «горожанин-гражданин» ва ҳоказо), яъни қолоқ қишлоқдан, мустабид феодал муносабатлардан озод деган маънони билдирган. Мустақиллик эълон қилингандан сўнг, ўзбек тилида ўтмишдаги «гражданлик» сўзи ўрнига «фуқаролик» деган атама қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси мустакил тараққиёт йўлига чиқиб олгач, ўз олдига асрлар давомида ўзбек халқи орзу қилган демократик, адолатли, фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш вазифасини қўйди, қабул қилинган фуқаролик тўғрисидаги ҳуқуқий хужжатларда эса ўзининг инсонпарварлик руҳида эканини намоён қилди.

Фуқаролик деганда, инсонни ҳуқуқий ёки сиёсий-ҳуқуқий томондан ҳимояланиши ва қонуний манфаатларининг ушбу давлат ичида ва унинг ташқарисида ҳимояланиши тушунилади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик тўғрисидаги қонун, бошқа амалдаги қонунлар, чет эл давлатлари билан тузилган шартномалар ва битимларда бу қоидалар эътироф этилди, қонуний жихатдан мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги, янги турдаги жамият ва шахс ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқиб, қуйидаги ижтимоий қоидаларга асосланади:

- мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллатлар ва элатлар тили, динидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги;
- эркаклар ва аёлларнинг тенглиги;
- фуқароларнинг шахсий, ижтимоий келиб чиқиши, мулки, ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдига тенглиги;
- фуқароликни қай тарзда қабул қиласланлигидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқий ҳолатининг бир хил белгиланганлиги;
- бутун Ўзбекистон ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилганлиги;
- «икки давлат фуқароси» бўлиш қонун билан ман этилганлиги;
- фуқароликни олиш ва тўхтатиш тартиби ҳуқуқий ҳал этилганлиги;
- ота-оналарнинг фуқаролиги ўзгарганда, болалар фуқаролигининг ўзгариши тартиби аниқ белгиланганлиги;
- фуқаролик масалалари бўйича ҳуқуқий актларни қабул қилувчи ва ижросини текширувчи давлат органлари тизими бирлиги;
- фуқаролик масалаларига оид қарорлар юзасидан шикоят қилиш тартибининг аниқ-равшанлиги;
- фуқаролик бўйича ҳалқаро шартномалар турлари, характеристери қонунда аниқ белгиланганлиги.

Янги, мустақил давлатда фуқароликка тегишли масалаларни аниқлаш жараёнида жиддий асослашни талаб қиласлан муаммолардан бири «икки давлат фуқароси» ёки «икки фуқаролик» муаммоси бўлди. Яъни Ўзбекистоннинг фуқароси бўлатуриб, ўзбек миллатига мансуб эмас баъзи шахслар ўзлари ёки аждодлари авваллари яшаган давлатнинг ҳам фуқароси бўлишни истадилар ва шахсий, баъзида эса жамоавий хатлар ва илтимослар билан турли давлат идораларига мурожаат қила бошладилар. Бундай илтимосларга бошдан-оёқ рад жавоби берилди. Чунки «икки фуқаролик», ҳалқаро қонун-қоидалар ва анъаналарга биноан, фақат истисно сифатида ва фақат айрим шахсларга берилади. Кишининг Ватани ва фуқаролиги битта бўлади. «Икки фуқаролик» тарафдорлари айни вақтда бир эмас, икки стулда ўтиришни истайдилар, ўзларининг бекарорликларини на-

мойиш қиладилар, мамлакатимизга нисбатан ҳурматсизлик билдирадилар.

«Фуқаро» сўзи «факир» сўзидан олинган ва шу сабабли тушунчани ифода этолмайди, дейиш бу борадаги иккинчи муаммо бўлди. Лекин тиллар тарихи шуни кўрсатадики, минглаб сўзлар давр ўтиши билан бутунлай бошқа маъно касб этиши мумкин (масалан, «кибернетика» сўзи аслида юончада «денгизда кема бошқариш санъати» маъносини билдирган ва ҳоказо).

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёт соҳасига тўғри келадиган тушунча. Фуқаролик жамиятиning ижтимоий-сиёсий соҳаси кўламига ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фуқароларнинг турли шаклдаги фаолияти, ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳам мансубдир.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти ташкилотлари ҳакида хилма-хил қарашлар мавжуд. Улар сўнгги йилларда давлат сектори ва хусусий тижорат сектори билан бир қаторда, ижтимоий ва иқтисодий фаолиятнинг тамоман янги бир қисми сифатида шаклланди.

Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, кооперативлар, ишбилармонлар уюшмалари, клублар ва бошқалар фуқаролик жамиятиning ядросини ташкил этади. Ҳукумат таркибига кирмайдиган минглаб ижтиёрий гуруҳлар нодавлат ташкилотлар деб номланса, фуқаролик жамияти ташкилотлари маҳаллий фуқароларнинг минглаб турли гуруҳларини - клублар, жамоат уюшмалари, фуқаролар ҳаракатлари, хизмат кўрсатиш марказлари, жамғармалар манфатларини ҳимоя қилиш тармоқларини ташкил этишларида кўринади. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий таракқиёт муаммоларини ҳал этиш йўлида тармоқлар ташкил этиш, молиялаштириш, хизмат кўрсатиш ва ҳимоя қилиш масалалари устида маълум фуқаролар гуруҳлари номидан фаолият юритувчи минглаб қўшимча нодавлат, нотижорат ташкилотларининг пайдо бўлишига олиб келади. Демак, фуқаролик жамияти ташкилотлари ўзининг таркибида дав-

лат ва тиҷорат секторларидан ташқаридаги «учинчи секторга» тегишли бўлган барча ташкилотларни қамраб олади. Шундай қилиб, кишилар ўз турмуш тарзларини яхшилаш мақсадида ташкил этган барча турлардаги анъанавий уюшмалар, жумладан, спорт мусобақалари, регионал ва маданий уюшмалар фуқаролик жамияти ташкилотлари таркибига киради.

Ўзбекистонда «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси амалиётга тадбик этилмоқда.

Президент И.Каримов таъкидлаганидек: «Фуқаролик жамияти мавжуд бўлмаган жойда сиёсий келишувнинг ҳам бўлмаслиги ўз-ўзидан аёндир». Зоро, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш дегани давлатнинг кучлилиги йўқолади, дегани эмас. Фуқаролик жамияти қанчалик тараққий топган бўлса, давлатдаги бирдамлик, барқарорлик ва уйғунлик шунчалик мустаҳкам бўлади.

ФУҚАРОЛИК МАСЬУЛИЯТИ — жамиятнинг демократик ривожланиши жараёнида эришган ғалаба, ютуқ ва муваффақиятларига фуқароларнинг онгли муносабати, ютуқларни янада кўпайтириш ва улардан фойдаланишда фаол қатнашиши.

Фуқаролик масъулияти қадим замонлардан бери маълум. Аммо бу масъулият деярли ҳамма вакт кишининг синфий, ирқий, миллий, жинсий, диний, ҳудудий ҳолатларига қараб, турли чекланишлар ёки имтиёзлар билан боғлиқ бўлган. Ер юзидаги барча инсон зоти, ирқи, дини, миллати, жинси, яшаб турган ҳудудидан қатъи назар, teng ва teng бўлиб яшашга ҳақли эканлиги, тенгсизлик эса инсон ҳаётига четдан, ижтимоий кучлар, хукмрон мафкура ва сиёсий тузум томонидан киритилишини биринчи бўлиб Оврупо мутафаккирлари XVI-XVIII асрларда асослаб бердилар. Бу тараққийпарвар, илғор фикрларнинг тантанаси учун кураш, айниқса, кейинги икки аср давомида кескин тус олди. Жамиятни юксалишга ундовчи бу шиорлар ва талаблар ўзининг энг ёрқин ифодасини Улуғ француз инқилоби (1789-1793) нинг «Озодлик, Тенглик, Биродарлик» шиорида топди.

Фуқаролик масъулияти – жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг давоми ва узвий қисми. Чунки жамият ўз демократик ривожланишида фуқароларга тенглик, озодлик, биродарликни ҳаётий воқеликка айлантирувчи турли ҳуқуқларни бериш билан чекланмайди, балки шу ҳуқуқларга риоя қилишини, ўз ҳуқуқларидан ижодий, жамият манфаатларини кўзлаб фойдаланишини талаб қиласди. Шу сабабли, жамият қанчалик юксак даражада демократик бўлса, ундаги фуқароларнинг масъулияти ҳам шу даражада жиiddий ва кенг қамровли бўлади. Ҳақиқий демократик жамиятда фуқаро мавжуд ҳуқуқлардан фойдаланувчи боқиманда эмас, балки бу ҳуқуқларга суюниб, жамиятнинг муаммоларини ҳал этишда фаол қатнашувчи шахс бўлиши керак.

Мустақил Ўзбекистон, фуқаролик масъулиятини аниқлар экан, бу борадаги энг илғор халқаро тажриба ва назарияларга таяниб иш кўрди.

Фуқаролик масъулияти масаласи энг жиiddий диққатни талаб қиласдиган ижтимоий вазифалардан биридир. Унинг моҳияти мустақиллик шароитида тубдан ўзгармоқда. Аввалги, истибодд давридаги фуқаролик масъулияти тушунчаси биринчи ўринда социалистик жамият, марксча-ленинча мафкура, жаҳон социалистик тизими, ҳукмрон партияга садоқат, ҳусусий мулкчиликни инкор этиш, мустабид тузумнинг ижрочи солдати бўлишни талаб қиласди. Ўзбекистон мустақиллиги ҳакида сўзлаш, тадбиркорликни рағбатлантириш, корхоналарни ва мулкни ҳусусийлаштириш тўғрисида сўзлашишнинг ўзи жиноят даражасидаги фикр деб қараларди. Демак, фуқаролик масъулияти истибоддни, мафкура яккаҳокимлигини мустаҳкамлашга, тадбиркорликни бўғишга қаратилган эди. Етмиш йилдан ошиқ давом этган изчил ва муқаммал ташкил қилинган коммунистича иқтисодий, ахлоқий, ижтимоий ва сиёсий тарбия ўз маҳсулини бермасдан иложи йўқ эди. Мустамлакачилик даврида чоризм томонидан босилган, эзилган, деярли йўққа чиқарилган мустақиллик ҳисси, тадбиркорлик шижаоти истибодд даврида фикримиз ва фаолият доираниздан янада узоқлаштирилди. Яқин ўтмишдан қолган бу «мерос», афсуски, онгимизга, турмуш тарзимизга, фаолият йўналишларимизга чуқур таъсир кўрсатган ва ҳозирда ҳам кўрсатмоқда.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш жараёнини жиддий равишда сустлаштириб, ўзгаришларни амалга оширишни секинлаштираётган салбий омиллардан бири фуқаролик масъулиятининг янги маъно ва мазмунини кўплар томонидан тушунмаслик ёки бу жиддий масалага эътибор бермаслик, бефарқлик, бокимандалик, юкоридан кўрсатма тушишини кутиб ўлтиришдир.

Хозирги пайтда фуқароларнинг хуқуқий саводлилигини ошириш, ўрта ва майда тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган ишлар, биринчи навбатда, ана шу ўтмишдан қолган нуқсон ва сарқитларни бартараф этиш, фуқароларимизда жамиятга нисбатан, мустақилликка нисбатан масъулият хиссини уйғотиш ва шакллантиришга йўналтирилган. Истибодод тузуми фуқароларнинг хуқуқий соҳада саводли бўлишини ортиқча деб биларди. Чунки нима тўғри, нима но-тўғрилигини партия ўзининг «инқилобий виждан» асосида ҳал қиласр эди. Мустақил Ўзбекистон фуқаролари ўз бурч ва хуқуқларини яхши билишлари - тараққиётимизнинг зарурий шартидир. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг конституциявий масъулиятларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

I. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлашга қаратилган масъулиятлар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя қилиш;
- қонунларни бажариш;
- меҳнат интизомини сақлаш;
- жамоат бурчига виждан билан қарашиб;
- мулкнинг бозор шаклларини мустаҳкамлаш;
- турмуш қоидаларини ҳурмат қилиш;
- бошқа мамлакат фуқароларининг миллий қадр-қимматини, хуқуқларини ҳурматлаш, шаъни, ўзлигини ҳурмат қилиш;

-ижтимоий бурчни ҳалоллик билан бажариш;

- Ўзбекистон фуқароси деган юксак номга муносаб бўлиш.

II. Ўзбекистон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масъулиятлар;

- Ватан қудратини ошириш ва ҳимоя қилиш;

- Ватанин ҳимоя қилиш;

- умумий ҳарбий хизматни қонун асосида бажариши.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти ўз масъулиятларини тўғри тушуниб ихтиёрий равишда бажармоқдалар. Бундай ҳолатни эътироф этиш — ижобий нарса. Аммо юқорида санаб ўтилган фуқароларнинг конституциявий масъулиятларини деярли ҳудди шундай таърифда собиқ СССР конституциясида ҳам учратганмиз. Масаланинг бу жиҳатларига шунинг учун ҳам эътиборни жалб этмоқ зарурки, фуқароларимизнинг талайгина қисми яқин ўтмишдаги, яъни собиқ СССР даврида шаклланган фикрлари, тушунчалари ва эътиқодлари, таассуротлари таъсирида қолиб келмоқдалар, мустақиллик бу борада туб ўзгаришлар талаб қилишини англаб ололмаётирлар. Мустақиллик шароитида фуқаролар масъулиятининг ҳар бир шакли ва соҳаси янги маъно ва янги мазмун касб этмоқда. Мустақиллик шароитида ҳар бир фуқаронинг саъӣ-харакати, меҳнати, интизоми, мулкка муносабати ва ҳоказолар СССР деб аталмиш тагсиз-тубсиз, бепоён бўшлиқда йўқ бўлиб кетмайди, балки ўз юртимиз, Ватанимиз хазинасига қўшилади.

ХАЛҚ ФАРОВОНИЛИГИ — миллий истиқлол мағкурасининг асосий гояларидан бири. Халқ фаровонлиги ҳар бир шахс ва оила фаровонлиги билан боғлиқdir. Бунда инсоннинг шахсий манфаатлари жамият манфаатлари билан уйғуналашиб кетади ва ҳар бир фуқаронинг фаровонлиги бутун жамият фаровонлигидир, деган тамойил амалга ошади.

Бу ҳақиқатни англаб этиш учун аҳоли барча қатламларининг олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини ҳис қилиши ва бунда фаоллик кўрсатиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун эса кишиларнинг дунёқарашини, меҳнатга, ҳаётга, ўзига бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш керак. Фаровон турмуш асоси эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорликдир.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллати, динидан қатъи назар, шахс сифатида ўз қобилиятини, истеъодидини намойиш этиш ва ўз ҳаётини фаровон қилиш имкониятига эга. Халқимизда мулкка, ерга эгалик хиссини тарбиялаш, ўз кучига, иродада

сига ишонч рухини қамол топтириш, хўжалик юритишнинг замонавий усуулларига ўтиш давр талаби эканлигини англаб етиш бу борадаги устувор ва ҳал қилувчи вазифаларга киради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади - ҳалқимизга муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат. Бу мақсадга эришиш учун жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларидағи қатор муммомлар ҳал қилинмоқда.

Иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш, мулкчиликнинг муқобил шаклларини таркиб топтириш ва мулкка эгалик ҳиссини тарбиялаш, эркин рақобат, тадбиркорлик, ташаббускорлик мұхитини вужудда көлтириш ҳалқ фаровонлигини таъминлашнинг асосий шартларидандир.

Мамлакатимизнинг бой табиий ресурслари, фуқароларимизнинг интеллектуал салоҳияти, энг асосийси, келажакка бўлган умид-ишончи, сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги ҳалқ фаровонлигини таъминлаш заминидир.

ХРИСТИАНЛИК — жаҳон динларидан бири. I асрда Рим империясининг шарқий провинцияларида шафқатсиз ҳаёт шароитларидан қутқарувчи ҳалоскор - мессия келишига умид боғлаган мазлумларнинг дини сифатида вужудга келди. Ҳозирги даврда бу динга 1,37 млрд. киши эътиқод қиласи.

Христианлик IV аср бошларига келиб, Рим империясининг давлат динига айланган ва 325 йилда Аиссея соборида давлат дини сифатида эътироф этилган. Христианликнинг асосий ғояларидан бири - Исо Масихнинг самодан ерга тушиб, одамларни дастлабки гуноҳдан ҳалос этиш учун қийноқларга ва ўлимга рози бўлгани, яна тирилиб, осмонга кўтарилиб кетгани ҳақидаги таълимотdir.

Христианлик таълимотига кўра, келажакда Исонинг иккинчи марта қайтиб келиши ва тириклару ўликларни қилган гуноҳлари учун сўроқ қилиши кутилади. Бу дин аҳлига Исонинг ўйтларига, васиятларига амал қилиш, ҳаёт машаққатларига у каби бардош бериш кераклиги, бунинг эвазига эса улар келажакда, нариги дунёда ажр (мукофот)га эришишлари тўғрисидаги фикр сингдирилади. Христианлик мағкура-

сининг таркиб топишига Шарқ диний эътиқодлари, яхудий-ларнинг миссионизм характеридаги секталари, яхудий-юнон фалсафаси ҳамда ўша давр стоиклари қараашлари сезиларли таъсир кўрсатган.

Дастлабки христианликка кейинроқ пайдо бўлган учлик (троица), дастлабки гуноҳ, худонинг зухр бўлиши, чўқинтириш маросими, нон ва вино тотиш маросими ҳақидаги тасаввурлар ва бошқа ақидалар маълум эмас эди. Христианлик ақидаларининг шаклланиш жараёни бир неча асрларга чўзилди. Унинг Никей ва Константинополь жамоа соборлари ишлаб чиқсан қонун-қоидалари кўп марта тўлдирилди ва ўзгартирилди. Соборларга қадар христианларнинг турли минтақавий уюшмалиари ўртасида ақидаларни қандай тушуниш масалалари юзасидан қаттиқ мунозаралар бўлиб ўтди. Айрим маросимлар, масалан, иконаларга топиниш каби масалаларнинг талқини билан боғлиқ бўлган кураш, айникса, чўзилиб кетди.

Ташкилий жиҳатдан христианлик ҳеч қачон яхлитлик касб этмаган. У ўз тараққиёти давомида уч йўналиш - православие, католиклик ва протестантизм йўналишларига бўлиниб кетди. Уларнинг ҳар бирининг ичидаги ҳам бир неча оқимлар, йўналишлар бор.

XIX асрнинг 70-ийлари охирларида Ўрта Осиёга православие билан бир қаторда, бошқа йўналишдаги оқимларнинг тарафдорлари ҳам кириб кела бошлади. Улар ортидан турли секталарга мансуб христиан диндорлар - баптистлар, адвентистлар, католиклар ва бошқалар пайдо бўлди.

Хозирги даврга келиб, Ўзбекистонда христианликнинг уч ийрик йўналиши - православие, католиклик ҳамда протестантизмнинг вакиллари эмин-эркин яшамоқда.

ШАРҚ ВА ШАРҚОНАЛИК — жаҳон ижтимоий адабиёти, шу жумладан, тарих, фалсафа, руҳият, бадиий адабиёт, адабиётшунослик, этнология ва этнография, нафосат ва ахлоқ илмлари томонидан эътироф этиладиган, Шарққа, Шарқ ҳалқлари ва мамлакатларига тегишли хислат ва хусусиятлар мажмуми.

Жамият тарихини ўрганиш шуни кўрсатадики, инсониятнинг илк ўтмиш, биринчи моддий ва маънавий маданият

масканлари Шарқда шаклланган ва инсониятнинг кейинги тараққиёти учун замин тайёрлаб берган. Шарқ деганда, асосан, Яқин Шарқ (Миср, Сурия, Ирак, Иордания, Туркия, Яман, Судан, Кувайт ва бошқалар), Ўрта Шарқ (Эрон, Афғонистон, Мовароуннахр), Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё (Бирма, Вьетнам, Индонезия, Таиланд, Хиндистон ва унга яқин ҳудуддаги давлатлар), Узок Шарқ (Хитой, Япония, Корея, қисман, Россия Узок Шарқи) тушунилади.

Демак, Шарқ жуда катта ҳудуд, унинг ўзи ранг-баранг ҳамда турли-тумандир. Аммо, шу билан бир вақтда, Шарқнинг санаб ўтилган тўрт қисмини бирлаштириб турувчи умумий томонлари ҳам мавжуд. У ҳам бўлса, Шарқ ҳалқларининг босиқлиги, ҳар қандай кескин вазиятда ҳам масала ва муаммоларни тинчлик, мубоҳаса, музокара, мунозара йўли билан ҳал қилиш, борини асрраб-авайлаш, йўғини эса яратиш, ҳаётнинг негизи ва замини изчил қундалик меҳнат эканлигини тан олиш ва шунга риоя қилиш, авлодларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини кўзда тутиб, ота-оналарга ҳамда фарзандларга алоҳида меҳрибонлик билдириш, ҳаётнинг ўткинчи эканлигини билиб, мол-дунё йифиш, охир-оқибатда, кўпинча ижобий эмас, балки салбий натижага беришини назарда тутиш, бойлик ёки шон-шуҳратга, юксак лавозимларга эришган билан инсон зоти осмонга устун бўлолмайди, деб ҳамма вақт ўзини тия билиш - бундай ўзига хос хислат ва хусусиятлар Шарқ ва шарқоналикни ифодалашга ёрдам беради.

Шарқнинг бундай ўзига хослигининг илдизлари унинг инсоният тарихидаги ўрни билан белгиланади: Шарқ инсониятни гўдакликдан балоғат ёшигача тарбиялаб етказган онадир. Бундай тарбиявий иш эса эҳтиёткорликни, очиқликни, изчилликни, ҳаёт зиналаридан бирма-бир чиқиб, кўтарилиб боришини талаб қиласди.

Шарқ ҳалқлари, инсоният тарихида биринчи бўлиб, ерга ишлов беришини, маданий ўсимликлар навларини табиатдан танлаб олиш йўли билан юзага келтирдилар, ўсимликларни чопик ва сугориш йўли билан тарбиялаб ўстиришни ҳаётга татбиқ этдилар, мураккаб ирригацион, яъни сугориш тартиб ва усулларини яратдилар, биринчи сув тегирмонлари ва обжувозларни қурдилар, дастлабки уй хайвонларини кўлга ўргат-

дилар, ва ҳатто, ипак қуртидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга эришдилар, ниҳоятда мукаммал меъморчилик санъатига асос солдилар ва ҳоказолар. Шарқ биринчи бўлиб инсон қанчалик сабр-тоқатли, иродали, ўткир фикрли, жисмонан бакувват ва руҳан эгилмас бўлишини инсониятга намоён этди.

Янги тарих давридан бошлаб, яъни XVI асрдан Фарб мамлакатлари ва ҳалқлари инсониятнинг олди қаторига чиқа бошлидилар. Лекин Фарб Шарқнинг елкасига суюнибгина, қолоқлик ва қашшоқлик оламидан қутулиб чиқа олди. Ана шу сабабдан Шарқ Фарбнинг дикқатини ўзига жалб этган. Овруполиклар асрлар давомида Шарқ томон океанлар ёки чўллар орқали йўл қидирганлар.

Мустакил Ўзбекистон - Шарқ мамлакатларидан бири. Ўзбек ҳалқи азалдан ўзининг босиқлиги, андишилиги, керак-нокеракка дикқат бўлаверишга йўл қўймаслиги билан ажralиб турган. Унинг бундай шарқона хислатлари бозор иқтисодиётига ўтишда мамлакатимиз фойдасига катта хизмат қилмоқда. Мустакил Ўзбекистоннинг буюк келажаги шарқоналигимизни Фарб фани, техникаси ва технологияси билан ижодий бирлаштириш орқалигина ҳаёт воқелигига айланиши муқаррардир.

ШАРҚОНА ДЕМОКРАТИЯ — демократия тушунчасининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, Шарқ мамлакатлари, асосан, ахолисининг кўпчилик қисми мусулмон маънавиятидан баҳра олган ҳудудларга хос бўлган демократик қоидалар мажмуининг ўзига хос шакл ва мазмунда намоён бўлишидир. Шарқона демократия миллий босиқлик, андиша, ёши улугларга ҳурмат, ўзаро маслаҳат, ҳар қандай кескин масалада ҳам томонларнинг келишувларига асосланадиган фаолиятдир. Ана шу ҳусусиятлари билан ушбу ижтимоий тушунча гарб демократиясидан фарқ қиласди. Бундан ташқари, шарқона демократия, сиёсий тартибсизликлар, бошбошдоқлик ва митингбозликни миллий манфаатларга зид деб қарайди ҳамда жамият ва давлатнинг ички масалалари - ҳар қандай фундаменталистик ва қуролли кучларга асосланган ҳаракатларни қоралаган ҳолда, ўз фаолиятини ўзига хос маданият тамойиллари асосида йўлга қўяди.

Шарқона демократия ҳам, умумий демократия сингари, сиёсий плюрализм, алтернатив жараён ҳамда ҳар бир шахс

ёки гурух манфаатларини химоя этишни ўз фаолиятининг асосий тамойилларидан бири, деб ҳисоблайди, ушбу ҳаракатлар шарқона одоб ва қоидалар доирасида амал қилишини талаб этади.

Шарқона демократия, унинг тарихи, ижтимоий илдизлари ва рухий заминлари деярли ўрганилмаган. Чунки, яқин ўтмишдаги истибод тузуми ва ҳукмрон мафкура, демократик қоидаларга зид ўларок, жамият муаммоларини фақат синфий кураш, зўравонлик, зулм, қўзғолон, исён йўли билан ҳал қилишни тавсия ва талаб қиласр эди. Бу, албатта, собиқ тузум таназзулини ва ҳалокатини тезлаштириди. Қайси бир жамият, тузум ўз сиёсий фаолиятида демократик тамойилларни миллӣ ҳамда маҳаллий шароитлар талабларига мослаштира олмас экан, у сиёсий бошбошдоқлик ҳамда иқтисодий инқирозга маҳқумдир. Буни айрим собиқ иттифоқдош республикалар мисолида кўриш мумкин.

Мустакил Ўзбекистонда Шарқ демократиясини тиклаш, асослаш ва ҳаётга татбиқ этиш бўйича катта ишлар бажарилмоқда. Чунончи, аждодларимиз тарихий тажрибаси инобатта олинган ҳолда, бугунги кунда, мукаммал шакл касб этган шарқона демократия қоидаларига асосланган кучли ижтимоий сиёсат туфайли, республикамиз умумжаҳон миқёсида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, йилдан-йилга иқтисодий юксалиш сари дадил одимлар билан қадам ташламоқда. Бу, албатта, жумладан, шарқона демократия қоидаларига асосланган сиёсат натижасидир.

Баъзида «демократия битта бўлади, унинг шарқий ва гарбий кўринишлари бўлиши мумкин эмас», дейдиган фикрлар ҳам айтилади. Бундай нуқтаи назар шўро тузуми ва мафкурасининг таъсирида шаклланган. Истибод мафкураси ва назарияси бутун жаҳонни, барча инсониятни бир бутун деб қараб, шу асосда миллатлар ва миллӣ тилларни қўшиб юбориш, миллӣ расм-русум ва анъанааларнинг катта қисмини эскилий сарқити деб тан олмаслик йўлидан борди. Ва бу сиёсат қандай натижаларга ҳамда оқибатларга олиб келганлигининг шоҳиди бўлдик.

Демократияга ўтмиш сабоқлари ва ҳаёт тажрибаси асосида изчил илмий қураш шундан иборатки, умуминсоний нуқтаи назардан, ҳақиқатан ҳам демократия битта, аммо бу бирлик шунинг учун ҳам ҳаётйки, у миллӣ шароитлар, минтақавий

хусусиятлар ва китъавий фарқ-тафовутларни инобатга олади, яъни кишиларнинг, жамиятнинг амалиёти билан чамбарчас боғланган. Барча мамлакатлар, ҳамма ҳалқлар демократияга интиладилар, демократик тартиб-коидаларни ўзларининг музайян шароитларида қўллаш ва турмушга татбиқ этишининг энг маъқул йўлларини ва усулларини топишга ҳаракат қиласидилар. Ана шу жаҳон бўйлаб бораётган оммавий ҳаракат ўзининг музайян шакл ва мазмунига эга кўринишларини беради. Шу кўринишлардан бири шарқона демократиядир.

Шарқона демократиянинг мустакил Ўзбекистонда қўлланила бошлиши ҳалқимиз томонидан катта кўтаринкилик билан қабул қилинди. Фақат биргина шўро демократияси бўлиши мумкин деб ўргатилган ҳалқ ўзининг азалий тартиб-коидаларини бойитиб, уларни тиклай бошлади.

ШОВИНИЗМ — миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти.

Бундай қарашларнинг тарихи узоқ бўлса-да, илмий тушунча сифатида “шовинизм” атамаси француз ёзувчилари ака-ука И. ва Т. Конъярларнинг «Уч рангли кокарда» номли комедиясининг қаҳрамонларидан бири, ўзининг агрессив миллатчилиги билан ажралиб турадиган Никола Шовен номи билан боғлик ҳолда, XIX асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган.

Наполеоннинг босқинчилик урушлари ветерани бўлган, “буюк Франция”ни яратгани учун императорга сажда қилиш руҳида тарбияланган, ўта миллатчи бўлган бу реал шахс ушбу бадиий образнинг прототипи ҳисобланади. Буюк давлатчилик шовинизмнинг бир шакли бўлса, унинг энг ашаддий кўриниши инсониятга нафрат мафкураси ва сиёсати билан суғорилган фашизмдир.

Моҳияткан шовинизм миллатчиликнинг ўзига хос шакли бўлиб, бошқа миллатларнинг жаҳон тарихида тутган ўрни, бугунги кундаги мавқеи, маънавий-маданий ҳаётининг ўзига хос томонларини менсимасликка интилишида яққол кўринади. Шовинизм кўп сонли ҳалқларнинг кўп миллатли давлат

доирасида, шунингдек, уни ўраб турган жуғрофий-сиёсий маконда ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатишга уринишида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Бугунги кунда шовинизм ғоялари билан қуролланган, турли мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий куч ва ҳаракатларнинг асл максади ёшларимизнинг қалби ва онгини эгаллашдан иборат.

Ана шу сабабдан ёшларда шовинизм ва миллатчилик ғояларига қарши миллатпарварлик, маърифатпарварлик, ватан равнақи, юрт тинчлиги, ҳалқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик ғояларига содикликни тарбиялаш ниҳоятда муҳим.

ЦИВИЛИЗАЦИЯ (лотинча “civilis” фуқаровий, ижтимоий) — серкирра ва мураккаб мазмунга эга бўлган ижтимоий-фалсафий тушунча. Бу тушунчани шотланд тарихчиси ва файласуфи А.Фергюсон (1723-1816) жаҳон тарихий жараёнининг маълум бир босқичини ифодалаш учун, XVIII асрда яшаган француз маърифатпарварлари эса ақл-идрок ва адолатга асосланган жамият деган маънода ишлатган эдилар. Ундан кейин ҳам цивилизация тушунчасига турлича мазмун беринш давом этди. Айримлар уни маданиятнинг, баъзан фақат моддий маданиятнинг синоними сифатида ишлатган бўлсалар, немис файласуфи О.Шпенглер, аксинча, уни маданиятнинг антиподи маъносида, яъни маданиятнинг ҳалок бўлиш жараёнини характерлаш учун, инглиз социологи ва тарихчи А.Тойнби эса ўзига хос ва нисбатан ёпиқ бўлган жамиятларни ифодалаш учун ишлатган.

Цивилизация тушунчасини белгилашда турлича ёндашув ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолмоқда. Бу тушунча ҳозирда: 1) умуман кишилик жамияти ривожланишининг маълум бир босқичини (неолит даври, антик давр ёки ҳозирги замон цивилизацияси); 2) маълум бир тарихий даврдаги ишлаб чиқариш босқичини; 3) географик жиҳатдан фарқланувчи (Европа ёки Осиё цивилизацияси); 4) диний мансублигига кўра фарқланувчи (христиан ёки ислом цивилизацияси); 5) келиб чиқиши ва планетар мансублигига кўра фарқланувчи (ер цивилизацияси,

ердан ташқаридаги цивилизациялар); б) этник асосга кўра фарқланувчи ижтимоий-маданий (қадимги Миср ёки Бобил цивилизацияси) бирликларни ифодалаш учун қўлланилмоқда.

Ҳар қандай илмий тушунча маълум мазмунни ифодалаб, муайян ижтимоий ҳодиса, жараённи тушунтиришга хизмат қилмоғи, демакки, методологик аҳамиятта эга бўлмоғи лозим. Мана шу нуқтаи назардан қаралса, цивилизация тушунчасини юқоридаги маъноларда ишлатишда муайян бир ёқламалик борлигини кўриш мумкин.

Цивилизация тарих ёки жамиятнинг сифат жиҳатидан ўзига хослигини, у ёки бу минтақа ёки мамлакат доирасида амал қиласидан, ишлаб чиқариш кучлари, инсон фаолияти, маданияти томонидан белгиланадиган умумий ижтимоий қонуниятларни ифодалайди. Буларнинг барчаси цивилизацияни яхлит бирлик сифатида мавжуд бўлиши учун имконият яратади. Бу хусусиятларни йўқолиши цивилизациянинг ҳалокатини англатади. Цивилизацияни ҳудудий жиҳатдан шаклларга ажратганда — умумбашарий (глобал), минтақавий (регионал) ва маҳаллий (зонал) тарзда намоён бўлиши эътироф этилади.

Қисқача айтганда, цивилизация тушунчаси муайян ҳалк, мамлакат (жамият)га ёки унинг ривожланиш жараёнида сифат жиҳатидан фарқланувчи айрим босқичларига нисбатан ишлатилгандагина, у аниқ илмий мазмунга ва демакки, методологик аҳамиятта эга бўлади. Айнан этник бирликлар, мамлакатлар даражасида цивилизациянинг ўзига хослиги, асосий хусусиятлари яққол намоён бўлади.

Цивилизациянинг моҳиятини тушунишда унга мансуб бўлган маданиятнинг ролини англаш муҳимдир. Агар ишлаб чиқариш цивилизациянинг моддий асосини ташкил этса, маданият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиб, унинг қиёфасини, хусусиятини белгилаб беради. Ҳалқ ҳаёти ва маданиятининг конкрет намоён бўлишини, унинг реал мавжудлик ҳолатини акс эттиради.

Истиқлол йўлидан бораётган Ўзбекистон умумбашарий цивилизациянинг таркиби қисмига, жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳукуқли аъзосига айланди. Мамлакатимизда бугунги дунё

цивилизациясининг илғор мамлакатларига хос демократик та-
мойиллар, умуминсоний қадриятлар устуворлиги қоидалари-
га амал қилинмоқда. Шу билан бирга мустақиллик минтақа-
миз цивилизацияси учун янги имкониятлар очди. Тарихи уч
минг йилдан ортадиган цивилизациямиз қадриятлари, мил-
лий давлатчилик аъналари қайта тикланди.

ЭВДЕМОНИЗМ — баҳт-саодат, роҳат-фароғатни ҳаёт-
нинг олий мақсади деб ҳисобловчи ахлоқий йўналиш бўлиб,
қадимги Юнонистон ахлоқий қарашларига, аниқроғи, Сукрот-
нинг шахснинг ички эркинлиги ташқи дунёга қарам эмаслиги
тўғрисидаги ғояси билан узвий боғлиқ. Эвдемонизм вакиллари
баҳт-саодатни жисмоний ва маънавий қадриятларнинг йигин-
диси сифатида талқин этади. Эмдемонизмнинг мумтоз вакил-
ларининг(Демокрит, Сукрот, Эпикур, Спиноза, Фейербах,
Спенсер) фикрига кўра, баҳт-саодат фақатгина шахсий ҳузур-
ҳаловатда ифодаланмасдан, жамият манфаатлари, шунинг-
дек, инсоний масъулият билан узвий боғлиқ тушунчадир

ЭЪТИҚОД (арабча-ишонмоқ, имон, амин бўлмок) — ин-
сон фаолияти учун маънавий асос, йўл-йўриқ ва мўлжал
бўлиб хизмат қилувчи, ақл, ҳис ва ирова воситасида англан-
ган билимлар, ғоя ва тасаввурлар ифодаси бўлган тушунча.

Эътиқод инсоннинг вояга етиши жараёнида шаклланади.
Билимларнинг ўзлаштирилиши ва тўпланиб бориши ўз-ўзи-
дан кишининг ижодий, аниқ мақсадни кўзловчи фаолиятига
олиб келавермайди. Инсон бирор ишни бошлашдан аввал аниқ
мақсадни белгилаб олади. Бу эса эҳтиёжлар, манфаатлар ва
тажриба билан боғлиқ ҳолда кечиб, ўзлаштирилган билим-
ларнинг амалда қўлланиш имкониятлари ҳам баҳоланади. Шу
тарзда инсоннинг тўпланган билимлари, эҳтиёжи ва манфа-
атлари, ҳаётий тажрибаси асосида ҳаракат қилиш заруря-
тини англаши жараёнида муайян эътиқод шаклланади. У инсон
фаолиятининг изчили, мазмунли, мантикий, мақсадли бўли-
шига олиб келади.

Ижтимоий жиҳатдан эътиқод инсоннинг фаолиятга бўлган
муносабатини (алоқадорлик ҳолатини) ҳам ифодалайди. Би-

лим ва фоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олинганидагина эътиқодга айланади. Инсон маънавиятининг шаклланиши давомида барча билимлар ҳам тўлиқ қабул қилинавермайди, ўзлаштирилавермайди, балки ҳар бир шахс ўзига хос қарашлар, фоялар, ҳис-туйғуларга эга бўлади. У янги билимларни қайта баҳолайди, уларни такрор ва такрор танқидий ўзлаштиради ва англайди. Бу жараёнда кишиларнинг манфаатдорлиги даражаси, уларнинг эҳтиёж ва қизиқишилари ҳам муҳим роль ўйнайди.

Дунёни англаш жиҳатдан эътиқод онгнинг зарур элементи ҳамда инсон фаолиятининг муҳим ҳолати ҳамдир. У кишиларнинг турли ҳодиса ва жараёнларга, фоя ва мақсадларга, хиссиёт ва туйғуларга бўлган қатъий ишончига таянади. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига эга бўла олади. Бунда унинг билим даражаси, турмуш тарзи ва яшаш шароити, дунёқарashi ва ижтимоий мавқенининг ҳам улкан таъсири бор.

Хаёт ҳодисаларига иккиланиб муносабатда бўлиш, журъатсизлик, эътиборсизлик ва бефарқлик киши эътиқодининг бўшлиги ёки ҳатто эътиқодсизлигидан далолат беради. Бундай кишилар кўпинча бошқаларга эргашиб ёки тақлид қилиб яшайдилар. Уларда аниқ қадрият мезонлари ва мақсад бўлмайди. Шароитга қараб гоҳ у, гоҳ бу томонга оғадилар. Уларнинг фаолиятида мантиқ ва изчиллик етишмайди. Эътиқодий бўшлик иллати тараққиёт йўлига ғов бўлиши муқаррар. Шунинг учун, кишиларда ижтимоий қадриятларга, буюк келажакка, тараққиётга бўлган ишончни, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт барпо этишга бўлган эътиқодни шакллантириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Агар эътиқод экстремистик, ирқий, шовинистик, тор сиёсий ва иқтисодий манфаатлар билан чекланган бўлса, бундай ҳолда у бузғунчиликка, бекарорликка хизмат қилиши, тараққиётга тўсиқ бўлиши муқаррар. Тараққиётга, хурликка етакловчи ишонч ва эътиқод билан бузғунчи, алдамчи, адаштирувчи, ёлғон “эътиқод”ни фарқлаш жуда муҳим. Милллий истиқбол фояси мустақил Ўзбекистон фуқароларининг умумий манфаат ва қадриятларини ифодалайди ҳамда шаклла-

наётган соғлом ва баркамол авлод эътиқодининг мазмун-мөхиятини белгилайди.

ЭКЗИСТЕНЦИАЛИЗМ (лотинча “existentia” - мавжудлик) — XX асрнинг биринчи чорагида маънавий ҳаётнинг эҳтиёжларига жавоб сифатида юзага келган фалсафий таълимот. Экзистенциализм Биринчи жаҳон урушидан кейин содир бўлган, бир томондан, тушкунлик ва парокандалик, иккинчидан, илмий-техник юксалиш ва технологик тараққиёт натижаларининг фалсафий хосиласи тарзида шаклланган. Унинг таълимотида дунёвий (Сартр, А.Камю, Хайдеггер, Мерло-Понти, С.Бовуар) ва диний (Л.Шестов, Марсель, К.Ясперс, М.Бубер) йўналишларнинг мавжудлиги унинг ғоявий жиҳатдан зиддиятли эканидан далолат беради. Бу фалсафани маърифатчилик даври рационализмiga, “мутлоқ ғоя”, объектив “мен” ва умуман тафаккурнинг буюк кучига ишонишга асосланган немис классик фалсафасига, XIX аср охири - XX аср бошлирида кенг тарқалган рационалистик-позитивистик фалсафага қарши реакция сифатида ҳам қабул қилиш мумкин.

Экзистенциализм таълимоти бўйича, шахсдан ташқари-даги борлиқ фалсафа объекти эмас. Чунки инсон уни бевосита идрок эта олмайди. Инсон, унинг борлиғи, маънавий ҳаёти ва муаммолари энг асосий фалсафий объект деб қаралиши экзистенциализмни прогрессив таълимотлар қаторига қўшади. Айниқса, экзистенциализмнинг инсон эркинлиги ҳақидаги ғояси диккатга сазовордир. Farb фалсафасида у эркинлик фалсафаси деб ҳам юритилади. Унга кўра, инсон ўз ҳаётини ўзи эркин амалга ошириши лозим. Инсон олдида турган улкан имкониятлардан қайси бирини танлаш унинг ўзига боғлиқ.

Айни вактда эркин инсон ҳамма қилган ишлари учун ўзи масъул ва жавобгар бўлади. Бу ғоя экзистенциализмнинг йирик вакили Жан-Пол Сартр ижоди ва ижтимоий фаолиятида яққол кўринади. Унинг фикрича, экзистенциализм - бу гуманизмдир. Ж.П.Сартр тинчлик учун, уруш хавфини йўқотиши, халқлар ўртасида яхши муносабатлар ўрнатилиши учун курашди. У инсониятнинг ҳар бир миллат, халқ учун, уларнинг

равнақи учун маънавий масъулияти борлиги, “мавжудлик” фақат инсоннинг тор чегарадаги ҳолати эмас, балки жамият, миллат доирасидаги мавжудлиги билан ҳам боғлиқ эканлиги ҳақидаги тояларни олға сурди.

Экзистенциализм – ҳаёт фалсафаси сифатида хозирги илфор мамлакатларда инсон ҳуқуқлари масалаларини ечишда ҳам ўз ўрнига эга. Унинг турли оқим ва йўналишларига мансуб олим ва мутахассислар инсон билан боғлиқ масалаларнинг хилма-хил томонларини тадқиқ қилишда давом этмоқдалар, турли экзистенционалистик назария ва қарашларни ўртага ташламоқдалар.

ЭКСТРЕМИЗМ (лотинча “extremus” – ўта) — ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирларни, фикр-қарашларни ёқловчи назария ва амалиёт.

Экстремизм мазмунига кўра - диний ва дунёвий, намоён бўлишига кўра - ҳудудий, минтақавий, халқаро шаклларга бўлинади. Экстремистик қарашлар жуда чукур илдизларга эга бўлиб, ҳеч қачон чегара билмаган, дин, миллат, ҳудудни тан олмаган. Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий, мағкуравий кўринишлари мавжуд бўлгани ҳолда, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган. Диний экстремистик руҳдаги қарашларни католиклар, протестантлар, провославлар орасида ҳам учратиш мумкин.

Диний экстремизм ислом оламида ҳам кенг тарқалган. Диний экстремистлар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади ислом давлатини барпо қилиш бўлиб, бу мақсадга ўзаро низолар, ихтилофлар, қуролли тўқнашувлар орқали, яъни қон тўкиш ва зўрлик билан эришишни кўзлайдилар.

Бу эса, мустақилликка ҳам, жамият тараққиётига ҳам катта ғов бўлади. Экстремистик гурухларнинг ягона мақсади ҳокимиютини қўлга олиш бўлиб, бу йўлда улар энг жирканч усууллардан фойдаланадилар.

ЭРКИНЛИК — кишилар фаолияти билан табиат ва жамиятнинг объектив қонуниятлари ўртасидаги ўзаро муносабатни улар ўрганиши асосида фаолият олиб бориш ва ҳаёт кечириш зарурлигини ифодаловчи тушунча.

Экзистенциализм вакилларининг фикрига кўра, эркинлик инсоннинг ҳаётдаги масъулияти, ҳамма қилган ишлари учун

жавобгар бўлишидир. Теварак-атрофда қилинаётган ҳамма ишлар учун айни сезиш - бу эркин инсонга хос ҳиссиётдир.

“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг биринчи моддасида: “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқлари бўйича эркин ва тенг бўлиб туғиладилар...”, 18-моддасида эса: “... ҳар бир инсон фикр, виждан ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва таълим олиш, тоат-ибодат қилиш ҳамда диний расм-русларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига якка ўзи, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади”, деб таъкидланади.

Ўзбекистон Республикасида барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эгалиги Конституция билан кафолатланади. “Эътиқод эркинлиги” инсоннинг бирор-бир динга эътиқод қилишида ўз ихтиёри билан иш тутишини ифодалайди. У инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ичida марказий ўринда турувчи қадриятлардан бири ҳисобланади. Эътиқод эркинлиги сиёсий, ахлоқий, илмий, диний ва шу каби хилма-хил турларга бўлинади. Инсон ўз ҳаётида шу турлардан бирига алоҳида ихлос қўйиши, шу турни ўз турмуш тарзи, хатти-ҳаракатлари, орзу-мақсадлари, интилишларини белгиловчи тамойил сифатида қабул қилиши мумкин.

“Виждан эркинлиги” эса муайян кишининг бирор динга, ғояга эътиқод қилиши ёки умуман эътиқод қилмаслигини англатади. У дунёвий ёки диний билимлар тарафдори бўлиши мумкин. Кимнинг нимага эътиқод қилиши ўзининг ихтиёрида. Бироқ, бу тамойил жамиятдаги бошқа умуминсоний талабларни ва фуқаролик бурчларини тан олмаслик, турли ақидаларни мутлақлаштириш, бошқалар учун қадрият бўлган нарсаларни менсимасликни билдирамайди.

Миллий истиқбол мағкураси шахс эркинлиги ғоясига таянади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, айни пайтда ўз манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган инсонгина миллий ғоямиз тамойилларини тўғри баҳолай олади. Эркинлаштириш жараёнида инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадрият-

ларга риоя этиб яшаш жамият ҳаётининг асосий мезонига айланиб боради.

ЭТНОЦЕНТРИЗМ (юонча “ethnos” – гурух, қабила, халқ; лот. “centrum” - марказ) — алоҳида шахс ва ижтимоий гурух томонидан ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини муайян этник бирлик нуқтаи назаридан баҳоланиши. Бундай ёндашув ана шу этник бирлик анъана ва қадриятлари мавкеида амалга оширилади. Э. атамаси 1883 йилда Фарб олими Гумплович ва 1906 йилда У. Самнер томонидан илмий муомалага киритилган.

У. Самнер фикрига кўра, этник гурух ичидаги муносабатлар этнослараро муносабатлардан жиддий фарқ қиласди. У гурух ичидаги ва гурухлараро муносабатларнинг ўзаро боғлиқлигига оид баъзи қонуниятларни ҳам аниқласди. Агар гурух ичидаги муносабатлар учун ҳамкорлик ва жипслик хос бўлса, бу гурух аъзоларининг бошқа гурухларга муносабатида шубҳаланиш, менсимаслик ва душманлик туйгулари устувор бўлади.

Э. мавкеидан фикрловчилар учун барча одамларни “биз” ва “улар”га бўлиш хосдир. Э. миллатчилик, қабилачилик, уруғчилик кўринишларида намоён бўлади. Э. тегишли этносларнинг тарихи, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан ажратиб қараш мумкин эмас.

Э. этнослараро муносабатларнинг бир кўриниши сифатида маданиятлараро мулоқотнинг ривожланиш даражасига, шу этноснинг халқаро иқтисодий ва маданий муносабатларга қай даражада тортилганига боғлиқ.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғояларидан бири, мамлакат барқарор тараққиётининг асосий шарти. Тинчлик – инсоннинг ҳаётий эҳтиёжи, эмин-эркин яшashi ва камол топишининг энг зарур омилидир.

Ўзбек халқи тинчликни ўз орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари рӯёбга чиқишининг шарти деб билади. Шунинг учун ҳам доимо Яратгандан тинчлик ва омонлик тилайди. Ислом Каримов тинчликнинг ҳозирги ва келажак ҳаётимиз учун аҳамиятини қуидагида таърифлайди: "Биз - Шарқ фарзандларимиз. Шарқ мамлакатларининг қаерига борманг, одам-

лар бир-бири билан учрашганда, авваламбор, "Ассалому алай-күм" дейишади. Ушбу калом арабчадан олинган бўлиб, "Сизга тинчлик ёр бўлсин" деган маънони англатади. "Салом", яъни "тинчлик" сўзи Куръони Каримда 40 марта учрайди. Бу муқаддас китобнинг оятларидан бирида шундай дейилади: "Меҳрибон Парвардигор томонидан одамларга олқиши маъносида "тинчлик" сўзи айтилур".

Инсоният тарихига назар ташласак, бир-бирига қарама-қарши бўлган тинчлик ва уруш ғоялари ўзаро курашиб келганини кўрамиз. Ер юзида яшовчи кишилардан "Сен она Ватанингни хонавайрон қиласидиган, авлодларинг ҳаётига зомин бўладиган, чексиз ғам-андуҳ келтирадиган урушни хоҳлайсанми", деб сўралса, ҳар бир соғлом фикрли инсон, миллати, дини, ирқи, иқтисодий аҳволи, сиёсий мавқеи, ёши жинсидан қатъи назар, "йўқ" деб жавоб бериши аниқ. Бироқ, инсоният тарихида, кейинги беш минг йилда таҳминан 15 мингдан ортиқроқ катта-кичик урушлар бўлган экан. Ҳолбуки, башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина ўз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий юксакликка кўтарилади.

Юрт тинчлиги энг азиз неъмат эканига бутун жаҳон амин бўлмоқда. 2001 йил 11 сентябрда АҚШ рўй берган террорчилик ҳаракати бу борада жаҳонда кўплаб муаммолар борлигини яна бир бор кўрсатди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ юрт тинчлигини сақлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ўзбекистон дунёда биринчи бўлиб Марказий Осиёни ядро қуролидан холи майдонга айлантириш, халқаро террорчиликка қарши кураш марказини тузиш ва бошқа тинчликсевар таклифлар билан чиқди. Чунки ислоҳотларнинг натижалари айнан шу ғояни амалга оширишга бевосита боғлиқ эди. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол мағкурасида юрт тинчлигини таъминлайдиган шарт-шароитларни яратиш масаласига алоҳида эътибор берилган.

Юрт тинчлиги - Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бироғга қарам бўлган халқ ҳеч қачон эркин ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақил-

лик ва тинчликни асрашимиз, мамлакатимизни тажовузкор кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз лозим. Юксак маънавият, маданият, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуклиги - юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим шартидир. Халқимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлган бу ғоя жамиятдаги турлича фикр ва қарашга эга бўлган барча куч ва ҳаракатларни бирлаштиришга, шу орқали миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Президентимиз: “Бизнинг кейинги йилларда эришган энг катта ютуғимиз - бу умумий хонадонимизда қарор топган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлиkdir. Одамларимиз тафаккурида бу қадриятнинг бекиёс аҳамиятини англаб етиш туйфуси тобора юксалиб бормоқда”, деб бежиз таъкидламаган.

Мамлакатимиздаги ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик юрт тинчлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу эса мамлакатимиздаги ички барқарор вазият, хорижий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, давлат ва жамият бошқарувини демократиялаштириш, сиёсий партиялар манфаатидаги умумийликдан иборат бўлиб, давлатнинг бош ислоҳотчилик вазифасини изчил бажариши учун имконият яратмоқда.

ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ АНГЛАШИ — жалқ ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг ифодаловчиси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатта мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши жараёнida шаклланди. Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши унинг миллат сифатида шаклланишининг нисбатан юқори босқичида рўй берди. Бу — мураккаб жараён бўлди. Чунки миллатимиз вакилларининг кўпчилигида ўзининг жузъий манфаатларидан умумийлий манфаатларни устувор кўя билиш ҳисси ўта секинлик билан намоён бўлди.

Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши унинг миллий онгидан фарқ қиласи. Унинг миллий онги ягона тили, урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари ва маънавиятининг пастдан

юқорига, оддийдан мураккабга томон ривожланиб бориш жараёнида намоён бўлган бўлса, бу онгнинг ўз навбатида такомиллашиши ўзбек миллатини ўз-ўзини англаш даражасига кўтарди. Миллий онгимиз миллатимизнинг ўзига хослиги асосида ривожланиб бориши бўлса, миллий ўз-ўзини англаш миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда ва ривожлантиришда ички маънавий-рухий салоҳият сифатида ўзини намоён этди ва этмоқда.

Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англаши бевосита моддий куч сифатида миллатимиз шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори, ор-номуси поймол этилганда ёки унинг моддий ва маънавий манфаатларига зид ҳаракатлар ва ҳолатларда намоён бўлди. Шўро йилларида миллатимизнинг шаъни, қадр-қиммати, ор-номуси, обрў-эътибори ва манфаатлари поймол этилди. Шу боисдан миллатимиз вакиллари, қайси лавозимда хизмат қилиши, бой ёки камбагал бўлишидан қатъи назар, ягона умуммиллий куч бўлиб бирлашдилар ва миллатимизнинг ўзлигини ҳимоя қилдилар. Бу нарса, айниқса, ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш учун бир неча ой давом этган курашда ёрқин намоён бўлди.

Демак, ўз-ўзини англаш миллатимизнинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилувчи омилдир. Бу омил миллатимиз тараққиёти жараёнида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда уни жиспештирумокда ва умуммақсадлар йўлида ҳаракатга келтирмоқда. Ўз-ўзини англаш миллатимизнинг абадийлигини таъминлашнинг муҳим омилдир.

Ўзбек миллати тараққиётида миллий ўз-ўзини англаш жараёни Россия империяси ўлкамизни босиб олганидан кейин ўз мустақиллигимиз учун курашларда, шўролар тузуми шароитида ўзлигимизни сақлаб қолиш учун бўлган ҳаракатларда намоён бўлиб келди. Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейин миллий ўзлигимизни англаш икки йўналишда: собиқ шўролар даврида топталган урф-одатларимиз, қадр-қимматимиз, қадриятларимизни тиклаш ва маънавий меросимизни ўзлаштиришга бўлган ҳаракатларда ҳамда янги адолатли демократик хуқуқ устуворлигига асосланган жамият қуриш ҳаракатларида намоён бўлмоқда. Миллат сифатида ўз-ўзимизни англашимиз бизни ўзга миллатлардан ажralиб

қолишга олиб келмаяпти, балки ўзлигимизни англаб, миллатимизнинг бошқа миллатлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаб бормоқда.

Мустақиллик шароитида ўзбек халқининг ўз-ўзини англашини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Айни бир вақтда, Ўзбекистонда истиқомат қилиб турган бошқа миллатлар ва элатлар вакиллари ҳам миллий жиҳатдан ўз-ўзини англашлари, бунинг учун эса онг ва ҳаракатлари билан мустақил Ўзбекистон олға сураётган ва барча миллатларнинг эҳтиёж ва талабларига мос тадбирларни қўллаб-куватлашлари зарур.

Миллий ўз-ўзини англаш масаласи фалсафа ва руҳиятшунослик фанида яхши ишланмаган соҳалардан биридир. Чоракам бир аср давомида ҳукмронлик қилган истибодод назарияси ва мафкураси изчиллик билан ўзбек миллатини бошқа миллатлар билан яқинлаштириш ва аста-секин қўшиб юбориши сиёсатини амалга оширди. Бу эса, миллатимизда ўзликни, ўз-ўзини англаш ҳиссини, миллий фуруrimизнинг ўсишини сустлаштириди. Ҳолбуки, тарихий тажриба шуни кўрсатадики, ҳозирги давр, бу — миллатларнинг гуллаб-яшиш даври, демак, уларнинг миллий ўз-ўзини англаш ҳиссининг ўсиш ва мустаҳкамланиш давридир.

ЎЗБЕК ТИЛИ — ўзбекларнинг тили. Бу тилда сўзлашувчиларнинг умумий сони йигирма миллион билан йигирма беш миллион орасида бўлиб, уларнинг асосий қисмини Ўзбекистонда ва унга чегарадош бўлган мустақил давлатларда истиқомат қилиб турган ўзбек тилида сўзлашувчи ва ўзини ўзбек деб билувчи аҳоли ташкил қиласиди.

Ўзбек тили олтой тиллар оиласининг туркий тиллар туркимига киради ва сўзлашувчилар сони жиҳатидан турк тили ва озарбайжон тилидан сўнг учинчи ўринда туради. Ўзбек тили энг қадимий туркий ёзма тиллардан биридир. Ҳозирча ўрганилган манбаларга кўра, у деярли бир ярим минг йиллик тарихга эга. Аммо ўзбек тилининг асл тарихи бундан кўпроқ бўлиб, милоддан аввалги асрлар қаърига тақалади. Бу масалалар назарий ва методологик жиҳатдан ёритилмаган, фактик жиҳатдан ҳам тўла ўрганилмаган. Ўзбек тилининг тари-

хи, умуман, унинг ривожи туркий тиллар тарихининг таркибий қисми эканлиги назарий-методологик жиҳатдан кўриб чиқилмаган. Ўзбек тилининг асрлар давомида форс-тожик тилининг яқин ҳамроҳи бўлганлиги ва бу нарса иккала тилининг бойишига ҳамда ривожланишига ижобий таъсир кўрсатганлиги масалалари ҳам тилшуносларнинг дикқат марказиздан етарли жой олганича йўқ.

Ўзбек тили жаҳондаги энг бой ва ривожланган тиллардан бири. Бу тилининг шаклланишида, айниқса, Алишер Навоийнинг хизмати катта.

Ўзбек тилининг такомиллашиш жараёни тўрт асосий манбанинг иштирокида амалга ошган:

- а) асл туркий тиллар таъсири;
- б) форс-тожик тилининг асрлар давомидаги ҳар томонлама таъсири;

в) араб тилининг ўрта асрлардаги Шарқ фанларининг ва ислом динининг умумий тили сифатидаги таъсири;

г) XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Оврупо тилларининг таъсири. Ана шундай кўптомонлама таъсир, ўзбек тилининг грамматик жиҳатдан мукаммал ва лугавий бой бўлишини, фонетик жиҳатдан хушоҳанг тил сифатида шакллашишини таъмин этди.

Ўзбек тили шеваларга бой тиллардан бири ҳисобланади. Шевалар - умуммиллий тилни бойитишнинг чексиз манбаидир.

Хозирги замон ўзбек тили, асосан, уч кўринишга эга бўлиб, биринчидан, шевалардан, иккинчидан, умуммиллий адабий тилдан ва, учинчидан, уларнинг коришмаси бўлмиш кундалик жонли мулоқот тилидан ташкил топган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, XX асрнинг 30-йилларигача ўзбек тили янги замон ўзбек миллатининг тили сифатида шаклланди, ўз тараққиёт йўлларини аниқлаб, ривожлана бошлади. Афсуски, СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) МКнинг 1938 йил 13 февралдаги «Рус тилини миллий республикаларда мажбуран ўқитиш тўғрисида» қарори чиққандан сўнг собиқ ўзбек мамлакатида кенг миқёсда руслаштириш сиёсати амалга оширилди, ўзбек тили ҳаётнинг асосий соҳаларидан аста-секин сиқиб чиқарила бошлади.

Мустақиллик ўзбек тилини озод ва эркин ривожланишнинг шох кўчасига олиб чиқди. 1989 йилнинг октябрь ойида

ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, шу асосда барча мажлислар, илмий ва амалий анжуманлар, учрашувлар, олий-гоҳлардаги дарслар ва ҳаётнинг бошқа томонларига оид тадбирлар ўзбек тилида ўтказила бошлади, илмий ва илмий-оммабоп адабиёт, асосан, ўзбек тилида чоп этилмоқда. Бу борада ҳали иш кўп ва уларни бажариш, биринчи навбатда, ўзбек миллий зиёлиларининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Ярим асрдан ошиқ (1938-1991) давр ичидаги ўзбек тили мафкуравий, сиёсий, маъмурий жиҳатлардан улкан тазиик остида бўлди. У ўшро жамиятининг ўгай тилларидан бирига айлантирилди. Ўзбекларнинг расмий вазиятларда юртида ўз она тилида сўзлашиши байналмилчилликдан чекиниш деб талқин қилинди. «Ишчилар синфи ўшро жамиятининг асосий ривожлантирувчи инқилобий кучи» дейилди, аммо Ўзбекистонда бу синфнинг кўпчилиги бошқа миллат вакиллари бўлгани сабабли, миллий тилимиз синфий нуқтаи назардан қаровсиз қолди. Ўзбек миллий зиёлиларига миллатчиликнинг ибтидоси, азал манбаи сифатида қаралди, ва шу боисдан, улар мавжуд тузум тазиикидаги асосан рус тилида мулоқот қилишга мажбур этилдилар. Ишчилар синфи ва миллий зиёлилардан миллий тил масаласида етарли мадад ололмаган деҳқонлар (ўзбекларнинг олтмиш фоизи) ўзбек тилида билганларича сўзлашдилар.

Ўзбек тили борасидаги ана шу тарқоқликни бартараф этиш - миллий зиёлиларимизнинг долзарб вазифасидир.

ЎЗБЕКИСТОН — «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» иборалари бир маънога эга. Ўзбекистон - Марказий Осиёнинг ўрта қисмида жойлашган мустақил мамлакат. Шимолий катта қисми мўътадил, жанубий чекка қисми субтропик минтақага мансуб. Иқлими ҳам мўътадил, илиқ, кескин континентал, ҳудуди 447,4 минг кв. км. Аҳолиси 26,0 миллион кишидан ортиқ (2005). Маъмурий жиҳатдан Коракалпогистон Республикаси ва Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Кашқадарё вилоятларидан ва Тошкент шаҳридан иборат маъмурий ҳудудларга бўлинган. Пойтахти - Тошкент шаҳри (аҳолиси 2,5 миллион кишидан зиёд).

Ўзбекистон халқ хўжалигида илғор техника билан қуролланган саноатнинг юздан зиёд тармоқ ва соҳаси мавжуд. Муҳим стратегик хом ашё – пахта ва ундан қайта ишланган маҳсулотларниң экспорти бўйича Марказий Осиёда биринчи ва жаҳонда иккинчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон кўпгина бошқа маҳсулотларни ҳам экспорт қилиш имкониятига эга бўлиб бормоқда. Ўзбек заминининг ҳар бир қаричи олтинга teng. Нодир қазилма бойликларнинг ишга солиниши мамлакатнинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган янги саноат тармоқларини, масалан, автомобилсозликни яратиш имконини бермоқда.

Ҳозирги Ўзбекистон – саноати юксак даражада ривож топган мамлакат. Вазифа бу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, бозор иқтисодиёти шароитларида жаҳон бозорига эркин кириб борадиган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдадир.

Ўзбекистон ўзининг бой ўтмиши, тарихий ва кўхна маданиятига эга.

Ўзбекистон Марказий Осиёда бундан 700-500 минг йил бурун одамзод пайдо бўлган жойлар сирасига киради. Селунгурда топилган «Фарғонтроп» (Фарғона одами) бунга мисол. Милоддан аввалги VII аср – милодий IV асрлар давомида тарихий маданий ўлкалар - Хоразм, Суғд, Бақтрия ва бошқа давлатлар шаклланган. Бу давлатлар ҳарбий-демократик тузилишга эга бўлганлар. Марказий Осиёда саклар, массагетлар, суғдликлар, бақтрияниклар сингари туркий халқларнинг қабила ва қавмлари яшаган. Ўзбекистон ўтмишда Мовароуннахр, Туронзамин, Туркистон номлари билан машҳур бўлиб келган. Буюк Ипак йўлида жойлашган давлатлар Шарқ ва Farb мамлакатларини боғловчи, уларнинг фаол савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорлиги туғиладиган ва уларни ўзаро яқинлаштирувчи кўприк бўлган.

Мустақиллик учун курашган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Торобий каби кўплаб халқ қаҳрамонлари тарихдан маълум.

Ўзбекистон Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий ва Ҳаким ат-Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Замахшарий, Форобий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд,

Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Захириддин Мұхаммад Бобур сингари буюк сиймолар яшаган табаррук заминдер. Булар жағон цивилизациясининг маънавий ва маърифий меросига бебаҳо хисса қўшган буюк алломалардир.

Хусусан, Соҳибқирон Амир Темур Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларининг каттагина қисмини бирлаштириб, ўзаро низо ва тарқоқликка чек қўйиб барпо этган буюк салтанати илм-фан, маданият ва маърифатнинг беҳад равнақини таъминлаган Шарқ Ўйғониш даври макони сифатида тарихга кирди.

Ўзбек халқи 70 йилдан ортиқ ҳукм сурган ва тарих саҳнида ўзини оқлай олмай, оқибатда барбод топган шўролар тизими даврида марказга муте бўлиб яшади, ота-боболари, доно зиёлилари қатагон қилинди, маънавияти, қадрияти депсинди. Ўзбекистоннинг ўз истиқололи ва мустақиллигини қўлга киритиши туфайли бу мудхиш ҳолатга чек қўйилди.

Ҳозирги кунда турли динга мансуб 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бу диёрдан макон топган (уларнинг 75,5 фоизи ўзбеклар, 7 фоизи руслар, 4,2 фоизи тоҷиклар, 4,0 фоизи қозоқлар, 1,7 фоизи қорақалпоклар).

Мустақиллик Ўзбекистоннинг сиёсий тизимида салмоқли ва жиддий ўзгаришларга олиб келди. Мамлакатимиз тарихида биринчи бор, муқобиллик асосида Президент сайланди. Ўзбекистон Республикасининг юксак демократик талаблари га монанд Асосий қонуни - биринчи Конституцияси ва шу асосда кўпдан кўп қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон парламенти - Олий Мажlis илк марта кўпартиявийлик асосида сайланди. Давлат вә жамият ҳаётининг мухим ҳуқуқий пойдевори яратилди.

Энг мухими - Ўзбекистон иқтисодиётида босқичма-босқич туб ислоҳотлар ўтказилмоқда. Президент Ислом Каримов илгари сурган беш тамойилга асосланган иқтисодий сиёсат тадрижий равишда амалга оширилмоқда. Аввало, дехонлар ер билан таъминланди. Мулк муносабатлари чукур ислок қилинди. Инсон маънавияти, юксак ахлоқ ва маданиятимизнинг янги қатламлари очилди, миллий анъаналар тикланди. Маънавий меросимиз дурдоналари она тилимизда ва бошқа тилларда кўплаб нашр этила бошланди.

Ўзбекистон жағон саҳнига чиқди. Ўзбекистон Мустақил-

лигини 170 дан ортиқ давлатлар тан олди, ўнлаб мамлакатлар билан дипломатик алоқа ўрнатилди.

Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Оврупода Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби ўнлаб нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди.

Ўзбекистон ўз давлат рамзлари - байроби, герби, маддияси, пойтахтига эга. Ўзбекистон таркибида суверен Коралпоғистон Республикаси мавжуд.

Эндиликда Ўзбекистон сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги барқарор, суверен, демократик республикадир.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш устувор саналади.

«ЎЗ КЕЛАЖАГИМИЗНИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗ БИЛАН ҚУРМОҚДАМИЗ» — (“Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблар) - Президент Ислом Каримовнинг мустақиллик йилларидағи сиёсий, ғоявий, маънавий, ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ масалалар юзасидан концептуал аҳамиятга эга бўлган мулоҳазалари баён этилган асари. У 1999 йил 2 февралда “Туркистон” газетасида эълон қилинган ва муаллиф асарларининг 7-жилдига киритилган.

Асарда И.А.Каримов мустақил тараққиёт йўли, янги тизимга ўтиш мураккаб жараён эканлигини, демократия ва ривожланган мамлакатлар даражасига бирданига эришиб бўлмаслигини таъкидлайди ва буни истиқлол йиллари берган илк сабоқлар сифатида баҳолайди. Шунинг учун ҳам асарда Ватан, миллат тақдиди ҳал бўладиган қалтис вазијатларда тўғри йўлни танлай олиш учун, аввало, тарихни ва ҳаётнинг аччик-чучугини билиш кераклиги ҳақидаги фикр илгари суриласди. Бунда Амир Темур ҳукмронлик қилган давр ва ундан кейин кечган жараёнлар ёрқин мисол бўла олиши, буюк аждодимиз юксак тараққий топган давлат барпо этгани ва бу мамлакатда «Куч - адолатда» деган бош шиор давлат сиёсатининг, жамият ҳаётининг асоси бўлгани таъкидланади. Бинобарин, «Бу ғоя одамларга куч берган, уларда инсоф-диёнатга, эзгуликка ишонч уйғотган, чунки жамиятда адолат барқарор бўлса, миллат, халқ ҳеч қачон йўлидан

адашмайди, эртами-кечми фаровон турмушга эришади» (Асарлар тўплами, 7-жилд, 294-бет). Бу фикрлар адолат биз кураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор, деган муҳим ҳаётий хуносага олиб келади.

Асарда миллий ғоя халқнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиши ва уни ўзида ифода этиши лозимлиги ҳақидаги фикрлари янада ривожлантирилган. Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг таъкидлашича, «Ҳар қандай халқни - халқ, миллатни - миллат қиласиган, унинг йўли ва мақсадларини аниқравшан, чароғон этадиган мағкура - миллий ғояни шакллантиришнинг асосий шарти - одамларнинг тафаккури, дунёкарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олишадир» (Ўша манба, 298-бет)

Шу муносабат билан, Президентимиз мамлакатимиз мус-тақиилигига хавф солиши мумкин бўлган айрим мағкуравий таҳдидларга ватандошларимиз диққатини қаратади ва бундай таҳдидлар ислом динини сиёсийлаштириш орқали ҳокимиятни қўлга киритишга уриниш, собиқ Иттифоқни қўмсаш, ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил ғайрилмий талқинлар, сиёсий шиорлар билан бизни тарихимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлаётганини чуқур илмий-назарий ҳамда амалий таҳдил этади. Шунингдек, асарда эркин фуқаро - мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини камол топтириш, бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарурлигига чуқур ишонч уйғотиш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўзлаштириб бориш, миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, имон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни сақлаб, юксалтириб боришдек масалалар юзасидан ҳам атрофлича мулоҳазалар билдирилган.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИ — ўзининг узок тарихига эга бўлган миллий давлатчилик шакли. Ўзбекистон худудидаги энг қадимги давлатлар ҳақидаги асосий манбалар - “Авесто” китоби, аҳамонийларнинг миҳхат ёзувлари (Бехистун, Нақши Рустам, Суза, Персепол), юонон-рим тарихчиларининг (Геродот, Генатей, Курций Руф, Ариян, Стра-

бон ва бошқалар) маълумотлари ҳисобланади. Сўнгги йилларда қадимги Бақтрия, Суғдиёна ва Хоразм ҳудудларида олиб борилган археологик тадқиқотлар кўп ҳолларда бу ёзма манбалардаги маълумотларни тасдиқлайди.

Қадимги ўзбек давлатчилигининг пайдо бўлишида 3 та босқични ажратиш мумкин. Биринчи босқич - милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталари - 1500 йилларни, иккинчи босқич - милоддан аввалги IX-VIII асрларни, учинчи босқич - милоддан аввалги VII-VI асрларни (қадимги Бақтрия ва катта Хоразм давлатлари) қамраб олади.

Қадимги Хоразм давлати милоддан аввал VI асрда Амударёning ўрта оқими қисмидан Оролга яқин бўлган ерларда вужудга келган. Бақтрия ва Хоразм давлатининг ҳудудий чегаралари Ўрта Амударё оқимидаги ерлар орқали ўтган. Хоразмнинг йирик сугориш иншоотлари мил.ав. VI-V асрларга оид. Ўлкада бу даврларга оид кўпгина шаҳар ва қишлоқлар харобаларини ўрганиш улар хом ғишт ва пахсадан қурилганини, аҳоли дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганини, шаҳарларда хунармандчилик ривожланганини кўрсатади.

Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида ташкил топган қадимги Суғдиёна давлати жануби-шарқда Бактрия, шимоли-ғарбда Хоразм билан чегарадош бўлган. Сўғдиёнада Афросиёб, Еркўргон, Узунқир каби йирик шаҳар марказлари шаклланган бўлиб, уларда қўшни вилоятлар ва давлатлар билан ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалар ривожланган.

Бу даврда Хоразм ҳудудларида ҳам йирик манзилгоҳлар мавжуд бўлиб, қишлоқларда дехқончилик, шаҳарларда хунармандчилик билан шуғулланилган. Жонбосқалъа, Тупроққалъа кабилар йирик маданий марказ ҳисобланган. Ўзбекистондаги энг қадимги маҳаллий ёзув намуналари ҳам Хоразм ҳудудларидан топилган.

Македониялик Искандар, араб босқини, мўгуллар ва Чор Россияси истилолари даврида миллий давлатчилик анъана-лари хавф остида қолган. Истилочилар уларни йўқотишга жонжаҳдлари билан ҳаракат қилганлар, миллий давлатчилик вужудга келган ва сақланиб қолиши мумкин бўлган кўплаб шаҳарларни вайрон қилганлар. Аммо миллий давлатчилик foяси

халқимиз қалбидан асло ўчмаган, бунёдкор аждодларимиз бу анъаналарни тиклаб, юрт тинчлиги, халқ фаравонлиги учун курашганлар.

ХХ асрнинг охирида юз берган туб ижтимоий ўзгаришлар жараёнида Президент Ислом Каримов раҳбарлигига юртимиз озодликка эришди, ўз миллий давлатини тиклади. Мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда озод ва обод Ватан барпо этиш бу жараённинг асосий тамойилига айланди.

«ЎЗБЕКИСТОН - КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ» —
Ислом Каримов томонидан назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилган бунёдкор ғоя.

Ҳар бир халқнинг инсоният тарихида ўзига хос, ноёб ва бетакрор ўрни бор. Лекин халқнинг буюклик сифати фақат ноёблик, бетакрорлик каби хислатлар билангина белгиланмайди. Давлат ёки миллатнин буюклиги, биринчидан, унинг инсоният илм-фани, адабиёти, санъати, маданияти ривожига кўшган, кўшаётган ва кўшиши мумкин бўлган ҳиссаси, иккинчидан, ижтимоий-иктисодий, сиёсий салоҳияти ва имкониятлари, учинчидан, халқаро муносабатлар, миңтақа ва дунё миқёсидаги ўрни каби бир қатор омиллар билан белгиланади. Шундай экан, юқоридаги ғоя бир томондан, эркин ва фаровон ҳаётни, Ватан озодлиги ва ободлигини таъминлашга, иккинчи томондан, халқимизнинг кишилилк жамияти тараққиётига улуғ ҳисса кўшгани, кўшишга тайёрлигини ва бунга қодир эканини ифодалайди. Энг муҳими, бундай мақсадни кўзлаш учун барча имкониятлар бор ва улар Президентимизнинг асарларида баён этилган. Айниқса «Ўзбекистон XXI асрга интилмокда» асарида келажаги буюк давлат, озод ва обод Ватан барпо этишини иктисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий асослари кўрсатиб берилган. Ижтимоий ривожланишимизнинг беш тамойили, тараққиётнинг ўзбек модели, комил инсонни шакллантириш йўли, кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа соҳалардаги ислоҳот ҳамда ўзгаришлар буюк келажакнинг тамал тошларидир. Шунингдек, халқимизнинг келажак таянадиган ўтмиши, кўп минг йиллик тарихи, илдизлари бақувват бўлган, Амир Темур ва Захириддин Муҳаммад Бобур каби аждодларимиз

асос соглан буюк давлатчилик анъаналари бор. Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек, Алишер Навоий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳовуддин Накшбанд, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий каби алломаларимизнинг улкан мероси бор. Бу мероссиз дунё илм-фани, маърифати, инсоннинг маънавий-рухий изланишларини, умуман олганда, жаҳон маданияти ривожини тасаввур қилиш қийин.

Узоқ вақт истибоддост остида яшаган халқимизнинг кўплаб асл фарзандлари бегуноҳ қурбон бўлди. Тарихимиз саҳифалари кам ўрганилди, буюк сарчашмаларимиздан бебахра бўлиб келдик, кўплаб маданият дурдоналаримиз изсиз йўқолиб кетди. Мустақиллик туфайли ана шундай сиёsat ва амалиёт баражам топиб, унинг иллатлари тутатилди ва тутатилмоқда. Бир сўз билан айтганда, халқимиз яна ўз давлати, эрки ва озодлигига эга бўлди. Шу жихатдан, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деган шиорда, биринчидан, ана шу озодликка ва буюк келажакка интилишимиз теран тарихий илдизларга эгалигига ишора, иккинчидан, уни англаб етиш, онгимизга сингдириш ва кўз қорачигидек асрашга чақириқ, учинчидан, қўлга киритилган мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлашга ва буюк боболаримизга муносиб ворис бўлишига даъват бор. Зеро, озод бўлмаган халқ ҳеч қачон буюк бўлолмайди, мустақиллик эса буюклик йўлида кўйилган биринчи қадамдир. Буларнинг барчаси буюк келажакка бўлган ишончимиз мустаҳкам заминга эгалигининг далолатидир. Демак, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деган ғоя юқоридаги мақсадимизни аниқ ифода этади, эртанги кунимизга ишонч туйфуларини тарбиялашга, мамлакат тараққиёти, истиқлонимиз ва истиқболимиз йўлида мустаҳкам эътиқод ва кучли ирода билан ҳаракат қилишга ундаиди.

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ (Асосий қонуни) — 1992 йилнинг 8 декабрида 12 чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сесиясида қабул қилинган. У 6 бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўзбек халқининг тарихи, маданий мероси, миллий анъаналари, қадриятлари,

азалий удумлари, илдизларига таянилган, жаҳон тажрибаси, умумэтироф этилган ҳалқаро ҳуқуқий нормалар, қоидалар билан ҳамоҳанг тарзда яратилган. Ўзбекистон Конституцияси эркин ва озод шахсни, баркамол инсонни истиқлол гояси асосида камол топтиришнинг, ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг жамият ва шахс, улар орасидаги уйғунлик, мутаносибликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосидир. Конституциянинг моҳияти унинг асосига қўйилган қўйидаги тамойилларда ёрқин намоён бўлади:

1. Давлат суверенитети тамойили. Ҳокимият суверенитети (мустақиллиги), биринчидан, унинг устуворлиги ва мамлакат ичкарисидаги мустақиллигини, иккинчидан, ушбу ҳокимиятнинг ташқи сиёсий фаолиятда, бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда мустақиллигини билдиради.

2. Ҳокимият ҳалқчиллиги тамойили. Ҳалқчил ҳокимият гояси Конституциянинг бутун мазмунига сингдирилган. У бутун ҳокимиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўлалигича ҳалқка тегишли эканлигини, ҳалқ ҳокимиятни ҳам бевосита, ҳам ўзи сайлаган давлат органлари орқали амалга оширишини англатади.

3. Инсон ҳамда фукаро ҳуқук ва эркинликларининг устуворлиги тамойили. Ўзбекистон Конституциявий амалиётида биринчи бор республикамиз ҳар бир фуқаросининг яшаш ҳуқуқи; инсоннинг жисмоний ва маънавий дахлсизлиги; инсоннинг шахсий ҳаёт ҳуқуқи; фикр ва эътиқодлар эркинлиги ҳуқуқи; ахборот олиш ҳуқуқи, айбизилик презумпцияси, суд химояси ҳуқуқи, соғлом атроф-муҳитга эга бўлишдек табиий ва дахлсиз ҳуқуқлари эътироф этилади.

4. Давлат ҳокимиятининг бўлиниш тамойили. Бу тамойил Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг уч тармоғи (конунчилик, ижроия, ва суд ҳокимияти) мавжудлигини, улар ўз вазифаларини мустақил адо этишларини кафолатлайди.

5. Сиёсий ва мафкуравий хилма-хиллик тамойили. У қонун билан тақиқланган ҳолатлардан ташқари ҳар қандай жамоат бирлашмалари фаолиятига рухсат этилишида, «Хеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» лигига намоён бўлади.

6. Демократизм – Ўзбекистон Республикаси янги Конституциясининг асосий тамойилларидан биридир. Конституция-

нинг муқаддимасидаёқ Ўзбекистон халқининг демократия, инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий адолат фояларига содиклиги эълон қилинган. Ўзбекистон Республикасида демократия умум-инсоний принципларга асосланиши, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши кафолатланган.

7. Давлат ва шахснинг ўзаро масъулияти тамойили Конституцияда Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлатнинг бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро боғлиқлари қонуний мустаҳкамланганида ўз ифодасини топган.

Суворен Ўзбекистон Конституцияси – давлатимизнинг Асосий қонуни, миллий истиқлол фояси ва мағкурасининг ҳуқуқий асосидир.

«ЎЗБЕКИСТОН – ЯГОНА ВАТАН» — республикада яшовчи барча миллат, элат, дин вакилларининг Ўзбекистонни ўз ватани сифатида тан олишини англатувчи фоя.

Ўзбекистон мустақиллигининг энг катта ютуқларидан бири юртимизда миллатлараро ва конфэссиялараро тотувликнинг таъминланишидир. Унинг ҳуқуқий асослари Асосий қонуни мустаҳкамланган. Зоро, Конституцияда таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари, ирқий, миллий мансублиги, диний эътиқодидан қатъи назар, teng ҳуқуқлидир. Бугун ягона Ватан – ягона хонадон тушунчаси янгича мазмун касб этмоқда. Барча фуқароларнинг ягона оила, бутун мамлакат тақдири учун жавобгарлик ҳисси ошмоқда.

Албатта, бу борада миллий равнак, ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, тили ва маданиятини такомиллаштириш қонун билан кафолатлангани муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам умумий хонадон тинчлиги, осойишталиги учун масъуллик бурчи, фуқароларнинг юксак даражадаги виждан ва имон ишига айланмоқда. Шахснинг, миллат, элат вакилининг жамият олдидаги бурчи, масъулияти ошмоқда. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир миллат вакили республикамиздаги олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг пировард натижаси - фа-

ровонликдан, осойишталик, тинчлик ва барқарорликдан манфаатдордир. Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги – ҳамма учун муқаддасдир.

Кўпмиллатли мамлакатимиз фуқаролари орасида ҳамжиҳатлик ва биродарлик туйғуларини кучайтириш «Ўзбекистон – ягона Ватан» ғоясининг амалга ошишини таъминлайди.

«ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА» — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистонда XXI аср арафасида рўй берадиган чуқур ижтимоий-иктисодий ва ғоявий-сиёсий ўзгаришларнинг назарий асослари ва амалий дастури баён этилган асарларидан бири бўлиб, у 1999 йил 14 апрелдаги биринчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясига маъруза сифатида ёзилган, муаллиф асарларининг 7-жилдига киритилган.

Ўзбекистон сиёсий қарамлик ва мутелик асоратидан, файриинсоний ғоя ҳукмрон бўлган мустабид тузумдан кутулиб, давлат мустақиллигини кўлга киритди. Мустақиллик туфайли халқимиз асрий орзусига эришди. Шу боис, эндиликда «Ўз ҳаётимизни обод қилиш, халқимиз учун муқаддас бўлган қадриятларга, улкан тарихий меросга таянган, шу билан бирга, умумэътироф этилган демократик тамойил ва меъёрларга риоя қилган ҳолда, мамлакатимизни ўзимиз хоҳлагандек қуриш имконияти туғилди» (Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, 7-жилд, 370-бет).

Ҳаёт иктисодиётни ислоҳ этиш ва жамиятни янгилашнинг «ўзбек модели» – танланган йўл ва тамойилларнинг тўғри эканини кўрсатди. Шунга кўра, И.А.Каримов мазкур асарда XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегиясини, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятнинг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган олти устувор йўналешни белгилаб берди.

Асарда давлат, жамият қурилишини эркинлаштириш, ҳалқилиниши шарт бўлган давлат бошқаруви билан боғлиқ муаммолар мажмуи назарий-амалий жиҳатдан таҳлил этилган. Жўмладан, иктисодий, сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қури-

лишини эркинлаштиришни ўз мохият эътиборига кўра, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосий бўғинига айлантириш лозимлиги таъкидланган.

Асарда жамият маънавиятини янада юксалтириш яна бир устувор йўналиш қилиб белгиланди. Бунда эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи энг долзарб вазифа қилиб кўйилади. «Бошқача айтганда, - дейди И.А.Каримов,- биз ўз ҳақ-хуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаёттан воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак» (Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда, 7-жилд, 381-бет).

Асарда етук, баркамол инсонни тарбиялашда халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, миллий анъаналаримизнинг сақланиши ва мазмунан бойиши, шунингдек, маданият ва санъат, илм-фан, таълим-тарбиянинг ҳар томонлама ривожланиши алоҳида аҳамият касб этиши билан боғлиқ илмий-назарий хуросалар ҳам баён этилган. Мамлакатнинг келажаги қандай кадрлар тайёрлашга боғлиқлиги учинчи устувор йўналиш сифатида белгиланган. Бунда кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг аҳамияти атрофлича таҳлил этилган.

Асарда асосий устувор йўналишлардан бири сифатида халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсишини таъминлаш, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириб бориш қайд этилган.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш бешинчи устувор йўналиш қилиб белгиланган. Шундан келиб чиқкан ҳолда, асарда корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлаш, мамлакатнинг бой табиий ва минерал ҳом-ашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланиш, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаридиган қувватларни барпо этиш билан боғлиқ масалалар назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, жамиятдаги барқарорлик ва тинчликни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамла-

катимиз худудий яхлитлигини таъминлаш вазифаси ҳам яна бир устувор йўналиш сифатида белгиланган. Ана шу вазифалар бажарилган тақдирдагина ҳалқимиз фаровон турмушга, адолатли ҳаётга эришиши, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз муносиб ўрни ва нуфузига зга бўлиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилган. Бу вазифаларни бажариш учун, энг аввало, қонунчилик соҳасидаги камчиликларни бартараф этиш, қонунларнинг мукаммал бўлишига эришиш, энг мухими, қонун асосида яшашни ўрганиш лозим бўлади. Бунда аҳолининг сиёсий маданиятини ошириш, ҳар бир инсон ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис этиши, айниқса, ёшларнинг ҳаётдаги ўрни ва мавқенини янада юксалтириш foят мухим.

Умуман олганда, давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнини эркинлаштириш билан боғлиқ вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-бираидан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат. Шу каби ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш, ҳалқимизнинг тинч ва фаровон турмушини таъминлаш, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллашнинг гарови, кафолати эканлиги асарнинг умумий мундарижаси-ни ташкил этади.

Мазкур дастурий асар Ўзбекистон тараққиётининг XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида стратегик йўналишини, давлат қурилиши ва бошқаруви, жамиятни янгилаш жараёнининг моҳияттан янги босқичини белгилаб берганлиги учун ҳам ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ — миллий байрок, гимн, герб ва миллий валюта.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлганидан сўнг, ҳалқимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари Ўзбекистон Республикасининг янги давлат рамзларида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Президент Ислом Каримов “Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мағкура” асарида уларга қуийдагича таъриф берган “Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадхия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъзозлаш ўзининг қадр-кимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш демакдир”.

Ўзбекистон Конституциясининг 5-моддасида шундай деб ёзилган: “Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари - байроби, герби ва мадхиясига эга”.

Ўзбекистон давлатининг рамзий белгиларидан бири давлат байробидир. “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроби тўғрисида”ги қонун 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясида тасдиқланган. Республикализ Давлат байроби мамлакатимиз ҳудудида илгари мавжуд бўлган ғоят қудратли салтанатлар байробига хос бўлган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда, республиканинг ўзига хос хусусиятларини, халқимизнинг миллий ва маданий соҳалардаги ўзлигини акс эттиради. Байроқдаги ҳаво ранг – зангори осмон ва мусаффо сувнинг, шунингдек, ер ва осмондаги ҳаёт манбаларининг рамзидир. Ҳаво ранг Амир Темур давридаги байроқнинг асосий белгиси бўлган. Оқ ранг тинчлик ва поклик тимсолидир. Ёш мустақил давлат ўз йўлида баланд давонлардан ошиб ўтиши керак. Байробимиздаги оқ ранг йўлимизнинг мусаффо ва чароғон бўлиши учун яхши ният рамзидир. Кизил йўллар – бу ҳар бир тирик жоннинг қон томирларида уриб турган ҳаётий куч, ҳаёт рамзидир. Яшил ранг – табиатнинг тимсоли, гуркираб яшнаётган ҳаёт ва ҳосилдорликнинг рамзидир. Ўзбекистон Республикасининг давлат байроби бизнинг ўтмишими, бугунги кунимиз ва келажагимиз рамзидир.

Ўзбекистон давлатининг рамзий белгиларидан яна бири унинг давлат тамғаси (герби)дир. «Ўзбекистон Республикасининг давлат герби тўғрисида»ги қонун 1992 йил 2 июля қабул қилинган. Гербнинг марказида тасвириланган қанотларини кенг

ёзib турган Хумо қуши баҳт-саодат ва эркесварлик рамзи-дир. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий Хумо қушини бар-ча тирик мавжудотлар ичида энг саҳоватлиси деб тасвирла-ган. Гербнинг юқори қисмида республикамизнинг сабит ва бар-қарорлиги рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирлан-ган. Унинг ичида ярим ой ва беш қиррали юлдуз ифодаланган. Қуёш тасвири давлатимизнинг йўли ҳамиша нурли бўлиши учун билдирилган яхши ният тимсоли. Айни пайтда, у рес-публикализмнинг ноёб табиий иқлим шароитини ҳам кўрсатиб туради. Бошоқлар - ризқ-рўзимиз бўлмиш галланинг тимсо-ли, оппоқ бўлиб очилаётган пахта чаноқлари тасвирланган ғўза шоҳлари серқуёш юртимизнинг донгини бутун дунёга таратган асосий бойлигимиз рамзи. Буғдой бошоқлари ва пах-та чаноқларининг давлат байробига ўхшаган лента билан ўраб қўйилганлиги бу республикада яшаётган халқларнинг яқдил-лиги тимсолидир. Герб рангли тасвирда бўлиб, Хумо қуши кумуш рангда; қуёш, бошоқлар, пахта чаноги ва «Ўзбекистон» деган ёзув тилла рангда; ғўза шоҳлари ва барглари, во-дийлар яшил рангда; чаноқдаги пахта, дарёлар, яримой ва юлдуз оқ рангда; Ўзбекистон Республикасининг давлат бай-роби тасвирланган лента 4 хил рангда берилган.

Ўзбекистон давлатининг рамзий белгиларидан яна бири унинг давлат мадҳиясидир. «Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида»ги Конун 1992 йил 10 декабрда қабул қилинди.

Мадҳия давлат мустақиллигининг тимсоли бўлиб, у Ўзбе-кистон фуқаросида ватанпарварлик туйғуларини уйғотади. Ўз мазмуни ва шакли билан жамиятимизда яшовчи барча мил-латлар ва элатларнинг, ижтимоий гурухлар ва ижтимоий та-бақалар мақсадларини акс эттиради.

Ўзбекистон давлатининг рамзий белгиларидан яна бири унинг миллий валютасидир. Миллий валюта мамлакат ҳуду-дидида барча товар ва хизматлар учун нархларни ифодалаш вазифасини ўтовчи ва қонуний ҳимояланган ягона тўлов во-ситасидир. Ўзбекистонда 1993 йилдан бошлаб, мустақил пул-

кредит сиёсати олиб борила бошланди, яъни ўша йили но-ябрь ойида Ўзбекистон миллий валютасини киритишнинг биринчи босқичи амалга оширилди. Бунда муомалага Россия рубли билан бир қаторда Ўзбекистон сўм-купони ҳам киритилди. Иккинчи босқич 1994 йил июль ойида амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддаси ва «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги Конуннинг 11-моддасига, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 3 сентябрдаги қарорига асосан, 1994 йил 1 июлдан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудида ягона тўлов воситаси сифатида «сўм» муомалага киритилди. Ўзбекистоннинг ўз миллий валютасига эга бўлиши ва «сўм» тизими иқтисоднинг барча соҳаларига киритилиши мустақилликнинг муҳим кўрсатчиларидан биридир.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг давлат рамзлари ўзбек миллий давлатчилигига хос рамзларнинг ижодий кўриниши сифатида миллий онг, миллий фояни шакллантиришда муҳим аҳамият қасб этиб, она Ватанга муҳаббат, Ватан туйфуси ва ватанпарварлик ҳиссиётларини уйфотишда маънавий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

ҲОКИМИЯТ ТАҚСИМЛАНИШИ — 1) давлат тузумини ифодалайдиган ҳуқуқий тушунча; 2) давлат бошқарувини демократик асосда ташкил этиш тамойили; 3) жамиятда инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шарти.

Бу тамойилга амал қилиш демократик ҳуқуқий давлатга хос ҳусусиятдир. У ҳуқуқий давлатни барпо этиш, қонун устуворлиги ва ҳукмронлигини амалга оширишга имкон яратади ҳамда ҳокимиятнинг суиистеъмол қилинишига қонуний тўсик кўяди. Мазкур тамойил мансабдор шахсларни файри-қонуний хатти-ҳаракатлардан тияди, давлат идоралари фаолиятини уйғулаштиришга хизмат қиласди.

XVII асрда инглиз файласуфи Ж.Локк (1632-1704) ва XVIII асрда француз мутафаккири Ш.Л.Монтескье (1689-1755) бу

назарияни асослаб берганлар. Уларнинг фикрича, ҳокимиятнинг қонун чиқариш, ижро этиш, судлов вазифалари бир-биридан мустақил идоралар томонидан амалга оширилади. Ҳокимиятнинг бирон-бир идора ёки якка шахс қўлида тўпланиши халқ манфаатларига путур етказади, унинг суиистеъмол қилинишига сабаб бўлади. Бу тамойил амалга оширилган мамлакатда улар бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини тўлдирувчи умумий тизимни ташкил қиласди.

Ҳокимият тақсимланиши илғор демократик мамлакатлар ҳаётининг таркибий қисмига айланган.

Мамлакатимиз мустақиликка эришганидан кейин бу тамойил учун кенг имконият очилди. Республикашим Конституциясининг 11-моддасига биноан ҳокимиятлар тақсимланиши тамоили амалга оширилади. Қонун чиқариш функциясини - Олий Мажлис, ижро функциясини - Вазирлар Маҳкамаси, суд функциясини - Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди бажаради.

ҚАДРИЯТЛАР — нарса ва воқеалар, жамият, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини ифодалаш учун кўлланиладиган тушунча. қадриятларни Фарбда «Аксиология» фани ўрганади. Бу атама илмий билимлар соҳасига ўтган асрнинг иккинчи ярмида немис аксиологи Э.Гартман ва француз олими П.Лапи томонидан киритилган. Аксиологияни қадриятлар тўгрисидаги фан ёки тўғридан-тўғри «қадриятшунослик» деб аташ ҳам мумкин. Ҳар бир фанга ўз номини берган асосий тушунчалар бўлгани каби «қадрият» тушунчаси ҳам «Қадриятшунослик» атамаси учун шундай асос бўла олади. Фарбда бу атама грекча «ахио» (қадрият) ва «logos» (фан, таълимот) тушунчаларидан ташкил топган.

Қадриятлар ахлоқий қоида ва меъёрлар, идеаллар ва мақсадлардаги баҳолаш мезони ва усусларини ҳам ўзида акс эттиради. Улар ҳалоллик, поклик, ўзаро ёрдам, адолатлилик, ҳақиқатгўйлик, эзгулик, тинчлик, шахс эркинлиги, меҳр-мухаббат, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби фа-

зилатлар, бурч, виждон, ор-номус, маъсулият каби ахлоқий тушунчалар шаклида намоён бўлади. Қадрият ўз табиатига кўра, ижтимоий-тариҳий характерга эга. Ижтимоий таракқиёт жараёнида у ўзгаради ва такомиллашади. Шунинг учун қадрият тўғрисидаги таълимотлар ҳам такомиллашиб, ривожланиб боради.

Қадриятларнинг хилма-хил шакллари бор: моддий ва маънавий, миллий, минтақавий, умумбашарий, жамият ҳаётининг соҳалари бўйича иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий; ижтимоий онг шаклларига мос келадиган ахлоқий, диний, хуқуқий ва бошқалар.

Қадриятлар билишнинг мақсади, уларнинг ҳақиқатга мос келиш даражасини аниқлаш мезони тарзида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Инсон жамиятнинг энг олий қадрияти ҳисобланади. Унинг мавжудлиги, ҳаёти, яшаш тарзи, умрининг мазмуни ниҳоятда муҳим. Инсон ақл-заковати, меҳнати билан пайдо бўлган одат, удум, илмий ёки бадиий асар, кашфиёт ёки буюм вақт ўтса ҳам ўзининг қадр-қиммати билан ижтимоий аҳамият касб этиб, қадриятнинг ажралмас бир қисмига айланади. Улар қадрланадиган нарса ёки обьект сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолади. Масалан, Эйфель минораси ёки Улугбек даврида ишлатилган устурлоб (секстант) буғун бевосита ўз вазифасини бажармайди, аммо тарихий ёдгорлик сифатида ўз аҳамияти ва қадрини сақлаб қолаверади.

Ҳозирги замонда илфор давлатлар ҳаётининг демократик тамойиллари ҳам инсон қадрини нечоғли юксакликка кўтариши билан баҳоланади. Мамлакатимиздаги туб ўзгаришлар, ислохотларнинг моҳияти ҳам ана шу тамойилдан келиб чиқади. Бу тамойилни амалга оширишда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланган янгича дунёқараш, соғлом тафаккурнинг шаклланиши катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қадриятларга эътибор кучайди. Мамлакатимизда умуминсоний қадриятлар-

нинг устуворлиги эътироф этилди, миллий қадриятлар ҳамда шахс манфаатларини умумбашарий талабларга мослаштириш ва уйғуналаштириш асосий вазифага айланди.

ҚАРАМЛИК — мамлакат ва ҳудудларни босиб олиш ёки бошқа хил йўллар билан уларнинг устидан бошқа давлат ва гурухларнинг ҳуқмронлиги ўрнатилиши оқибатида давлат ҳокимиятининг олийлик ва суверенлик белгиларидан маҳрум бўлиши. Қарам давлатлар метрополия давлатларига сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қарамлик занжирлари билан боғланган бўладилар.

Қарамликнинг ҳуқуқий шакллари 2 асосий гурухдан иборат: 1) ҳалқаро-ҳуқуқий боғлиқлик — протекторат (ҳомийлик), васийлик, кондомиум ва мандатли ҳудуд; 2) давлат ҳуқуқий алоқалари.

Биринчи ҳолда қарам давлатлар юридик жиҳатдан метрополиянинг таркибий қисми деб қаралмайди ва улар ўз давлатчилигига эга бўлиши ҳам мумкин.

Қарамликнинг бир кўриниши бўлган «протекторат», яъни ҳомийлик, имзоловчи томонлар учун тенг бўлмаган шартнома асосида ўрнатилади. Унга кўра, ҳомий давлат, ўз қарамоғига олган давлатнинг ташқи сиёсатини белгилаб беради. Қарам давлат, бундай ҳолларда, фақат ташқи муносабатларда қарам бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, одатда ўз ҳомийсидан давлатнинг ички ишлари юзасидан маслаҳатчи-ни ёки агентни ҳам қабул қиласди. Шу тариқа, ҳар қандай мустақилликдан маҳрум бўлади. Масалан, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги билан чор Россияси ўртасида 1873 йилда тузилган «Дўстлик шартномаси»га кўра, бу давлатлар устидан чор ҳукуматининг «ҳомийлиги» ўрнатилди. «Дўстлик шартномаси»га кўра, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўз давлат бошқарув тизимини ўзгаришсиз сақлаб қолдилар Шартномага биноан, Бухоро амирлиги Россия ҳукумати тайинлаган сиёсий агентини қабул қиласди. Хива хонининг фаолияти устидан назорат қилиб бориш, шу мақсадда Россия

томонидан махсус ташкил қилинган Амударё бўлимининг бошлиғига топширилди.

Иккинчи шаклдаги қарамлика эса тобе ҳудудлар, у ёки бу даражада метрополиянинг таркибий қисми, деб ҳисобланади ва бевосита метрополия ҳукумати тайинлайдиган амалдорлар томонидан бошқарилади. Қарам давлатларда ташкил этиладиган сайланадиган органлар қарам ҳудудни бошқаришда фақат маслаҳат овозига эга бўлади. Кўпчилик ҳолларда мустамлакалар ҳеч қандай сайланадиган органларга эга бўлмай, улар марказий ҳукумат кўрсатмаси орқали метрополия амалдорлари томонидан якка ҳолда бошқарилади. Масалан, чор Россияси томонидан 1865—1866 ва ундан кейинги йилларда босиб олинган Туркистон ерлари бевосита Россия давлатининг таркибий қисми деб ҳисобланди. Ўлкани бошқариш Россия императори томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод қилинадиган генерал-губернаторга тегишли эди. Генерал-губернатор ўлкани яккабошчилик асосида бошқарган.

XX аср бошларида ҳам қарамлик муносабатлари, асосан, босиб олиш ва зўравонлик асосида вужудга келган бўлса, ҳозирги даврда бу муносабатларнинг вужудга келиши «маданийлашган» кўринишга эга бўлди. Ривожланган давлатларнинг тараққиётдан орқада қолган мамлакатларга бераётган иқтисодий «ёрдами» оқибатида, иқтисодий қарамлик аста-секинлик билан тўлиқ қарамлика айлана боради, деган хавф бор. Бундай қарамлика тушиб қолмасликнинг йўли — тезроқ бозор иқтисоди муносабатларини ривожлантириб, рақобатбардош маҳсулот билан жаҳон бозорига чиқишидир. Шу йўлдан бораётган Сингапур, Индонезия, Тайвань, Жанубий Корея ва бошқа қатор мамлакатлар ривожланган давлатлар даражасида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, «Шарқ аждахолари» номини олдилар.

Шўролар даврида Ўзбекистон ўз Конституциясида мустақил, суверен давлат деб эълон қилинган бўлса-да, аслида, қарам ҳудуд эди, ҳар бир иқтисодий, сиёсий, маданий-мағ-

куравий масала Марказ томонидан ҳал этилар ёки Марказнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин эди. Марказга қарамлик руҳи, фикр юритиш услуби ва турмуш тарзи кишиларимизнинг онгига чоракам бир аср давомида шўроларнинг изчил тарғиботи ва ташвиқоти натижасида жуда чуқур сингиб кетди. Кишиларимиз онгидаги ва хатти-ҳаракатларидаги қарамлик руҳиятини бартараф этиш жамиятимиз тараққиётининг жиддий вазифаларидан биридир.

ҚУРЬОН (арабча - ўқимоқ, қироат қилмоқ) — ислом динининг муқаддас китоби. Аллоҳ томонидан пайғамбарларга туширилган “Забур”, “Таврот”, “Инжил” каби самовий китоблардан бири. У Мұхаммад алайхиссаломга 23 йил, яъни 13 йил мобайнида Маккада ва 10 йил давомида Мадинада нозил қилинган. Энг биринчи туған оят “Икро бисми роббикалла-зий ҳолақ”, яъни, “Яраттан Парвардигорнинг номи билан ўқи” оядидир. “Оят” сўзи арабчадан таржима қилинганда гап, жумла, “сурा” эса “ҳисса”, “ҳикоя” деган маънони англатади. Ҳар бир оят ёки суранинг тушиш сабаби бор.

Қуръон турли ҳолатларда, турли сабаблар билан нозил қилинган. Пайғамбар алайхиссалом ҳаётлик даврларида Қуръон китоб ҳолига келтирилмаган. У турли қоғоз бўлаклари ва дараҳт пўстлокларига ёзилган ҳолда мавжуд эди. Асосий қисми корилар томонидан ёд олиниб, оғзаки ўқиб юрилар эди. Пайғамбар вафотидан сўнг, унинг йўқолиб кетиш хавфи туғилди. Халифаларнинг учинчиси бўлмиш Усмоннинг халифалик даврида кийик терисига ўйиб ёзилиб, китоб ҳолига келтирилган. У 114 сура ва 6274 оятдан иборат бўлиб, ҳар бир суранинг ўз номи бор. Сураларнинг энг каттаси 286 ояту “Бакара” (“Сигир”) сураси бўлиб, энг кичиги эса 3 ояту “ал-Кавсар”, (“Жаннат булоғи”) сурасидир. Ҳар бир суранинг аввалига “Бисмилахир роҳманир роҳим” – “Раҳмидил ва меҳрибон Аллоҳ номи билан бошлайман” калимаси битилмаган. Сабаби, бу сура ўзидан олдинги “ал-Анфол” (“ўлжалар”) сурасининг бевосита давоми ҳисобланади.

Куръон оялларида баён этилган кўпгина хулосалар бу-
гунги кун учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар инсонларни
ўзаро тинчлик-ҳамжиҳатликда яшашга, адолатпарвар,
ҳақиқатгўй бўлишга чақиради. Барча одамлар миллати, ирқи
ва насабидан қатъи назар Аллоҳ олдида тенг эканликларини
таъкидлаб, бир-бирларини камситиш, бир-бирларига зулм
қилишдан қайтаради.

Лекин узок тарих давомида Куръон оялларида баён қилин-
ган фикрларни турли оқим ва мазҳаб вакиллари турлича тал-
қин этишга ҳаракат қилганлар. Айниқса, кейинги пайтда кўпа-
йиб кетган диний-сиёсий оқимлар улардан гаразли мақсадлар-
да фойдаланишга уринмоқдалар. Бундай шароитда динни унинг
асл манбаларига таяниб ўрганишгина, диний қадриятларни тўғри
талқин қилиш имконини беради. Бу борада «Куръон» ўзининг
аҳамияти, қадр-қимматини сақлаб қолаверади.

ФОЯ — инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимо-
ий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсири ўтказиб,
жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муд-
дао сари етаклайдиган кучли, теран фикр.

Инсон онгининг маҳсули сифатида гоялар тушунча ва фикр-
лар ёрдамида ифода этилади. Аммо ҳар қандай фикр ва қараш
ҳам фоя бўла олмайди. Гоялар, гарчи тафаккурда пайдо бўлса-
да, инсон ва жамият руҳиятига, ҳатто файри шуурий қатлам-
ларга ҳам сингиб боради. Фоя шундай қувватга эгаки, у одамнинг
ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақ-
сад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади.

Турли диний ақидалар, фалсафий таълимотлар, илмий
қарашлар, бадиий асарларнинг негизида муайян гоялар ётади.
Ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг мақсадлари ҳам гоялар-
да акс этади. Фоя комил инсонларнинг иймон-эътиқоди, ду-
нёқараши ўзагини, хаёт мазмунини ташкил этади. Улар эзгу
фоя деб яшайдилар, бу йўлда ҳатто жон фидо қиладилар.
Тарихда ўз жасорати, мардлиги ва қаҳрамонлиги билан из
қолдирган буюк инсонлар, албатта, юксак фоя соҳиблари

бўлганлар. Фоялар жуда қадимий тарихга эга. Маълум маънода инсоният тарихиниоялар тарихи сифатида талқин қилиш мумкин.

Фояларнинг турлари кўп. Факат юксак жозиба кучига эга бўлган, ҳақиқатга яқинояларгина жамиятда кенг тарқалади.

ФОЯВИЙ БЎШЛИҚ — муайян шароитда жамият, ундағи тоифа ва қатламларнинг онгидасодир бўладиганоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолати. Муайян ақидалар, фикр ваоялар замон танқидига учраганда ёки янги пайдобўлган ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан инкор этилганда, давр талабига жавоб берадиганғоя ва мафкура тўла шаклланиб улгурмаган ҳолларда жамиятдаоявий бўшлиқ вужудга келади.

Фоявий бўшлиқнинг юзага келиши чуқур ижтимоий-сиёсий, маънавий психологик шуаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Одатда янгиоялар турличатаъсир кучига эга бўлади. Айрим гурухлар уларни жуда тез қабул қиласди, баъзи тоифаларнинг аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўтириши ва янгиояларни қабул қилиши эса қийин кечади.

Фоявий бўшлиқ пайдобўлишининг яна бир манбаи - жамиятда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги бўлиши ҳам мумкин. Агар давлат ёки миллат, ижтимоий гурух ёхуд қатлам ўз манфаатларини, мақсад-муддаоларини аниқ-равшан ифода этадиган ўзояларини кишилар, айниқса, ёш авлод онгига муентазам сингдирмаса,оявий бўшлиқ пайдобўлади, ишонч-эътиқод сусаяди, мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Фояси йўқ, эътиқоди бўш одамлар эса, таъсиргага тез берилувчан бўлади, ўз йўлини йўқотиб қўяди.

Фоявий бўшлиқ, имонсизлик, манқуртлик жамият учун жиддий хавф солади. Агароявий бўшлиқ пайдобўлса, сўзсиз унинг ўрнини шу ҳалқнинг табиатига бегона турли хил мафкуравий тазииклар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказиши муқаррар. Шунинг учун ўз келажагини ўйлаган ҳар бир давлат ва жамиятоявий бўшлиқ пайдобўлишига

йўл кўймаслик, эскирган ақидалар ва бегона қарашларни инкор этиш билан бирга, илфор фикрлар, улуғвор мақсад ва эзгу орзуларни одамлар онги ва қалбига сингдиришга ҳаракат қиласи.

Миллий истиқлол мафкураси гоявий бўшлиққа йўл кўймайди, маънавий ҳаётни бутун халқ ва ҳар бир фуқаро-нинг манфаатига мос келадиган юксак ва жозибали гоялар билан бойитади. Бу, ўз навбатида, фуқароларда эртанги кунга ишонч ва келажакка умид ҳиссини мустаҳкамлайди.

ФОЯВИЙ ЗАИФЛИК — жамият, давлат ёки халқнинг мафкуравий масалаларда уюшмагани, маънавиятга етарли эътибор бермагани, тарбия соҳасида ўзибўларчиликка йўл қўйилгани натижасида содир бўладиган гоявий ожизлик ҳолати.

Гоявий заифлик халқ оммасининг туб манфаатларини ва кўнглидаги орзу-интилишларини ифода этадиган, уни тараққиёт сари, улкан мақсадлар йўлида жисплаштирадиган ҳаққоний ва жозибали гоянинг, мафкуранинг йўқлиги, ишлаб чиқилмаганлиги натижасида ҳосил бўлади. У кўп ҳолларда маънавий бекарорлик ва парокандаликка олиб келади.

“Гоявий заифлик ва мафкуравий бекарорлик миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказади, унинг тараққиётини орқага суриб юборади. Масалан, Чингизхон босқини, чор истилоси даврларида айрим хукмдорларнинг халқни бирлаштириб, курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлди”

Ўзбекистон халқининг миллий истиқлол мафкураси ҳаётбахш ва адолатли гояларни ўз ичига олади, тушунтириш ва ишонтириш, таълим-тарбия ва маърифат йўли билан, фикрлар ранг-баранглигини сақлаб қолган ҳолда, юксак маънавият ва мафкуравий қатъиятни гоявий заифликка қарши қўяди.

ФОЯВИЙ ЗИДДИЯТ — турли манфаат, мақсад ва интилишларни ифодаловчи гоялар ва уларга таянадиган куч ва

харакатлар ўртасидаги қарама-қарши муносабатни ифодаловчи тушунча. Бундай зиддиятнинг замирида талаб-эҳтиёжлар, мақсад-муддаолар, уларни қондириш усуллари, йўллари ва воситаларининг ҳар жиллиги ётади.

Озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари билан босқинчилик, тажовузкорлик ва мустабидлик ғоялари ўртасидаги кураш бунинг ёрқин мисолидир. “Инсон ва жамият бор экан, эзгу ғояларнинг қарама-қаршиси бўлган зулм ва зўравонлик, қабоҷат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бўлишга уринади. Лекин улар одамзотнинг адолат, тинчлик ва биродарлик, тараққиёт ва фаровонлик ғояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилишини асло тўхтата олмайди”.

Фоявий зиддият ва курашлар тарихини ўрганиш шундан далолат берадики, неча минг йиллар давомида эзгу ва тараққийпарвар ғояларга қарши қурол, куч, макр-хийла ишлатиб келинди, қарам халқларга қуллик психологияси сингдирилди. Босқинчиларнинг динлари, қадриятлари зўрлаб ўтказилди. Эрк ва мустақиллик, адолат ва ҳаққоният ғоялари шафқатсиз равишда бўғиб қўйилди.

Инсоният ўзлигини англай бошлаган ҳозирги замондаги на ғоявий зиддиятларни демократия ва плюрализм тамойили асосида ҳал қилиш имкониятлари очила бошлади. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов томонидан юксак мафкуравий маданиятни мужассам этган ғояга қарши ғоя, фикр-га қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳақидаги тамойил майдонга ташланди.

ФОЯВИЙ МУТААССИБЛИК — тўғри деб ҳисоблаган муйайн фикр, ғоя, ақида ва йўлдан бошқа ҳамма нарсани нотўғри, ёлғон деб билишга, кўр-кўrona инкор этишга асосланган қарашлар ва амалиёт. Турли йўналиш ва эътиқоддаги кишиларга хос бўлса-да, улардаги умумийлик ўзга ғоя ва эътиқодни ёлғон ҳисоблашда, ўз қарашларини мутлақлаштиришда, унга қўшилмайдиганларга қарши фаолият олиб бориш, уларни йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларда яққол кўринади. Урта

асрлардаги инквизиция, баъзи Фарб мамлакатларидағи неофашизм ғоялари тарафдорлари ҳаракатлари ғоявий мутаассибликка мисол бўла олади.

Собиқ иттифоқдаги хукмрон мағкура ҳам ана шундай жиҳатларга эга эди. Унинг фатвоси билан ўзгача фикрлаган кишилар, масалан, жадидлар, маданият ва адабиёт намояндалари қатағон қилинган, ҳатто фаннинг бутун бир соҳалари ривожлана олмаган эди. Генетика, кибернетика, социология, политология, идеология ва шу каби соҳаларга, бу фанлар билан боғлиқ мавзуларни тадқиқ этишга изн берилмагани фикримизга далил бўла олади.

Ғоявий мутаассиблик мусулмонлар орасида ҳам бор. Баъзи мутаассиблар динни худди Пайғамбар алайхиссалом даврларидаги каби ҳолатга келтириш керак, десалар, баъзилари ўрта асрлардаги халифаликни барпо қилиш керак, деган нотўғри қарашда маҳкам турадилар. Натижада, ўз ғояларини амалга оширишга қарши чиққанларни йўқ қилишга уринадилар.

Ғоявий мутаассибликка қарши курашнинг энг асосий йўли маърифат, ҳурфикрлилик бўлиб, унинг асосида одамларнинг қалбларига эзгулик, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, тутувлик тушунчаларини сингдириш ётади.

ФОЯВИЙ ПАРОКАНДАЛИК — жамият, халқ, ижтимоий қатламларнинг ўз мақсадларини аниқ-равshan белгилаб олмагани, орзу-интилишлари ва манбаатларини ифода этадиган мағкура яратмагани сабабли ижтимоий онгда ва маънавий ҳаётда юзага келадиган ғоявий бошбошдоқлик, бекарорлик.

Ғоявий парокандалик одатда муайян сиёсий тизим ўз ҳаётини тугатган бир тузумдан бошқасига ўтилаётган, ижтимоий сиёсий қутблашув ва зиддиятлар кучайган, жамият турли табақаларга бўлиниб, ҳар бир ижтимоий-сиёсий куч ўзининг тор манбаатлари доирасида ўралашиб қолган вазијатларда рўй беради. Бу ҳолат жамиятни янада тарқоқ қилишга, бир-бирига душман тарафларга ажратиб юборишга олиб

келади. Мамлакатда ички зиддиятлар кучайган, қатlam, то-ифа, миллий-этник бирликлар ўртасидаги қarama-қаршилик зўрайган ҳолларда ҳам ана шундай ҳол рўй беради.

Тарихдан маълумки, гоявий парокандалик туфайли давлатлар ва халқлар қaramлика, иқтисодий ва мафкуравий исканжага тушиб қоладилар, таназзул ва тушкунликка йўлиқадилар. Жамиятдаги барча қатlam ва гуруҳларни умумий мақсадлар ва туб манфаатлар йўлида бирлаштирадиган ягона, умумхалқ мафкурасигина гоявий парокандаликка барҳам беради.

ГОЯВИЙ САВОДСИЗЛИК — мафкуравий жиҳатдан етарли билим, малака, кўниммага эга бўлмаган инсонларга хос бўлган хусусият. Гоявий саводсизликнинг асосини мустақил фикрга, событ эътиқодга, мустаҳкам ирова ва дунёқарашга эга бўлмаслик ташкил этади. Бундай киши жамиятда ўз ўрнига, ўзининг аниқ ҳаётий позициясига эга бўлмайди. Натижада у турли заарли гоялар, ёт, бегона мафкуралар таъсирига жуда осон тушиб қолади.

Сўнгги йилларда айрим гоявий саводсиз кишиларнинг турли хил мафкуравий тазииклар туфайли ёт, бегона гоялар таъсирига тушиб қолганлиги кузатилди. Жумладан, дин ниқоби остида омма онгини заҳарлашга, жамиятга моддий ва маънавий зарар етказишга ҳаракат қилинмоқда. Бундай пайтда халқни турли мафкуравий хавф, таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳоли, айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитет хосил қилиш, гоявий саводхонликни ошириш долзарб вазифага айланди.

Президентимиз Ислом Каримов кўп марта таъкидлаганидек, гояга қарши гоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш давр талаби бўлиб қолди. Инсон узлуксиз равишида руҳий, маърифий озуқа олиб турмаса, унинг маънавий қашшоқланиши табиий. Демак, жамиятнинг тараққий этиши учун халқнинг гоявий жиҳатдан саводхонлигини ошириш, бу борада муттасил таълим-тарбия ишларини олиб бориш зарур.

ФОЯВИЙ ТАЖОВУЗ — муайян бир жамият ёки миллат, ижтимоий қатлам ё гуруҳ онги ва руҳиятига ташқаридан ўтказиладиган мафкуравий таъсир, бегона ва ёт мақсад-манфаатларга хизмат қиласидиган фоявий босқинчилик.

Тарихда фоявий тажовуз ҳарбий истило, сиёсий тазиик ва иқтисодий исканжа чоралари билан боғлиқ ҳолда олиб борилган. Ундан босқинчиликни оқлаш, мустамлака ва қарам халқларни мафкуравий асоратда сақлаш мақсадида фойдаланилган. Фоявий тажовузнинг муҳим хусусиятлари - ҳақиқатни сохталаштириш, тарихни одамлар хотирасидан ўчириш, умуминсоний қадриятларни қадрсизлантиришдан иборат. Фоявий тажовуз алдаш ва макр билан ёшлиарни ўз ота-оналарига, жамиятга қарши қўйиш, хиёнат ва сотқинликни фидойилик деб кўрсатиш шаклида ҳам намоён бўлади.

Ҳозирги замонда юз берадиган глобаллашув жараёнлари фоявий тажовузнинг шакллари ва йўналишларига ҳам ўзгартиришлар киритмоқда. Ҳарбий қурол кучи билан ўз ғаразли мақсадларига етишиш имкониятидан маҳрум бўлган экстремист ва террорчи гуруҳлар тобора фоявий тажовуз йўлига ўтмоқда. Унинг янги, янада хавфли усул ва воситаларидан фойдаланмоқда. Бундай тажовузга фақат умуминсоний фоялар ва демократик тамойилларга асосланган соғлом мафкура билан қарши тура олиш мумкинлиги тобора аён бўлиб бормоқда.

ФОЯВИЙ ТУРҒУНЛИК — муайян мафкура тизимидағи такомиллашиш ва янгиланиш жараёнининг тўхтаб, мафкуравий ақидаларнинг реал ҳаёт, амалиётдан узилиб қолиши.

Маълумки, ҳар қандай мафкура муайян ижтимоий қатлам, миллат, давлат, жамиятнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсад-муддаолари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган тизимдир. Жамият тараққий этар экан, бу тизим ҳам такомиллашиб, янгиланиб бориши лозим. Шундагина у ҳаёт талаблари, ижтимоий

тараққиёт қонунларига жавоб берса олади. Акс ҳолда, у янги замон реалликларига мос келмай қолади ва тарих саҳнасидан тушиб кетади. Коммунистик мағкуранинг тақдирин бунга мисол бўла олади.

Демак, мағкуранинг ижтимоий ҳаётдан узилиб қолиши жамият тараққиётига тўсиқ бўлади ҳамда ғоявий турғунлик ҳолатини келтириб чиқаради.

ФОЯВИЙ ҚАРАМЛИК — миллат, жамиятнинг ўз манфаатлари ва мақсадларига мос келмайдиган, унга зид бўлган ғоявий оқимларга боғлиқлиги, ёт ва бегона ғояларга бўйсунини характерловчи ҳолат. Ғоявий қарамлик ғоясизлик, ғоявий бўшлиқ ёҳуд парокандалик оқибатида келиб чиқади. Унинг юзага келишига ташқаридан ўтказиладиган мағкуравий таъсирлар ҳам сабаб бўлади.

Тарихда ғоявий қарамлик асорати, мустамлакага айлантирилган халқларни ўз маданияти, тили ва динидан узоқлашишига, уларни унутишга олиб келган. Вақт ўтиши билан шу халқнинг илгор вакиллари, фидойи фарзандлари, ҳатто ўз жонини қурбон қилиб бўлса-да, озодлик ва мустақиллик учун курашган, қарамликнинг ҳар қандай кўринишига қарши оммани қўзгатган.

Хозирги глобаллашув шароитида ғоявий қарамликка солишнинг турли усуллари қўлланилмоқда, хилма-хил «овоз»лар, оммавий ахборот воситалари, информацион технологиялар ёрдамида мағкуравий тажовузлар уюштирилмоқда. Бундай таҳдид ва таъсирларга фақат кучли ғоя, ўзликни англаш, соғлом мағкурагина қарши тура олади.

Мағкуравий полигонлар ядро полигонларидан хавфлироқ бўлиб бораётган бу вазиятда миллий истиқдол ғояларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш ниҳоятда муҳим. Истиқдол ғояси фуқароларни тафаккур қуллигидан қутқаради, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва фаровон турмушни таъминлашга ёрдам беради, мустаҳкам мағкуравий иммунитет ҳосил қилишга хизмат қиласди.

ФОЯСИЗЛИК — бирор шахс ёки ижтимоий гурухнинг онги ва қалбида муайян мақсад сари етакловчи фикрнинг йўқлиги. Фоясизлик одатда ҳали ўзлигини англаб етмаган, ўз манфаат ва имкониятларини ифода эта олмайдиган, мақсад-муддаолари ва ҳаётий қадриятларини англаб етмаган кишилар ва тоифаларда учрайди.

Ҳаётда юксак гояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган одам фақат табиий эҳтиёжлар доираси билан чегараланиб қолади. Фоясизлик маънавияти тубан, имон-эътиқоди суст, мафкураси бузук кимсаларни юзага келтиради. Ўз ўтмиши ва насл-насабини билмаслик, тарихий хотирани унутиш ҳам гоясизликнинг бир кўринишидир. Бундай кимсалар ўз отонасига қўл кўтариши ҳам, ўз Ватанини сотиши ҳам мумкин.

Фоясизлик ижтимоий хатарли ҳодиса бўлиб, шу жамият ва ҳалиқа ёт бўлган бегона кучлар бундай одамлардан мафкуравий таъсир ва руҳий тазийик орқали ўз фаразли ниятларига етиш мақсадида фойдаланадилар.

Миллий истиқлол мафкураси ўзининг ҳаётбаш гоялари, буюк мақсадлари билан гоясизликнинг ҳар қандай кўринишни инкор этади. У ўз куч-ғайрати, ақл-заковати ва ҳатто ҳаётини юксак гоялар йўлида бахш этишга тайёр комил инсонларни тарбиялашга хизмат қиласиди.

ХУРФИКРЛИЛИК — муайян ақидаларга эътиқод хусусида эркин фикр юритиб, бирон-бир гояни мутлақлаштиришга қарши бўлган, мафкуравий тазийикларни инкор қиласиди ва ҳақиқатни топишда ақлга асосланувчи ижтимоий тафаккур йўналиши. Хурфикрлилик тарихан турли шакллардаги ақидапарастликни танқид қилишда намоён бўлган.

Масалан, антик дунёда коинот ва осмон жисмларининг ўзгармаслиги, Қуёш, Ер, Ой, ўлдузларнинг харакатланмаслиги тўғрисидаги ақидалар мустаҳкам ўрин эгаллар эди. Кейинроқ уларга қарши Птоломейнинг Қуёш ва Ойнинг Ер атрофида айланиши тўғрисидаги гояси пайдо бўлди. Бу ҳолни асос сифатида қабул қилиш натижасида турли ихтиро ва

кашфиётларга интилиш кучайиб, астрономик кузатишлар кўпайди. Улуғбек астрономияси ҳам ана шу фоя асосига қурилган бўлиб, кўплаб кашфиётларга сабаб бўлган эди.

Кейинроқ Ер коинотнинг маркази эканлиги тўғрисидаги фоя ақидага айланди, черков томонидан ҳақиқат деб қабул қилинди ва мутлақлаштирилди. Бу эса кейинчалик астрономияда тескари натижа берди, яъни хурфикрлиликнинг аста-секин кучайишга, янги кашфиётлар қилиниши, Ер эмас, балки Қуёш ўз сайёralари тизимининг маркази эканлиги исботланишига, янги янги сайёralар, коинот сирларининг очилишига олиб келди.

Хурфикрлилик нафақат илмий ва диний, балки ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида хилма-хил тарзда намоён бўлади. Унинг ақидапарастликдан энг асосий фарқи – янгиликка ва тараққиётга интилишидир. Бу хурфикрлиликнинг асосий белгисидир.

ҲАДИС (арабча-гап, сухбат) — Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссаломнинг айтган гаплари ва қўлган ишлари ҳақида сахобалар - Пайғамбарни кўрган кишилар қўлган ривоятлар. Улар одамларни эзгулик, ўзаро ҳамжиҳатлик, биродарлик, адолатпарварлик каби инсоний сифатларга эга бўлишга чорлайди. 14 асрдан зиёд вақт давомида ҳадислар инсонларни жаҳолат ва залолат ботқоғидан ҳидоят ва нажот йўлига даъват этиб келмоқда.

Ҳадислар бир неча турга бўлинади, Пайғамбаримиз баъзи ҳадисларни айтган пайтларида олдиларида биттагина киши бўлган. Ўша киши Расулуллоҳ айтган гапларни бошқаларга етказган. Бундай ҳадисни “Оход”, яъни, “бир киши эшитган ҳадис”, деб номлашади. Баъзи ҳадисларни айтган пайтларида олдиларида кўп кишилар бўлган. Бундай ҳадислар “Мутавотир”, яъни, “кўп кишилар эшитган ҳадис”, деб аталади ва энг ишончли ҳадис саналади.

Ҳадислар Пайғамбаримиз ҳаётлигига ва у киши вафот этган дастлабки йилларда тартибга солинмаган ва китоб ҳолига келтирилмаган эди. Биринчи ҳадислар тўплами Молик ибн

Анаснинг «Муатто», Аш-Шофийнинг «Ар-рисола» ва Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Ал-муснад» асарларидир. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Муслим, Ибн Мажжа каби бир қатор муҳаддис олимлар ҳадисларни текшириб, асл ва саробга ажратиб бердилар. Энг ишонарли ҳадис тўпламлари – «Олти ишончли тўплам»дир. Бу борада буюк бобокалонимиз ал - Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» асари энг мукаммал тўплам хисобланади.

Маълумки, ҳадисларнинг асосий моҳияти эзгу тояларга садоқат, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамкорликка хизмат қилишидир. Улар кишилар қалбида меҳр-мурувват, эзгу тояларга садоқат, ўз юти, ватанига муҳаббат хиссини уйғотади.

ҲИНДУИЙЛИК – ҳиндларнинг брахманизм асосида шаклланган кўп худолик дини. Ҳиндистон аҳолисининг 80 фоиздан кўпроғи шу динга эътиқод қиласиди. У брахманизмни ислоҳ қилиш, унинг маросим ва урф-одатларини давр талабига мослаштириш натижасида вужудга келган.

Брахманизмни ислоҳ қилиш кишиларнинг эътиборини ўзига тортадиган, буддавийлик дини ибодатхоналаридан ҳам улканроқ ибодатхоналар қуриш билан бошланган эди. Шундан сўнг одамлар диний маросимларни бевосита ўзлари ана шундай ибодатхоналарда бажо келтирадиган бўлди. Бундан ташқари, авваллари худолар самовий тарзда акс эттирилган бўлса, ислоҳот туфайли улар одамларга ўхшатиб тасвиirlа-надиган ва ибодатхоналарга қўйиладиган бўлди. Одамлар энди бевосита худолар билан «мулоқот» қила оладиган бўлишган. Шундай қилиб, ҳиндуийлик милоднинг биринчи минг йиллиги бошларида вужудга келиб, орадан 500 йил ўтгач, давлат динига айланиб, Ҳиндистонда ҳукмрон мавқени эгаллаган.

Бу диннинг пайдо бўлиши бирор конкрет асосчининг номи билан боғланмайди. Унинг ақидавий таълимоти ва маросимлари «Муқаддас китоб»- «Веда»да ўз аксини топган.

Бу дин буддавийликка қарама-қарши ўлароқ, қадимги Ҳиндистоннинг ижтимоий ҳаётига хос бўлган табақаланиш

тизимини — кастачиликни мустаҳкамлаган. Унга кўра ҳиндлар: брахманлар (руҳонийлар), кшатрийлар (жангчилар), вайшийлар (савдогар, дехқон ва ҳунармандлар) ва шудрийлар (паст табакалар) каби 4 кастага бўлинади. Ҳиндуийлик ақидаларига кўра одамзод яратилишидаёқ бирор кастага оид, ижтимоий жиҳатдан тенгсиз яратилган. Шунинг учун бу тенгсизликни реал ҳаётда тугатишнинг иложи йўқ, унга таъсир этишга ҳеч қандай куч қодир эмас. Инсон руҳи абадий, у ўлган жасаддан янги туғилган инсон танасига кўчиб юради. Ниҳоят, инсон ўз ҳаётида нимаики ёмонлик қилса, оқибатсиз қолмайди, унинг жазосини нариги дунёда тортади. Ҳиндуийлик таълимоти бўйича одамларнинг ҳаётдаги мақсади тўртта: 1) дхарма - диний, оиласвий ва ижтимоий ишларни адо этиш; 2) артқа - моддий бойликлар топиш ва ундан тўғри фойдаланиш; 3) кама- ҳаётий интилишлар; 4) мокша - қайта туғилиш занжиридан халос бўлиш.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — умумий маданиятнинг муҳим қисми бўлиб, қуйидаги асосий таркибий қисмларни ўз ичига олади.

1. Давлат томонидан халқ ва жамоат бирлашмалари нуқтаи назарларини ҳам ифодаловчи ҳуқуқий сиёsatнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши. Бу сиёsat даврнинг руҳини ҳуқуқда ифодалаши лозим. Масалан, мустақиллик ва бозор муносабатлари билан боғлиқ масалалар ва вазифалар ҳуқуқий сиёsatдаги бош йўналишлардандир;

2. Юксак даражада ривожланган юридик фанларнинг мавжудлиги ҳуқуқий маданиятнинг муҳим қисмидир;

3. Кенг ва фаол ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг бир қисми бўлиб, у давлат ва ҳуқуқий воқеликлар ҳақидаги ғоялар, қарашлар, ҳис-туйгулар, фикрлар, кайфиятлар тизимиdir. Ҳуқуқий онга ҳуқуқий руҳият ва ҳуқуқий мафкура жиддий ўрин тутади;

4. Ҳуқуқий маданият — бу инсонларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиш даражасидир;

5. Илгари эришилган ва тўпланган барча хукукий тажриба, хукукий ёдгорликлар ва уларнинг оммага тарқатилиши хукукий маданиятта киради;

6. Амалдаги меъёрий хукукий хужжатлар: Конституция, конунлар, кодекслар, фармонлар, карорлар ва бошқа хукукий манбалар хукукий маданиятнинг асосини ташкил этади;

7. Хукуқ ижодкорлиги маданияти, хукуқ меъёрларини яратиш масаласи, юридик техника даражаси, масалан, депутатлар ва аппарат хизматчиларининг хукукий билимлари, дунёқараши, хукукка ёндашуви қанчалик юқори ва холисона бўлса, хукукий маданият ҳам шунчалик юксак бўлади;

8. Хукуқни амалга ошириш ишларининг ташкил этилиши қанчалик юқори бўлса, у хукукий маданиятга ҳам ўз ижодий таъсирини кўрсатади ва аксинча;

9. Хукукий маданиятнинг яна бир қисми — хукуқни амалга оширувчи давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг хукуқ меъёрлари талаблари даражасида ҳамда доирасида ўз хукуки, бурчларини бажариши, уларни англаб олишидир;

10. Мамлакатнинг давлат ва жамият ҳаётидаги қонунчилик даражаси, ҳамманинг қонун ва суд олдида тенглиги хукукий маданиятнинг ажралмас қисмидир.

Хукукий маданиятни мунтазам бойитиб бориш учун изчил хукукий тарбия ишларини олиб бориш лозим. Бу йўналишида қуидагилар ўта муҳим аҳамият касб этади: юксак малакали суд-адлия кадрларини тайёрлаб бориш; барча ўқув юртларида, мактабларда хукуқ ҳақидаги билимларни ўргатиш-ўрганиш, мазкур фанлардан имтиҳонлар жорий этиш, радио, телевидение, вакъти матбуотда хукукий билимларни кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш; аҳолининг, мустақил равишда, хукукий билимларни ўрганиш мақсадида қонун ҳужжатларини мунтазам чоп этиб бориш; суд, прокуратура, милиция органларининг иш тажрибасини оммалаштириб бориш; адлия ва хукуқшунослик фанларини ривожлантириш, ошкораликни таъминлаш; бошқа давлатларнинг хукукий тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш; бадиий адабиётда, санъатда хукукий билимларни тарқатиш;

хуқуқий хулқни рағбатлантириш. Ҳуллас, хуқуқий маданият инсон маданиятининг муҳим қисми, унинг билан ўзаро боғлиқдир.

Хуқуқий маданият тарихан аста-секин шаклланган ижтимоий воқеа бўлиб, ҳозирги даврда илгор хуқукий давлатларнинг ва уларнинг фуқароларининг зарурый хислати ва тараққиёт омилига айланди. Илгор мамлакатлар бу борада сезиларли ютуқларга эришдилар ва уларнинг ҳар бир фуқароси ҳар бир масалада қонунларга суюниб иш олиб боради, ўз ҳақ ва ҳуқуқлари давлат ёки айрим шахслар томонидан бузилган тақдирда, уларнинг даражаси ва мавқеидан қатъи назар, суд орқали адолатли ечимга эришади.

МУНДАРИЖА

I қисм. ТАРГИБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Миллий истиқлол ғояси фанининг ижтимоий-сиёсий фанлар тизимида тутган ўрни ва аҳамияти.....	5
Ўқитиши самарадорлигига эришишнинг асосий масалалари.....	7
Миллий истиқлол ғоясининг эътиқодга айланишида фалсафа ва умумгуманитар фанларнинг ўрни.....	9
Ижтимоий-иктисодий фанларнинг ғоявий салоҳиятидан фойдаланиш зарурати.....	15
Истиқлол ғоясини ўзлаштириш мониторинги мезонлари тўғрисида.....	17
Олий таълим тизимида ўқитиши технологияси: мазмун-моҳияти, тузилмаси ва таснифи.....	19
Миллий истиқлол ғояси фанини педагогик технология асосида ўқитиши назарияси.....	32
Миллий истиқлол ғояси фанини ўқитишка дидақтик жараён лойиҳасининг интерфаол усуллари.....	43

“Миллий истиқлол ғояси” фани мавзуларини технологиялаштиришда интерфаол усуллардан фойдаланиш мезонлари.....	60
“Миллий истиқлол ғояси” мавзуларига оид таълим технологиялари.....	68
II қисм. АТАМАЛАР ЛУФАТИ.....	83

Китоб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият қурилиши академияси ва Ўзбекистон
файласуфлари миллый жамияти мутахассислари
томонидан тайёрланди

Муаллифлар жамоаси:

Таҳрир гурӯҳи: Қ.Назаров (тузувчи ва масъул), А.Холбеков,
Б.Умаров, М.Куронов, М.Қаршибоев

Ижодий гурӯҳ: Д.Бозоров, Б.Валиев, Ф.Жўракулов,
Б.Исоқов, З.Исломов, М.Лапасов, И.Мирзиётов, А.Мўминов,
Ҳ.Назиров, Д. Олим, М.Ортиқов, М.Бекмуродов, А.Очилдиев,
М.Раҳматуллаев, Р.Реймбоев, Н.Сайдаҳмедов, А.Ташанов,
М.Усмонов, О.Юсупов, Ҳ.Худойбердиев, Н.Шермуҳамедова,
И.Эргашев, А.Ўтамуродов, Н.Кувватов, А.Ҳасанов, А.Фаниев

МИЛЛИЙ ФОЯ: ТАРРИБОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА АТАМАЛАР ЛУФАТИ

Akademiya
Тошкент 2007

Муҳаррир Б. Умаров
Мусаҳихлар Г.Абдуллаева, М.Абдуллаева,
М.Умирова, Т.Соатова
Рассом Р.Султонов
Техник муҳаррир Н.Курбонова

Теришга берилди 15.03.07. Босишга рухсат этилди 21.05.07.
Бичими 60x90^{1/16}. Офсет босма. Шартли босма табоби 22.0.
Нашриёт ҳисоб табоби 22.0. Адади 1000.

Баҳоси шартнома асосида.

№ 32 буюртма.

Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигининг «O'qituvchi»
нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Тошкент, Юнусобод, Муродов кўчаси, 1-уй. 2007 й.